

23.5(51рн)

Ойдин ТУРДИЕВА

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН  
ЭРОН ҲИКОЯЧИЛИГИ**

**Ойдин ТУРДИЕВА**

# **ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЭРОН ҲИКОЯЧИЛИГИ**

**МОНОГРАФИЯ**

**“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2015**

УЎК: 82.0 (55)

КБК: 83.3 (5)

Т-88

**Тақризчилар:**

*ф.ф.н. У. Ҳамдам*

*ф.ф.н., доц. С. Сотиболовиева*

## **Т-88      Турдиева Ойдин**

Хозирги замон эрон ҳикоячилиги: Монография. О.Турдиева. – Т.: “Sharq”, 2015. – 200 б.

Мазкур монографияда ўзбек эроншунослигига замонавий ҳикоянинг вужудга келиши ва шаклланиш омиллари илк бор комплекс кўринишда тадқиқ қилинган. XX аср сўнгги чорагидан бошлиб ҳозирги кунгача бўлган давр ҳикоянавислигини ўз ичига олган мазкур монографияда бу даврда яшаб ижод этган ва этаётган ёзувчилар, яратилган ҳикоялар, ҳикоя жанрининг турлари, адабий жараёнлардаги ўзгаришлар акс этган бўлиб, йигирмадан ортиқ ҳозирги замон Эрон ёзувчилари ҳикояларида анъана ва новаторлик масаласи, ижодий таъсир масалалари аниқланган. Эрон ҳикоянавислигига муҳожирлик адабиётининг ўрни ҳам илк бор тадқиқ қилинган. Ушбу монография Ф-1-139 Шарқ мамлакатлари адабиёти ва жанрлар типологияси гранти доирасида бижарилди.

**ISBN 978-9943-26-423-6**

**УЎК: 82.0 (55)**

**КБК: 83.3 (5)**

Ушбу монографияда XX аср охири ва XXI аср бошидаги Эрон ҳикоячилиги, умуман бу адабиётнинг замонавий наср тараққиёти, янги изланишлар, ижтимоий воқеаларнинг Эрон адаб ва адабалари ижодига таъсири тадқиқ қилинган.

Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгашининг 2015 йил 2 июлдаги 11-сонли мажлисида нашрға тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-26-423-6**

© Турдиева Ойдин

© “Sharq” напринт-матбва акциядорлик компанияси  
Бош таҳтирияти, 2015

## КИРИШ

Инсоннинг маънавий оламини кашф этадиган қудратли восита бу бадиий адабиётдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганлариdek: “Адабиёт масаласи – бу маънавият масала-сиdir<sup>1</sup>... Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармокда. Бугунги мурakkab ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қаҷонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”<sup>2</sup>.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўтган йиллар мобайнида адабиёт ва адабиёт фанлари, шу жумладан, адабий шарқшуносликка эътибор янада ошди. “Биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак. Бошқа соҳалар катори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур.”<sup>3</sup> Президентимизнинг бу фикрларини шарқшунослик соҳасидаги тадқиқотларга ҳам тўлиқ татбиқ этиш мумкин.

Ҳар бир миллат бадиий адабиёти ривожида муайян босқичлардан ўтади, мазмунан ва шаклан ўзгаради, ғоявий йўналишлар янги мазмун касб этади ва билъакс мазмунларда бадиий инъико-сини топади. Ана шу жараёнларнинг ортида бадиий истеъодд эгаси, ижодкор, адаб, сўз устаси шахси туриб, унинг тафаккури, дунёқараши, изтироблари ва ҳис-туйғулари бирлашиб, ҳамнафас бўлиб, янги йўналишлар ва оқимларни барпо этади, янги адабий муҳитни яратади ва янги ижод намуналарини дунёга келтиради.

Форс адабиёти жаҳон адабиёти ва маданияти силсиласида муҳим ўрин эгаллаган адабиётлардан бири эканлиги барчага маълум. Ўзининг кўп қиррали, такрорланмас ижоди билан инсоният-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т., 2009. 23-б.

<sup>2</sup> Шу асар, 11-б.

<sup>3</sup> Шу асар, 32-б.

ни тўлқинлантирган, долзарб маънавий муаммолар талқинига багишланган юксак асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига, адабий-бадиий тафаккури ривожига улкан ҳисса кўшган адиллар Эрон заминида кўплаб етишиб чиққанлар. Нафақат форс адабиёти, балки жаҳон адабиёти тарихида ўчмас из қолдирган буюк шахслар Абулқосим Фирдавсий, Носир Хусрав, Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, ирфон оламининг улуғ намояндлари, шоир ва мутафаккир Санойй, Фаридиддин Аттор ва Мавлоно Румий каби буюк сўз усталарининг асарлари ўз ўқувчилиарининг маънавий эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, улар учун ишончли гоявий, маданий ва фалсафий таянч ролини ҳам ўйнаган. Форс мумтоз адабиётининг жаҳон адабиёти хазинасига кўшган ҳиссасини гарб адабиётининг ўз фалсафий-эстетик гояларини ифодалашда, асрлар оша шарқ шеърияти образларидан фойдаланиб келганлигига ҳам кўришимиз мумкин. Ўзини Ҳофизнинг шогирди деб атаган буюк немис файласуфи ва шоири Гётенинг “Фарбу Шарқ девони”, машхурлиги жиҳатидан фақат Инжил ва Шекспир асарларидан кейинги ўринларда турувчи Умар Хайёмнинг Фицжеральд томонидан қилинган таржималари европаликлар онг-у шуурида ўчмас из қолдирди.

Буюк ва азим ўтмишга эга бўлган, шундай буюк сиймоларни умумбашарият тамаддунига тақдим этган форс адабиёти янги даврда ҳам ўзининг бир асрдан кўпроқ замонавий тарихига эга бўлиб, жаҳон адабий жараёнларида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Адабиётнинг янги шаклларини ўзлаштириб, жаҳон адабиётидаги ўз ўрнини англаб, дунёга бугунги кун огоҳ инсони назари билан қараб, унинг тилида сўзлаб, шу билан бирга, анъаналар билан боғлиқ алоқадорликда ижод этган Мушфик Козимиј, Мухаммад Али Жамолзода, Содик Ҳидоят, Бўзўрг Алавий, Содик Чубак каби аждодларга муносиб авлод бўлишга интилган адиллар авлоди пайдо бўлди. Шу жумладан Эрон ҳикоянавислиги ўз шаклланиши ва тараккиётида турли бадиий босқичлардан ўтиб, бу жараёнларда турли хусусиятлари орқали намоён бўлди. Унинг намояндлари ўз халки ҳаётини дикқат билан кузатиб асарларида унинг кўп киррали жиҳатларини бадиий инъикосини мужассамлаштириди.

Замонавий эрон ҳикоянавислиги генезисида халқ оғзаки ижоди, қадимги ва мумтоз форс адабий анъаналари бойлиги билан Европа, араб ва бошқа адабиёти ривожланган минтақалар

ютуқлари уйғунлашган. Юз йилга яқин муддат мобайнида эрон ҳикоянавислиги катта йўлни босиб ўтди. Шарқ ҳикоянавислиги тарихини ҳамда назариясини бойитган бебаҳо асарлар яратилди. Муҳаммад Али Жамолзода, Содик Ҳидоят, Бўзўрг Алавий, Содик Чубак, Жалол Оле-Аҳмад, Иброҳим Гулистон, Аҳмад Махмуд, Гуломхусайн Соъзий, Исмоил Фасиҳ, Жамол Мирсадикӣлар-нинг ҳикоялари эрон адабиётини бойитган нодир асарлар қаторига киради. Эрон ҳикоянавислигининг бу каби йирик намояндалари асарлари инглиз, француз, немис, испан, рус, ўзбек ва жаҳоннинг бошқа тилларига таржима қилинган, ижодлари шарқшунослар томонидан ўрганилган, ҳатто шарқ адабиёти тарихи дарсликларида ҳам ўз ўрнини топган.

Бироқ бу ёзувчиларнинг асарлари XX асрнинг 80-йилларигача бўлган давр эрон адабиётига тегишли бўлиб, бу даврдан кейинги, яъни Эронда туб инқилобий ўзгаришлардан кейинги давр адабиёти, хусусан ҳикоянавислиги кам ўрганилган, монографик планда маҳсус тадқиқ этилмаган ва шу давр ҳикоянавислиги борасида маҳсус илмий рисолалар ҳам яратилмаган. XX асрнинг сўнгги чораги ва XXI аср бошидаги эрон ҳикоянавислиги охирги пайтгача китобхонларга мутлақо номаътум бўлиб келди. Ваҳоланки, 1979 йилги инқилоб асрлар мобайнида давом этган шоҳ ҳукмронлигига якун ясад, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётida чуқур ўзгаришлар содир бўлганлиги кузатилади. Бу ўзгаришлар Эрондаги адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бир томондан бу ўзгаришлар инқилобдан кейинги дастлабки йилларда маданий-маънавий ҳаётни исломлаштириш тамойили кучайганида намоён бўлса, сўнгги ўн йилликларда адиблар ижодида бу босимдан чиқиб янги мавзулар, шаклий-услубий изланишлар, воқеликни янгича тасвирлашга интилиш тамойиллари кучайганлиги эътироф этилади. Эрон жамиятини ҳар томонлама исломлаштиришга қаратилган ҳаракатлар босими қанчалик кучли бўлмасин, қадимги, ҳатто ўрта асрларга хос анъаналарни тикишга ҳар қанча ҳаракат килинмасин, Эрон жамияти тўла ёпик исломий жамиятга айланмади ва маданий ўзгаришлардан бехабар қолмади. Адабиётда, хусусан ҳикоянавислиқда жаҳон адабий жараёнларининг форс адабиётига хос янги бадиий тамойиллари намоён бўлди. Эрон ҳикоясига янги мавзулар, янги талқинлар, воқеликни тасвир этишда психологиязм, модернистик усууллар, мифлаштириш ва бошқа услубий

воситалар кириб келди. Ҳикоянвисликда аёл адibalар ижоди, болалар мавзуси ривожланди.

Мана шу ўтган давр мобайнода эрон насри сифати билан ҳам, микдори билан ҳам ўзгарди. Бу давр ҳикоянавислиги ўзига хос хусусиятларга, тамойилларга эга бўлиб катта илмий ва инсоний қизиқиши ўйготади. Ҳикоянавислар Фаридун Амузода Халилий, Розия Тужжор, Муҳаммадризо Байрамий, Важихе Али Акбари Сомоний, Зўйо Пирзод каби янги авлод адibalари пайдо бўлди. Бу каби таникли эрон ҳикоянавислари ижодида даврнинг энг муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший, ахлоқий муаммолари ўзининг теран фалсафий, бадиий ифодасини топганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Лекин бу ўзгаришлар қандай рўй берганлиги, асл моҳияти, нималарда намоён бўлганлиги ҳали шарқшуносликда, шу жумладан, ўзбек шарқшунослигига ҳанузгача тадқиқ этилмаган ва мазкур муҳим босқич эрон адабиётшунослигининг кун тартибида турибди. Ўз замони, ҳалқи, ватанининг вакили бўлган замонавий эрон ёзувчилари ҳикояларининг ўрганилиши эрон ҳалқининг ижтимоий-маънавий ва маданий хаёти билан яқиндан танишиш имконини беради ва ушбу ишнинг долзарблигини оширади. Шунингдек, монографик тадқиқотнинг бир қисмида эрон адабиётига турли йўналишларнинг таъсири масалалари ҳам маҳсус таҳлилга тортилиши ҳамда жаҳон адабиётидаги адабий жараёнларнинг эрон ҳикоянавислигидаги ўзига хос хусусиятлари билан инъикос топилишини кузатиш шарқшуносликнинг долзарб масалалари қаторига киради.

Шунинг билан бирга ҳозирги замон форс ҳикояларига илмий ёндашиб, уларнинг таснифи ва таҳлили орқали типологиясини ишлаб чиқиб, тадқиқот олиб боришга эҳтиёж пайдо бўлди. Бу ишларсиз эрон ҳикоясининг, умуман адабиётининг кўриниш манзараси тўла бўлмайди.

Мазкур монография ҳозирги замон эрон ҳикоячилигидаги умумий аҳвол ҳакида маълумот бериш, Эронда XX асрнинг 80-йиллари – XXI аср бошларида ҳикоянависликнинг ривожланиш тамойилларини, ҳикоячиликда адабий йўналишлар, метод, жанр турланиши ва индивидуаллик масаласини таҳлил этиш, ўз услуги, тасвир усули, қамраб олинган мавзулар кўлами билан алоҳида овозга эга бўлган ҳикоянавис адibalар ҳикояларининг бадиий таҳлилини амалга ошириш каби масалаларни ёритишни мақсад килиб кўйган.

Жумладан, монографияда ўзбек эроншунослигига илк бор замонавий ҳикоянинг вужудга келиши ва шаклланиш омилларини комплекс қўринишда тадқиқ қилишга; эрон ҳикоянавислигига воқеликни тасвир этишининг энг муҳим ва долзарб хисобланган реалистик ёки модернистик магистрал йўналишлардаги бадиий методларининг алоҳида ёзувчилар ижодида инъикос этиш ҳолатларини ҳамда XX аср 80-йилларига оид эрон ҳикоянавислигининг тараққиёт тамоилиларини аниқлашга; эрон адабиёти тарихини XX аср охири – XXI аср боши ҳикоянавислигига оид янги маълумотлар билан бойитишга, ўрганилаётган давр ҳикоянавислигининг ўзига хос хусусиятлари, уларда илгари сурилган ғоялар, мавзулар кўлами, сюжет ва композицион қурилиши, давр ёзувчиларининг бадиий маҳоратига тааллукли масалаларни илк монографик тадқиқот сифатида кўтаришга; йигирмадан ортиқ замонавий ёзувчилар ҳикояларида анъана ва новаторлик масаласи ҳамда уларнинг олдинги босқичларда ёзилган ҳикоялар анъаналарига ўхшаш ҳамда фарқли томонлари, ижодий таъсир масалаларини аниқлашга; эрон адабиётida замонавий ёзувчилар ҳикояларининг ижтимоий таъсир кучи, миллий адабий жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти ҳамда замонавий эрон ёзувчилари ҳикояларининг ушбу масалаларни ечишдаги бадиий талқинини ёритишга имкон қадар интилдик.

Монографияда ҳозирги замон ёзувчилари ҳикояларини тахлили орқали адибларнинг оламни бадиий идрок этиш, англаш, тушунтириш ва тасвирлашдаги фалсафий қарашлари ёритилди. Шу масала асосида алоҳида хулосалар чиқарилди. Амузода Халилий, Розия Тужжор, Мухаммадизо Байрамий, Важиҳе Сомоний, Мухаммадизо Саршор, Мухсин Парвиз, Хусрав Бобохоний, Аҳмад Ғуломий, Зўйо Пирзод каби кўплаб адиблар адабиёт оламига XX аср 80-йилларининг бошларида кириб келган ва ҳозирда эрон ҳикоянавислиги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган ёзувчилардандир. Бу ёзувчиларнинг ҳикоялари илк бор маҳсус тахлилга тортилиб уларнинг ёзиш услублари замонавий методлар асосида очиб беришга харакат қилинди.

XX аср охири ва XXI аср боши эрон ҳикоянавислигига бир томондан аёллар ижоди юксалиши билан, иккинчи томондан ҳикоялarda аёл образини талқин этишда жиддий ўзгаришлар кузатилиши сабаб бу масалаларга алоҳида эътибор берилди. Шунингдек ҳозирги замон Эрон ҳикоянавислигига Эрон адабиётининг

ажралмас қисми ҳисобланган мұхожирикдаги форс адабиётининг ўрни ва болалар мавзусида ёзилған хикояларнинг образлар тизими ҳамда тарбиявий-маърифий мөһияти илк бор таҳлилга тортилди.

Мазкур монографиянинг майдонга келишида берган масла-хатлари ва күрсатған ёрдамлари учун устозларим филология фанлари доктори, профессор А.М.Маннонов, филология фанлари доктори, профессор М.Имомназаров, филология фанлари доктори, профессор А.Қуранбеков, филология фанлари доктори, профессор Р.Иномхұжаев, филология фанлари номзоди, доцент Г.Рихсиева, хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси мудири У.Мухибовага ҳамда ҳозирги замон зeron адабиёти оламига олиб кирған ва унға меҳр уйготған устозим филология фанлари номзоди, доцент С.Сотиболдиевага чукур миннатдор-чилигимни изҳор этаман.

## **І БОБ. ФОРС АДАБИЁТИДА ҲИКОЯ ЖАНРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА ДАВРИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

### **1.1. Эронда янги ҳикоя жанрининг вужудга келиши ва шаклланиш омиллари**

Эронда ҳикоянавислик тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. “Ҳозирги замон форс ҳикоянавислиги деярли юз йиллик тарихга эга бўлган тарақкиёт йўлини босиб ўтган бўлса-да, илк насрый асарлар бундан анча илгари юзага келган.”<sup>4</sup>

Албатта, ислом дини ёйилгунга қадар минтақа маънавияти ривожидаги асосий босқичлар ва уларда Эроний тилларда яратилган асосий адабий манбалар мавжуд бўлган. Бу ҳақида профессор Муҳаммаджон Имомназаров ўзининг “Х–XV асрлар. Форс мумтоз шеърияти (Даврлаштириш муаммолари. Адабиётнинг мустақил маънавий моҳиятининг шаклланиши)” монографиясида батафсил тўхталиб ўтган<sup>5</sup>. Аммо замонавий форс ҳикоясининг негизлари ўрта асрларга бориб тақалади. Форс бадиий насрининг илк намуналарини IX–X асрларда яратилган асарларда кўрамиз. Ўша даврлардан бизгача (кисман) етиб келган энг қадимий насрый асар Абу Мансур ал-Мауммарийнинг “Шоҳнома”сидир. Бизгача унинг фақат сўзбошисигина етиб келган. Абу Мансурнинг асари Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидан анча илгари ёзилган. Ундан кейин ёзилган насрый асарлардан эса Умар Хайёмнинг “Наврӯзнома”си ҳисобланади. Бу асар гарчи энциклопедик трактат бўлса-да, унинг ҳар бир бўлимида бир ёки бир неча ҳикоят келтирилган. У бир пайтнинг ўзида ҳам илмий, ҳам бадиий асар ҳисобланади. Унда баҳор байрами – Наврӯзнинг пайдо бўлиши, хусусиятлари ва аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шарқ оламида ўша даврларда ҳам, ҳозирги кунга келиб ҳам катта шуҳрат қозонган насрый асарлардан Фахриддин Гургонийнинг “Вис ва Ромин”, Низомийнинг “Панж ганж”, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари, Низомулмулкнинг мамлакатни

<sup>4</sup> Ғуломризо Муродий Савмасройи “Эрон ҳикоянавислиги тарихига бир назар”//Сино 2011 й 41–42-сонлар. 65-б.

<sup>5</sup> М.Имомназаров. X–XV асрлар. Форс мумтоз шеърияти (Даврлаштириш муаммолари. Адабиётнинг мустақил маънавий моҳиятининг шаклланиши). – Т., 2013. 35-б.

бошқариш илмини ўз ичига олган “Сиёсатнома” асари, тарихий воқеалар содда, жозибали тилда ҳикоя қилингандар “Тарихи Байҳақий” ва бошқа кўпгина шу каби асарлар ўзида бадиий унсурларни ҳам мужассамлаштириб, Эрон ҳикоянавислиги тарихи негизининг бир қисмини ташкил қилади.

Ҳикоячилик тарихининг кейинги босқичи XII асрларга тўғри келиб, бу даврда форс адабий насрининг ривожланиши билан бирга араб адабиётидан мақома жанри кириб келди. “Мақома – ягона ҳикоячи ва ягона қаҳрамонли сажъда ёзилган новеллалар туркуми.”<sup>6</sup> Бу жанрнинг ёрқин намунаси 1155 йилда Балх шахри қозиси Ҳамидиддин Балхий томонидан яратилган “Мақомотэ Ҳамидий” хисобланади.<sup>7</sup> Унда кичик ҳикоятлар ўрин олган. Вакт ўтиши билан рамзий ва мажозий мазмундаги ҳикоятлар – Абул Маолийнинг “Калила ва Димна”, “Тұтинома”, Зохирийнинг “Синдбаднома” каби ҳикоятлари жанр сифатида ажралиб чиқди. “Үрта асрларда фантастик ҳарактердаги насрый асарлар ҳам яратила бошлади. Улар жумласига ҳеч қандай тарихий хусусиятга эга бўлмаган ва ҳикоячиларнинг таҳайюллари, орзу-истаклари маҳсули бўлмиш “Амир Арслон”, тарихий ва қаҳрамонлик илдизларга эга – “Амир Ҳамза”, “Ҳамза сирлари”, “Искандарнома”, “Ҳусайн Курд Шабистарий” ҳақида битилган муаллифлари но маълум қаҳрамонлик асарлари, ишқий саргузаштлар баёндан ташқари эзгулик, ахлоқий қоидаларни тарғиб этувчи Содик Абул-косим Шерозийнинг “Самаке Айёр” асари, ибратли хусусиятга эга, кўнгилочар эртакнамо ҳикоятлар – “Бахтиёрнома” каби асарлар, тарбиявий мазмундаги “Қобуснома” ва “Минг бир кеча” каби оммабол ҳикоятлар ҳам киради.”<sup>8</sup> Бу оғзаки ижод намуналари XII аср (хижрий VI) бошларидан бошлаб Эронда тарқалди<sup>9</sup>. Эрон

<sup>6</sup> Brockelmann C. Makama.–“Enzyklopaedie des Islam”, t.III. –Р. 174-177.

<sup>7</sup> محمد الدین بلخی. مقامات حمیدی. اصفهان. 1329.

<sup>8</sup> Болдырев А.Н. Зайнаддин Васифи. – Сталинабад, 1957.

<sup>9</sup> XI аср охири ва XII аср бошларида адабий матнлар араб тили таъсири остида қолган бир пайтда, ҳалқ оғзаки ижоди намуналари бу таъсирдан четда колди ва ўзининг оғзакилик хусусиятини йўқотмади. Араб тилидаги асарлар зодагонлар ва сарой ахли учун мўлжалланганлиги ҳолда, ҳалқ оғзаки ижоди намуналари оддий, бесавод ҳалқ учун мўлжалланиб, содда баён услубига эга бўлган. Бундай достонларни ровийлар бозор ёки ҳалқ гавжум бўлган жойларда ҳалқ иборалари, Куръон оятлари, хадислар, зар-

насрида катта шұхрат қозонған бу асарлар форсча насрий хикояларининг илк намуналари сифатида ақамиятлидир.

XII асрнинг охири XIII аср бошларида яшаган машхур адид ва Садидиддин Мұхаммад Авфий томонидан мақома туридаги хикоятлар ва ривоятлар мажмуасидан иборат “جواب الحکایات و لوامع الروايات” асари яратилди<sup>10</sup>. Унда ҳам насрда ёзилган икки мингдан ортиқ латифа, афсона, масал ва хикоятлар мавжуд. “Жомиъ ул-хикоят ва лавоми ул-ривоят” асарида асосан мингдан ортиқ турли тарихий шахслар, шунингдек адид үзи эшигтан, күрган инсонлар билан боғлиқ хикоятлар ёзилган. Авфий асарлари ўз даврида ва ундан кейин ҳам шарқдаги энг ўқимишли оммабоп асарлардан ҳисобланған.

XIII аср ўрталарига келиб Мұслихиддин Саъдий Шерозийнинг шеърий, насрий ҳикоят ва масаллардан ташкил топған “گلستان” (“Гулистон”) асари вужудга келди. Унда ҳам хикоятлар жуда күп бўлиб, ҳар бир ҳикоят қиссадан ҳисса шаклидаги ибратли шеър – пандлар билан яқунланади.

Шоир Убайд Зоконий (1370 йил вафоти) насрда ҳам ижод этган бўлиб, унинг насрий “فالنامہ بروج” (“Буржлар фолномаси”) асари Саъдийнинг “Гулистон” асари каби шеърий мисралар билан безатилган. Бундан ташқари унинг одоб-ахлоқ қоидаларига бағишинланган “أخلاق الأشراف” (“Аслзодалар ахлоқи”), панднома жанрида ёзилган “صد پند” (“Юз насиҳат”) каби асарлари ҳам насрда битилган.

“Гулистон” дан кейин икки юз йилдан кўпроқ вақт ўтиб эса XV асрда мумтоз форс-тожик адабиёти намояндаси Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг (1414–1492) “بخارستان” (“Баҳористон”) насрий асари яратилдики, у ҳам Саъдий асаридан намуна олган тарзда битилган<sup>11</sup>. Бундай қисқа хикоятларни ўз ичига олган 1533 йилда Ҳусайн Вониз Кошифийнинг ўғли Фаҳриддин Али Сафий томонидан яратилган асар бўлиб у “لطیف الطوایف” яъни “Турли инсонлар ҳақидаги қизиқ хикоятлар” деб номланади<sup>12</sup>. “XVI аср насири ҳакида

---

бул масалларни қўллаган холда хикоя килиб беришган (Жамол Мирсадикий. Насрий адабиёт. 127-б.).

<sup>10</sup> محمد عوفى. جواب الحکایات و لوامع الروايات با تصحیح و مقدمه محمد معین. تهران. 1336.

<sup>11</sup> Жомий Абдураҳмон. Баҳористон. –Душанбе: “Ирфон”, 1966.

<sup>12</sup> فخر الدین بن علی صفائی. لطیف الطوایف. تهران 1336

гап кетганда Зайнаддин Махмуд Восифий (1485–1551 ёки 1556) ни эслаб ўтмаслик мумкин эмас. Унинг Шайбонийлар ҳукумати (1428–1598) ташкил топиши даврини сатирик рухда ёритиб берган “Ажойиб воқеалар” асари машхур.”<sup>13</sup> “Шу билан бирга насрда ёзилган илмий асарларни ҳам айтиб ўтиш керак. Бошқа шарқ адабиётларида бўлгани каби бу даврларда бадиий наср илмий асарларнинг ажралмас қисмини ташкил қилас эди.”<sup>14</sup>

Бу турдаги насрний асарлар ҳам ўша давр услуби талабларидан келиб чиккан ҳолда жуда мураккаб метафоралар, ўхшатишлар, дабдабали, жимжимадор сўзлар билан битилган.

Шу тариқа деярли XIX аср ўрталарига қадар бадиий наср панднома ҳикоятлар, тарихий-қаҳрамонлик, фантастик асарлар, эртаклар шаклида ифодалаб берилган. Бу жанрларнинг айримлари хозирги кунгача сакланиб қолган ва замонавий форс бадиий насрининг шаклланишига катта таъсир қўрсатган.

Рус шарқшуноси Ю.Н.Марр 1927 йил ўз ҳамкасби К.И.Чайкинга ёзган мактубида Эронда мазкур даврда бир неча адабий марказлар фаолият олиб борганини, бироқ улар ўргасидаги алоқалар анча сустлигини, кўп ҳолларда бир шаҳардаги адабиёт вакили иккинчи шаҳарда ўзининг ҳамфирки борлигидан бехабарлигини таъкидлайди. Техрон бундай адабий марказларнинг энг каттаси бўлса-да, бироқ бутун мамлакат адабий аҳволини акс эттириб беролмаслигини ёзади. Шунингдек, Эроннинг алоҳида минтақаларида адабиёт ривожланаётганини қарамай, ўша минтақа марказлари асосий марказда бўлаётган янгиликлардан кўпроқ хабардор. Катта марказдагилар эса чекка ҳудудлардагилари ҳакида жуда кам маълумотларга эгалигини кузатганини ёзади<sup>15</sup>.

Шундай қилиб, минг йиллар мобайнида яратилган насрний жанрлар Эронда янги ҳикоянависликнинг вужудга келишида мухим омил хисобланади. Ўрта асрлар адабиёти сюжетлари, образлари, иборалари, умуман бадиияти янги давр ҳикоянавислиги учун туганмас хазина сифатида хизмат қилас ва хизмат қилиб келмоқда.

Эрон адабиётига янги типдаги ҳикоя жанрининг кириб келиши Европа адабиётидан бўлган таъсир билан ҳам белгиланади.

<sup>13</sup> Болдырев А.Н. Зайнаддин Васифи. – Сталинабад, 1957.

<sup>14</sup> Каранг: Ж.Лазар. Рудаки и его эпоха. – Сталинабад, 1958. – С. 84-97.

<sup>15</sup> Ю.Н.Марр, К.И.Чайкин. Письма о персидской литературе. –Тбилиси, 1976. – С. 33.

Буни Эрон олимлари доктор Ҳамид Абдуллоҳиён<sup>16</sup>, Ғуломризо Муродий Савматьсарой<sup>17</sup>, Мухаммад Ҳукуқий<sup>18</sup>, Жамол Мирсадикӣ<sup>19</sup>, Мухаммад Қосимзода<sup>20</sup> каби адабиётшунослар ўзларининг назарий асарларида таъкидлаб ўтганлар.

Шу ўринда биз билган “хикоя” терминининг форсча атамасига тұхталиб ўтиш жоиз. Ҳозирги замон форс адабиёти терминологиясида “дастан” термини бадий насрый асарни англатиб, бадий насрый адабиёт эса “ادبیات داستانی” деб номланади. Европа типидаги ҳикоя жанрига мос жанр учун термини құллаб келинади. “رمان گوتاه” термини “ریواجت”，“نول”，“قصه” термини эса “роман” жанри учун, “داستان بلند”، “ادبیات داستانی” деб номланади. Айрим адабий жанрлар терминологияси баҳсли бўлиб, ушбу тадқиқот ишида Эрон адабиётшунос олими, доктор Мухаммадризо Рузбекнинг – “Ҳозирги замон Эрон адабиёти”<sup>21</sup> асарига таянилди.

Доктор Ҳамид Абдуллоҳиён (“کارنامه نثر معاصر” (“Замонавий наср солномаси”) асарининг бир бўлимини “Эрон адабиётига роман ва ҳикоянинг кириб келиши” деб номлайди ва унда юқоридаги жанрларнинг кириб келишини қўйидагича кўрсатади: “Эронга роман ва ҳикоя жанрининг кириб келиши учун адабий ўзгаришларга эҳтиёж бор эди. Машрутият (مشروطیت), яъни конституцион тузум йилларигача эса бундай адабий ўзгаришлар содир бўлмади. Машрутиятнинг ўзи ҳам Қожорлар давридан бошлаб вужудга келган маърифатпарвар эронликларнинг интилишлари маҳсули эди.”<sup>22</sup> Албатта машрутиятдан олдин ҳам адабий шаклларни ўзгартиришга ҳаракатлар бўлган. Бунга мисол қилиб XIX аср охирларида Мирзо Фатҳали Охундзоданинг Мирзо Оғоҳон Табризийга ёзган номасини кўрсатиш мумкин: “Бугун “Гулистон” ва “Зийнат-э мажолес”ларнинг даври ўтди. Бугун миллатнинг манфа-

<sup>16</sup> دکتر حمید عبد الالهیان. کارنامه نثر معاصر. تهران. 2000.

<sup>17</sup> Ғуломризо Муродий Савматьсарой “Эрон ҳикоянавислиги тарихига бир назар”//Сино 2011 й 41-42-сонлар.

<sup>18</sup> محمد حقوقی، مروری بر تاریخ ادب و ادبیات امروز ایران. تهران. 1377.

<sup>19</sup> جمال میر صادقی. ادبیات داستانی. قصه. رمانس. داستان گوتاه. رمان. تهران. 1376.

<sup>20</sup> محمد قاسمزاده. داستان نویسان معاصر ایران. تهران. 2004.

<sup>21</sup> Мухаммадризо Рузбек. Ҳозирги замон Эрон адабиёти. –Тошкент, 2012.

<sup>22</sup> دکتر حمید عبد الالهیان. کارنامه نثر معاصر. تهران. 2000 ص 22.

атларини ўзида мужассамлаган ва китобхонларнинг табиатига маргуб бўлган драма ва романнинг даври келди.”<sup>23</sup> Охундзоданинг бу фикрлари, ҳеч шубҳасиз, ҳикоя жанрига ҳам тегишли эди.

Аммо Эронда мана шундай ўзгаришларга қарши чиқиб, қадим мумтоз услубдан бошқа услубда қалам тебратишни истамаганлар, янгича услубда ёзишни тан олмаган адабиёт ахли ҳам жуда кўпчиликни ташкил этарди.

Машрутият (**مشروع طبیت**), яъни конституцион тузум даврининг охирлари – 1915 йилдан сўнг анъана ва янгиланиш тўғрисидаги баҳс янада кенг қулоч ёйиб кетди. Бу баҳснинг маркази шоир ва назариётчилар Малик уш-шуаро Баҳор ва Тақий魯فъятнинг “Донешгоҳ” ҳамда “Жадид” номли журналларида босилаётган мақолалари эди. Уларнинг мана шундай қотиб қолган адабий вазиятни ўзгаришишга, янгилашга бўлган сайд-ҳаракатлари, албатта, қаршиликлар, шубҳа-гумонлар, иккиланишлар билан кутиб олинди. “Табриз иттифоқи уюшмасининг аъзолари Тақий魯فъят, Лоҳутий, Шамс Кесмойй, Жаъфар Хоманеийлар Эрондаги ижтимоий ва сиёсий вазиятдан рози бўлмаганликлари каби, адабий вазиятни ҳам қабул қила олмаган эдилар.”<sup>24</sup>

М.Баҳорнинг фикрича, қадимги ва мумтоз адабий меросга суюниб, янгиланишни аста-секинлик билан тадрижий амалга ошириш керак эди.魯فъят эса адабий инқилоб тарафдори эди. Баҳор: “Янгиликка аста-секинлик ва юмшоқлик билан ёндошиш керак, биз ҳали ўтган адиларимиз ва шоир боболаримизнинг тарихий иморатини жадидлик болтаси билан бузишга журъат қила олмаймиз. Биз ҳозирча иморатнинг баъзи жойларини таъмирлаб, ёнида янги девор ва устунлари бор баланд бинолар қуриш билан машгулмиз”, – деса, Тақий魯فъят: “Янгилик инқилобдек гап, инқилобни омманинг кўзига дорига ўхшаб “томчилаб” томизиш мумкин эмас... шоир ва адаб “бажарувчи” эмас, “бошқарувчи” эканини тушунинглар... оқимга қарши сузинглар... эрта учун ёзинглар... Бугун кўриб турганингиздек, Саъдий ҳам бизга жавоб бера олмайди. Саъдийнинг тобути сизнинг бешигингизни бўғади! XIII аср XX аср устидан хукмрондир. Лекин ўша қадимий аср

<sup>23</sup> میرزا فتحعلی آخوندزاده. تمثیلات. نشر اندیشه. تهران. 1970 ص 8.

<sup>24</sup> حسن میر عابدینی. صد داتان نویسی ایران. جلد اول و دوم با تجدید نظر کلی.. تهران. 1383 ص 75.

сизга айтади: “Ким келган бўлса янги иморат кургандур...” Саъдий ўз даврида кўрсата олгандек ўз даврингизда ҳеч бўлмаса истиқлол ва янгиликни кўрсатинг. Ўтган 700 йилнинг доирасида қолиб кетманглар...”, – деб жавоб беради<sup>25</sup>.

Руфъат кўплаб адиллар, ҳамфирларининг ёрдами билан адабиёт майдонига курашга чиқди ва жамият эҳтиёжларига асослашиб адабиётни янгича қабул қилиш шаклини, конституцион инқилобидек (1905–1911 йилларда бўлиб ўтган) адабий инқилоб қилиш кераклигини муҳокамага қўйди. Руфъат “Донешкаде”, яъни “Факультет” журналининг аъзолари, анъана тарафдорлари бўлган адиллар билан адабий янгиланиш ҳақидаги сұхбатда шундай дейди: “Биз, Саъдий яшаган асрда мавжуд бўлмаган нарсаларга эҳтиёжимиз бор. Биз, Саъдий ҳатто тасаввур қилишга ожиз бўлган миллий ва сиёсий қарама-карши жараёнлар таъсири остида қолганимиз... Азиз биродарлар, биз адабий инқилобининг энг оғир дамларини бошдан ўтказяпмиз... Биз хоҳлаётган нарса адабиёт оламида, яъниким фикр ва санъат оламида янгиланиш асрини вужудга келтириш билан баробар. Кўхна ва эски, аммо ҳукмрон адабий ҳолатни ағдариб, унинг ўрнига ҳукмронлиги шу пайтacha мавжуд бўлмаган янги бир ҳолатни ўрнатайликки, бизнинг ва ҳамфирларимизнинг ғалабамизга айлансин.”<sup>26</sup>

Такий Руфъат француз ва турк адабиётидан таъсирланган ҳолда, янги авлод эҳтиёжларига жавоб бера оладиган янгича адабиётнинг талабгори эди. У янгича фикрлар яратувчи ва ҳис-туйгуларни янгича тараннум этувчи энг янги адабий шакллар ҳақида ўйлай бошларди. Зоро “Жаҳон доимий янгиланиш, ўзгаришдадир ва дунёвий ўзгаришлар билан ҳамқадам бўлиш керак”, деган эди у “Донешкаде” журналига берган интервьюсида.

Руфъат ўз эътиборини ўша даврда тез янгиланаётган адабий шакл, тил, услугга қаратди. Такий Руфъат Эрон адабий танқидининг етакчи вакилларидан бири ҳам эди. Аммо Шайх Муҳаммад Хиёбоний раҳбарлигидаги Табриз эркесвар либералларининг

<sup>25</sup> Доктор Мухаммадризо Рӯзбех. Ҳозирги замон Эрон шеърияти: “янги шеър”нинг тарихий таҳлили. Сино//2009 йил. Ёз-Куз-Киш 34-35-36. 47-6.

<sup>26</sup> حسن میر عابدینی. صد سال داتان نویسی ایران. جلد اول و دوم با تجدید نظر کلی. تهران 1383 ص

1920 йилдаги құзғолони ва уни мағлубиятта учраши билан Руфъат ўз адабий назарияларини ривожлантириш имконини топа олмади ва шу йили ўз жонига қасд қылди.

Бу давомли баҳс-мунозаралар адабий янгиланишни назарий масала мавкеига құтарилишига, янги ҳикоянинг вужудга келишига замин бүлди.

Бу даврда янги типдаги ҳикоянинг энг асосий адабий назарийетчиси ва тарғиботчисидан яна бири Мұхаммад Али Жамолзода эди. Жамолзода ҳам Руфъат каби форс адабиёти ислохини янги адабий турлар, янги жанрларни құллашга boglyk деб билди: “Бугунги Эрон адабиётини ривожлантиришнинг энг түгри йүли шу мамлакат олим-у фузалолари... адабиётнинг барча турларида насрдан тортиб назмгача ва хусусан насрда, күплас мамлакатлар адабиётининг бугунги күн ойнасига айланиб улгурган ҳикоя устида ишлешлари ва оддий халқ иборалари ва сұзларини адабий тилга киритишлари керак. Токи бизнинг адабиётимиз ҳам секинаста ўз шүкүхі ва довруғига эга бўлиб, қадимий адабиётимиз каби ҳар бир эронликнинг гуруру ифтихорига айлансин.”<sup>27</sup>

Мұхаммад Али Жамолзода насрнависликда янгиланишни тарғиб қилас экан, энг аввало Эрондаги адабий қолоқликка эътибори ни қаратиб шундай дейди: “Тараққиёт силсиласини құлға кириттан барча ривожланган мамлакатларда содда ва оддий ҳаммабоп услугуб бошка услугларни енгіб чиққан... Ёзувчилар ҳамиша бозор ва күчалардаги одамларнинг оддий ва кенг тарқалған тилини ғұзал ибора ва ифодалар билан адабий либосга буркаб, санъаткорона нафосат билан қоғозга тушираётган бир пайтда, баҳтга қарши, бизнинг Эронимизда аввалги аждодларимизнинг услугубидан сал четта чиқиши адабиётнинг таназзулига сабаб деб билишади. Умуман бутун дунёга машхұр Эрон сиёсий истибдодининг моҳияти адабиёт соҳасида ҳам күзға ташланади, яъни ёзувчи шахси құлиға қалам олар экан билимдон, үқимишли одамлар гурухинигина назарда тутади, бошқаларга умуман аҳамият бермайди...”<sup>28</sup>.

<sup>27</sup> حسن میر عابدینی. صد سال داتان نویسی ایران. جلد اول و دوم با تجدید نظر کلی.. تهران 1383 ص 78

<sup>28</sup> همان کتاب. 77 ص

Албатта бу фидокор адиларнинг уринишлари зое кетмади. Секин-асталик билан бўлса-да, тилда ҳам, шаклда ҳам, услубда ҳам олга силжишлар қўзга ташлана бошлади.

XIX асрнинг биринчи чорагида хукмронлик килган Эрон шоҳи Фатҳали Шохнинг (1794–1834) вориси – оврупапаштириш тарафдори Аббос Мирзо давридан бошлаб нашрчилик, газеталар чиқарила бошлади. Хоҳловчилар Европа давлатларида таълим олишга юборилдилар.


Эронда ва мамлакат ташқарисида форсча газета ва журналларнинг пайдо бўлиши билан насрый жанрга қизиқиши сезиларли даражада ўсили. Гарчи Эрон жамоатчилиги томонидан вақтли матбуот саҳифаларини безаб турган шеърлар аввалгидек севилиб қабул қилинаётган бўлса-да, газеталар бетларининг асосий қисмини наср эгаллай бошлади. “Газеталарнинг ҳар бир сонида шеърий шаклда ифодалашнинг умуман иложиси бўлмаган мамлакатдаги ички вазият, хорижий сиёсий, иқтисодий ва маданият янгиликлари ҳақида маълумотлар чоп этилиши керак эди. Газета ва журналларда оддий хикоялар, кичик очерклар ва ҳатто фельтонлар пайдо бўла бошлади”<sup>29</sup>.

Конституцион даврдан кейинги йиллардан то 1921 йилнинг охириларигача адабий матбуотнинг гуллаб-яшнаган йиллари бўлиб, асосий эътибор баҳс-мунозаралар ва адабий анжуманлар ташкил қилишга қаратилди. “Бахор” (1910), “Кове” (1916), “Донешкаде” (1916), “Армўғон” (1918) каби журналлар бу даврда нашр этиб келинган журналлар жумласидандир. Бу журналларда мумтоз адабиёт намуналарининг таҳлили ва Европа асарларининг таржималари нашр этиларди. Бу журналларнинг мунтазам нашр этилиши адабий жараёнлар ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Адабий дидни шакллантиришда, жаҳон адабиёти билан таништиришда бу журналларнинг роли катта бўлди.

Насриддиншохнинг (1848–1896) бош вазири, Эроннинг ирик маданият ва сиёсий арбобларидан бўлмиш маърифатпарвар Мирзо Тажиҳон Амир Кабир<sup>30</sup> Фарбга таҳсил

<sup>29</sup> Комиссаров Д.С. Пути развития новой и новейшей персидской литературы. – М., 1982. – С. 84.

<sup>30</sup> Амир Кабир Эронда ижтимоий-иктисодий ислохотлар тарафдори ва таргиготчиси эди. Бирок ҳар кандай ислохотлар дижмани бўлган жаҳолат-



олиш учун юборган талабалар ўша даврда Европада жуда ривожланган роман ва ҳикоя жанри билан танишдилар. Улар эронликларга чегарадан нарида бошқа бир дунё борлигини ва бу дунё ўзлари узок йиллар давомида кўриб юрганларидан бутунлай фарқ қилишини тушунтиридилар. Ўз юртларида ҳали ҳам давом этиб келаётган мумтоз адабий асарлар анъаналарига танқидий ёндашиб, янги давр кишисининг фикру хаёлларини мумтоз шакллар билан баён этиб бўлмаслигини, энг яхши ва тўғри йўл янгича услугуб ва янги жанрда ижод қилиш эканлигини уқтиридилар.

Конституцион тузум ўрнатилиши арафасида, янги типдаги адабий жанрлар Эрон адабиётига кириб келгунича, XIX аср иккинчи ярмидан то XX аср 20-йилларигача бўлган давр орлиғида адабиёт жанрлар борасида Ҳамид Абдуллоҳиён ибораси билан “ҷеҳар گам” – “тўрт қадам” ташладики, бу “тўрт қадам” замонавий насрчиликнинг ва хусусан ҳикоянинг Эрон адабиётига кириб келишини таъминлади. Бу “тўрт қадам” адабиёт кўринишлари бўлиб, улар қуидагидан иборат:

1. Таржима асарлар.
2. Сафарнома.
3. Публицистик турдаги кичик насрый асарлар.
4. Тарихий романлар<sup>31</sup>

Биз ҳам Ҳ.Абдуллоҳиённинг ҳикоя жанрининг форс адабиётига кириб келиши тўғрисидаги фикрларига қўшилган ҳолда мазкур жанрларнинг ҳар бирига алоҳида тұхталиб ўтамиз.

Таржима асарлар эронликларни ғарб дунёси ва маданияти билан таништиришдаги энг яхши восита эди. 1851 йилда Техронда “Дорулфунун” нинг очилиши катта воқеа бўлган эди. Шу ерда аввал илмий, кейинроқ бадиий асарлар таржима қилина бошланди. Европа адабиётининг кўплаб асарлари билан танишиш Эрон адабиёти ривожига катта хисса қўшди. Ғарб ёзувчиларининг асарлари форс тилига таржима қилинди. Алихон Нозимуддавла томонидан таржима қилинган француз ёзувчиси Франсуа Фенелоннинг “Телемакнинг саргузаштлари” асари, Мухаммад Тохир Мирза Искандар

---

параст рухонийлар ва инглизлар томонидан гижгижланган Насриддиншоҳнинг буйруғига биноан 1855 йилда ҳаммомда ваҳшийларча катл қилинади.

<sup>31</sup> دكتار حمید عبد اللاهیان. کارنامہ ثغر معاصر. تهران. 2000 ص 23

рий томонидан таржима қилинган Александр Дюманинг “Уч мушкетёр”, “Луи ўн тўртинчи” ва “Луи ўн бешинчи” асарлари, Мирза Ҳабиб Исфаҳоний томонидан таржима қилинган Даниэл Дефонинг “Робинзон Крузо”, Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари”, Носирулмулк томонидан таржима қилинган Шекспирнинг “Отелло” асарлари шулар жумласидандир. Таржима асарлар халқни гарб жамияти билан таниширишдан ташқари, тилнинг соддалашувига олиб келди. Таржимонлар асарларни форс тилига таржима қилас эканлар, насрда азалдан анъанага айланган жимжимадорлик, сертакаллуфлик, дабдабадорликдан ҳоли бўлган содда ва равонликка эришдилар. Бундан ташқари, кейинги давр эрон ёзувчиларининг ижодий услуби шаклланишида таржима адабиётининг аҳамияти катта бўлди<sup>32</sup>.

Ҳикоя жанрининг кириб келишига замин бўлиб хизмат қилган яна бир “қадам” бу эрон адабиётидаги узоқ тарихга эга бўлган сафарномалар бўлди. Лекин бу давр сафарномалари олдингиларидан баъзи жихатлари билан фарқ қила бошлади.

Зайнал Обидин Мароғайининг “Иброҳимбекнинг саёҳатномаси” сафарномаси, инглиз дипломати ва адабиётшуноси Жеймс Моръер (1780–1849)нинг оддий халқ урф-одатлари, маросимлари, оддий сўзлашув иборалари ганжинасидан иборат “Хожи Бобо Исфаҳонийнинг саргузашти” сафарномалари шулар жумласидандир<sup>33</sup>. Бу сафарномаларда илк бор мамлакат ичидаги сиёсий-ижтимоий вазият аччиқ ва ўтқир ҳажв йўли билан қаттиқ танқид остига олинган.

Янги ҳикоя шаклланишига асос бўлган яна бир жанр бу публицистик турдаги қисқа насрый асарлар бўлиб, улар турли шаклларда намоён бўлган. Бу турдаги қисқа насрый асарлар ўша давр журнал ва газеталарида чоп этилган публицистик асарлар мажмуасидан

<sup>32</sup> Қаранг: С.Сотиболдиева. Ёзувчи услубининг шаклланишида таржима адабиётининг ўрни масаласига оид баъзи мулоҳазалар. // Бадиий таржима ва адабий алоқалар. – Самарқанд, 2014. 34-37-с.

<sup>33</sup> Бу асарнинг асл муаллифи инглиз сиёсий маъмурি Жеймс Моръер хисобланади. Асар Фатҳалишоҳ Қожор даврида ёзилган. Мирзо Ҳабиб Исфаҳоний эса уни инглиз тилидан форс тилига ўгирган. Асар турли қахрамонлар бошига тушган турли ҳодисалар тариқасида Қожорлар даврининг бошларида Эрон халқининг хаёти ҳақконий тасвиirlар билан содда тилда баён этилган. Адид эски ақидалар ва одатларга нисбатан ўкувчи нафратини истеҳзо билан тасвиirlашга эришган.

иборат эди. 1905–1911 йиллардаги сиёсий фаоллик нафақат халк-нинг кўтарилиши, иш ташлашларда, балки демократик руҳдаги ада-биёт ривожида ҳам кўрина бошлади. Бунда матбуотнинг роли катта бўлди. Замон насрнинг янги-янги кўринишларини талаб этарди. Газета ва журналлар сахифаларида фельетонлар, ўткир очерклар, памфлетлар пайдо бўла бошлади. Бу жанрдаги асар икки ё ундан ортиқ кишиларнинг ўртасидаги диалог, савол-жавоб услубида ёзилган бўлиб, матнда мақол, масаллардан ҳам фойдаланилган. Бу даврда фельетонлар, памфлетлар, шеърлар ва мақолалар муаллифи бўлган Мирзо Али Акбархон Деххудо (1880–1956) номи алоҳида эътирофга сазовор. Эронлик адабиётшунос, танқидчи Ризо Бароҳаний Али Акбар Деххудонинг ижодини янги жанрнинг яралишидаги ўрнини алоҳида таъкидлаб шундай ёзган эди: “Деххудо гарчи ўзи хеч қачон ҳикоя ёзмаган бўлса-да, ўз ижоди билан ҳикоя жанрининг яралишида катта ҳисса қўшди. Деххудо насли – публицистикани новеллистика билан бирлаштириб турувчи кўпприк”<sup>34</sup>. Деххудо бозор ва кўчалардаги одамларнинг сухбатларини қайд этишда, оддий халк пичинг, ҳазил-мутойибалари ҳамда мусибатларини мушоҳада этишда моҳир эди. Унинг ҳикоя жанрига яқин ёзилган асари “قدرون“ (“Шилқим”) деб номланади ва (“Истрофилнинг сури”) журналининг 27–28 сонларида чоп этилган. Деххудонинг асарлари янги давр ҳикояларини эслатади ва шу жиҳатдан ҳикоя жанрининг асосчиси деб тан олинган “Жамолзоданинг “Бор экан-да, йўқ экан” ҳикоялар тўпламидан жой олган ҳикояларга жуда ўхшарди.”<sup>35</sup>

Унинг бу турдаги асарлари орасида энг қизиқарлиси ва эътиборлиси 1907 йилдан бошлаб “Истрофилнинг сури” журналида чиқа бошлаган “چوند و پرند” (“Майда-чуйда гаплар”) номли туркум асарларидир. Унда адаб кундалик ҳодиса-вазиятларни ҳикоя қилиш тарзida баён қилган ва бу ҳикоялар услубининг соддалиги, тилининг равонлиги билан ўша давр эрон адабиёти учун янгилик бўлган. Деххудо ижоди ҳақли равищда замонавий эрон адабиётининг ибтидоси деб баҳоланади. “Деххудо сатираси ҳанузгача энг яхши эрон ижтимоий сатиralаридан ҳисобланади”<sup>36</sup>, – деган эди Р.Бароҳаний. Бароҳанийнинг фикрича Деххудо эрон матбуотида шунчак

<sup>34</sup> رضا براهنی. قصه نویسی. تهران 1969 ص 517

<sup>35</sup> دکتر حمید عبد اللاهیان. کارنامه نثر معاصر. تهران. 2000 ص 26

<sup>36</sup> رضا براهنی. قصه نویسی. تهران 1969 ص 17

лик катта из қолдирганки, ҳатто шунча йиллар ўтган бўлса-да, эрон журналистикасида унга тенг келадигани йўқ. Унинг памфлет ва фельетонлари ўша даврдаги ҳукмрон табака вакилларига қаратилган ҳажвий ўқ бўлган. Уларнинг халқ тақдирига бефарқ қарашлари қаттиқ танқид остига олинган. Унинг издошлари бўлган Муҳаммад Амин Расулзода Бадкубей, Гулом Ризо, Мирзо ИброХимхон Шерозийлар (“Янги Эрон”), (“Тонг юлдизи”), (“Фалаклар”), (“Халқ”) каби газета ва журналларда ўзларининг сатирик асарлари билан конституция душманларини, аксилиниқилобчи, жаҳолатпарастларни фош этганлар. Публицистик турдаги кисқа асарларнинг муаллифлари илк бор тарбиявий-ахлоқий ва руҳий кечинмаларни янги услубда баён қилиш тажрибасини бошлаб бердилар.

Аммо Деххудодан сал олдинроқ ижод қила бошлаган, ёзувчи Жалил Муҳаммадқулизода асарларининг Деххудо асарларига таъсири аниқ кўринади. Кишлок ўқитувчиси бўлган Жалил 1888 йилдан бошлаб пьеса ва хикоятлар ёза бошлади. Унинг хикоятлари қишлоқ аҳолиси ҳаётидан сўзлайди,adolatsizlikka қарши кураш унинг асарлари мазмунининг асосий қисмини ташкил қиласиди. (“مردہ مارڈاں دانا باش” “Донобош қишлоғи” романи) Унинг Деххудога бўлган ижодий таъсири ҳақида Ҳ.Миробидинийнинг “Эрон насрчилигининг юз йили” асарида шундай дейилади: “Деххудо ва Муҳаммадқулизода асарларининг ўхшашлиги нафакат мавзу танлаш, балки услуг ва усууллар қўллашда – тип ва характер яратиш, муносиб мухит ва майдон яратиш, асар манзарасини безаш, мақсад-муаммо ва хуносани ривожлантириш ҳамда кенгайтиришда ҳам фавқулодда ҳамоҳанглик мавжуд... Ҳар иккала ёзувчи ҳам ижтимоий масалалар ҳақида баҳс юритар экан, муаммони узок жойдан, мавзу билан гўё ҳеч қандай алоқаси йўқ аҳамиятсиз масаладан бошлайди.”<sup>37</sup>

Шундай қилиб А.Деххудо ҳамда Ж.Муҳаммадқулизодаларнинг асарлари форс адабиётида ҳикоя жанрининг пайдо бўлиши учун замин ҳозирлашда муҳим аҳамиятга эга.

Хикоянинг кириб келишига бўлган охирги “қадам” тарихий романларнинг ёзилиши бўлди. Муҳаммад Тохир Мирзо Алек-

<sup>37</sup> حسن میر عابدینی. صد سال داتان نویسی ایران. جلد اول و دوم با تجدید نظر کلی.. تهران 1383 (2004)

сандр Дюманинг асарларини таржима қилиши билан тарихий романлар ёзилишига йўл очиб берди. А.Толивов, Мирзо Малкумхон, Мирзо Оғоҳон Кермоний каби Эроннинг қадимий тарихи билан яқиндан таниш бўлган маърифатпарвар ёзувчилар Қожорлар хукмронлигининг сўнгги йилларида, Эрон ҳар жиҳатдан энг оғир шароитни бошидан кечираётган бир пайтда ўз асарларида аҳамонийлар, сосонийлар даври ҳақида ёздилар. Бундай асарлар халқ томонидан жуда илиқ кутиб олинар, асосан журнал ва газеталарда нашр қилиниб, ўз муаллифларига шухрат келтиради. Улар содда тили, ҳис-туйгули, романтик саргузаштларга бой сюжети билан эндигина газета билан ошно бўлган ўқувчи учун ўзига хос жозиба касб этарди.

Ҳикоя жанрининг Эронга кириб келишида юқорида номлари зикр этилган тўрт турдаги асарлар тагзамин бўлиб хизмат қилдилар.

Илк ҳикоялар тарихий романлардан кейинроқ, биринчи ижтимоий романлардан сал олдинроқ нашр этила бошлади. Умуман олганда, 1920 йилларнинг боши Эрон замонавий адабиётининг турли кўринишларининг намоён булишини аниқлаб берган йиллар бўлди. Ҳасан Миробидиний айтганидек: “Баъзи даврлар тарихий ҳодисалар ва тарихий диалектика исботига боғлиқ бўлади. Бундай даврларни тарих жавҳарининг бирлашув нуқталаридан деб билмоқ керак.”<sup>38</sup> Дарҳақиқат, 1920 йилларнинг боши мана шундай бирлашув нуқталаридан хисобланади. Айнан шу даврда илк ижтимоий роман (Мушфик Козимийнинг “تهران مخوف” – “کۈركىنلىق تەخرون”и), янги драма (Ҳасан Муқаддам асари “Жаъфархон فرانциядан қайтди”), янги шеър (Нимо Юшижнинг “آفسانه” – “Афсона”си) ва илк ҳикоялар тўплами (Мухаммад Али Жамолзоданинг “یکی بود و یکی نبود” – “Бор экан-да, йўқ экан”) бирин-кетин адабиёт майдонида пайдо бўла бошлади. Булар бир томондан конституцион даврининг ижтимоий-маданий ҳаракатлари таъсири бўлса, иккинчи томондан кейинги адабий изланишлар учун йўлбошловчи вазифасини ҳам ўтади. Аммо сўзлашув тилидаги анъанавий қотиб қолган иборалар ва зарбулмасаллар, мақол-маталларга бўлган катта эътибор илк ҳикояларда улардан ҳаддан зиёд истеъфода қилишга олиб келди. “Бор экан-да, йўқ экан” тўпламида Жамолзода маълум

---

<sup>38</sup> حسن میر عابدینی. صد سال داتان نویسی ایران. جلد اول و دوم با تجدید نظر کلی.. تهران 1383 (2004)

маънода ҳикоя қолипида мақол ва ҳикматларни жамлаш, уларни сақлаш учун бир восита сифатида фойдаланғанлигини тан олади.

Муҳаммад Али Жамолзоданинг 1922 йилда Берлинда “**يکى بود و يكى نبود**”, яъни “Бор экан-да, йўқ экан” илк ҳикоялар тўплами чиқди. Бу воқеа ёзувчининг юрти Эронда катта шов-шувга сабаб бўлди<sup>39</sup>. Шу тўплами билан у эрон адабиётига янги жанр – ҳикояни олиб кирди. Унинг номи замонавий эрон адабиётининг асосчиларидан бири бўлиб тарихда қолди. Тўпламдан жой олган ҳикоялар сатирик ва юмористик рухда бўлиб, Жамолзода ҳалқ ҳаёти, урф-одатлари, расм-русумларини кўрсата олди, ўткир сиёсий мавзуларни қаламга ола билди<sup>40</sup>.

Муҳаммад Ҳукуқий ўзининг “Эрон адабиёти тарихи ва замонавий адабиётига назар” асарида Эронда ҳикоянинг асосчиси Сайд Муҳаммад Али Жамолзода эканлигини таъкидлаб шундай дейди: “Эронда ҳикоянинг асосчиси Жамолзода бўлиб, олти ҳикояни ўз ичига олган “Бор экан-да, йўқ экан” (1914–1921 йиллар оралиғида ёзилган) тўпламини ёзган ва ҳалқ орасида катта шов-шувга сабаб бўлган<sup>41</sup>. Адабиётшунос Ғуломризо Муродий Савмасъаройи ҳам Жамолзодани ҳикоя жанрининг кириб келишида йўлбошли санаб, бу ҳақда шундай деган: “Бор экан-да, йўқ экан...” жумласи билан форс адабиёти тарихида энг муҳим адабий воқеа рўй берди.”<sup>42</sup>

Муҳаммад Қосимзода ўз асари “Эрон замонавий ёзувчилари” асарининг муқаддимасида ҳикоя жанри Эронга гарбдан кириб келганини таъкидлаб шундай дейди: “Ҳикоя шундай турки бизга гарбдан кириб келган. Юз йиллик ёки сал камроқ тарихга эга... Эронликлар ҳикоя жанри билан танишганларида унинг қадими ҳикоятлар билан ўхшашлиги боис жуда яхши кутиб олдилар”<sup>43</sup>.

Оддий ҳалқ орасида қадими ҳикоятлар жуда машхур бўлган. Айниқса Авфий, Сайдий, Убайд Зоконий, Жомийларнинг ҳикоятларини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Бизга маълумки, “Ҳикоят

<sup>39</sup> Унинг бу илк тўплами Эронда – Техроннинг марказий майдонида омма олдида аксилинкилобчилар томонидан гулханга ташланди ва айнан шу “жазо” китобнинг машхур бўлиб кетишига хизмат қилди.

<sup>40</sup> جمالزاده. يکى بود و يكى نبود. برلين. چاپخانه کاویاتی. (1960) 1339

<sup>41</sup> محمد حقوقی، مروری بر تاریخ ادب و ادبیات امروز ایران. تهران. 1377. ص 45

<sup>42</sup> Ғуломризо Муродий Савмасъаройи. “Эрон ҳикоянавислиги тарихига бир назар”// Сино 2011.41–42-сонлар. 69-6.

<sup>43</sup> محمد قاسمزاده. داستان نویسان معاصر ایران. تهران 2004 ص 9

шарқ ва жанубий шаркий Осиё ҳалқларининг адабий термини. Ҳар қандай шеърий ва насрый асарни, кўпинча воқеабанд асарни англатади. Тор маънода эса муаллифи йўқ ёзма насрый эпос.”<sup>44</sup>

Балки ҳикояларда қадимий ҳикоятлар анъаналари билан ўхаш бўлғанлиги учун ҳам сал олдинроқ тарихий роман билан ошно бўлған эронликлар Жамолзоданинг ҳикояларини Абдураҳим Толибов ва Зайналобидин Марогаййнинг романлариданда кўра анча илиқ кутиб олдилар. Жамолзоданинг ҳикоялари қаҳрамонлари одатда оддий, бесавод, тўпори ҳалқ вакиллариридир. Ҳикояларининг тили ҳам баъзан сўзлашув услубида, баъзида эса машҳур иборалар ва мақоллар билан йўғрилган. М. Ҳукуқий Жамолзоданинг услубига алоҳида эътибор бериб ёзди: “Баъзи ёзувчилар унинг ҳикоялари тилини ҳаддан ташқари ҳалқ тилида, сўзлашув услубида ёзилганида, дидисзликда айбладилар. Бошқа бир гуруҳ ёзувчилар эса вазиятни, қаҳрамонларни қандай бўлса шундай, ҳалқ тилида баён килганини ёқлаб, унинг услубини кўллаб-кувватладилар”<sup>45</sup>.

Рус шарқшуноси К.И.Чайкин ҳам айнан “Бор экан-да, йўқ экан” тўплами форс насрининг янги ёдгорлиги сифатида янги реалистик мактабнинг бошланиши эканлигини эътироф этиб шундай деган эди: “... ва ниҳоят эрон адабиёти минг йиллар мобайнида мистик олий кучлар пардасига ўралган, баландпарвоз шеърий услуб, беҳисоб қолипланган гуллар, булбуллар ва капалаклар билан хайрлашишига ҳамда реал воқелик билан юзма-юз келишга қарор қилди”.<sup>46</sup> Ҳасан Муқаддам ҳам (тажаллуси Али Наврӯз – 1895–1926) Жамолзода билан бир вақтда ижод этган, илк драма ва бир неча ҳикояларнинг муаллифидир. Муқаддам ахлоқий оғишлар, фиску фасод, эскилик сарқитларига қарши курашиш мақсадида француз тилида бир роман ва бир неча ҳикоя ёзди. Форс тилидаги илк асари هندوانه (“Тарвуз”) номи билан 1916 йилда Истанбулда нашрдан чиқди. Бундай юмористик асарнинг китоб ахли томонидан илиқ кутиб олиниши Ҳасан Муқаддамни ترکس – “Наргис”, شاهزاده خاتم تاجی – “Тожли малика”, زن حاجی آقا – “Хожи оғанинг хотини”, حکایت – “Ҳикоят” асарларини ёзишига

<sup>44</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Т., 2005. 11-том, 331-б.

<sup>45</sup> محمد حقوقی، مروری بر تاریخ ادب و ادبیات امروز ایران. تهران. 1377. (1998) ص 46

<sup>46</sup> Чайкин К. Краткий очерк новейшей персидской литературы. – М., 1928. – С.144-145.

ундади. “Ҳикоят” асари бир чол ва юк ташувчи болакайниг диалогидан ташкил топган. Муқаддам содда тил ёрдамида 1920 йилларда Техронда кенг тарқалган жаҳолат ва иллатлар, қашшоқликни тасвирлаб берган. “Тожли малика” ҳикояси эса қожор саройи аёлларининг нафси бузукликлари ва уларниг эрларининг бунга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмасликлари ҳақидаги асадир. “Ҳожи оғанинг хотини” вақтини хуш ўтказувчи, кўнгли тусаган ишни қилувчи аёл ҳақидаги ҳикоядир.

Муқаддам ҳикоя ёзиш билан жиддий шуғулланмади ва ўз кучини асосан саҳна қўринишлари ёзишга сарфлади. Аммо Муҳаммад Али Жамолзода европа насрчилик санъатини пухта эгаллаган ҳолда Эрондаги мумтоз насрчилик анъаналаридан – сўзлашув тилидаги анъанавий афоризмлар ва зарбулмасаллар, мақол-маталлардан ҳам унумли фойдаланиб, кўплаб форсий ҳикоялар яратди.

Шу тарзда форс адабиётида янги типдаги ҳикоя жанри вужудга келди ҳамда ҳалқ оғзаки ижоди, қадимги ва мумтоз форс адабий мероси, европа ва бошқа адабиёти ривожланган минтақалар ютуқлари уйғунлаштирган ҳолда шаклланиб борди.

Юкорида билдирилган фикрлардан хулоса қиласиган бўлсак, форс адабиётида ҳикоя жанрининг қарор топишида бир томондан эрон ҳалкининг бой адабий мероси, иккинчи томондан Европа, Америка ва рус адабиётининг таъсири катта бўлган. Хусусан ўша даврларда эрон насрига таъсир этган энг буюк хориж ёзувчиларидан Мишель Зеваго, Александр Дюома, Гёте, Анатол Франс, Виктор Гюго, Александр Пушкин, Чарльз Диккенс, Оноре де Бальзак, Достоевскийлар номини келтириб ўтишимиз мумкин.

## 1.2. XX аср биринчи ярмида форс реалистик ҳикоячилигининг хусусиятлари

Албатта ҳикоя пайдо бўлганининг илк йилларида адаб ва адабиётшунослар дикқат-эътиборини тортмади. “Бор экан-да, йўқ экан”нинг муқаддимасидан олинган қуйидаги жумла Жамолзода-нинг хижолатидан дарак беради: “Бу ёзганларимни жиддий татаббулар, гоялардан олган кўнгилочар машғулотлар ҳамда бугунги кун оддий ва истеъмолдаги форс тили намуналарига кўл уриб ёздим.” У ёзганларини ҳеч қаерда ҳикоя деб номламайди. Бу жиҳат ҳикоянинг мустақил адабий жанр сифатида, мумтоз адабий

матнлар устида илмий изланишлар олиб бориш авжига чиққан йилларда қанчалик эътиборсиз бўлганлигидан далолат беради. Ўз даврининг етук адиби Содик Ҳидоят эса ҳикоянависликка бўлган эътиборсизликни киноя билан, ҳазиломуз шаклда шундай баён этади: “Ёзувчилик чегараси ижод ибтиносидан бошлаб мана шу тўрт мавзу – 1) илмий тадқиқот; 2) тарих; 3) таржима ва 4) ахлоқ (дидактик асарларни назарда тутган) билан чегараланган ва агар бирор кимса мана шу тўрт мавзудан ташқари бирор сўз деса ва ўзини ёзувчи атаса ундай кимсани лаънатламоқ керак.”<sup>47</sup>

Бироқ бу ҳолат ҳикоянависликнинг ривожланишига тўсқинлик кила олмади. Ижодкор ёзувчилар тезкор ва ҳозиржавоб ҳикоя жанрига кўл уриб, ажойиб ҳикояларни армуғон эта бошладилар. Ҳикоя тилининг гўзаллиги, латофати ва соддалиги билан эса ўз ихлос-мандларини топа борди. Ҳикоянавислик, адабий шаклларни ўзгартиришдан ташқари, асар тилини соддалаштиришда ҳам муносиб таъсир кўрсатди. Ёзган асари халқ ҳаёти ойнаси бўлишини истаган ёзувчи ўз мақсадини халқ тушунадиган тилда ёзишга интилишдан бошка восита орқали баён эта олмас эди ҳам.

XX аср биринчи ярмида ҳикоянависликда воқеликни тасвирлаш методига келсак, энг аввало реалистик йўналишнинг устунлиги аник кўринади. Ҳикоянависликда у олдин маърифий тус олди, сўнг унда танқидий реализм услуби чегарасида ижод қилиш бошланди.

Замонавий форс адабиётida реализм бўш жойда пайдо бўлиши мумкин эмасди. Алоҳида реалистик элементларни биз ўрга асрлар форс адабиёти намуналарида топишимиз мумкин, бироқ реализмнинг бошланишини аввалам, бор XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ва хусусан 1905–1911 йиллар машрута инқилоби даврида вужудга кела бошлаган маърифатчилик даври адабиётидан қидирмоқ керак. Замонавий форс адабиётida маърифатчилик даври адабиётининг ўрни кейинги давр реализми, хусусан реалистик форс ҳикояларининг шаклланишида ниҳоятда муҳимдир.

Хар бир миллий адабиётнинг маълум даври учун ўзидан олдинги давр хусусиятлари ва белгилари хос бўлади. Маърифатчилик реализми Эрон адабиётida ҳам ўзига хос хусусиятларга, муайян ютуқларга эга бўлди.

---

<sup>47</sup> مدد سال داچان نویسی ایران. ص 60

Эроннинг маърифатпарвар зиёлилари ўлканинг ривожланган дунёдан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ортда қолганини, шу ҳолат мамлакатнинг Англия ва бошқа гарб давлатлари мустамлакаси бўлиб қолишининг асосий омилларидан бири эканини тушуниб етишган эди. Натижада улар Шарқ ва Фарб маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзлаштиришга интилиб, халқнинг маданияти, турмуш тарзи ва маърифатини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш ҳамда Эронда конституцион давлат барпо этиш мақсадини кўйишиди. “Эрон маърифатпарварларининг феодал-монархия зулмига қарши кураши инсонийлик ва илм-фан кучи ҳамда ғалабасига бўлган катта ишончга асосланган эди. Эрон маърифатчилиги кўп жиҳатдан Фарбий Европа ва рус адабиётлари тажрибаси билан боғлиқ. Шу билан бир қаторда, унинг ривожи мамлакат тарихий тараққиётининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, миллий характерга ҳам эга бўлган.”<sup>48</sup>

Эрон маърифатпарвар зиёлилари ва маърифатчилик реализми асосчиларининг энг катта намояндлари Сайд Жамолиддин Воиз Исфаҳоний, Зайналобидин Мароғай, Мирзо Малкумхон, Абдураҳим Толибов, Али Акбар Деххудо ва бошқалар эдилар.

Маърифатчилик ҳаракатига озодлик учун курашган ҳамадонлик Сайд Жамолиддин Воиз Исфаҳоний (Муҳаммад Али Жамолзоданинг отаси), шайх Аҳмад Рухий ва бошқа зиёли жамоат арбоблари раҳбарлик қилдилар. Улар ўзларининг жўшқин нутқлари билан халқ онгини, маърифатини ўстиришга катта хисса кўшдилар.

Маҳоратли нотиқ ва жамоат арбоби Сайд Жамолиддин XIX аср охирида ўз ҳамфирлари билан бирга (“رویای صادقان” – “Башорат берувчи туш”) асарини яратди. Асарнинг қисқача мазмуни куйидагича: Унда гўё тақволи бир мусулмон тушида, ўлганидан кейин Насриддиншоҳнинг катта ўғли Зелле Султонни (Ифаҳон ҳокими, ўша даврда 2000дан ортиқ қишлоқлар унинг тасарруфида бўлган) одамлар мулкини ўзлаштиргани, порахўрлиги учун дўзах оловида ёнишга хукм қилинганини кўради. Бу тушини дўстига айтиб берганида дўсти бу туш эмас, бу ҳақиқат! – дейди.

Бу асар 1903 йилда Россияда Санкт Петербург шаҳрида нашр килинади ва биринчи инқилобий-сатирик асар сифатида Малкумхон

<sup>48</sup> Л.С.Гиунашвили. Проблемы становления и развития реализма в современной персидской прозе. –Тб., 1985. –С.11.

пъесалари, Мароғайи романи, Жеймс Моръернинг “Хожи бобо Исафаҳоний” асарлари билан бир қаторда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнади, 1905–1911 йиллар инқилюби даврида вужудга келган халқнинг ўзлигини англашида катта аҳамият касб этди.

Маърифатчилик адабиётида – соҳи XVIII аср Европа адабиётини ва соҳи Россия маърифатчиларини олиб кўрсак – сафарнома жанри анча кенг ўрин тутади. Табиийки, форс маърифатчилик адабиёти ҳам бундан мустасно эмас. Кузатишлар шуну қўрсатадики, йўл очерклари – сафарномаларнинг миллӣй адабиётларда кенг тарқалиши муайян миллат ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар етилаётган пайтларга тўғри келар экан. Зоро, реалистик сафарнома мавжуд ҳаётдаги фактларга ўқувчи дикқатини жалб этиб, улар асосида мушоҳада юритишга ундейди; бу хилда яшаб бўлмаслигига ишонтиришу, жамиятни ислоҳ қилиш заруратини англатишга кенг имкониятлар беради. Эрон маърифатпарварларининг мумтоз анъаналарга содиқлиги жанр танлашда ҳам ўз аксини топди. “Сафарнома”, “Йўл хотиралари” ёки “Йўл қайдлари”, “Кундаликлар” маърифатчилик реализмининг энг севимли жанрлари ҳисобланган. Мазкур жанрлар маърифатпарвар – ёзувчиларга ўз диққатларини саргузаштларга, учрашувларга қаратишга имкон берган. Шундай маърифатпарварлардан бири Зайналобидин Мароғайидир. У ўз асари *سیاحت نامه ابراهیم بیک* (“Иброрхимбекнинг саёҳати”) да бугунги кунда қилдан нозик беллар, жайрон кўзлар, камон қошлар, гажак зулфларнинг бозори анча тинчиб қолганини ёзганди. З.Мароғайи ўз асарида бирорта ҳам кичкина детални эътибордан қолдирмайди. Унинг қаҳрамони кирва бадбўй сувли, юқумли касалликлар келтириб чиқарадиган эрон ҳаммомларини кўради, ёлғончи табиблар билан тўқнаш келади, барча ишларда пора аралашган, кичкинагина тартиб-коидаларга ҳам риоя килинмайдиган давлат идораларида бўлади. Адабнинг сафарнома жанрида ёзилган бу асарида муаллиф воқееликни «ичдан» кузатади. Техрон, Исфаҳон кўчаларига қилинган сафар давомида муаллиф ўзи гувоҳ бўлган энг характерли воқеаларни, дикқатини тортган ҳодисаларни қаҳрамон тилидан қайд этиб боради. Бироқ сафарномани фактларнинг оддийгина қайди дея олмаймиз, зоро, унда фактографик ва таҳлилий қатламлар ёнмаён боради. Асар марказида турувчи сайёҳ-муаллиф образи икки қатламнинг уйғун бирикувини таъминлайди. З.Мароғайи келтираётган фактлар реалликдан олингани аён, бироқ буни од-

дийгина натуралистик қайдлар маъносида тушунмаслик лозим. Фаол ижодкор шахс сифатида адибнинг ўз қарашлари, орзу-интилишлари, бир сўз билан, ижтимоий-эстетик идеали мавжуд эди. Демакки, танланадиган фактлар ҳам ўша идеалга мос, биринчи галда адибнинг қарашларию хулосаларини ифодалашга хизмат қилади. Бироқ йўл давомида дуч келган айрим ҳодисалар уни чинакам ташвишга соладики, уларни келтириш билан ўкувчини юртинг эртаси ҳақида жиддийроқ мушоҳада қилишга унрайди.

З.Мароғай ислоҳотларни амалга ошириш имкониятларини фақатгина халқ билан ҳукумат бирлашувида кўрди. Бундай дастурни таклиф этар экан, у халқнинг хоҳиш-иродасини ҳимоя қилди. Шу жиҳатдан у жаҳон халқлари маърифатпарварларига ўхшайди. У барча шарқ халқлари ҳакоратланишига ва ҳўрланишига саводсизликни, жаҳолатни сабаб қилиб кўрсатади.

Абдураҳим Толибовнинг “**كتاب احمد**” (“Ахмаднинг китоби”) асари эса Эрон дехқони ҳаётининг баъзи қирраларини очишига ёрдам беради. Шунингдек, А.Толибов ўз давридаги жоҳиллик, риёкорлик, пораҳўрлик сингари иллатлар жамиятни таназзулга олиб боришини таъкидлар экан, дин пешволарининг нотўғри йўлда эканлигини, шайхларнинг ёлғончилигини, уламоларнинг пораҳўрлигини фош қилади. “А.Толибов ижтимоий қолоқлик, маънавий тубанлик, тузумнинг носоз жиҳатларини, қашшоқлик, камбағаллик, ноҷорлик сабабларини ҳаққоний тасвирлаган. Асар содда тилда ёзилган. Адид ўзи айтмаган, айттолмаган гапларини зийрак китобхон уқиб олишига ишонади, шунга умид қилади. Шу боис ҳам айттолмагани ҳолда, айтмоқчи бўлганига ишора қилади, ўкувчининг укишини, англаб етишини бошқаради гўё. Юқорида-гича схема асосида фактларни мушоҳада қилиб келаётган, шунга мослашиб ултурган ўкувчи беихтиёр яна ўша йўсун ўйлай бошлагани сезмай қолади, етишмаётган халқаларни (“ўтмиш” ва “ҳозир”ни) ўзи топиб, тўлдиради. Натижада, адибнинг юрт истикболи ҳакидаги ташвиши ўкувчи қалбига кириб боради.”<sup>49</sup>

Рус шарқшуноси Л.С.Гиунашвили ўзининг “Проблемы становления и развития реализма в современной персидской прозе” асарида “маърифатпарварлик реализми айрим камчилклардан ҳам холи эмас. Маърифатпарвар ёзувчилар Эрон жамиятининг

<sup>49</sup> Л.С.Гиунашвили. Проблемы становления и развития реализма в современной персидской прозе. –Тб., 1985. –С. 54.

оғриқли нұкталарини танқид қылар эканлар, халқни оғир ахволдан халос құлувчи йүлни күрсатиб бермадилар, халқни жиддий ижтимоий үзгартеришга ундағылар, маданиятни тарғиб қилишдан четта чиқмадилар. Шу сабаб маърифатпарвар реалистлар – Малкүмхон, З. Марғай, А. Толибовларнинг танқидий асарларда аник дастурнинг йұклиги үқувчидә түшкүнлик, чорасизлик кайфиятини үйғотарди...”<sup>50</sup> – каби мағкуравий талқинни илгари суради. Ваҳоланки, эрон маърифатпарварларнинг асарлари мамлакатнинг тараққийпарвар жамоатчилиги ва халқи онгини ўсишига катта ёрдам берди. Эрон маърифатпарварлари адабиётни замоннинг муайян, аник муаммоларига – мамлакат қолоқлиги, ижтимоий муаммолар, халқ ахволига қаратдилар. Бундан олдинги давр адабиётига (ёр васфи, хукмдорлар мадхи, шаклбозлик ва жимжимадорлик) хос бұлмаган тарзда ҳаётни бор камчилигу муаммолари билан тасвирлашнинг бундай усули форс маърифатчилиги адабиётини янги ҳодиса сифатида намоён этди.

Албатта, ҳар бир маърифатпарвар адібнинг ёзиш услуби ўзига хос эди. Баъзи адіблар йўл қайдлари, сафарномалар шаклида, бошқалари эса диалог шаклида ёзишган. Маърифатпарвар-ёзувчиларнинг ҳар бирининг ижоди ўзига хос бўлса-да, уларнинг барчасини қатор асосий тамойиллар бирлаштириб турарди. Биринчи навбатда, феодал зулмкорлик тузумига нисбатан бўлган салбий муносабат, маърифатпарварликнинг эртасига бўлган қатъий ишонч. Мазкур тамойиллар форс маърифатчилик реализми асарларининг барчасида ўз аксини топган. Хусусан, Малкүмхоннинг пьесалари, Зайналобидин Марғайининг “Иброҳимбекнинг саёҳати”, Абдураҳим Толибовнинг “Аҳмаднинг китоби” асарлари шулар жумласидандир.

Эрон маърифатпарварлари жамиятнинг турли қатламлари – дехқонлар, савдогарлар, ишчилар, ер эгалари ва бошқаларнинг ҳаётини ҳаққоний тасвирладилар. Маърифатчилик реализми ва унинг барча намояндаларига хос яна бир хусусиятлар насиҳат-гўйлик, одоб-ахлоқ қоидаларига қаттқи риоя этиш, дидактикага берилиш кабилардан иборат. Масалан, ҳар бир ёзувчи асаридаги ижобий қаҳрамон муаллиф фикру ғояларининг жарчиси бўлиб хизмат қиласи. Воқеалар бош қаҳрамон томонидан ҳикоя қили-

<sup>50</sup> Л.С.Гиунашвили. Проблемы становления и развития реализма в современной персидской прозе. –Тб., 1985. – С.55.

ниб, унда муаллифнинг руҳий ҳолати, кайфияти, ҳаяжон ва норозилиги сезилиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзан у ёки бу ҳодисани ишонарлироқ қилиб тасвирлашда баъзи ёзувчилар ўзлари билмаган ҳолда реалистик асарларининг айрим эпизодларда ўта батафсил тасвирга бериладилар. Бундан ташқари маърифатпарвар ёзувчилар ижодида характернинг руҳий ҳолатининг тасвири тўлиқ амалга оширилмаган, руҳий кечинмалар, психологик таҳлил йўқ, тасвирнинг соддалиги, энг аввало қаҳрамон ички дунёсининг етарлича тасвирланмаганлигига намоён бўлади. Улар бу ҳодисага нисбатан қаҳрамоннинг ташки ҳаракатлари, фаолиятини тасвирлашга кўпроқ эътибор қаратганлар. Масалан З.Марогаййнинг асари бош қаҳрамони Иброҳимбек характеристи асар бошида қандай бўлган бўлса, асар сўнгигача шундайлигича қолади, яъни унинг характеристида ўсиш ёки ўзгариш рўй бермайди.

Булардан ташқари, “маърифатпарвар-ёзувчилар ижодида сентиментализм, натурализмларнинг элементлари қоришиб кетган. Масалан, Зайналобидин Марогаййнинг “Иброҳимбекнинг саёҳати” асари бир пайтнинг ўзида сентиментализм, маърифатчилик реализми, натурализм хусусиятларига эга эди.”<sup>51</sup>

Шунга қарамай, маърифатчилик реализми қатор ютуқларга эга эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. “Маърифатчиларнинг Эрон адабиёти равнақига кўшган энг катта ҳиссалари – XVII – XVIII асрлар адабиётига хос тақлидчилик ва шаклбозликни енгигб ўтиб, тилнинг соддалиги ва оддийлигига эришишларida бўлди.”<sup>52</sup> Маърифатпарвар адаблар адабиётга паст услуг деб қаралган оддий ҳалқ тилини олиб кирдилар.

Эрон маърифатчилиги дастлабки босқичларида ахлоқий-бадиий ва дидактик шаклларда ўз аксини топган бўлса, кейинги босқичларда маърифатчилик матбуоти тарзида намоён бўлди. Маърифатчилик адабиёти вакиллари мумтоз жанрлардан ташқари журнал фельетони, сатирик очерк каби жанрларда ҳам мавжуд тартиблардан қониқмаслик, уларни фош этиш, турмуш тарзини яхшилаш каби

<sup>51</sup> Левковская Р.Нikitina В. Литература Ирана.–Кн.:Литература Востока в новое время. – М., 1980. –С. 204.

<sup>52</sup> Л.С.Гиунашвили. Проблемы становления и развития реализма в современной персидской прозе.. –С. 27.

масалаларни күтариб чиққанлар. Маърифатчилик матбуоти озодликини, Ватанин жондан ортиқ севувчи, илфор, тушунган, хар томонлама камол топган эркин Эрон фуқаросини тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Эрондаги бу маърифатчилик ҳаракати, қиска муддат фаолият кўрсатган бўлса ҳам, мазлум ҳалқни маълум маънода уйғота олди. А.Деҳхудонинг фельетон ва памфлетлари оддий ҳалқка нисбатан ҳамдардлик ва меҳр-муҳаббат билан йўғрилганди. У ўз асарларида оддий ҳалқ вакили тилидан гапиради.

Шундай қилиб, XIX аср охири ва XX аср бошларида форс адабиёти маърифатчилик реализми анъаналар билан алоқани узмаган ҳолда жамиятдаги мавжуд иллатлар, камчиликларни сафарномалар, кундаликлар, фельетон, очерк, сатирик маърифат-парварлик руҳидаги публицистика ёрдамида ифода этдилар. Маърифатчилик реализми ижтимоий нотенгликка карши чиқиб, танқидий реализмга асос тайёрлади. Маърифатчилик реализмининг кейинги давр реалистик йўналишлар ривожида, айниқса, реалистик форс ҳикояларининг вужудга келиши ва ривожланишида аҳамияти бекиёсdir. Ҳусусан янги типдаги илк форсча ҳикоялар муаллифи Муҳаммад Али Жамолзоданинг درد دل ملا “قربانعلی” (“Курбоналининг дил дардлари”)<sup>53</sup> ҳикоясида маърифат-парварлик реализмидан танқидий реализм томон силжиш кўзга ташланади. Бу ҳикояга рационализм мафкураси, яъни Яратганинг ишларига ақлий таҳлил нуқтаи назаридан қарашиб бўлиб, адаб ҳикояда ўзини художўй қилиб кўрсатган одамларни қаҳрамонларнинг ўз тилидан фош қилдириш услубидан самарали фойдаланган. Ҳикояда Сайиди Шухадо маддохи – Курбоналининг ҳақиқий ҳолати очиб берилади. Ёзувчининг услуби анъанавий услугуга яқин. Бу унинг жумлалар тузишида, сўз санъатлари – талмех, риторика, мажоз, у ёки бу шоир шеърларидан мисоллар, диний иборалар ишлатишида аниқ билинади. Кейинчалик Жамолзода бирин-кетин кўплаб реалистик ҳикоялар яратди.

Шундай қилиб, ҳикоячиликда аввалига маърифий тус олган реализм, секин-аста танқидий реализм услубига ўз ўрнини бера бошлади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида янгича йўналишда ижод этган эронлик адиллар, маълумки, ўз адабий анъаналарини унут-

<sup>53</sup> مجموعه داستانهای کوتاه از نویسنده‌گان ایران. تاشکند. 2008 ص 5

маган ҳолда, бадий наср соҳасидаги жаҳон адабиёти ютуклари-га, хусусан Европа, Америка ва рус адиллари Александр Дюма, Анатоль Франс, Уильям Фолкнер, Ҳемингуэй, Лев Толстой, Чехов, Достоевский, Горький ва бошқа жаҳонга машхур адиллар асарлари намуналарига мурожаат қилдилар. Эрон адиллари бу ёзувчилардан таъсиrlанган ҳолда ўз замонасидаги вазиятга танқидий қараб, қашшоқлик, пораҳўрлик, фахш, аёллар мазлумлиги, ахлоқсизлик, баҳтиқаролик ва бошқа шу каби ижтимоий тартибсизликлар, иллатларни тасвиrlадилар, форс насрини соддалиқ ва одийлик томон бурдилар.

ХХ аср биринчи ярми форс адабий муҳити, ҳикоянавислик ривожи ҳақида сўз боргандা, бу давр сиёсий вазияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бу давр, хусусан 30-йиллар “қора давр” номи билан Эрон тарихига кирди. Чунки 1925 йилда Ризошоҳ мамлакатда ҳарбий диктатура ўрнатди ва янги Паҳлавийлар суолосига асос солди. Демократик ҳаракатлар иштирокчилари қаттиқ таъкиб остига олинди, барча партияларнинг ман қилиниши ҳақида буйруқлар чиқарилди, ҳукумат олиб бораётган сиёsatга норозилик билдирган кўплаб илғор фикрли жамоат арбоблари ва ёзувчилар қамоқقا олинди, сургун қилинди ва муҳожирликда яшашга мажбур бўлишди. Эроннинг замонавий шоири ва таржимони Нодер Нодерпурнинг ибораси бўйича “Ҳатто сўз кишанланган эди”<sup>54</sup>. (Бўзўрг Алавий Германияда муҳожирликда яшади, Аҳмад Маҳмуд бир неча бор зинданбанд қилинди.) Матбуотга қаттиқ цензура ўрнатилди.

Буларнинг барчаси 20–30-йиллар адабиётида акс этмай қолмади. Илғор фикрли ёзувчилар асарлари нашр қилинишининг ман этилиши адабиётта катта зарар етказди. Бу даврда кўплаб адиллар адабиётшунослик масалалари, таржимонлик билан шугуллана бошладилар. Натижада эса форс адабиётида мавзулар кўлами заифлашиб, эътиборга молик, яхши бадий асарлар деярли яратилмади. Ёзувчиларнинг бир қисми эса шоҳ диктатурасини тарғибу ташвиқ қилдилар. Бундай ҳолатда наср ривожи ғоявий-бадий таназзулга юз тутди. Бу даврда ижод этган С.Кермоний, М.Ҳайдар, А.Камолий кабилар асарларида ижтимоий долзарб муаммолардан, замонавий мавзулардан йироқлашиш, кўпроқ

<sup>54</sup> نادر نادرپور. شعر انگور. تهران 1955 ص 24

тариҳий мавзулар устунлиги сезилди. Бу йиллар форс адабиётiga пессимизм, ҳаётий қийинчиликларга бўйсуниш каби кайфият хос эди. Айнан мана шу таҳликали даврда форс ҳикоячилигининг ёрқин вакили – Содик Ҳидоят ўз ижодий фаолиятини бошлади.

1930 йилларининг бошларида Техронда тўрт нафар ёш адаб ва адабиётшунослардан иборат «ربيع» («Тўртлик») номли жамият ташкил топди. Унинг аъзолари С.Хидоят, Б.Алавий, М.Миновий, М.Фарзадлар эди. (Тугаракнинг номи ҳам шундан келиб чиққан). Консерватив ёзувчилар уларни “تنرو” – “экстремистлар”<sup>55</sup> деб аташди (1905–1911 йилдаги Эрон конституцион инқилобидаги инқилобчиларни ҳам айнан шундай аташган эди). Кейинроқ бу жамиятга Нимо Юшиж, Парвиз Нотел Хонларийлар ҳам аъзо бўлишиди. “Тўртлик” аъзоларининг асосий вазифаси ҳафтада икки-уч бор йигилиб, сўнгги воқеа-ҳодисаларни муҳокама ва таҳлил қилишдан иборат эди. Бундан ташқари шундай йигилишларда уларнинг илк ҳикоялари таҳлилдан ўтар, келажак учун режалар тузиларди. Бу жамиятнинг ҳар бир аъзоси “Тўртлик”ка ҳукмрон гурухларнинг зулмига қарши бўлган зиёли кишиларни жалб қилиши керак эди. Ишонч қозонган шахсгина ёзувчилар уюшмасига таклиф қилинарди. Бу жамият аъзоларини мамлакат адабиёти, санъати ва фани келажагига бўлган умумий нуқтаи назар, умумий қарашлар бирлаштириб турарди. “Биз, – деб ёзади Мужтабо Миновий, – мутаассибликка карши, озодлик учун... қурашар эдик”<sup>56</sup>.

30-йиллар адабиётiga хос бўлган хусусиятлардан бири сифатида Эроннинг илғор фикрли маданият арбоблари олдида хотин-қизларни озодликка чиқариш масаласи кўтарила бошлишини таъкидлаш жоиз. Бу масала гарчи эрон аёллари 1905–1911 йилги Эрон инқилоби ва 1919–1922 йиллардаги милий-озодлик ҳаракатида фидойилик кўрсатишларига қарамай, алоҳида асарларни истисно қилганда (Лоҳутий, Ашраф Гилоний шеърлари) насрый асарлarda ҳал этилмай қоларди<sup>57</sup>.

30–40-йилларга келиб эса форс адабиётida катта ўзгаришлар кузатила бошлади, истеъоддли ёзувчилар авлоди вужудга келди. Улар орасида Бўзўрг Алавий, Жалол Оле-Аҳмад, Муҳаммад Масъуд Деҳотий, Муҳаммад Ҳижозий, Содик Чубак, Беҳозин ва

<sup>55</sup> عقاید و افکار در باره صادق هدایت پس از مرگ، تهران 1953 ص 107

<sup>56</sup> Д.С. Комиссаров, А.З.Розенфельд, Садек Хедаят, – М., 1958. – С. 5.

<sup>57</sup> احمد کسری. تاریخ مشروطه ایران. تهران. 1946 ص 97

албатта Содик Ҳидоят бор эди. Жамолзода курашган ва жонбозлик кўрсатган ҳикоя жанри эса замонавий адабиётда ўз ўрнини топди, тез суръатлар билан ривожланиб борди, эътиборга тушди, хилма-хиллашди ва тубдан ўзгарди. Санъатлар ва мазмуний новаторлик нуқтаи назаридан илк тарихий ва ижтимоий романларни ортда қолдирган бу жанр Содик Ҳидоят асарларида илгарилааб кетди, унинг шоҳ асарлари даражасига етди.

Бу давр энг ёрқин адиларидан Бўзўрг Алавийнинг “خان” (“Хоин”)<sup>58</sup> ҳикояси сиёсий ҳикоя бўлиб, шоҳ даврида ўтказиладиган сайловлар, уларнинг қалбакилаштирилиши, овозларнинг ўзгартирилиши, одамларнинг тъяқиб этилиши ва шу каби сиёсий ўйинларга багишланган. Б.Алавий янги мавзулар қўламини бошлаган ёзувчи хисобланади. Унинг лексикасида ҳам янги сўзлар – “сайлов комитети”, “депутат”, “митинг”, “намойиш” каби сўзлар пайдо бўла бошлиди. Бу хусусиятлар унинг бошқа ҳикояларига ҳам тегишли.

Бу даврнинг яна бир атокли адиби Содик Чубактир. Унинг нигохи Эрондан ташкарига эмас, аксинча ички аҳволга, унинг ичидаги ҳаётга қаратилганди. Адаб ўз замондоши қайгуси, дардининг сабабига жавоб топишга ҳаракат қилиб, унинг психологиясига кириб боришга интилди. Унинг асарлари қаҳрамонларининг аксарияти – жамиятнинг қуий табақаси вакиллари. С.Чубак ижодининг катта қисмини бошқа шарқ адабиётлари каби форс адабиётида ҳам анъанавий хисобланган антиклерикал мавзу ташкил килади: руҳонийларнинг зўравонлигига қарши чиқиши, ҳалқ қолоқлиги, хусусан дехқонларнинг қашшоқлигини тасвирлаш билан уйгунашди.

Унинг ”پراهن زرشکی“ (”Тўқ қизил кўйлак“)<sup>59</sup> ҳикояси ҳалқ ҳаётидан бир лавҳа бўлиб, энг паст, тубанлашган одамлар ҳаётидан ҳикоя қиласи. Ҳикоя мурда ювадиган икки аёл қаҳрамонлар ҳақида. Улар бутунлай ҳаёсини йўқотганлар, чекадилар, хиёнат килишдан бош тортмайдилар. Адаб ҳикояда бир нечта жонли образлар галерясини яратган: маккора Салтанат мурда аёлнинг қизил кўйлагини фохиша қизига олиб бермокчи, ўзи ҳам фохишилик қиласи. Бахтсиз аёл Кулсум, мунофик кўшмачи хоним, у бир дақика таҳоратсиз юрмайди, аммо Салтанатни ёшлигига бир

<sup>58</sup> مجموعه داستانهای کوتاه از نویسندهای ایران. تاشکند 2008 ص 16  
<sup>59</sup> همان کتاب. ص 30

барзангига мажбурлаб қүшган ва шу каби бошқа образлар. Ҳикоя услуги үзига хос, унда ҳикоя ичида ҳикоя (“Минг бир кечә” аңынанаси), мақоллар, ибораларга бой бўлиши, ҳалқ дуолари, қарғишлари, жонли тилнинг ишлатилиши, умуман миллий қолорит жуда маҳорат билан тасвириланган.

Шу адиблар билан бир даврда ижод этган Жалол Оле-Аҳмаднинг “خواهزم و عنکبوت” (“Опам ва ўргимчак”)<sup>60</sup> ҳикояси оиласи муносабатлар, қаҳрамон Аббоснинг касалманд опасининг тақдирни ҳакида ёзилган реалистик ҳикоя. Унда урф-одатлар, оила аъзоларининг бир-бирига бўлган илик муносабатлари акс этган. Ҳикояда салла кийиб юриш ман этилгани ҳақидаги эпизоддан шоҳ даврида динга нисбатан салбий муносабат мавжуд эканлигини билиш мумкин.

1940–50-йилларга келиб ҳам насрда ҳикоя жанри етакчилик килди, чунки ҳикоя ҳозиржавоб, лўнда, ҳаёт воқеаларини тез инъикос этадиган жанрdir. Илк романларнинг ҳикояга нисбатан камроқ ривожланиш сабабларидан бири – романнависларнинг ҳаётий мураккаб кўп қатламли воқеалар, йирик ҳажмли эпик асарларга хос ҳаётий қаҳрамонлар яратишда тажриба ва билимларининг етишмаслигида эди. Шу ўринда масаланинг моддий томонини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Чунки эндигина қўлига қалам олган ёзувчи учун ҳикояни журнал ва газеталарда чоп этириш, алоҳида ҳажмдор романни китоб шаклида чоп этиришдан кўра осонроқ ва арzonроқ тушарди.

Асл касби ёзувчи бўлмаганлар ҳам қўлларига қалам олиб “ёзиш”га тушиб кетишиди. Ҳикоя ёзишни оддий иш деб билган кўплаб “ёзувчилар” жуда тез ўкувчилар эътиборидан четда қолдилар ва адабиёт тарихида ўз ўринларини топмадилар. Аммо Жамолзода, Содик Ҳидоят ва Бўзўрг Алавий каби ёзувчилар ўз асарларида ижтимоий муносабатларга янгича танкидий нигоҳ билан ёндашиб, ҳалқнинг янада кенг гурухлари, қатламларидан чиққан персонажлар характерларини яратиб, ҳикоянавислик санъатини янада такомиллаштирилар.

Албатта, Жамолзоданинг ҳикоянавислик борасида кўрсатган хизматлари ҳақли равишда катта аҳамиятга молик, аммо Содик Ҳидоятнинг эронликлар ҳаётининг энг пинҳоний, яширин кирраларини мужассам этишда ва ҳикоянавислик санъати ривожидаги

<sup>60</sup> مجموعه داستانهای کوتاه از نویسندهای ایران. تاشکند 2008 ص48

үрни бекиёсдир. Агар Жамолзода ҳикоянависликнинг асосчиси бўлса, унинг чўккиси Содик Ҳидоятнинг ҳикоялариридир.

“40-йилларнинг бошига келиб келиб Ризошоҳнинг диктаторлик режими ағдарилди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланди: сиёсий маҳбуслар озод этилди, миллий озодлик ҳаракатига бошчилик килган Эрон Ҳалқ партияси ташкил этилди, демократик матбуот жонланди.”<sup>61</sup>

Бу давр форс адабиёти учун муҳим босқич ҳисобланади. Ризошоҳ ҳукмронлиги даврида репрессияга учраган кўплаб шоир ва ёзувчилар озодликка эришиб, ўз адабий фаолиятларни кучайтирилар. Бу даврда Эрон адабий ҳаётида ҳам муҳим ҳодиса юз берди. 1946 йил Техронда “Эрон ёзувчиларининг биринчи анжумани” бўлиб ўтди. Бу анжуманинг илгор Эрон адабий кучларини бирлаштириш ва адабиётнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилишда аҳамияти катта бўлди. 40-йиллар бошлари форс адабиётидаги демократик гоялар Содик Чубак, Бехозин, Жалол Оле-Аҳмад, Эҳсон Табарий каби қатор катта ва ёш авлод вакиллари ижодида намоён бўлди. Уларнинг бирлашув маркази бўлиб “پیام نو” (“Янги хабарчи”), “سخن” (“Сўз”) каби адабий-маданий журналлар хизмат қилди. Адабиётшунослар, хусусан ёш адибларнинг гоявий-бадиий тафаккурини ўстиришда Эрон Ҳалқ партиясининг нашрлари ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бу журналлар реалистик санъат қарашларини тарғиб этдилар. Илгор фикрли адибларни воқеликни бор ранглари ва хилма-хиллиги билан тасвиirlаш ҳаракати жипслаштириб туардиди. 40-йилларга хос яна бир муҳим ҳодиса сифатида насрнинг шеъриятга нисбатан анча илгорлаб кетишини айтиш мумкин. 40-йилларга келиб форс адабиётида *ستاره دنباله دار* («Думли юлдуз») ҳикоясидаги Ираж, Эҳсон Табарийнинг «توفان نزدیک می شود» («Тўфон яқинлашмоқда») ҳикоясидаги Хўрмўз.)

“Янги ҳодиса сифатида Эрон ёзувчиларининг Эрон ҳалқининг Ҳалқ партияси ва профсоюзлар раҳбарлигига олиб борган фидокорона курашини ифодалашга бўлган интилишларини ҳам эътироф этиш мумкин.”<sup>62</sup>

<sup>61</sup> Д. Дорри. Моҳаммад Али Джамальзаде. – М., 1983. –С.66.

<sup>62</sup> Комиссаров Д.С. Очерки современной персидской прозы. –С.157.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин эронликларнинг маънавий изланишлари тарихига ҳар бири ўз истеъдоди билан миллий онгнинг шаклланишида катта ҳисса қўшган, халқни йиллар мобайнида йигилиб келган истибод ва империалистик ҳукмронлик таъсирида қолган қолоқлик, хатолар гирдобидан огоҳ этишга, сақлаб қолишга уринган кўплаб адиларнинг номларини киритишимиш мумкин. Муҳаммад Али Жамолзода, Содик Ҳидоят, Ҳусрав Шоҳоний, Фаридун Тўнўкебўний, Бўзўрг Алавий, Ғуломхусайн Соэдий ва бошқа адилар шулар жумласидандир.

1953 йилдан Германия Демократик Республикасида муҳожирликда яшаган Б.Алавий ўз асарларида ривожланган мамлакатлар ютуқлари ҳақида ёзар экан, унинг барча ҳикояларида ватанпарвар, ўз юртининг нурли келажаги учун қайғурган ёзувчининг овози янграб туреди.

Бу даврда эрон ёзувчилари, ҳусусан Б.Алавий ва баъзи адабиётшуносларга социалистик ғоялар таъсир қилганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бу ҳолат собиқ иттифоқ даври адабиётшунослигида индивидуализм, ахлоқсизлик каби иллатларни тарғиб қилувчи салбий ҳодиса деб баҳоланган, аслида эса ижодкор шахснинг ижодий эркинлиги (шаклий, мазмуний ва ғоявий жиҳатдан)да ўз ифодасини топган, ҳаётни нореал бадиий акс эттириш принципи сифатида қаралиши лозим бўлган модернизмга бўлган муносабатда билинди. Масалан эронлик адабиётшунос доктор Митра ўзининг “ریالیسم و ضد ریالیسم در ادبیات” (“Адабиётда реализм ва ирреализм” Техрон, 1958) асарида адабиёт ривожини тарихий ва ижтимоий шарт-шароитлар билан услуксиз алоқада кўриб чиқди. Муаллиф санъатда ирреализмни чуқур ижтимоий ўзгаришлар даврида вужудга келган руҳий хасталик, оғишининг бир тури... деган хуласага келди. Унинг бу фикрларида социалистик тарғибот таъсири яққол сезилади. Аслида эса адабиётда модернизм ирреал эмас, балки адабиётшунос олим Д.Куронов таъкидлаганидек: “адабиёт тарихи реалистик ва нореалистик ижодий тамойиллар орасидаги қуаш жараёни, айни чоғда уларнинг бирбирини тўлдириш, бойитиш жараёни ҳам бўлганини кўрсатади”<sup>63</sup>.

40–50- йилларда ижод этган адилар ҳикояларининг тематикаси ниҳоятда хилма-хил эди. Бу даврда жуда кўп учрайдиган ватангага

<sup>63</sup> Д.Куронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. – Т., 2010. 178-б.

муҳаббат, инсонпарварлик, эзилган эрон аёлининг дарди, оғир қисмати каби мавзулар эди. Аввалгидек эрон зиёллари тақдири, дехқончилик соҳасидаги оғир аҳвол, оддий хизматчиларнинг ҳаёти, ҳоким табақанинг зўравонлиги, уларнинг текин даромад ва сиёсий мавқега бўлган интилиши, ўз ёвуз мақсадига эришиш йўлидаги ёлғончилиги ва порахўрлиги каби масалалар, мавзулар доирасини қамраб олган янги туркум ҳикояларнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Ҳикоялар қаҳрамонлари ҳам аввалгидек – оғир қисмат эгалари, ҳақ-хукуқсиз, қолоқ ҳалқ вакиллари.

Жамолзода ўзининг 1954 йилдаги “Бор экан-да, йўқ экан” тўпламишининг бешинчи нашри сўзбоҳисида Эрондаги ўз замонасининг адабий вазиятига баҳо бериб: “Ёзувчилар ҳодисаларни тасвирлаш ва вазиятларни тушунтиришда ҳақиқат ва воқеликдан узоклаш-маслика уриняптилар”, – деб ёзган эди<sup>64</sup>. Унинг фикрича, яхши асарларни Эрон ҳаётини ҳар томонлама билиб, чукур ҳис этибина ёзиш мумкин бўлади, бунинг учун эса ҳар куни ҳалқ билан якин алокада бўлиш кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Шундай қилиб, XX аср биринчи ярми форс реалистик ҳикоя-навислигининг ўзига хос жиҳатлари сифатида унинг илк босқичларда маърифий хусусиятларга, айни чоғда маърифий асарларнинг ўзи аввал дидактик, кейинроқ эса маърифий матбуот шаклига эга эканлиги билан ажralиб туради. Маърифатпарварлик реализми йўналишидан эса аста-секин танқидий реализм йўналишига ўтганлиги билан характерланади. Бундан ташқари, бу давр бадиий насрининг 20–30-йиллари қаттиқ давлат назорати остида бўлиб, ҳикоянавислик бирмунча сустроқ ривожлангани ҳамда бир оз тушкунлик, ҳаёт машаққатларига бўйсуниш кайфияти устунлиги билан сифатланади. 30–40-йилларда эса адабиёт майдонига истеъдодли ёзувчилар гуруҳи кириб келиши ва бу адиблар ижодида демократик ғояларни тарғиб қилувчи асарлар намоён бўлганлиги кузатилса, 50-йилларга келиб ҳикоя бадиий насрининг энг етакчи шаклига айланганлигини ва воқеликнинг барча жиҳатлари – ҳаётни хилма-хил, турли-туман томонлари билан тасвир этишга қодир бўлганлиги билан характерланади.

<sup>64</sup> Д. Дорри. Моҳаммад Али Джамальзаде. – М., 1983.

### **1.3. XX аср 50 – 70-йиллари Эрон ҳикоянавислари ижодида жанр динамикаси**

40-йилларда жадал суръатлар билан ривожланган форс адабиётидаги демократик ғояларга даъват этувчи йўналишлар тарақкиёти 50-йилларга келиб инқирозга юз тутди. Кўплаб уларни тарғиб қилувчи вактли нашрлар ёпилди. “*خواندنی ها*” (“Кизикарли янгиликлар”), “*اطلاعات هفتگی*” (“Тарақкийпарвар”), “*روشنفکر*” (“Ҳафталик янгиликлар”) ва шу каби қолган бошқа журнallарда Ризошоҳ хукуматининг мағкуравий ғояларига хизмат қиладиган асарлар чоп этила бошлади. Адабиёт ва матбуот устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши ҳалқчил асарларнинг яратилишига тўсқинлик қиласади. Миллий демократик адабиёт инқирози саёз, сифати паст гарб адабиёти намуналари, хусусан катта миқдорда форс тилига таржима килинган ва уддабурон китобфурушлар томонидан ҳалқ орасида оммалаштирилган турли детектив романларнинг кириб келишига кенг йўл очиб берди.

Миллий адабиётни ривожлантириш чоралари, ғоявий инқирозни бартараф этиш 50–60-йиллар илгор ёзувчиларининг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолди. Ўша давр адабий вазияти йирик жамоат арбоби ва ёзувчи Эътемодзода (Бехозин) томонидан чоп этиладиган “Садаф” (1958, № 11) журналида таъсирил ва аник ифодалаб берилган эди. Эътемодзода кўплаб ёш ёзувчилар ўзларини бирданига енгилган ва барбод бўлгандек ҳис килганикларини, келажакка ишончларини йўқотганларини, рухан тушкунликка берилгандарини, анархизм миллий адабиётнинг ҳар кандай соҳасини фалажлаб қўйганини ёзган эди. Унинг фикрича, натижада 50–60-йилларда машхур асарлар яратилмади.

Эронда анъаналар маҳдудлигининг бузилиши, яъни гарб маданияти ва адабиётининг ҳалқ маънавий ҳаётига кириб келиши мустамлакачилик даврларидан бошланган. Бу ҳол кейинчалик тили, урф-одатлари, дини турли хил бўлган ҳалқларнинг ўзаро маданий алоқаларига олиб келди. Шарқнинг бой маънавий мероси гарб маданиятига ўз таъсирини ўтказгани каби, гарб маданияти ҳам шарқ маданияти ва адабиётига таъсир кўрсатди. Бу тамойил умумий шаклда “Шарқ – Гарб” мавзуси доирасида оммалашди. Бу йилларда гарб ва рус адабиёти классиклари – Вольтер,

Гёте, Горький, Толстой, Чехов, Достоевский, Арагон, Роллан, Камю, Сартр, Хемингуэй, У.Фолкнер ва бошқа адилларнинг номлари ўқимишли доиралар гурухига таниш эди. Уларнинг асарлари таржималари нашр қилинди. Ж.Оле-Аҳмад 60-йилларда Альбер Камюнинг “Вабо”, немис ёзувчиси Э.Юнгернинг “Чизикдан ўтиш”, румин модернист драматурги Э.Ионескунинг “Каркидон” пъесасини, Жан Пол Сартр, Андре Жид, Ф.Достоевскийнинг асарларини таржима қилди. Таржималар устида ишлаш ва уларнинг нашр килиниши эронлик ёзувчиларда жаҳон адабиёти тарихига бўлган қизиқиши ошириди ва бадий тафаккур ўсишида, адабий-эстетик дунёқарашларнинг ўзгаришида ижобий аҳамият касб этди. Эронлик адабиётшунослар жаҳон адабиёти даврий ривожланиш босқичларини кўриб чиқишини, муҳокама килишни, гарб бадий сўз санъатининг асосий йўналишларини таҳлил қилишни бошладилар. Ғарбликларнинг ижоди ва адабий-назарий тафаккури Эрон адабий жараёнига ажralмас кисм бўлиб кириб келди ва адиллар тафаккури ва ижодига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Масалан Ромен Роллан ижодига эътибор қаратган эрон адиллари ва зиёлилари ўз маънавий изланишларининг моҳиятини англаб етишга интилдилар. Максим Горький ижодида эса буржуа маданиятининг қабоҳатларини фош қилиб, хонавайрон бўлган ва эзилган одамларнинг туйғулар дунёсига кириб бориши Эрон адилларининг эътиборини тортиб, ўз жамиятидаги ўхшаш томонларга назар ташлашга унади. Лев Толстой ижодига хос ҳалқ маданий ҳаётини очиб бериш, маънавиятдаги соғлом ва носоғлом ҳодисаларни англаб етиш масалалари адиллар дикқат марказида бўлди. Айнан шунинг учун ҳам Ф.Тўнукебўний Л.Толстойнинг “Санъат ўзи нима” асарини форс тилига таржима қилди. Ф.Тўнукебўний “ўкувчиларнинг ҳаёт хилма-хилликларини қабул қилишни ва танлаш хуқуқига эгаликни ўргатиш мақсадида уруш, кашшоқлик, гўзаллик ва қабоҳат, эзгулик ва ёвузлик, ёлгон ва ҳақиқат каби тушунчалар ҳақида ўйлашга ундаш”<sup>65</sup> вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Эронлик машҳур ёзувчи ва адабиётшунос олима Симин Донешвар 1962 йилда ўн икки ҳикояни ўз ичига олган А.П.Чехов ҳикоялари тўпламиининг таржимасини чоп этди. “А.П. Чехов асарларининг форс тилига таржима қилиниши

<sup>65</sup> فریدون تکباني. ”اندوه بی پایان“ تهران. ص 77

билан Чеховга хос қалам тебратиш йўлини эгаллашга интилиш, Эрон замонавий ҳикоянавислиги ривожига катта ҳисса қўшиди. 70-йилларнинг энг кўзга кўринган истеъоддли ёзувчиси Ғуломхусайн Соэдийнинг “ترس و لرز” (“Қўркув ва титрок”) ҳикоялар тўпламини бор миллий колорити билан Чеховга хос амалдорлар ҳакидаги ҳикояларни эслатиб туради.”<sup>66</sup>

Буларнинг барчаси Эрон янги авлод адабиётшунослари ва олимлари адабий-назарий тафаккури ва бадиий дидининг шаклланишида катта таъсири кўрсатди.

Ҳар бир ҳалқ адабиёти ўз миллийлиги, маънавий қадриятларини сақлаган ҳолда жаҳон адабиёти жараёнинга кириб боради, ўзига хос равишда ривождан ўтади. Шарқ адабиётида анъана ва қадриятлар масаласи тарихдан мавжуд ва янгиланиб турувчи, ўтмиш ва бугунги кун адабиёти ривожининг муҳим унсури ҳисобланади. Форс адабиётида ҳам анъана ва новаторлик масаласи адиларнинг доимо дикқат марказида бўлиб келди.

Замонавий эрон адабиёти ҳам XX аср жаҳон адабиёти таркибида турли адабий жараёнлар ва уларни ташкил этувчи ижодий методлар, оқимлар, йўналишлар ва ижодколарнинг бадиий услубларининг хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Адабиётда бадиий воқелик турли тарзда намоён бўлиб, олам ва шахс концепцияси турли хил акс эттирила бошланди.

Ўз даврида Эроннинг энг истеъоддли ёзувчиларидан бири Содик Ҳидоят замонавий эрон архитектурасига шундай таъриф берган эди: “Бугунги кун архитекторлари нафосатни тушуниш қобилияти ва дидини гўё йўқотиб қўйганлар. Ўзларида бор мавжуд имкониятларга қарамай, улар эронийча ҳам европача ҳам бўлмаган бир услубда иморатлар яратишяпти. Иморатларининг ҳар бир қисми ўзича бир услубга эга. Масалан, устунлари – юононча, дарвозалари эронийча, деразалари бўлса инглизча руҳда.”<sup>67</sup>

Бундай образли баҳони маълум маънода ўзига хос хусусиятларга эга бўлган асарлар билан бир қаторда модернистик йўналишларнинг таъсири ҳам сезиладиган замонавий форс адабиётига ҳам қўллаш мумкин.

<sup>66</sup> دکtar حمید عبد الاهیان. کارنامه نثر معاصر. تهران. 2000 ص 102

<sup>67</sup> صادق هدایت. پروین دختر ساسان به همراه اسفهان:صف جهان. تهران 1954. ص 90

Турли-туман адабий йўналишлар ва оқимлар ўз ифодасини топган замонавий форс бадиий насрода воқеликни тасвирлаш методи ҳақида қатъий бир холосага келиш жуда мураккаб. 50–60-йилларда форс ҳикоянавислигига реалистик тенденция ўзига хос мавқени эгаллаб турганини, реализм тарихий зарурият эканлигини, форс адабиётида реалистик метод устунлик қилишини ўз даврида кўплаб эронлик ёзувчилар ва адабиётшунослар ҳам тан олган эдилар. Ёзувчи Али Дашибий ҳам ўз мақолаларидан бирида: “Дунё реализм томон кетмоқда”<sup>68</sup> – деб таъкидлаган эди.

Бу даврда ҳаётни реал тасвирлаш билан бир қаторда биз сентиментализм, Эронга Фарбий Европа ва Америкадан кириб келган сюрреализм, фрейдизм ва бошқа модернистик оқимлар таъсирини ҳам кузатишимиш мумкин. Симин Донешвар, Гуломхусайн Соэдийларнинг реалистик услубда ёзилган ҳикоялари билан бир қаторда модернистик услубда яратилган ҳикоялари ҳам кўп.

Шундай экан, 60-70-йиллар алоҳида олинган адиларнинг бадиий методини ҳам аниқлаш осон иш эмас. Чунки уларнинг аксариятигининг ижоди изчил бўлмай, серкирра ҳамда қарама-каршиликларга бой.

Албатта, 60-йилларда эрон адабиётида ҳикоянинг мумтоз намуналарини, ўлмас дурдоналарини яратган, реалистик ҳикоячиликнинг асосчиларидан деб тан олинган буюк адаб Содик Хидоятдан кейин бу борада янгилик қилишга эришган (шох хукумати куюшқонларига сифмаган, унга бўйсунмаган ҳикоялар яратган) ижодкор Самад Бехрангий, Гуломхусайн Соэдий, Аҳмад Махмуд каби ижодкорлар эди. Уларнинг воқеалар тафсилоти эмас, психологик таҳдил, миллий характерга асосланган ҳикоялари адабиётни асл вазифасига – инсон ва унинг тақдирни, кўнглини тадқиқ этишга йўналтириш йўлидаги изланишлар эди.

Аҳмад Махмуднинг “شهر کوچک ما” (“Бизнинг кичкина шаҳарча”)<sup>69</sup> реалистик ҳикояси айнан мана шу мавзу – инсон ва унинг тақдирини, кўнглини тадқиқига йўналтирилган бўлиб, кичкина бир шаҳарчага нефтнинг таъсирини кўрсатиш воқеаси тасвирланган. Нефть кони топилган бу шаҳарча остин-устун бўлиб кетади. Хурмозорлар кесиб ташланади, нефть иншоотлари қуриш

<sup>68</sup> علی دشتی. آینده ادبیات ایران. اطلاعات ماهانه №5 1334/1955.

<sup>69</sup> مجموعه داستانهای کوتاه از نویسندهای ایران. تاشکند 2008 ص 106

учун одамларнинг уйлари бузиб ташланади, эвазига одамларга ҳеч қандай товон пули берилмайди. Бунга қаршилик кўрсатгандар эса қамоққа олинади. Нефть Эрон ҳукуматини бойитди, аммо оддий ҳалққа фақат мاشаққат олиб келди. Бу ҳикоя шоҳ ҳукуматига қарши исёнкорона рух бор, шоҳнинг мустамлакачиларга кўрсатаётган эҳтироми қаттиқ танқид остига олинган.

“60–70-йиллар Эронда ижтимоий сергакликнинг ошиши кузатилди. Шу билан бирга 60–70-йиллар мамлакат ҳаётида аҳоли миллий онгининг жуда тез суръатда ўғани билан ҳам характерланади. Бу ҳол ижтимоий фикр, маданият, айниқса, бадиий адабиётнинг ривожида яққол кўринди. Ўтмишдан қолган маданий меросни тиклаш, миллий манбалар, маънавий, диний қадриятларга бўлган қизиқиши янада кучайди. Бир вақтнинг ўзида гарб билан бўлган ўзаро адабий, маданий, сиёсий алоқалар таҳлил ва тадқиқ обьектига айланди. Айнан шу масалаларга мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари, телевидение ҳам катта эътибор қаратди. Оммавий нашрлар саҳифаларини ўтмиш маданий мероси ва Гарб, гарб маданияти, гарб цивилизациясига бўлган муносабатни талқин қилиш, шарҳлашга бағишлиланган мунозаралар авж олиб кетди.”<sup>70</sup>

Публицистикада кенг маънода мамлакатнинг Гарб оламига маънавий, иқтисодий, сиёсий қарамлигини, тор маънода эса Эрон буржуазияси томонидан гарб маданиятининг шаклан ўзгартирилиб ўзлаштирилишини англатадиган “гарбпастлик” термини оммалашди. Бу терминнинг вужудга келиши 1962 йилда Жалол Оле-Аҳмаднинг “غارب‌نگی” (“Гарбпастлик”)<sup>71</sup> асарининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Жалол Оле-Аҳмад соғ миллий маданият учун курашиб, бунинг учун ислом олами ва ислом маънавиятига кайтиш концепциясини илгари сурди.

Жалол Оле-Аҳмаднинг асари ислом инқилоби етилиб келаётган даврда ижтимоий фикрнинг ривожига туртки сифатида адабиёт майдонига кириб келди. Бугунги кунга келиб, Эрон адабиётини янада кенгроқ қўламда аниқлашга ҳаракат қиласр эканмиз, айнан шу асада ўтмиш ва бугунги куннинг қарама-қарши зиддиятли ва мураккаб жараёнларига жавоб топа оламиз. Иккинчи

<sup>70</sup> Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – М., 1990. – С.145.

<sup>71</sup> جلال الـ احمد. غرب‌نگی. تهران 1962

жахон урушидан кейинги йилларда эронликлар маънавий изла-нишлари, миллий онгининг ўсишида ўз хизматлари билан катта ҳисса қўшган кўплаб ёзувчилар, шоирлар, олимлар номини тилга олиш мумкин. Бироқ, бизнингча, бу сафнинг бошида эса Жалол Оле-Аҳмад ва унинг “غربىيگى” (“Farbparastlik”) асари туради. Бу асар публицистик китоб бўлишига карамасдан кейинги бадиий адабиёт учун образлар ва гоялар манбаи бўлиб хизмат қилди. Бир томондан Farb адабиётини таржималар орқали эронликларга таништирган Оле-Аҳмад, иккинчи томондан бор кучи билан Farbnинг Эронга руҳий-маънавий тажовузидан огоҳлантириди ва мустамлака сиёсатини нафакат хўжалик борасида, балки маданият соҳасига зиён, ҳатто ҳалокат олиб келувчи таъсирини кўрсатиб ўтди. “Farbparastlik” асарининг 1979 йил ислом инқилоби учун маънавий озука сифатидаги аҳамияти катта бўлди. Бу асарда ёзувчи ижтимоий ҳаётни турли жабҳаларини кузатади ва танқидий таҳлил қиласи. Унинг фикрича, ривожланаётган мамлакатларда илмий-техник тараққиёт энг аввало, миллий ўзликинг англаш ҳиссининг ўсиши билан боғлиқ. У миллий маданиятнинг истиқболи ва ижтимоий муаммоларнинг ечимини ижтимоий тизимда фақат исломий анъаналарни тиклаш ва шу билан бирга замонавий техника-технология ютуқларини ишлатишда кўрди. Оле-Аҳмад бир томондан етук гарб адиллари инсонпарварлик гояларига ҳамоҳанг бўлди, иккинчи томондан, ўз тақдирини мусулмон фалсафаси ахлоқ аҳкомларида топишга интилди. Биз Жалол Оле-Аҳмад дунёқарашига алоҳида тўхталишимизнинг боиси баъзи бадиий адабиёт вакилларининг 1978–1979-йиллар ҳодисаларига нисбатан тутган ўрнини ва жамиятнинг сиёсий ва маънавий ҳаракатига қўшган ҳиссасини кўрсатмоқчи бўлдик.

“Мамлакат ичкарисида 70-йилларда ижтимоий сергакликнинг ошиши эронлик тадқиқотчилар ҳамда рус шарқшунослари томонидан ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.”<sup>72</sup>

Анъаналарга интилиш империалистик сиёсатга карши тўсиқ сифатида ўсиб борди. Бу даврда ижтимоий тенгсизликнинг ўсиши, иқтисодий қийинчиликлар, инфляция ва коррупция иллатлари аҳоли орасида диний анъаналарнинг қайтишига кулай замин бўлиб хизмат қилди. “Диний кайфиятнинг ўсишида демографик фактор ҳам му-

ҳим аҳамият касб этди. Бу диндорлар таркибининг ёшаришида на-моён бўлди (Ўша йилларда Эрон аҳолисининг 60% ни 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этарди). 70-йилларнинг бошида диний-сиёсий ҳаракатларнинг асосий йўналишини кескин ўзгаришларга мойиллик даражаси ўз устозларидан ҳам устунлик қила бошлаган талабалар ва диний арбобларнинг янги авлоди аниқлаб берди.”<sup>73</sup>

Сиёсий оппозициянинг ҳар қанақа кўринишини аёвсиз бости-радиган ҳукуматнинг жазо бериш аппарати диндорлар йигилишларига қаршилик кўрсата олмас эди. Шунинг учун масжидлардаги мулоқот аҳоли норозилиги ва қаршилигини намоён этадиган асосий жойлардан бири бўлиб қолди. Диндорлар маъruzalariда шоҳ ҳукуматига қарши тарғиботлар борган сари кенг тус ола бошлади. Мана шундай тарғиботчилардан бири ёш ёзувчи ва социолог Али Шариатий эди. У Техрондаги “Хусайние эршод” диний марказида килган туркум маъruzalariдан кейин ёш эронликлар авлоди орасида жуда машҳур бўлиб кетди. “Ижтимоий-гуманитар соҳаларда замонавий гарб илмий методологияси ва диний экзистенциализмнинг қоидаларидан фойдаланган ҳолда Али Шариатий бугунги куннинг ахлоқий-этик ва сиёсий муаммоларини факаттина дин ҳал қилиб бера олади деган диний-фалсафий концепцияни ишлаб чиқди. У ёш зиёли эронликлар қатламига гўё шоҳ ҳукумати томонидан вужудга келтирилган бўшликни тўлдириб, диннинг янги, инқи-лобий имкониятларни очиб берди.”<sup>74</sup>

Маънавий-маданий мерос янги адабиёт, мафкура ва сиёсатнинг энг муҳим қисмини ташкил қила бошлади. 70-йиллар охири ўрта табака вакилларининг умуммиллий ҳаракатларда иштироки маънавий кучларнинг кўтарилишини рагбатлантириди.

Ҳикоянавис адилларнинг асосий эътиборини эндиликда зиёлилар торта бошлади. Ўқитувчилар, шифокорлар, хизматчилар ва талабалар ҳаёти форс ҳикоячилигининг асосий мавзусига айланди. Мамлакатнинг энг эътиборсиз бурчакларигача кириб борган ва хонавайрон бўлган ҳалқнинг қашшоқлиги, оммавий маданиятнинг бемаъни шакллари, инсоннинг юриш-туришини аниқлаб

<sup>73</sup> Агаев С.Л. Иран в прошлом и настоящем. – М., 1981. – С. 184-185.

<sup>74</sup> Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – С.154.

берадиган ёвуз бидъату хурофотлар, ирим-сиirimлар каби мавзулар 70-йиллар эрон насрининг янги мавзулари эди.

Олдинги адабий давр билан қиёслаганды бу даврий босқичнинг стилистикаси ҳам ўзгарди. Пухта реалистик тасвиirlар диний-фалсафий мулохазаларга ўрнини бера бошлади, одоб-ахлоқ, панд-насиҳат масалаларига, дидактикага катта аҳамият берилди.

Ўз маънавий қадриятларини, илдизларини янгидан топмок, анъаналарга қайтмок, уларни “модернизация” усулидан чегара-лашга интилиш Ж.Мирсадикий, Ф.Тўнўкебўний, Н.Иброҳимиylар асарарида яққол кўрина бошлади. Баъзи ёзувчилар, масалан олдин асосан қишлоқ мавзусида ёзалиган Фариудун Тўнўкебўний ва Амин Фақирийлар 70-йилларга келиб бадий асарга хужожатли ва публицистик унсурларни киргиздилар. Хусусан А.Фақирийнинг **“عنهای کوچک”** (“Кичик ғамлар”) ҳикоялар тўпламида бу ҳол аниқ кўзга ташланади. Ф.Тўнўкебўнийнинг ижоди С.Хидоят ва Оле-Аҳмад насрчилигининг энг яхши анъаналарини давом эттириб, ўз даврининг бадий солномасига айланди. Адиб ҳалқнинг маънавий-ахлоқий тажрибасига, бадий дидига таяниб, ўз асарларида гоҳ фош этиш, гоҳ ибрат бериш, гоҳ киноя қилиш, гоҳ ҳамдард бўлиш анъаналари йўлидан борди. Шунинг учун ҳам унинг асарларининг асосини маданий қадриятлар (утмиш тарихидан, достонлар қаҳрамонлари ва мумтоз форс адабиётидан намуналар, далиллар келтириш), ҳалқ маданиятининг этик-эстетик тажрибалари – фольклор, ҳалқ юмори, дидактика ташкил этади. Ҳатто унинг ҳикоячилигига шеърий бошланманинг ўрни ҳам сезиларли даражада: бадий умумлашмалар замонавий шоирлар Нимо Юшиж, Сиёвуш Кесроий асарларидан эпиграф келтириш йўли билан яратилди. **“شعر نو”** (“Янги шеър”) шеъриятида тасдиқланган бундай рамзийлик унинг ҳикоячилигининг энг муҳим хусусиятига айланади. (Бу ҳол айникса, Ф.Тўнўкебўнийнинг ilk ҳикояларига хос).

70-йиллар охири насли ҳақида гапирганда, бу даврда ҳикоячилик жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган капитализмнинг зиддиятларини, гарблаштириш, гарб маданияти ва санъатига йўналтирилган оммавий маданиятнинг бирёқламалигини ёритиб берди. Бу соҳада Ғуломхусайн Соэдийнинг хизматлари катта. Унинг ва демократик йўналишдаги бошқа пешқадам эрон ёзувчиларининг ижодий қиёфаси кўп жиҳатдан ўхшаш. Соэдийнинг

эътибори Жалол Оле-Ахмад, Содик Ҳидоят сингари ижодининг илк даврларидан бошлаб мамлакатнинг алоҳида гӯшаларидаги ахолининг урф-одатларини бадиий тадқиқ этишга қаратилди. Ёзувчилар дикқати эндиликда қаҳрамон ҳаётини конкрет вазиятларда тасвирлаш ва шу вазиятларда унинг характерини очиб беришдан (50–60 йилларнинг энг етакчи реалист ёзувчилари Содик Ҳидоят, Жамолзода, Содик Чубак, Беҳозин асарларида бўлгани каби) шахснинг ҳаётдаги янги шарт-шароитга қандай муносабатда бўлишини тадқиқ этишга қаратилди. Бу проблематикани – ижтимоий-психологик тақдимини Фаридун Тўнукебўний, Гуломхусайн Соэдий, Жамол Мирсадикӣ, Иброҳим Гулистон ва бошқа ёзувчилар асарларидан топишимиз мумкин. Иброҳим Гулистоннинг “پرسرم روى را پا” (“Йўлда ўглим билан”)<sup>75</sup> хикояси айнан мана шу мавзуга қаратилган бўлиб, ўғли билан Техронга машинада кетаётган қаҳрамоннинг йўл саргузаштлари ҳакида. Йўлда улар бир қишлоқда тўхтаб кўчма томоша кўрсатадиган артистлар билан учрашади. Улар машинада кетар эканлар радиодан сухандоннинг оламдаги шум хабарлар ҳақида гапиргани, ёзувчи эса киноя билан “муҳим хабарлар эмасди”, “оддий хабарлар эди” – деб ёзади. Бу хабарлар Вьетнамдаги уруш хабарлари, Ямандаги жанглар, Ироқдаги жанглар, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги уруш, Истроилнинг хужуми ҳақидаги “оддий” хабарлар эди. Демак, бундай хабарлар инсон ҳаёти учун оддий бўлиб қолган, инсон табиатига нотинчлик шунчалар хос эканлигини кўрсатиб берган. Хикоя деярли тўлиқ диалог усулида ёзилган.

Эроннинг 60–70-йиллар адабий тараққиётини таҳлил қиласр эканмиз юкоридаги маънавий-мағкуравий ўзгаришларни барчасини эътиборга олиш зарур. Анъянавий ислом дини тасаввурлари билан мамлакатдаги мавжуд тузум шаклларининг тўқнашуви маънавий тартибсизликни келтириб чиқарди. Шоҳ тузумининг ўзгарувчанлиги ислом дини билан мувофиқ келмас эди. Шу сабаб шоҳ 60-йиллар бошларида ўтказган “оқ инқилоб”ида бир-бирини инкор қиладиган ва қарама-қарши конунларни умумлаштиришга бўлган ҳаракати мувафакиятсизликка учради. “Юкоридан туриб инқилоб ўтказиш” ёки “оқ инқилоб” номини олган сиёсий тушунча – халқ устидан ҳарбий-сиёсий куч ишлатиб ҳамда халқнинг иштирокисиз

<sup>75</sup> مجموعه داستانهای کوتاه از نویسندهای ایران. تاشکند 2008 ص 65

ўтказиладиган инқилобдир.”<sup>76</sup> Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, бу турдаги инқилоблар турли шароитларда амалга ошиши: муайян мамлакат ичидаги келаётган инқилоблар арафасида, уларни олдини олиш учун ёинки маълум мамлакат ичидаги ижтимоий қарама-қаршиликлар шу мамлакат эски тузумига хавф сола оладиган даражага бориб етмаслиги учун ўтказилган. Бундай инқилобни 60–70-йилларда шарқ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб ўз тажрибасидан ўтказган Эронга юқоридаги вазиятларнинг ҳар иккиси ҳам хос эди. “Оқ инқилоб”нинг дастури юқоридан туриб Эрон жамиятини замонавий технологиялар даражасига ўтиш даврини юмшатиш, жамиятнинг барча қатламларини бир томондан тарихий мерос ва анъаналар умумийлигиғояси билан бирлаштириш ҳамда иккичи томондан гарб таъсирида шаклланган “оммавий маданият” хусусиятларини бирлаштириб тарғиб-ташвиқ этишдан иборат эди. Бирок бу инқилоб дастури ўзига юқлатилган вазифани бажара олмади ва жамиятда мавжуд қарама-қаршиликларни ошкор этиб инқилобий портлаш рўй берди. 60–70-йиллар мағкурачилари ва маданият арбоблари маданий ривожланишининг энг мақбул моделени ислом қадриятларига қайтишдан изладилар. Уларнинг исломга мурожаатлари ва гарглаштиришга қарши йўналтирилган ишлари “оқ инқилоб”га бўлган муносабатнинг салбийлигидан дарак берарди. Мазкур йиллар бадиий адабиётида, хусусан, насрда мустакил эркин шахснинг маънавий-ахлоқий ривожланиш муаммолари тадқиқ қилинди. Эрон насрнавислари асарларининг барча қаҳрамонлари ва тасвирланган воқеалар мамлакатда рўй бераётган ҳодисаларга нисбатан очик-ойдин танқидий муносабат руҳида бўлиб, “оқ инқилоб”нинг ижтимоий, маънавий-этик оқибатларини, шоҳ ҳукмронлигини қабул қиласликни кўрсатади. Шоҳ томонидан Эрон ва унинг маданиятини гарглаштиришга бўлган салбий муносабат сатирик тасвирларда мужассам бўлди. Шу даврда ижод этган адаби ва танқидчи Шаҳриёр Манданипурнинг (“Тоштишни синдир”)<sup>77</sup> хикояси шоҳнинг олиб борган “оқ инқилоб”ига қарши ёзилган хикоялардан биридир. Хикоя “Оқ инқилоб” даврида зиёли ёшларни ярим ҳарбий қилиб аҳоли маданиятини юксалти-

<sup>76</sup> Восток. Рубеж 80-х годов. Освободившиеся страны в современном мире. Главная редакция восточной литературы. – М., 1983. – С. 156.

<sup>77</sup> مجموعه داستانهای کوتاه از نویسندهای ایران. تاشکند 2008 ص 169

ришлари учун қишлоқларга юборилиши ҳақидадир. Ҳикоя мана шундай ярим ҳарбий йигитнинг севган қизига ва қизнинг йигитга ёзган мактублари шаклида булиб, бу хатлардан ўша қишлоқнинг қанчалик қашшоқ, қолоқ, одамлари жаҳолат босган ва бидъат-хурофотларга ружуъ қўйгани ва қанчалар бешафқат экани ҳақидаги маълумотларни билиб оламиз. Йигит у ерли оми аҳоли билан тил топиша олмайди. Ҳалқ минг йил олдин қандай яшаган бўлса ўшандай яшашнинг тарафдори, унумсиз ерларни ўзгартиришни хоҳламайди. Йигитнинг саъй-ҳаракатлари бехуда кетади. У ўзига нисбатан қишлоқ аҳлида адоват уйғотади. Улар йигитнинг қадамини шум ҳисоблашади. Йигит шаҳарлик, қишлоқ аҳли наздида бошқача дунёқараш эгаси эди. Йигит шу қишлоқ аҳли қўлида нобуд бўлади. Бу билан адид шоҳ олиб бораётган сиёсатга очик-ойдин ўзининг салбий муносабатини билдирган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 50–60-йиллар Эронда европа тилларидан қилинган бадиий таржималарнинг ривожланиши кузатилади. Шу билан бирга миллий онг ва миллий мағкуранинг ўсиши баробарида, ўтмиш, қадимги Эрон тарихи ва маданиятига ва хусусан ислом дини, унинг ижтимоий-маънавий функциясига қизиқиш кучайди. Анъаналарни қайтадан “кашф этиш” гарб маданиятига бўлган талқинни сезиларли даражада ўзгартирди.

Гарб тараққиётига нисбатан 50–60-йилларда яққол сезилиб турган чукур ҳурмат эндилиқда танқидий муносабат касб эта бошлади. Бу тенденция 70-йиллар бошига келиб ёзувчилар ижодида янада ёрқинроқ акс эта бошлади. Мамлакатда ўсиб келаётган ижтимоий кескинлик маданий мерос, диний ҳаракатлар, тарихий ҳодисалар талқинида алоҳида аҳамият касб этди. 70-йиллар ўрталарига келиб маънавий-маданий жараёнларни қайтадан белгилаб олиш янада кучайди. Агар 60-йиллар ва 70-йилларнинг бошларида “маданий анъаналар” тушунчаси исломгача бўлган ва илк ислом даври маданий меросини камраб олган бўлса, 70-йиллар ўрталарига келиб ислом оламига бўлган қизиқишининг янада кучайгани, гарб дунёси ва маданиятига танқидий ёндашувнинг ошиши қайд қилинади.

Эронликлар мағкурасига икки хил қарама-қарши дунёқараш хос бўлиб қолди: бири гарб маданияти ва унинг тараққиёт йўлига ижобий ёндашиш, иккинчиси эса факат ўтмиш тажрибасига асосланган ва миллий маданий анъаналарга хос ижобий муносабат. Гарбпастликка қарши туриш фикрлари ва жамиятни исломлаш-

тириш концепциялари уларни илгари сурган адилар талкинида бир-бирига боғлиқ ва чамбарчас алоқадор тушунчаларга айланди: Ғарб қанчалик ўткир танқид остига олинса, миллий бирлашувда исломнинг аҳамияти шунча бўрттириб кўрсатиларди. Щу билан бир пайтда расмий концепцияларда ислом универсал тизим сифатида тарғиб қилинар, Эронга эса Шарқ ва Ғарб анъаналарини уйғулаштирадиган “икки маънавий олам аро кўпrik”<sup>78</sup> вазифаси юклатилди. Бу концептуал хусусиятлар ислом инқилобининг ривожланишида катта аҳамият касб этди.

Муҳожирликда яшаган, Эрон сиёсий-мадананий ҳаётининг энг яширин, маҳфий жиҳатларига зийраклик билан муносабат билдирадиган ёзувчи Жамолзода 1970 йил 11 октябрда шарқшунос олим Жаҳонгир Доррийнинг замонавий Эронда диннинг ўрни ҳақида берган саволига шу тарзда жавоб берган эди: “Сўнгги бир неча йиллар мобайнида бу масала яна одамлар, айниқса, талабаларнинг фикрини эгаллай бошлади. Илохиётга оид кўплаб китоблар пайдо бўлди, бозор ҳунармандлари ва муллалар фаолияти жонланди. Улар ўзлари учун марказлар, нашриёт органлари ташкил этмоқдалар ва тарғибот ишлари билан фаол шуғулланмоқдалар. Бу ҳаракатларнинг бари миллийлик масалалари оқимида содир бўлмоқда. Улар диннинг кераклигини, унинг инсониятга сезиларли даражада кўмак беришини ва диннинг замонавий илм билан алоқадорлигини исботлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ҳаракатларнинг бари астойдил иймон-эътиқод натижасими ёки унга бошқа омиллар ҳам аралашганми, буни айтиш жуда мураккаб. Назаримда ҳам униси, ҳам буниси.”<sup>79</sup>

70-йилларда Шарқ ва Ғарб муносабати ҳақидаги мунозаралар жамиятга катта таъсир кўрсатди. Аслини олганда эса, Эрон қандай тараққиёт йўлини танлаши ҳақида гап борарди. Ислом меросига мурожаат соғ диндорликнинг уйғониши билан бирга на шарқона ва на ғарбона бўлган ўз тараққиёт моделини излашни англатарди.

70-йиллар охирларига келиб Эрон ижтимоий тафаккурида иккита йўналиш ажralиб турди. Биринчи гурӯҳ вакиллари консерватив мафкура тарафдорлари бўлиб, биринчи ўринда миллий маданият-

<sup>78</sup> Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – С.112.

<sup>79</sup> Д.Дорри. Мухаммад Али Джамальзаде. – М., 1983. – С.98.

нинг диний жихатига алохига ургу бериб, мамлакат келажагини ислом қадриятларининг уйгонишида кўрдилар. Иккинчи гурӯҳ на-мояндалари эса Farb маданияти ва фанини асоссиз танқид қилишга карши чиқиб, замонавий маданиятнинг шаклланишида Шарқ ва Farb халқлари маданий тақдири узвий боғлиқлигини, миллий маданий меросни инсонпарварлик жихатидан баҳолаш кераклиги каби демократик ғояларни илгари сурдилар. Айнан шу гурӯҳ вакиллари “شرقى نە غربى— انسانى”<sup>80</sup> (“Шарқона ҳам эмас, гарбона ҳам эмас, умуминсоний”) шиорини эрон маданиятига таклиф этдилар.

Соф исломий қадриятларга мурожаат 60-70-йиллар бадиий адабиётида кам кузатилади. Бу анъана исломий фидокорлик тарзida халқ оғзаки ижодида (омма ва ёш китобхонга мурожаат шаклидагина) уйгона бошлаган.

Аммо 60–70-йиллар бадиий адабиётда ўсиб келаётган миллний онг, фаол фуқаро нуқтаи назарининг жадал суръатларда шаклланиши (сиёсий ва фалсафий дунёқарааш) яққол сезилиб турди, халқнинг ижтимоий норозилиги адабиётда янада аникроқ мужассамлана бошлади. Farb маданиятига, гарблаштиришга бўлган танқидий фикр ўша даврнинг ҳатто илғор адиблари ижодининг энг муҳим масаласи бўлиб қолди. Адабиёт гўё икки йўналишда ривожланарди: Зиёлилар закий одамлар доираси билан маҳдудланган юксак маданиятга мўлжалланган олий тафаккурли асаллар яратар, бу йўл билан адиблар тили ва образларини мураккаблаштиради. Халқ онги эса мусулмон этикаси, эстетикаси ва фалсафий тафаккурига интиларди. 70-йиллар форс адабиётига хос бўлган хусусият миллий идеалларни топиш ва ижтимоий ўзгаришларга бўлган иштиёқ эди. Етакчи эрон адиблари асаллари умумий маънавий мухит яратишга имкон берарди, чунки зулмкорликка, унинг ҳар қанақа турига қарши кайфият ва ундовлар билан сугорилган эди.

70-йиллар мобайнида хорижий оммавий маданият жуда кенг қамровли шаклда жорий этилган бўлиб, Эроннинг Farb таъсири остида қолиши хавфини келтириб чиқаарди. Айнан шу сабабдан бадиий насрда 70-йилларда хорижий оммавий маданият ва унинг турли кўринишларига нисбатан танқидий муносабат руҳи яққол намоён бўлиб турди. Шу билан бирга 70-йиллар адабиётида мил-

<sup>80</sup> Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – С.194.

лий ўзликни англаш гояларининг таъсири ўсди, реал хаёт карамакаршиликлари ҳакидаги тасаввурлар янада кенг қамровли тус ола бошлади. Оммавий маданият, матбуот ва телевидение таомиллари устидан хажвий тарзда кулмоқ долзарблашди.

70-йилларда адиллар томонидан ҳалқ қолоқлиги ва қашшоқлиги, ижтимоий ва маданий институтларни гарб таъсирида эканлиги, миллий маданий меросни йўқолиб бориши танқид остига олинди. Қолоқликни бартараф қилишни тарғиб этган ҳолда Эрон адиллари шахснинг маънавий озодлиги учун кураш олиб бордилар ва бусиз ҳеч қандай иқтисодий-ижтимоий тараққиётга эришиб бўлмаслигини англаб етдилар. Шу сабаб 70-йиллар форс адабиёти инсон қадр-киммати ва эркини ҳимоя қилиб чиқди. Бу давр адабиётiga хос бўлган жиҳатлар умуминсоний мавзуларга, умумжаҳон маънавий ҳазинаси гояларига, образларига ва қаҳрамонларига мурожаат билан бир қаторда исломгача бўлган ва ислом маданияти анъаналарига мурожаатда кўринди. Жалол Оле-Ахмад “غربىدىكىي“ (“Фарбпаратстлик”), Фуломхусайн Соэдий “عسل ماه“ (“Асал ойи”), Симин Донешвар “بى کى سلام كەم؟“ (“Кимга салом берай?”), Ахмад Махмуд (“Бегоналар ва маҳаллий бола”), Фаридун Тўнўкебўний “راه رقن روی ریل“ (“Рельсларда юриш”) асарларини ва бошқа кўплаб адиллар ўзларининг энг яхши асарларини 60–70-йилларда яратдилар. Асарларда шахснинг маънавий камолоти, ижтимоий ва сиёсий фаолиятда иштирокини рағбатлантиrmok ғоялари илгари сурилди. Эрон бадиий насли, хусусан ҳикоячилиги ҳам ўз қаҳрамонларида 40-йиллар миллий-озодлик характери катидаги мураккаб вазиятларда чиниккан ижтимоий характер хусусиятларини тасвирлади. Бундай қаҳрамон С. Бехрангий, А. Факирий Ф.Тўнўкебўний, А.Шариатий, М.Нодушан, Н.Нодерпур, А.Эсломий каби адиллар асарларида ўз аксини топди.

Шундай қилиб, XX асрда Эрон ҳикоянавислиги ислом инқиlobигача бўлган даврда мураккаб йўлни босиб ўтди. Бу йўл аввали маърифий ҳикоялардан бошланиб, кейинги даврларда реалистик ҳикояларга ўз ўрнини бера бошлади. Бундай реалистик ҳикоялар ижтимоий, танқидий тус олди. Янги типдаги ҳикоя кириб келганининг ilk йилларида, яъни 20–30-йилларда руҳонийларнинг зўравонлиги, қолоқлик, дәхқонларнинг қашшоқлиги, хотин-кизларни озодликка чиқариш каби мавзулар устунлик килган

бўлса, 30–40-йилларда сиёсий мавзулар, 40–50-йилларда ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, эзилган Эрон аёлининг дарди, оғир қисмати, аввалгидек Эрон зиёлилари тақдирни, дехқоннинг, оддий хизматчиларнинг оғир ҳаёти, ҳоким табақанинг зўравонлиги каби масалаларни қамраб олган янги туркум хикояларнинг пайдо бўлиши билан характерланади. 60–70-йилларга келиб эса модернистик унсурлар қўлланган, мифлар (афсоналар) асосида яратилган ҳикоялар, шу билан бирга инсон ва унинг тақдирини, кўнглини тадқикига йўналтирилган мавзудаги хикояларнинг кириб келганини кўриш мумкин. Адабиётда умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда исломий қадриятлар тарғиб этилган асарлар ҳам яратилди. Бундай асарларнинг ёрқин намунаси Жалол Оле-Ахмаднинг “Ғарбпастлик” асари бўлиб, асар Эрон ҳалқининг менталитетига ёт бўлган ғарб оммавий маданиятини кириб келишига қарши чиқиб, ҳалқнинг маънавий-маданий анъаналарга эътибори кучайишида, маданий мерос, ислом қадриятларига қайтишда аҳамияти катта бўлди. Одатда, замонавий қадриятлар инкор қилинса ва истиқбол қадриятлар ҳали муайян бўлмаса, қадимий анъаналарни қайтадан англаш, уларга баҳо бериш, мумтоз адабиётга эътибор қаратиш жараёни бошланади. Эрон адабиётининг кейинги босқичида айнан шу ҳолат кузатилди ва хикоянависликда ҳам ўз аксини топди.

## II БОБ. XX АСР ОХИРГИ ЧОРАГИДА ХИКОЯННАВИСЛИК РИВОЖИ

### 2.1. 80-йиллар янги эрон адабиётида бадий онг трансформацияси ва унинг асосий тамойиллари

Жаҳон тажрибасидан маълумки, содир бўлган инқилоблар шу мамлакат сиёсий, ижтимоий тартиб-қоидаларига жуда тез ўз таъсирини ўтказади. Бироқ вакт ўтиши билан бу таъсир нафақат сиёсий-ижтимоий соҳаларда, балки маданий ва адабий соҳаларда ҳам намоён бўла бошлади. Бу ҳолат бора-бора янги-янги адабий қарашлар ва адабий мактабларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Эрон ислом инқилобининг турли соҳаларга, жумладан, адабиёт соҳасига таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бу таъсир ва ўзгаришлар эрон адабиётини икки қисмга – инқилобдан олдинги ва инқилобдан кейинги давр адабиётига ажратиш ва улар орасидаги яққол тафовутларни моҳиятини, турларини ва асосини таҳлил қилиш имконини беради.

1979 йил февраль ойида шоҳ ҳукмронлигининг қулаши билан ўрнатилган ислом давлати нафақат янги давлат тузумини ўзида гавдалантириди, балки ҳалқ ҳаётини барча жабҳаларда яхлит эътиқод, ягона дунёқарааш усулига айлантириди. Бу даврга келиб маданий омил, 70-йилларда бўлгани каби, 80-йиллар биринчи ярмида ҳам мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйнади. “Эрон Ислом Республикаси ҳукумати маданият ва адабиётни ҳукмрон диний-мафкуравий таълимот билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш ва одамлар онгига ислом қонунлари ҳукмронлигини мустаҳкамлаш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб кўйди.”<sup>81</sup> Маданий ҳаёт, таълим тизими, расмий тарғибот-ташвиқот тарзида жорий қилинаётган оммавий исломластиришдан мақсад, ўзидан олдинги давр Эрон маданиятининг энг асосий жиҳатларини, хусусан, гарб дунёсининг гуманитар, маънавий-рухий эркинлик, фуқаро фаоллиги, шахс озодлиги каби гояларини рад этиб, уларнинг ўрнини босиша исломий қадриятларга қайтиш концепциясини тақдим этди. Эрон давлати тарихига, асосан ислом ва унинг шиъа тармоғи гоялари тарқалган даврга эътибор

---

<sup>81</sup> Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – С. 165.

қаратилиб, шу давр тадқиқ ва таҳлил қилина бошланди. Бу дара жадаги маданий-тарихий ва гоявий чекловлар адабиёт соҳасига таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Бу йиллардаги Эрон адабиёти турли ҳудудларда аксарият ҳолларда қарама-қарши ижтимоий-психологик ва сиёсий шароитларда ривожланди. 1979 йилдан сўнг Ғарбга кўчиб кетишга мажбур бўлган кўплаб шоир ва ёзувчилар хорижда миллий маданий марказлар ташкил этдилар ва Эронда юз берган ва бераётган воқеаларни тушуниб етиб, ўз тажриба ва анъаналарига таянган ҳолда бадиий асарлар яратишида давом этдилар. Улар орасида ҳалқ ҳаётини теран акс эттиришдаги маҳорати, истеъоди билан ўз ватани Эронда катта шухрат қозонган адиблар Фаридун Тўнукебўний, Ғуломхусайн Соэдий ва бошқа кўплаб адиблар бор эди.

Адибларнинг бошқа бир гуруҳи Эроннинг ўзида шаклланди ва мамлакат ичиди содир бўлаётган ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиб ўсиб борди. Шу давр адабиёт маҳсулининг асосий қисмини муаллифлари ҳали тажрибали бўлмаган ёш адиблар, инқилоб ва Эрон-Ироқ уруши қатнашчилари ташкил қиласар эди.

Бу икки адабий гурухлар ўртасидаги тафовут очик-ойдин намоён бўлди: Муҳожирликдаги адабиёт қаттиқ назоратдан (цензура) холи бўлиб, рўй бераётган ҳодисаларга турли гоявий-бадиий ва фалсафий ёндашувларда акс этган бўлса, янги Эрон мамлакати ичкарисидаги адабиёт эса оммавий онг ифодаловчиси, диний-ватанпарварлик руҳидаги адабиёт бўлиб, кун воқеаларига бевосита жавоб тарзидан яратилган, янги Эрон воқелигига улғайган адабиёт эди.

80-йиллар эрон маданияти, хусусан, бадиий адабиётига хос жихат бу – адибларни умумлаштирадиган, бирлаштирадиган умуммиллий, исломий мисолий идеалларни излаш ва ижтимоий ўзгаришларга бўлган зўр иштиёқ руҳи эди. Эрон адибларининг асарлари ўзига хос умумий маънавий иклим яратишга йўналтирилди, негаки бундай асарлар зулмкорликка қарши кайфият, истибдоднинг ҳар кандай кўринишига қарши ундовлар билан суғорилган эди.

Форс ҳикоянавислиги 80-йилларга келиб сифат жиҳатидан янги кўриниш касб эта бошлади. Ҳикояларнинг мазмунида ҳам, шаклида ҳам анъанавийлик элементларини тиклаш тамойили пайдо бўлди. Адабий анъананинг янги бадиий асар яратадиган ёзувчилар томонидан қўлланилиши ўша давр учун кенг кўламли муаммо бўлиб, бир нечта кўринишда намоён бўлди.

Бутун форс адабиётини кесиб ўтувчи энг қадимий ва анъанавий асосий мавзулардан бири – яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш. Яхшилик тангриси Хўрмўздан ёмонлик тангриси Аҳриман ҳақидаги тасаввурлар барча давр адабиётида ўз аксини топиб келган. Бу тушунчалар халқ орасида шу даражада кенг тарқалган бўлиб, 80-йиллар адабиётида ҳам мустаҳкамланди. Эронликлар катта ёвузлик содир бўлса, Аҳриманнинг қилмиши дейишади. Демак, эрон ҳикоянавислари қадимги адабиёт анъаналаридан қадимги ва ўрта аср форс адабиётининг асосий гояси – эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ҳақидаги фикрга янгича жавоб бериб, уни янгича талқин қилдилар. Бу мерос адиллар томонидан танланаётган тематикада ҳам кўринди.

80-йилларда шоҳ тузуми, ўша даврдаги ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёт ёвузлик рамзи сифатида гавдаланди.

Замонавий эрон адиллари тез-тез қадимги ва миллий мумтоз сюжетларга ҳам мурожаат қилиб турдилар. Мардлик ва жасурликни мадҳ қилишса, албатта, Рустам ёки Сухробни эслаб ўтишди, соф севгини эса албатта Лайли ва Мажнун мухаббатига қиёслашди. Айрим адиллар долзарб мавзулар ва гоялар кўтарилигандан асарларида таъсирчанликни ошириш учун анъанавий сюжет ва халққа яқин бўлиб кетган образлардан фойдаланадилар.

Шундай қилиб анъанавий сюжетлар, қадимги ҳамда мумтоз адабиётда қўлланган образлар 80-йиллар адилларига замонавий воқееликни реал тасвирлашга ёрдам берди. Масалан Амузода Халийнинг “سفر چشمہ کوچک” (“Булоқчанинг сафари”) ҳикоясидаги булоқча ва кўлмак сувлар ўртасидаги кураш, “مسافر” (“Мусофир”) ҳикоясидаги қушларнинг ва дараҳтнинг одам тилида гапириши, “سفر به شهر سطیمان” (“Сулаймон шаҳрига сафар”) ҳикоясидаги афсонавий қушлар образлари шулар жумласидандир.

Қадимдан Эронда мунозара жанри сақланиб қолган. Адиллар қадимда бу жанрдан ҳар икки томоннинг ўз устунлигини, ҳақлигини исботлаш учун фойдалангандар. Эронийзабон манбаларда мунозара жанрининг қўлланилиши милодий биринчи асрларга бориб тақалади. Бу турдаги адабиётнинг илк намунаси сифатида ўрта форс тили – парфян тилида битилган “Драхт асурик” – “Пальма дараҳти” поэмасидаги эчки ва пальма дараҳти ўртасидаги мунозарани келтириш мумкин. Мунозаранинг қисқача мазмuni шундан

иборатки, пальма дарахти эчкига “Сенинг буйнингни “упадиган” таёкни, сени ушлаб турадиган қозикни менинг ёғочимдан қилишади деб мақтанса, эчки пальмага “Сенинг ёнингда гапираётган сўзларим олтинга тенгки, гўё эшакка танбур чертмоқдек ёки аҳмок-қа гап уқтироқдек бир гап”<sup>82</sup>, яъни ҳар икки томон ўзининг устун томонларини кўрсатмоқчи бўлади.

Мунозара жанрини ўрта аср форс адабиётида ҳам учратишимиз мумкин. Бунга мисол қилиб XI аср форсийзабон ёзувчи Асади Тусийнинг беш мунозарасини келтиришимиз мумкин: **منظره** (“Er ва осмон мунозараси”), **مسلم** (“Ко-فир ва мусулмон мунозараси”), **رمح** (“Камон ва найза мунозараси”), **شب و روز** (“Кечава кундуз мунозараси”), **عرب و عجم** (“Араб ва ажам мунозараси”)<sup>83</sup>.

Бу жанринг замонавий адиллар томонидан соф мумтоз шаклларда қўлланиши (Масалан: “У деди”, “Мен дедим”) яна тикланди. Бироқ ёзувчилар бу жанрдан ўзига хос тарзда шаклини ўзгартириб, замонавий диалог билан қоришириб фойдаланадилар. Одатда бу европа типидаги ҳикоя бўлиб, мунозарани эслатувчи қисмлардан ташкил топади, шакл жиҳатидан савол-жавоб кўринишида бўлади. Масалан 90-йиллар ёзувчилари Заҳро Завориённинг “او سلوی بود”<sup>84</sup> (“У самовий эди”) хикояси ва Мустафо Херомоннинг “روز تولد”<sup>85</sup> (“Туғилган кун”) хикояларини мисол келтириш мумкин. Шу тарзда замонавий адиллар қадимги шаклларга замонавий талабларга жавоб бера оладиган янгича мазмун бахш этиб мунозара адабий анъанасидан фойдаланиб келмоқдалар.

Замонавий хикояларга мумтоз адабиётдан ҳаётий вокеликни рамзлар орқали ифодалаш анъанаси ҳам катта таъсир кўрсатган. Бу ҳодиса адилларга ёркин образларда ўз фалсафий қарашларини ифодалаш, кундалик ҳаётдаги турли икир-чикирларга ўз муносабатини билдиришда қўлланиб келинган ва келинмоқда. Аммо рамзийлик мумтоз адабиётда аксарият ҳолларда топишмоқ, бошқотрма дара-жасига бориб етган бўлса, замонавий адиллар хикояларида бу маса-

<sup>82</sup> Д.Дорри. Персидская сатирическая проза. – М., 1977. – С.42.

رضا قلی خان هدایت، تذکرہ مجمع الفصحا، تهران، 1284 ص 108 - 110<sup>83</sup>

<sup>84</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. – СПб., 2010. – С.156.

<sup>85</sup> Там же, – С. 80.

ла аниқроқ, долзарб, вокеликни ҳаёттый мұаммаларға бадий акс эттириш нүктәи назаридан ёндашилган. Масалан, А.Халилийнинг “ان سوی صنویرها” (“Қарағайзорлардан нарида”)<sup>86</sup> ҳикоясида қарағай тириклиқ, ҳаёт рамзи, “Булоқчанинг сафари” ҳикоясидаги булоқча софлик, бегуборлық рамзи ва бошқалар.

Қадимги форс адабиётида панд-насихат ва ўғит методи кенг тарқалған. Шоир ва ёзувчилар инсонни комилликка чақириб, шу йүл билан жамиятни яхшилашга, ёвузликлардан халос этишга умид қилишган. 80-йилларға келиб форс адабиётида қадимдан мавжуд бўлган ва ўрта асрларда кенг ривожланган дидактик адабиётга яна эътибор кучайди. Кўплаб замонавий Эрон ёзувчилари – А.Халилий, В. Сомоний, М. Байрамий каби адиллар ижодида пандномалар анъаналарини қўллаш ҳаракати сезилди. Уларнинг баъзи асарларида панд, маслаҳатлар, ўғитларни учратиш мумкин, бироқ бу панд-насихатлар очик-ойдин тақдим этилмасдан, жуда яширин тусда ифодаланган.

Демак, дидактика – 80-йиллар Эрон адиллари асарларининг деярли мұхым элементи эканлигини кузатиш мумкин. Бироқ унинг метод сифатида замонавий насрчиликда қўлланишини муваффақиятли ҳодиса деб бўлмайди, балки маърифатпарварлик адабиётига қайтиш деб ҳисоблаш мумкин. У фақатгина ҳаётни реал тасвирлашда, муаллиф томонидан илгари сурилган долзарб гоя ёки фикрни таъкидлашда бадий усул вазифасини ўтаган ҳоллардагина ўзини оқлаши мумкин.

Форс адабиётидан ҳеч қачон узилмаган афсона ва эртак анъанаси ҳам 80-йилларда кенг фойдаланила бошланди. Мұхаммад Миркиёнийнинг “افسانه دو روپاه” (“Икки тулки ҳақида эртак”)<sup>87</sup> ва “دختر عاکل” (“Оқила қиз”)<sup>88</sup> ҳикоялари эртаксимон ҳикоялар бўлиб, халқ оғзаки ижоди намуналари таъсирида ёзилган. Биринчи ҳикояда бошқалардан ўзини юқори кўйган Тулки ҳар хил ноқулай вазиятларга тушиб панд ейди. Иккинчи асар қаҳрамони ақлли, доно қиз бўлиб, у донишмандлар ҳақидаги ривоятлар персонажига ўхшайди. Асар гояси охирги жумлада билинади,

<sup>86</sup> فریدون عوزاده خلیلی، سفرچشمہ کوچک تهران 2008 ص 229

<sup>87</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том II. – СПб., 2010. –С. 66.

<sup>88</sup> Там же, –С. 72.

яъни “Илму маърифатга қалблари очиклар қанчалар баҳтли!”<sup>89</sup>. Ҳар икки эртаксимон ҳикоя ниҳоясида панд-насиҳат бор.

Халқ орасида катта шуҳрат қозонган афсона, ривоят, эртак шакллари 80-йиллар адаблари томонидан воқеликдаги долзарб муаммоларни күтариб чиқишида ҳам кенг кўлланиб келинди. Ўз замонасининг муаммолари ҳақида очик ёза олмаган адаблар шу шаклларга мурожаат қилишни афзал кўрдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ислом инқилобидан кейин форс адабиётида ислом қадриятларига қайтиш, мерос бўлиб қолган анъаналарни тиклаш, қадимги ва мумтоз сюжетлар, мажозий ва рамзий образарга, мурожаат қилиш, мунозара, ҳажвиёт, дидактик адабиёт жанрларини (панд-насиҳат, эртак, зарбулмасал каби) ишлатишга тамойил кузатилди. XX аср 90-йилларига бориб форс адаблари ижодида янги мавзулар, шаклий-услубий изланишлар, воқеликни янгича тасвирлашга интилиш тамойиллари кучайганлиги эътироф этилади. Куйидаги қисмда Эрон ҳикоянавислигининг асосий мавзулар кўламига аниқ тўхталиб, уларнинг бадииятини кузатамиз.

## **2.2. Замонавий эрон ҳикоячилигига мавзулар кўлами ва уларнинг ғоявий-эстетик моҳияти**

Шоҳ ҳукмронлигига барҳам бериллиб, Ислом инқилоби ғалабасидан кейин замонавий эрон адабиёти секин-аста ўзидан олдинги давр билан якқол фарқланадиган хусусиятлар касб эта бордики, буни янги адабий даврнинг бошланиши дейиш мумкин. Бу даврдаги ўзгаришлар дастлаб қадимги Эрон насрчилиги анъаналарини тиклаб, сақлаб колишга, ислом қадриятларини тарғиб-ташвиқ этишга эътибор қаратди. Инқилоб шиорлари, янги сиёсий ва иқтисодий ҳаётда, Ирок билан бўлган уруш муҳитида ёзувчиларнинг янги авлоди шаклланди ва ислом инқилоби адабиёти номини олган адабиёт юзага келди. Янги воқелик муҳитида таъсирчанлик ва ҳассослик уйғотувчи, илҳом қўзгатувчи манбалар ва омиллар ўзгарди, инқилобдан олдинги адабиётдан фарқ этувчи жиҳатлар кўпайди.

<sup>89</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том II. – СПб., 2010. –С.77.

Бу даврга келиб ҳикояларнинг мавзулар кўлами ўзидан олдинги давр мавзуларидан деярли фарқ қила бошлади. Албатта, ўзидан олдинги давр эрон ҳикояларига хос бўлган ижтимоий сюжетли, фалсафий тагмаъноли, аёллар тақдири, оиласвий муносабатлар, болалар ва ўсмирлар олами, севги ва эътиқод, майший чизгиларга бағишлиланган, хуллас эронликларнинг бугунги кун ҳаёти ўзининг бутун хилма-хиллиги билан намоён бўлган мавзулар кўлами инқилобдан кейинги давр ҳикоянавислигида ҳам ўз аксини топди. Бироқ уларга исломий рух кириб борди ва улар ўзгача тус олди. Шунингдек, адабиётда мамлакатнинг ижтимоийсиёсий, маданий ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар билан бевосита боғлиқ янги мавзулар кўтарилиди. Бундай янги мавзулардан куйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Шоҳ ҳукуматининг қулашига бағишлиланган ва Инқилоб содир бўлиши мавзуси;
- Шоҳ давридаги ижтимоий ҳаётни кескин танқидга олиш мавзуси;
- Ватанпарварлик мавзуси. Бу мавзу икки йўналишда ривожланди. Башарти Эрон-Ирок уруши мавзуси, а) унда кўрсатилган каҳрамонлик, уруш тафсилотлари; б) уруш оқибатларининг эронликлар ҳаётига таъсири мавзуси;
- Эронда яшовчи кўчманчи халқлар ҳаёти мавзуси.

Агар инқилобдан кейин ёзилган ижтимоий ҳикояларни таҳлил қилсак, уларнинг мавзуси асосан шоҳ режимиининг қабоҳатларини фош қилишга қаратилган мавзулар эди. Албатта, ислом инқилобигача, яъни 40–50-йилларнинг энг кўзга кўринган сиёсий ёзувчиларидан бири Бўзўрг Алавийнинг ҳикояларида шоҳ давридаги маҳбус зиёлиларнинг рухияти ҳикоя-хотира услубида тасвирлангани, Ризошоҳ даврининг сиёсий муҳитини ишқ, сиёsat, кураш ва бошқа мавзуларни қориштириб тасвирлаганини кузатиши мумкин. Бироқ инқилобдан кейин ёзувчиларнинг дикқат-эътибори шоҳ давридаги камситилиш, ижтимоий тенгсизлик, қамоқхоналардаги маҳбусларнинг азоблари каби мавзуларга қаратилган бўлиб, бу омиллар Эрон жамиятида инқилобга эҳтиёж пайдо килганлиги тўғрисида фикр юритади. Хоксор, Дарвишиён, Амир Ҳасан Чехелтан, Ҳушанг Ошурзодалар мана шу мавзуларга кўпроқ эътибор қаратиб, ўз асаларида таъсирчан ифодалаб бер

дилар. Резо Бароҳанийнинг “أواز گشتگان” (“Ўлдирилганлар овози” 1983й), (“راز های سرزمین من”, “Она юртим сирлари” 1987й), Симин Донешварнинг “جزیره سرگردانی” (“Саргардонлик ороли” 1993 й) асарларида шоҳ тузуми даврида эзилган эрон халқи намояндадарининг чеккан азоб-укубатлари, ҳукуқсиз, ишсиз қолган ҳолатлари тасвирланган. Инқилоб даври ёзувчилари янги мавзуларга қўл уриб, замонавий Эронда содир бўлаётган ҳодисаларни асл моҳиятини тушуниб етишга ҳаракат қилдилар. Шундай адиллардан бири 80-йилларда ижодий фаолиятини бошлаган, бугунги кунга келиб эса адабиётшунослик ва ижод билан шуғуланаётган ёзувчи Муҳаммад Ризо Саршор бўлиб, у замонавий форс адабиётининг энг кўзга кўринган вакиллариданadir. Унинг кўплаб асарлари хорижий тилларга таржима қилинган. Унинг **خدا حافظ** “برادر!” (“Хайр, биродар!”)<sup>90</sup> ҳикояси 18 қисмдан иборат бўлиб, унда шоҳ тузуми кулаш арафасидаги ҳодисалар тасвирланган. Фазабланган халқ полициячилар ва ҳарбийлар билан доимо тўқнашувларда иштирок этади ва минглаб одамлар қамоққа ташланади. Ҳикоя биринчи шахс томонидан тасвирланиб, унинг қаҳрамони зиёли талаба, ёзишни бошлаётган адаб. У тўқнашувлардан бирида арзимаган сабаб билан қўлга тушиб, қамоққа олинади ва қаттиқ дўппослангандан кейин маҳбуслар хонасига ташланади. Ҳикояда қамоқнинг оғир ҳаёти, қамоқдаги мухит, ундаги азоб-укубатлар, ҳўрланишлар психологик томондан чуқур, батафсил тасвирланган. Аммо мана шундай оғир шароитда ҳам маҳбуслар жипслashiб тартиб ўрнатадилар, маърифий ишларни олиб борадилар. Аммо қамоқда сиёсий маҳбуслар билан бир қаторда ашаддий жиноятчилар ҳам бор. Кескин вазиятларда маҳбуслар ўзларини турлича тутадилар: сиёсий маҳбуслар олийжаноб, раҳмдил, бир-бирига ёрдам берган, инсонийлигини ҳар қандай вазиятларда сақлаб қолган, жиноятчи маҳбуслар эса бир-бирининг кўзига чўп суқиб, хиёнат қилиб, янада разиллашган ҳолатга келади. Бу ердаги одамлар ичра ҳам турли кайфиятлар, турли муносабатлар ҳукм суради. Ҳикоя шоҳ ҳукуматининг ағдарилиши билан якун топса ҳам унда баландпарвоз кайфият йўқ. Бош қаҳрамон узок

<sup>90</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. – СПб., 2010. – С. 6.

йиллар шоҳ тузумига қарши кураш олиб борган, ҳақиқий исёнчи киши – жаноб Донишдан кўп нарсаларни ўрганади, ҳайтий ва сиёсий тажрибага эга бўлади. Қамоқ унинг учун бир мактабга айланади. Қаҳрамоннинг ўй-фикрлари, мулоҳазалари орқали нозик чизгилар билан унинг психологик портрети яратилади. Ҳикояда тасвирий портретлар ҳам бор, улар персонажларнинг ўёки бу жиҳатларини очиб беради. Маҳбусларнинг портрети тасвири:

*Мен жаноб Донии билан сұхбатлашиб ўтираман. Бу киши бўйи баланд, соч-мўйлаблари маъла, қўзлари мовий, териси оп-поқ. Унинг ўткир нигоҳидан зиё порлаб туради.*

*Бизнинг даврамизга Жалол қўшилди. Унинг бўйи узун, озгиндан келган. Кўринишидан йигирма тўрт ёшдан ортиқ бермайсиз, лекин пешанасининг олди сочлари тўклиб қолган. У қорамагиздан келган, мўйлаби ва сийраккина соқоли бор. Унинг нигоҳида қатъият сезилиб туради<sup>91</sup>.*

М.Саршор ҳикояда тасвирланган персонажларнинг ташки кўринишини тавсифи – жуссаси, қиёфаси, кийими, юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракатлари, қилиқлари ўкувчи тасаввурида тўлақонли инсон образини яратади. Бундай воситани кўллашда адид статик портрет воситасини қўллаб, персонажнинг ташки қиёфаси сюжет воқеаси тўхтатилган ҳолда анча батафсил, деталлаштириб чизилган. Шу билан бир қаторда ёзувчи динамик портретдан ҳам фойдаланиб, бундай портрет деталлари юз-кўз ифодалари, тана кўриниши ва ҳаракати, қилиқлари персонажларнинг айни пайтдаги руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилган. Масалан маҳбуслардан бирининг руҳий ҳолатини очиб беришда:

*Тобора ўзимизнинг янги – сочимиз тақири қилиб олдиришган бошли қиёфамизга кўнишиб боряпмиз. Бу инсоний феъл-авторнинг бир жиҳати: унинг дунёқараши ўсгани сайин ва ҳаётга бошқача кўз билан боққани сайин кўплаб муаммолар унга аҳамиятсиздек ўёки кам аҳамиятли бўлиб туялади. У энди бундай майдо-чуйдаларга аҳамият бермай қўяди<sup>92</sup>.*

<sup>91</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. – СПб., 2010. – С.19.

<sup>92</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. – СПб., 2010. – С. 35.

М.Саршор портрет характеристикасига катта аҳамият бериб, шу йўл билан персонажларнинг сийратини чизади, хатти-ҳаракатларини жонли тасвирлайди. Ёзувчининг тили содда, лўнда, услуби равшан.

Шундай мавзуда ёзилган ҳикоялардан яна бири инқилобдан кейинги давр авлоди ёзувчиси Маниже Жонқулининг (“Кабутар уяси”)<sup>93</sup> ҳикоясидир. 90-йиллар ёзувчиси Маниже Жонқули 1996 йилда умумэрон ҳикоялар танловида биринчи ўринга, 1997 йилда учунчи ўринга сазовор бўлган. Турли адабий танловларда ҳайъат аъзоси бўлган. Унинг “Кабутар уяси” ҳикояси ҳам шоҳ давридаги зулмкорлик тўғрисида. Шоҳ тузуми емирилиш арафасида адиба 6-7 ёшли қизалоқ бўлган. Ҳикоя қаҳрамони эса ўн етти ёшли Юсуф исмли ўспирин йигит бўлиб, воқеалар унинг тилидан баён қилинган. Тинч-тотув яшаб юрган оиланинг ҳаётини барбод қилишади – уйларини бузиб ўрнига полиция участкаси куришни мўлжаллашади. Эвазига эса жуда кам микдорда пул беришади. Қаршилик қўрсатган отани қамоққа олишади. Зулмга чидолмаган Юсуф шоҳга қарши намойишиларга қўшилиб кетади:

*Собиқ уйимиз олдидан ўтаётганимда у ерда гишт терувчиларни жон куйдириб ишлаб ётганларини кўрдим. Уларнинг устидан кузатиб турган формадаги кишилар қўзгалган омма томон қўрқув билан қараб қўйишарди. Кейин улар ўз машиналарига ўтириб, катта тезлик билан йўлкадан ўтиб, кўздан гойиб бўлишади.*

*Мен мийигида кулиб, ишонч билан қадам ташладим. Ўзимни денгиз бўлиб кетаётган оломон ичида кўрдим. Бирдам шижсоат билан муштларимизни кўтариб, бир овозда дона-дона қилиб: Шоҳ сотқин, сен ўз она тупрогингни вайрон қилдинг. Сен қанчаканча ёшларни ўлдирдинг, сен мингларча аёлларга қора либос кийдирдинг. Шоҳга ўлим! Шоҳга ўлим!*<sup>94</sup>

Ҳикоя ғояси шоҳ зулми учига чиқсанда, унинг номи билан адолатсизликлар қилинганда халкнинг барча қатламлари унга қарши кўтарилганлигига бағишланади.

М.Жонқулининг мазкур ҳикоясидан дин энг асосий ғоя бўлmasa-да, оддий одамлар ислом инқилобини кўллаб-қувватлаганини, инқилобий ҳаракатларга қўшилиб кетганлиги сабабларини

<sup>93</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том II. – СПб., 2010. – С. 49.

<sup>94</sup> Там же, –С. 53.

кузатамиз. Ҳукуматнинг зўравонларча қилган ҳаракатлари оддий халқнинг шундай йўл тутишига сабаб бўлди, жунбишга келтирди.

Яна бир инқилобдан кейинги давр авлоди ёзувчиси Мұхаммад-ризо Байрамийнинг “شقق” (“Милтиқ”)<sup>95</sup> хикояси инқилоб арафасидаги ҳодисаларга бағишланган хикоя. Бу хикояда ёш эронликларнинг шоҳ тузумига қарши намойишларда иштирок этиши, бу намойишлар умумхалқ тусини олганлиги тасвиранганд. Эътиборга молик томони шундаки, ўсмирлар ҳарбийлардан тортиб олган милтиқларни сотиб мўмайгина пул ортиришлари мумкин эди. Бироқ улар милтикни мачитга, имомга олиб бориб беришади.

Адібнинг ҳажман каттагина 15 қисмдан иборат, кенг воқеага асосланган “صحراء پايز” (“Саҳро кузи”)<sup>96</sup> номли хикоясида ислом инқилоби арафаси воқеалари, шоҳ ҳукуматининг агдарилиши қишлоқ ахли нуқтаи назаридан баҳоланади. Бундан ташкари буғдой ўрими, ер меҳнати, қишлоқ ҳаётидан ҳикоя қилинади. Адіб қишлоқ колоритини маҳорат билан ифодалайди, унда кузги меҳнат, йиғим-терим мавсуми, маҳаллий эрон қишлоғига хос чизгилар – қўй-қўзи, эшак, уй ҳайвонлар парвариши, шевага хос сўзлар, миллий таомлар кабилар ишонарли тасвиранганд. Ҳикоянинг асосий қаҳрамони бўлмиш Али, Алининг отаси Жалил оға, амакилари Ҳайдар оға, Сафар оғаларнинг баҳс-мунозаралари орқали ўша вақтнинг айрим муаммоларига ҳам ишора қилинади. Аскарликдан қайтган жияни Алидан бაззи нарсаларни билмоқчи бўлиб гап сўраган амакиси шундай жавоб олади:

*Амаким сўради: – Ҳуш жиян, шаҳарда нима гаплар? Ҳалиям шовқин-суронми ё тинчиб қолдими?*

*Али: – Агар намойишларни назарда тутаётган бўлсангиз, айтиб қўйяй, шовқин-суронлар бир неча баробар кўпайган. Шаҳарда ҳарбий ҳолат эълон қилинганд. Кечаси ҳеч ким юришга ҳаққи йўқ....Ҳукуматни куни битиб қолди...*

*Аслон оға деди: – Бу гаплар бўлмаган гаплар. Бир давлатнинг ўзгариши шунчалик осонми? Бир қишлоқнинг оқсоқолини жойидан жислдириб бўлмайди-ю, ҳукумат раҳбарини айтмасаям бўлаверади!*<sup>97</sup> – деган гаплари олис қишлоқда яшаётган, бир қарашда

<sup>95</sup> محمد رضا بایرامی. پاییز صحراء. تهران 2008 ص 341

<sup>96</sup> همان کتاب، ص 9

<sup>97</sup> محمد رضا بایرامی. پاییز صحراء. تهران 2008 ص 60

мехнатдан бошқа нарсани билмайдиган одамларнинг жамиятга нисбатан танқидий муносабатини, тўғрилик ва ноҳақликни фарқлай олишини кўрсатади. Адид шоҳ тузуми ағдарилиши арафасидаги воқеаларнинг қишлоқ ҳаётида қандай кечгани, аскар Алининг шоҳ армиясига хизмат қилишдан қочиб, қишлоғига қайтгани, уни қидириб бошлиқларининг шаҳардан келгани, бирок унинг бу ердалигини қишлоқ ахлидан бирор кимса сотмагани ҳақидаги ҳодисалар куз фасли, йиғим-терим фаслидаги кундалик қишлоқ меҳнати билан уйғунлаштириб тасвирлаган.

Мазкур ҳикоялар шоҳ давридаги ижтимоий ҳаётни кескин танқидга олиш мавзусида яратилган ҳикоялар эди.

Инқилоб жараёни адибларининг асарларида етакчилик қила бошлаган мавзулардан яна бир янги мавзу эди. Бу борада ёзилган биринчий бадиий асарлар очерк характеристида бўлиб, улар қаторига Махмуд Гулобдареийнинг “لحظه های انقلاب” (“Инқилоб лаҳзалиари”) ёки Акбар Халилийнинг “گام به گام با انقلاب” (“Инқилоб билан қадам-бақадам”) асарларини айтишимиз мумкинки, улар инқилоб пайтидаги ёзувчиларнинг хотираларидан иборатdir. Бир гурух ёзувчилар ўз асарлари қаҳрамонларини халқ ичидан танлаб олиб, уларнинг ҳаёти ўзгарувчанлиги баёни орқали тарихий ҳодисаларнинг инқилоб билан якун топганини ифодаладилар. Бу борада Жамол Мирсадиқийнинг “پادها خبر از تغییر نصل می دادند” (“Шамоллар фасл ўзгаришидан дарак берарди” 1984 й.), Дарвишиённинг “سالهای ابری” (“Булутли йиллар” 1991 й.), Али Асғар Шерзодийнинг “طلب آتش” (“Оташ хабари” 1991 й.) асарларини ёдга олиш мумкин. 1980 йилдан бошлаб инқилоб ҳақида асарлар яратиш ниҳоятда ўсиб кетди. Инқилоб мавзусини ўз асарларига олиб кирган ёзувчилардан Носир Ироний, Исмоил Фасиҳ, Аҳмад Махмуд, Мухсин Махмалбоғ, Жавод Мажобий ва Ризо Бароҳаний каби ёзувчиларни кўрсатса бўлади.

Бу даврда энг етакчи мавзулардан яна бири ватанпарварлик мавзусидир. Ислом инқилоби ғалабасидан кўп ўтмай Ирок қўшиллари Эронга хужум қилдилар. Ироқнинг Эронга қарши 1980 йилги хужуми “ادبیات داستانی دفاع مقدس” – “муқаддас ватан ҳимояси адабиёти”нинг пайдо бўлишига олиб келди ва уруш якунлангунига қадар ҳамда ундан кейинги йилларда адабиётдан алоҳида жой эгаллади. Бу ҳодиса форс адабиётига янгидан-янги

мавзулар, мазмунлар, ҳатто сўзлар олиб келди. Эрон халқининг ҳужумкорларга нисбатан саккиз йил давом этган қаршилиги эрон адабиётини шиддат билан ўз таъсирига олган ва ўзгартириб юборган “Уруш адабиёти”нинг вужудга келишига сабаб бўлди. Халқнинг эзилган қиёфаси тасвири, ватан ҳимояси учун курашга чорловлар, Саддам Ҳусайннинг зулми ва жиноятлари баёни, аскарлар мардлиги ва шахид кетгандарнинг қаҳрамонликлари тавсифи Эрон–Ироқ уруши йиллари ва ундан кейин ёзилган асарларининг асосий мазмунини ташкил қилди. Уруш йилларида қаҳрамонлик руҳи билан сугорилган асарлар тил, шакл ва мазмуннинг ўзаришига сабаб бўлди. Тили ва баён услубининг содалиги, бой ислом анъаналаридан фойдаланилганлиги бундай асарларнинг ўзига хос хусусиятларидан хисобланади. Насрий адабиётда ҳам, шеъриятда ҳам ёзувчи ва шоирлар табиийки, рўй берадиган воқеа-ҳодисаларга таянган ҳолда ўзига хос оригинал сюжетли, турли-туман кўплаб асарлар яратишиди. Гарчи илк йилларда муқаддас ватан ҳимояси асарлари кўпроқ китобхонни ҳаяжонга соладиган асарлар бўлиб, ёзиш услуби жиҳатидан кучли тасаввурларга бой бўлмаса-да, вакт ўтгани сайин такомиллашиб форс адабиётида ўз ўрнига эга бўла бошлади ҳамда ёш, истеъододли ёзувчиларни адабиёт майдонига олиб кирди.

Уруш тафсилотлари инқилобдан олдин ўзларининг етуклик даражасига етган моҳир ёувчиларда ҳам ватанпарварлик руҳини уйғотди. Улар ҳам уруш билан боғлиқ асарлар яратишига кўл урдилар. Абдулҳай Шамосийнинг “شش تابلو” (“Олти тасвир” 1981 й.) асари, Сирус Тоҳбознинг “مرغ أمین” (“Омин куши” 1981 й.) поэстисти, Мухсин Махмалбоғнинг “دو چشم بی سو” (“Нурсиз икки кўз” 1984 й.) хикоялар тўплами, Аҳмад Махмуднинг “زمنیں سوختہ” (“Куйган замин” 1984 й.) асарларини Эрон–Ироқ уруши адабиётининг илк намуналари дейиш мумкин.

“Мана шу ўн йил мобайнида (1980–1990-йиллар) 1600 га якин ҳикоялар журналларда босилиб чиқди, 46 та роман нашр этилди. Деярли ҳеч бир адид жанг ва унинг оқибатларига нисбатан бефарқ қолмадилар. 1980 йилдан 1994 йиллар оралиғида 258 адид фронтдаги кундаклик хаёт, ҳарбий амалиётлар, душман асирилгидаги азобрлар, минтақадаги қийин хаёт, шаҳарлар учун жанглар, ўлим ва вайронгарчиликлар,

урушдан чарчаган халқнинг саргардонлиги, муҳожирлар ва муҳожирларни қабул қилган мезбон шаҳарлар аҳолиси ўртасидаги келишмовчиликлар ва уруш оқибатлари ҳақида ёздилар.”<sup>98</sup>

1993 йилда Ислом инқилоби адабиёти ва уруш адабиётiga доир масалалари кўриб чиқилган биринчи конференция ўтказилди. Унда ислом инқилоби ва жанг адабиётини янада кенгайтириш ва химоялашга қаратилган турли келишув ва шартномалар имзоланган. Бу семинарда адилларнинг урушда жонларини аямай жонбозлик кўрсатган фидокор жангчилар тўғрисида асаллар яратишни янада кенгайтириш тарғиб-ташвиқ қилинди. Шу жиҳатдан турли-туман жанг ва инқилоб мавзусида яратилган асаллар сони ортиб борди: Қосимали Фаросатнинг “نخلهای بى میوه” (“Мевасиз пальмалар” 1984 й.) ва “گلاب خاتم” (“Гулоб хоним” 1995 й.), Мухсин Махмалбоғнинг “باغ بلور” (“Биллур боғ” 1986 й.), Исломил Фасихнинг “زمستان” (“62 йил қиши” 1987 й.), Акбар Халилийнинг “ترکه های درخت آبلارو” (“Олча дарахти шохлари” 1991 й.), Али Мазнийнинг “فاصدك” (“Қоқи ўт”) ва (“عشق سالهای جنگ” (“Тундаги күёшли учрашув” 1992 й.), Иброҳим Ҳасанбегининг “ریشه در اعماق” (“Чукурликдаги илдиз” 1994 й.), Ҳусайн Фаттохийнинг “عشق سالهای جنگ” (“Уруш йилларидағы севги” 1994 й.), Мухаммад Ризо Байрамийнинг “پل مطع” (“Муаллақ кўприк” 2002 й.), Фируз Занузи Жалолий, Сайд Мөҳди Шўжой ва бошқа адилларнинг асаллари шулар жумласидандир.

Замонавий форс адабиётининг йирик намояндаси адига Розия Тужжор ҳам ижодининг илк йилларида дикқатини уруш ва унинг тафсилотлари масалаларига қаратди. “هفت بند” (“Етти банд”) хикоялар тўпламидан жой олган “طلوع” (“Кўтарилиш”), “تگهداري لاله در باد سخت است” (“Лолага шамол эсганда қарашиб кийин”), “در آن هنگامه آتش و خون” (“Оташ ва қонли тўполондарда”) хикоялари айнан уруш мавзусига багишланган. Унинг хикоялари ровий ёки асалнинг бошқа бир қаҳрамони руҳий таассуротларини кисқагина лаҳзасини чуқур акс эттирган хикоялар ҳисобланади.

<sup>98</sup> www.defapress.ir/Fa/Tag/.../مقدس\_دفاع\_ادبیات/

Адиба қаҳрамонлар зеҳни ва руҳиятидаги пинҳоний қатламларни тадқиқ этиш орқали уруш таассуротларини тасвирлайди.

Эрон–Ироқ урушидан кейинги йилларда ижтимоий ва маънавий вазиятнинг ўзгариши билан ёзувчиларнинг адабиёт функцияларини қабул қилиши ҳам ўзгарди. 80-йилларда уруш мавзусида ижод этган ёзувчилар урушда бошидан кечирган ҳодисаларни хотирлаб, асарларининг асл мазмунига айлантирган бўлсалар, 90-йилларга келиб урушнинг ниҳоясига этиши билан адабиёт ҳарбийлар, аскарларнинг фронтдан қайтиши, урушга қарши ва унинг оқибатларига бағищланган мавзуларда асарлар яратила бошлади. Аксарият ёзувчилар аскарларнинг ўз уйларига қайтиши ва янгича дунё билан тўкнаш келишлари ҳақида ёздилар. Хусусан, ўз фаолиятини дастлаб журналистликдан бошлаган, кейинчалик эса бадиий адабиётга бўлган катта қизиқиш сабаб қўлига қалам олиб бадиий асарлар яратган Аҳмад Фуломий бу соҳада катта ютуқларга эришди. Унинг “سایه های ترس”<sup>99</sup> (“Қўркув шарпалари”) ҳикояси матн ичидаги матн услубида ёзилган бўлиб, Эрон–Ироқ урушига бағищланган. Шундай бўлса-да, унда жанглар, қаҳрамониклар эмас, балки уруш оқибатлари тасвирланган.

90-йиллар охири 2000 йиллар ёзувчиси Мухаммад Ризо Аслонийнинг “خرملى و كمبونر ها” (“Жигарранг ва компьютерлар”)<sup>100</sup> ҳикояси эса урушга тўғридан-тўғри қарши ёзилган ҳикоя. Ажнабий эксперталар урушаётган Эрон ва Ироқ томонларининг химиявий курол қўллаганлигини аниқлаш учун америка фермаларидан жўжаларни олиб келишади. Бундай курол бу каби нозик паррандалар ҳолатига тез таъсир қиласа экан. Келтирилган жўжалар орасида оқ ва жигарранг лақабли жўжалар бор. Улар юмшоқ қўкатлар ичидаги юришни орзу қилишади, аммо бу ерлар саҳро, ҳамма ёқ қуриган, ердан нефть таъми келади. Оқ жўжа тақдирга тан береб, бу ерларга кўнинади. Бироқ жигарранг жўжа ватан согинчидан ўлади. Ажнабий эксперталар ўлган жўжани роса текширишади, аммо химиявий курол ёки бошқа нарсанинг асарини ҳам топиша олмайди. Экспертларнинг миясига ватан согинчидан ҳам ўлиш мумкин, деган фикр умуман келмайди. Аслида жўжалар рамзий образ. Уруш манзара-

<sup>99</sup> Современная иранская проза. Том I. – С.130.

<sup>100</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том II. – СПб., 2010. – С. 31.

лари, мусибатлари тасвирланган мазкур ҳикояда одамлар тақдири жўжалар тақдири билан боғланиб кетади.

Муҳаммад Носирийнинг “فوتبال” (“Футбол”)<sup>101</sup> ҳикоясида эса Эрон–Ирот уруши манзаралари ва аянчли оқибатлари баён этилган. Ҳикоя биринчи шахс – Муҳсин тилидан берилади. Муҳсин ўзининг футболчи дўстлари, футбол мусобақалари ҳакида, уруш оқибатида оёқсиз қолган Алининг энди ҳеч қачон футбол ўйнай олмаслиги ҳакида ўкинч билан сўзлайди.

Шундай қилиб, Эрон ҳикоянавислари уруш мавзусида асар яратар эканлар, фақат қаҳрамонликларни эмас, балки урушнинг салбий оқибатларини кўрсатдилар. Яна замонавий Эрон ҳикоянавислари учун янги бўлган мавзу бу Эронда яшовчи кўчманчи қавмлар тақдиридир.

Фаридун Амузода Халилийнинг икки ҳикояси ҳам бу خرمای نارس (“Икки дона пишмаган хурмо”) ва بی شناسنا مه ها (“Гувоҳномасизлар”) Эроннинг Сейистон ва Балужистон вилоятида яшайдиган кўчманчи халқнинг ҳаётига багишланган бўлиб, мавзуси ва мазмуни жиҳатидан алоҳида эътиборга молик. Балужлар кўчманчи халқ бўлиб, кенг яйловларда моллари билан кўчиб юрар эди. Бу халқ Эрон жамиятининг яшаш тарзи энг қолоқ, таълим олмаган ва тамадунга яқинлашмаган қатламидир. Сўнгги пайтларда улар (XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб) яйловлардан айрилиб ўтроқ ҳаётта яқинлашиб, чодирлари билан шаҳарлар яқинига келиб, яшаш шароити қийин бўлган жойларда ҳаёт кечира бошладилар. Катталар иш билан таъминланмаган, болалар мактабларга бормаган, ҳамма дуч келган иш билан машгул. А.Халилий балужларнинг оғир ижтимоий ахволидан келиб чиқиб иккала ҳикоясида балужлар ҳаётини кўрсатиша ижтимоий масалани кескин, ҳатто қалтис қўйган ва Эрон жамиятининг диққатини уларни ҳукуксиз, жаҳолат оламида ҳаёт кечиришларига жалб қилган.

Адабнинг “دو خرمای نارس” (“Икки дона пишмаган хурмо”)<sup>102</sup> адабиётларда кам учрайдиган мавзу “бала савдоси” мавзусини кўтаради. Тўғри, болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳақидаги ҳикоялар кўп учрайди, лекин болани бир буюмдек дуч келган, кўп

<sup>101</sup> Современная иранская проза. Том II. – С.154.

<sup>102</sup> فریدون عموزاده خلیلی. سفرچشمه کوچک. تهران 2008 ص 205

пул тұлаган кишиларға қулликка сотиш – бундай муаммони құтариш Эрондек мамлакатда мұайян журъат талаб қиласы.

Әңг ачинарлisisи, күрсатилған бир балужлар оиласи учун бола савдоси оддий нарса бўлиб қолган:

Ик руз ھم شايد تو مجبور بشوی همين کاررا با بجه ات بکنى.

“Бир куни келиб сен ҳам ўз боланғга нисбатан мен қылған ишини қилиб қолишинг мумкин,” – дейди отаси болани ювиб-тараб, сотиш учун яқинларида жойлашган шаҳарчадаги бозорга ола кетаётганида. Бу сўзлардан ота ўз фарзанди олдида айбини сезаётгани, ўзини оқламоқчи бўлаётгани, бирок, бола савдоси шу минтақа учун одатий ҳол эканлиги сезилади.

Балужларнинг ахволи эсаётган кучсиз шамол капалар томонидан олиб келган бир аёлнинг ғамгин қўшиғига намоён бўлади: брадар сал сал құхти аст. Отең мен и шмағири и надар аст үзиз... бе ҳак афнадан Неха́л Ҳұрамай Нарс Ҳиљи Накғор аст.

“Уқагинам, бу йил қаҳатчилик бўлди. Бизнинг азиз ватанимиз қашшоқ ва nochor... Ҳали пишиб етилмаган хурмо уругининг тупроққа тушиши жудаям увол...”

Бу сўзлар ҳикояга қўйилған “Икки дона пишмаган хурмо” рамзий маъносига изоҳ беради. Дарҳақиқат, фарзанд инсон умри-нинг меваси. Ҳикояда шу мева ҳали етилмай туриб, увол бўлиши таъсиран ва жонли кўрсатилған.

Келган харидорлар болани худди бир буюмдек текширадар эди – тишини, баданини, сочини. Харидорлар ичидә ҳатто европалик ажнабийлар ҳам бор эди. Бу бозорда боланинг тишлирини худди от бозорида отнинг тишлирини текшираётгандек кўздан кечиришади. Унинг тишлиари ҳам худди отники каби соғлом бўлиши мухим. Биринчи келган харидор боланинг жагини ушлаб, бошини юқорига кўтаради:

– Денант ра бајаң қн!... Ах... Ах... Аин ке ھме аш گرم خорде аст!؟ Аин бајаң днданым ғибадат. Мі қоғам бром пісте ҳандан қнд. Аин днданаха ке мен дидим ғонш ра надард. До розе мі պқд мі ризд тоу денант.

– Қо? ғоғғат ик даңе аш сиях өздеде арбап! ғибадат аш «малм аст. Си и یкى اش سالم سالم است.

چند سالш اسٽ؟

– سیزده سال. Ағрнене дواзде را حتما دارد.

– سواد ھم دارد؟  
– نخیر واجه!

– چे قدر می دھى آخرش؟

– پس خودم است. مادرش با ندارى بزرگش کرده. من میدانم چە به خوردش دادم و چە به خوردش ندادم. چهار ستون بدنش سالم است. انصاف و مروت خودتان واجه...

*Оғзингни оч!... Эҳ-ҳе! Тишларининг ҳаммасини қурт еб кетган-ку?! Бунинг менга ярамайди. Хандон писта қиласиган ишчи керак менга. Мен кўрган бу тишларининг бунга кучи етмайди, икки кунда оғзидан тўклиб тушиади.*

– Қани қурт егани? Фақатгина биттаси қорайган, хожса ҳазратлари. Қолганлари соглом. Ўттиз икки тишидан ўттиз биттаси сопта-сог.

– Ёши нечада?  
– Ўн учда... Ҳеч бўлмагандა ўн иккода...  
– Саводи ҳам борми?  
– Йўқ, хожса ҳазратлари.  
– Бўладиган нархи қанча?  
– Ўзимнинг ўғлим. Онаси қашшоқлик ва етишимовчилик билан катта қилди. Егулигига нима топиб беришни билмадим. Тўрт мучаси сог. Инсоф ўзингиздан, хожса ҳазратлари...

Бола ҳам сотилишини билади, у тузукроқ ҳўжайнинг тушишни орзу килади. Ота ва харидор орасида, бизнинг назаримизда бўлаётган хаёсиз савдо болага оддий кўринади.

Ҳикояда ёзувчи персонажларни тасвирлашда портрет санъатидан ҳам кўп фойдаланган. Мана, болага харидор бўлиб келган бир бадавлат кишининг портрети:

پир марде عینک داشت و عصای دسته نقره ای و زنجیر ساعتش انگار  
طلای بود و روی جلیقه اش برق می زد و مهربان مهربان بود.

*Кекса хожса кўзига кўзойнак тақиб олган, кўлида дастаси қумышдан ҳасса тутган, тишила занжирли соати эса камзулининг чўнтағидан чиқиб турарди. Кўзлари одамга жудаям меҳрибон боқарди.*

Лекин шу кўринишига қарамасдан у “одам савдосида” иштирок этди. Ҳикояда адид шу минтақа халқига хос сўзларни кўп кўллайди ва бу миллий колоритни, Эроннинг Сейистон ва Балуҗистон вилоятлари манзаралари, ҳаёт тарзи, ахволини жонлантириб беради. (Масалан “باد نم بى” – намби шамоли – Эроннинг де-

нгизга туташган жануб томонидан эсиб, намлик ва ёмғир олиб келадиган шамол; “سىر” – шу вилоятларида ўсадиган седр<sup>103</sup> дарахтининг баргини майдалаб туйиш орқали қўлда ясалган совун; “ساواس” – хурмо дараҳти пўстголидан тўқилган боғичли шиппак; “لنكوتة” – 1,5 метр ўлчамдаги шу вилоятлар халқининг миллый либос турларидан бири бўлиб, елка ва бошга ташлаб юрилади; “سرىك” – шу вилоятлар аёллари кийиб юрадиган чодра.)

Отанинг одам савдоси бозорида иши юришмайди, чунки у болага каттароқ нарх қўйган. Харидорлар бирин-кетин уларнинг олдига келиб, савдолашиб, яна ортга кета бошлашади. Ёнида сотилаётган ўспирин қиз учун харидорлар қизнинг бобосига пул бериб, уни тезгина сотиб олиб кетишади. Бола сотилмасдан қолади. Бу даҳшатли манзарадан кейин ўқувчида умид пайдо бўлади, отанинг меҳри жўшиб кетгандек, энди бола ўз оиласи билан яшайдигандек туюлади: бола уйига, онаси, укалари олдига кетади. Лекин отаси бошқа фикрда:

باید بیایم پایین تر. نمی دانم چه عیبی تو هیکلش می بینند که  
پشیمان می شوند؟... فردا باید بیایم پایین تر...

– Пастроқ тушишим керак. Билмадим, бунинг бўй-бастидан нима камчилик топишдийкин?... Эртага нархини пастроқ айтишим керак...

Ёзувчи бу ҳикоялар қайси даврни акс эттираётганини умуман кўрсатмайди. У ҳеч кимни айбламайди ҳам, факат воқеаларни ўспирин Сухроб тилидан, муаллиф сифатида аралашмасдан баён этади. Ҳикоянинг баёни текис, катта ҳис-туйгуларга йўл қўйилмаган, аммо бўлаётган воқеалар ўқувчида катта ҳиссиёт уйғотади.

Бу ҳикоядан фарқли ўлароқ “شناستنا مه ها!” (“Тувохномасизлар”)<sup>104</sup> ҳикоясида Ф.Халилий қаҳрамони “шахар қўрган” йигит Хайруллоҳнинг укаси ўн уч ёшли Абдуллоҳ номидан балужларнинг хукуқизликлари, ишсизликлари, таълим олмаганликлари, уларнинг тақдирлари учун хукумат, маҳаллий давлат идоралари ҳеч қандай масъулиятни ўз зиммаларига олмаганликлари тўғрисида очиқ-ойдин, ошкора танқидга олинади. Улар туғилганда ҳам, ўлганда ҳам рўйхатга олинмайди. Ҳикоя қаҳрамони Хайруллоҳ маълумотсиз ўс-

<sup>103</sup> Седр – игнабаргли доим яшил йирик дараҳт.

<sup>104</sup> فریدون عموزاده خلیلی. سفرچشمہ کوچک. تهران 2008 ص 149

пириң укаси Абдуллохни ўқитиши ниятида. Абдуллоҳ алебастр корхонасида ишлайди. Унинг ўзи ҳам ўқишини жуда хоҳлади:

Дурс хуванден ҳер چе باشد ҳисли рахат тэр аз каргари туи кархане گүжаст. Диңгиз нә گүж ھст دستهяйт ра бирд и چشم ھайт ра кур қанд и нә срекарий қе мөлл шмер балай срет байсты и ھи беҳт ғашш бедед.

*“Нима бўлганда ҳам мактабда ўқии алебастр корхонасида ишлашдан минг марта осонроқ. У ерда қўлларингни кесиб юборадиган, кўзларингни кўр қилиб қўядиган алебастр ҳам, аждаҳога ўҳшаб бошингда турадиган ва ҳадеб сени сўқаверадиган ишбоши ҳам бўлмайди.”*

Абдуллоҳ ўйин нима эканини ҳам унутиб қўйган. Ўйин ўйнаб, копток тепиб юрган болаларни кўрганида уларга ҳаваси, кўшилгиси келади:

Хиёл крдм па тови диниай диңгиз گذاште ам и فقط خودم هستم و این بجه ها. و دلم می خواهد تا دنیا دنیاست همین جا بايسنم و بازی و خنده این بجه هارا تمایشا کنم. نمی دانم چرا یکدفعه از زود خوشحالی و ذوق زدکی گریه ام کرفت و بعض به گلوبم چنگ انداخت.

*“Бирданига ўзимни бошқа бир оламга кириб қолгандай ҳис қилдим. Бу оламда фақатгина мен ва шу болалар бор эди. Кўнглим умрим охиригача мана шу ерда қолиши ва ана шу қувноқ болаларнинг ўйинини томоша қилиб ўтиришини истаб кетди. Билмадим нимагадир қувончнинг зўридан кўзларимга ёш келди ва бўғизимга йиги тиқилди”.*

Бироқ ҳикояда ака шахсий гувоҳномаси йўқлиги учун укани мактабга жойлаштиrolмагани, гувоҳнома олиш учун чиновниклар бир идорадан иккинчи идорага, ундан яна учинчисига сарсон-саргардон қилганликлари, идорада ҳукм сурган қофозбозлик, бюрократизм ва бошқа иллатлар ёзуви томонидан очиқ-ошкор танқид қилинган ва муносабат билдирилган. Ҳикоя ҳаётни шунчалик реал кўрсатганки, гўё очеркка ўхшайди. Кўчманчи одамлар яйловларни тарқ этиб, шаҳар четида яшайдилар. Улар ўз чодирларини ахлатхоналарга яқин жойларда қурадилар. Ахлатхоналардан топган нарсалар орқали кун кечирадилар. Улар жойлашган жойда “на сув бор, на нон бор, на электр, на идора, на мактаб, на дўхтири, на туман полицияси, на..., ҳеч нарса йўқ!” Уларнинг ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ, ҳатто вафот этган кишининг дағн этилиши ҳам муаммо уйғотади.

Гувохномаси йўқлиги учун отасини қабристонга кўмишга рухсат берилмаганда ака-укаларда ўз хукуqlари учун курашиш нияти қатъйлашади.

Ёзувчи балужлар ҳаётини яхши билади. Уларнинг феъл-автори, уларгагина хос бўлган иборалар, сўзларни танлайди. Йўл-йўлакай Хайруллоҳ ва унинг укаси Абдуллоҳларнинг югар-югурулари мобайнида бир қанча одамлар тоифаси билан учрашади: Наврўзали, Иброҳимбек, Дурмалик каби турли персонажлар бирин-кетин кўз олдимииздан ўтади ва адид уларнинг тасвирини беради. Бу персонажлар бўлаётган воқеаларга нисбатан турли қарашлари билан ажralиб туришади.

Бу ҳикояда ҳам воқеаларнинг қайси даврга таалуқлилиги ёзувчи томонидан кўрсатилмаган, лекин адид давлат чиновникларини қаттиқ танқидга олган, уларнинг лоқайдлигини, масъулиятсизлигини, яхши кўрсатиб бера олган. Умуман олганда бундай мавзудаги ҳикоялар рўй бераётган иллатларга Эрон жамиятининг дикқатини жалб қиласди, уларни бартараф этиш чоралари ҳақида ўйлашга ундейди.

Шу каби мавзуулар билан бир қаторда бадийлаштирилган очеркка ўхшаш, очерк ва ҳикоя ўртасида – яrim очерк яrim ҳикоя шаклида бўлган Оятулло Хумайний ва шохга қарши чиққан бошка ислом уламоларининг ҳаётидан лавҳалар келтириш, улар шахсини мақташ, хислатларини ибрат қилиб кўрсатиш мавзуси ҳам адиллар тез-тез мурожаат қиласиган янги мавзуулардан бирiga айланди. Асарларининг катта қисми диний мавзуда бўлган Мажид Мулла Муҳаммадийнинг “گردن بند طلابي” (“Тилла мунчоқ”), “آدم مثل کوه” (“Тоғдек одам”), Муҳсин Парвизнинг “روزى كە را ديدم” (“Мен Исони кўрган кун”) ҳикояларидан бунга яққол мисол топишимиз мумкин.

“Тилла мунчоқ” ҳикояси ҳаётда бўлиб ўтган воқеа – Оятулло Хумайнийнинг кичкина етим қизча билан учрашгани ҳодисаси баён қилинган. Отаси ўлимидан кейин юзига табассум югурмаган қизча Хумайний билан учрашганидан кейин яна аввалгидек кула бошлайди. “Тоғдек инсон” ҳикояси ҳам диний-тарихий ҳикоя. Унда Ризошоҳ даврида шохга қарши чиққан қумлик ислом уламоси Муҳаммад Тақи Бафқийнинг Техрон шаҳри полиция бошлиги билан бўлган учрашуви баён қилинади. Полиция полковники Бафқийга исёнчиларни бостириб бериш эвазига турли ман-

фаатли келишувларни таклиф қилишига қарамай Бафқий рад жавоби беради. Ҳикояда анъанавий реалистик услуб сақланган. Шуниси қизиқки, ҳодисалар Бафқийнинг ашаддий душмани ти-лидан баён қилинганд. Бафқийнинг шахсияти унда эҳтиром ва шу билан бирға қўркув хиссини уйғотади.

Эрон ёзувчилар уюшмаси ташкилотчиларидан бири, 80-йиллар ёзувчиси Мұхсин Парвиз ижодида эса болалар мавзуси етакчилик қилган ҳолда, унинг “Мен Исони кўрган кун!” ҳикоясида Ҳумайний билан учрашув француз боласи тилидан ҳикоя қилинганд. Ҳумайний болакайга шунчалик таъсир этадики, ҳатто уни Исо пайғамбарга ўхшатади. Бола ўз отасини Ҳумайний ваъзхонлик қилган жойга бошлаб келади ва ота таъсирланганидан йиглаб юборади. Ҳумайний ҳақиқатда ҳам Францияда яшаган. Ота-боланинг раҳбарга бўлган чукур ҳурмати ва ихлоси ҳақидаги бу ҳикояни буюк тарихий шахслар билан боғлиқ ҳикояларда бунга ўхшаш тўқималарга йўл қўйилмаслигини ҳисобга олсан, бу воеа ҳаётда бўлган деган хулосага келамиз. Ҳикояда сентиментализм чизиқлари аниқ намоён бўлган.

Инқилоб даврида диний мавзуларда яратилган ҳикоялар ҳам анча кўпайди. 1978 йилда шоирлар ва ёзувчилар жамияти кўмаги билан адабиёт ва санъатда диннинг ўрнига аҳамият берадиган ва бу борада адилларни тарбиялайдиган расмий *Ислом тафаккури ва санъати идораси* ташкил этилди ва унинг таъсирида диний-фалсафий, диний-психологик мазмундаги ҳикоялар пайдо бўла бошлади. Хусусан адига Самира Аслонпурнинг шу мазмунда ёзилган “هفت دایره جهنم” (“Жаҳаннамнинг етти доираси”)<sup>105</sup> ҳикояси эссе жанрига яқин, яъни адига 7 рақамининг маҳфий, диний маънолари тўғрисида мулоҳаза юритади, 7 рақами яхшилик ва ёмонлик маъноларини ўзида мужассамлаштирган, масалан етти қават осмон ва жаҳаннамнинг етти доираси. Бу рақам диний ривоятлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Жумладан, Фиравн тушида етти рақами билан боғлиқ нарсалар кўриши ва Юсуфнинг талқини. Юсуф сурасининг 46–49-оятларида етти кургоқчилик йиллари ҳамда етти фаровон йиллар, етти семиз сигир ва етти озгин сигир, жаҳаннамнинг етти доираси ва уларда турли жазоланувчилар

<sup>105</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. – СПб., 2010. – С. 144.

жойлаштирилганлиги келтирилган<sup>106</sup>. Бирок адiba бу рақам талқинида диний назар билан чекланмай, замонавийлик тусини ҳам беради. Эроннинг чексиз бойлиги ҳисобланмиш нефтга эгалик қилиб ҳисобсиз бойиган 7 та халқаро нефт ишлаб чиқариш компаниялари – “Мобил”, “Галф”, “Тексако”, “Калифорния”, “Бритиш петролиум”, “Стандарт ойл”, “Шелл” билан боғлаб,adolatcizliknинг рамзи сифатида талқин қиласди. Шу тариқа адебанинг 7 рақами билан боғлиқ диний ижобий ёки салбий (жаҳаннамнинг етти доираси) талқини замонавий салбий тус олади. Энди муаллиф Эрон миллый бойлиги бутунлай мустакил саноатни ташкил этиши ҳақида ёзди ва бу борада билимдонлиги сезилиб туради. Чунки Техрон политехника университетининг битирувчиси, мутахассислиги нефтехимик ҳамда физик дипломига эга бўлган Самира Аслонпур кенг дунёқарашибаси. У Эрих Мария Ремаркнинг ижоди билан жуда яхши таниш, унинг урушга қарши ёзилган “Фарбий фронтда ўзгариш йўқ” романи адiba асари руҳига яқин. “Жаҳаннамнинг етти доираси” хикоясида фрагментарлик услуби ҳукм суради. Ёзувчи бир мавзудан иккинчи мавзуга мантиқий боғланишсиз ўтади, гоҳ хотираларга берилиб, ўтмишга, гоҳ ўз замонасига қайтади. Ҳикоя тили рамзларга бой ва адiba уларни тушунтиришда Эрон тарихи, миллый ва диний меросидан фойдаланган.

90-йилларда ижодий фаолиятини бошлаган Муҳаммад Носирийнинг “رسالت” (“Масих”)<sup>107</sup> хикояси диний мавзуда бўлиб, унда Исо пайғамбарнинг туғилиши ва унинг фаолияти ҳақида баён қилинган. Ҳикоя “Қуръон” сураларига таяниб, Исо пайғамбарнинг образини исломий талқин қилган ва христианлар талқинида кўп зидликлар борлигини таъкидлаган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, эрон адабиётшуноси Меҳди Делгармнинг фикрича “инқилобнинг дастлабки йилларидағи пайдо бўлган айrim ҳикоялар инқилобни васф этиб, инқилобий ҳолатларни кўрсатишга берилиган ҳолда бадий жиҳатдан жуда заиф ёки бадийлаштирилмаган ҳолатда тақдим этилган. Буларга биз Маҳмуд Гулобдареий, Акбар Халилий, Жамол Мирсадикий, Носир Ироний, Исмоил Фасиҳ, Аҳмад Маҳмуд, Муҳсин Маҳмалбоф, Жавод Мажобий, Мажид Мулла Муҳам-

<sup>106</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том II. – С.

147. Там же, – С. 147.

<sup>107</sup> Там же, -- С. 147.

мадий, Мұхсін Парвіз каби ёзувчиларнинг балызы ҳикояларини киритишимиз мүмкін. Уларнинг ҳикояларида шошқалоқлик, мағкурабозлик, ҳатто мутаассиблик унсурлари намоён бўлди.”<sup>108</sup>

80–90-йилларда бўлган давр мобайнида кўплаб роман ва ҳикоялар тўпламлари нашрдан чиқдики, бу давр насрый адабиётининг сон жиҳати ривожидан дарак беради. Бу даврда бадиий асарлар таржимаси ҳам тўхтаб қолмади. Хорижий асарлар таржимасида инқилобнинг ўзига хос таъсири билинди ва Европа, Россия ҳамда Лотин Америкаси мамлакатларининг инқилоблари ва курашлари мазмунидаги асарлар таржимаси ривожланди. Масалан, моҳир таржимон Сўруш Ҳабибий томонидан Лев Толстойнинг (“Уруш ва тинчлик”), (“أنا كارنينا” (“Анна Каренина”)) романларининг форс тилига қилинган таржималари, Бахман Фарзона томонидан Габриэль Гарсиа Маркеснинг “تنهای” (“Танҳоликнинг юз йили”), италиялик ёзувчи Альба Де Чеспедеснинг (“عشق در زمان و بیا” (“Вабо давридаги муҳаббат”)) ва “میچ یک از آن‌ها باز نمی‌گردد” (“Улардан хеч ким қайтмайди”) романлари таржималарини санаб ўтиш жоиз<sup>109</sup>.

Ислом инқилоби адабиётини татбиқ қилиш борасида ҳам кўплаб асарлар нашр қилинди. Уларнинг аксарияти хотиранавислик, публицистик хусусиятга эга бўлди. Улардан Ризо Раҳгўзарнинг “بیم نگاهی به هشت سال قصه جنگ” (“Саккиз йиллик уруш адабиётига ярим нигоҳ” 1991 й.), Билқис Сулаймонийнинг “جنگ و ترازو” (“Милтиқ ва тарози” 2001 й.) айтиб ўтиш мумкин.

Шундай қилиб, 80–90 йиллар форс ҳикоянавислигига жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ҳикояларнинг мавзулар кўлами ўзидан олдинги давр мавзуларидан фарқ қила бошлади, анъаналар ва қадриятларга қайтиш тамойиллари кузатилди, адабиётга янги мавзулар кириб келди. Инқилоб ва уруш мавзуларидан ташқари яна бошқа кўплаб мавзулар панд-насиҳат билан боғлиқ бўлиб, хусусан, моддийликка эътиборсизлик, илоҳиётга юз тутиш каби даъватлардан иборат эди. Бундай адабий жараёнларда аёллар ижоди алоҳида ажралиб турди.

<sup>108</sup> naatashamoharramzadeh.persianblog.ir/...

<sup>109</sup> fa.wikipedia.org/wiki/

### **2.3. Ҳозирги замон эрон ҳикоячилигига аёл образи тасвири**

80-чи, айниқса 90-йиллар эрон ҳикоянавислигининг ўзига хослиги адабиёт майдонига аёл ёзувчиларнинг янги авлоди кириб келгани, аёл ижоди ва аёл образининг янгича талқин этилиши билан ҳам характерланади. Улар Симин Донешвар, Шахрнуш Порсипур, Газолэ Ализода, Гули Тараккий каби ўз ижодий фаолиятларини ислом инқилобидан олдин бошлаган адibalарнинг анъаналари давом этиб, аёллар ижодиётини янада бойитдилар. 80-йиллардан кейин ижод эта бошлаган аёл ёзувчилар доирасига Маниже Жонқўли, Самира Аслонпур, Заҳро Завориён, Важихе Али Акбарий Сомоний, Розия Тужжор каби истеъоддли адibalар келиб қўшилади. Уларнинг ҳикоялари учун кундалик турмушдаги оддий ҳодиса, бирор одамнинг одатий ҳаёти мавзу бўлиб, мақсади – қаҳрамоннинг қалбига чукурроқ кириш, кўнгил кечин-маларини теранрок ифода этиш бўлди. Бу ҳолат исломий жамиятдаги аёлнинг мавқеи ҳақида шаклланган тасаввур ва тушунчаларга зид келса ҳам ҳақиқий адабий ҳодиса сифатида рўй берди. Чунончи, турмуш икир-чикирлари, кундалик воқеалардан бадиий маъно ахтаришга тобора кўпроқ эътибор қаратилгани ҳам бу давр ҳикоячилигининг муҳим хусусиятидир. Муайян даврда яшаган бу адibalар яратган кўплаб асарларда типологик умумийлик хосдир. Типологик умумийлик уларни ҳаёт материалини танлашда, уни бадиий идрок қилиш ва баҳолаш мезонларида кузатилади. Инқилобдан кейинги давр эрон ҳикоянавислиги ҳақида гапиргандаги сўнгги авлод ёзувчиларидан Шахриёр Маданипурнинг эътирофи эътиборга молик: “Бугунги давр, назаримда ўтиш даври. Бу ўн йилликнинг (Эрон Ислом инқилобидан кейинги 10 йил назарда тутилмоқда. О.Т.) энг муҳим хусусияти тажриба шижаатидир. Бу наслнинг аввалгиларидан фарқли жиҳати балки дунёга қараш тарзидир... Инсон ҳеч қачон бу асрдагичалик ҳозирги ҳолати ва келажаги ҳақида ўйга толмаган”<sup>110</sup>.

Бу эътироф юқорида номлари зиқр этилган аёл ёзувчилар ижодига ҳам бевосита тааллуқли бўлиб, улар адабиёт аввало инсоншунослик эканини исботлашга ҳаракат қилдилар. Ўзбек ҳи-

---

<sup>110</sup> حسن میر عابدینی. صد سال داتان نویسی ایران. جلد دوم ص 1043

коячилиги устаси Ш.Холмирзаев таъкидлаганидек, “Муаммоларнинг муаммоси – одам. Бадий асарда одамни чинакамига акс эттириш орқали унинг қилмиш-қидирмишларидан муаммолар келиб чиқаверади. Бу муаммоларни ҳал қилиш эса ёзувчининг иши эмас. Уни ҳаёт ҳал этади. Ўша ҳал этилиш жараёни эса адабиётда ўз аксини топиши мумкин”<sup>111</sup>.

Замонавий эрон адibalари ўз асарларида шижаот билан янгича услублар, янгича мазмун ва янги шакллар кўллай бошладилар. Бу адibalарнинг ҳар бирининг ижоди ўзига хос бўлиб, унинг асосини аёл образини яратиш ташкил қилди. Лекин биз аёл образига ёндашишда ўзгаришларни кўрамиз. Энди уларнинг аёл қаҳрамони бутунлай эзилган, мазлума, ҳақ-хукуқсиз ёки “сига” (вактингчалик никоҳ) никоҳи қурбони бўлган муштипар эрон аёли эмас, балки аксарият ҳолларда ҳижобга ўралган бўлса ҳам саводли, иродали замонавий аёлдир. Албатта унинг муаммолари кўп, бу муаммолар шахсий ҳаёти, оиласи, эри билан боғлиқ. Аммо аёлнинг уларга муносабати характеристи олдингига нисбатан бошқача тус олади. Бу муносабатларни биз адibalар ҳикоялари таҳлили орқали кузатамиз.

Бугунги кунда самарали ижоди билан эрон ҳикоячилиги тараққиётiga ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ёзувчилардан бири Важиҳе Али Акбари Сомонийдир. У 1976 йили Техронда таваллуд топган. Ёзиш истаги унда ўсмирлик йилларидаёқ пайдо бўлган. Адебанинг ilk асарлари “کیهان بجهه” (“Болалар дунёси”) ҳамда “سروش نوجوان” (“Ўсмирлар хабарчиси”) нашириётларида чоп этилган. Форс тили ва адабиёти мутахассислигини эгаллагандан сўнг, 1997 йилдан бошлаб профессионал ёзувчи сифатида ўз фаолиятини бошлади. Адабиёт майдонида ўтган йиллар узлуксиз ва жiddий фаолияти давомида турли нашриётлар билан ҳамкорликда: “گزیده ادبیات معاصر” (“Замонавий адабиётнинг танланган асарлари”), (“پلهای شکسته”), (“Синган кўприклиар”), (“مئل يك رويا”), (“Настарин ифори”), (“عطر ياس”), (“Бир туш каби”), (“عروس آسمان”), (“بر سوها”), (“Осмон келини”) номли бир қатор ҳикоялар тўпламини чоп эттирди. Бадий ижод билан бир қаторда Сомоний “سروش نوجوان” журналининг

<sup>111</sup> Холмирзаев Ш. Муаммолар муаммоси–одам// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1986 йил 26 декабрь сони

“مجله درمجه” (журнал ичида журнал) бўлимида котиба лавозимида уч йил муддат ишлади. Бадий асарлар фестивалида хакам сифатида бир неча бор қатнашди. 2003 йилда “نماز و نیایش” (“Ибодат”) фестивалида биринчи, 2006 йилда Маданият вазирлигининг матбуот фестивалида учинчи ўринлар совриндори хисобланади.

В. Сомонийнинг “ترا من چشم در راهم” (“Кўзларим йўлингда”) ҳикоялар тўпламида унинг 7 та ҳикояси жой олган. Улар “ایستگاه ایستگاه اخر” (“Охирги бекат”), “ترا من چشم در راهم” (“Кўзларим йўлингدا”), “برگی از يك زندگی اخیر” (“Ёмғир остида”), “زیر باران” (“Хаётдан бир варак”), “چشم به راه” (“Насирхон”), “نصریل خان” (“Йўлга кўз тикиб”), “پلهای شکسته” (“Синган кўприклар”) ҳикоялари бўлиб, мавзу жиҳатдан жамиятнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий муаммоларига бағишиланган.

Маълумки, “инсон ўзлигини англаш туйғусининг кучайиши одамлараро муносабатлардаги мураккабликни, шахс ва воқелик, жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатларни реал акс эттиришни тақозо этди”<sup>112</sup>. “Реалистик ҳикояларда ижтимоий мухит ва қаҳрамонлар руҳиятига алоҳида эътибор берилади. Муайян мухитдаги персонаж ёки қаҳрамонлар феъл-атвори, хатти-харакати, кўнглида кечган туйгулар ўзгариши орқали қаҳрамон психологияси инкишоф топади.”<sup>113</sup> Важиҳе Али Акбари Сомонийнинг “زیر باران” (“Ёмғир остида”)<sup>114</sup> номли ҳикоясида реалистик асарлар учун хос бўлган ҳолат, характер, кайфият бор, руҳият манзараси, ундаги ўзгаришларни намоён этувчи аниқ белгилар тасвири бор ва шу асосда, кўз ўнгимизда гавдаланган ҳаётнинг бир парчаси бор.

Ҳикоядаги воқеалар бош қаҳрамон – Аёл (ҳикояда унинг номи берилмайди) тилидан ҳикоя қилинади. Унда оила, эр-хотин муносабати, руҳий ҳолат тасвирлари орқали унинг психологик портрети яратилади. Мантикий холосани эса ўқувчининг ўзи чиқариб олади.

<sup>112</sup> Адабий турлар ва жанрлар. I том. – Т.: 1991. 41-б.

<sup>113</sup> Шу асар, 47-б.

<sup>114</sup> وجیهه علی اکبری سامانی. تورا من چشم در راهم. (مجموعه داستان) تهران (1387) 99 ص

Хикоя табиат тасвири билан бошланади. Адиба бу ерда таш-биҳ санъатидан фойдаланади. Бўлажак воқеалар оқимига олиб кириш учун ўқувчи кайфиятида замин тайёрлайди.

Хикоя табиат тасвири билан бошланади. Адиба бу ерда таш-биҳ санъатидан фойдаланади. Бўлажак воқеалар оқимига олиб кириш учун ўқувчи кайфиятида замин тайёрлайди.  
Хикоя табиат тасвири билан бошланади. Адиба бу ерда таш-биҳ санъатидан фойдаланади. Бўлажак воқеалар оқимига олиб кириш учун ўқувчи кайфиятида замин тайёрлайди.  
Хикоя табиат тасвири билан бошланади. Адиба бу ерда таш-биҳ санъатидан фойдаланади. Бўлажак воқеалар оқимига олиб кириш учун ўқувчи кайфиятида замин тайёрлайди.

*Хаво совуқ. Оғир. Аччиқ. Ёмғир ҳиди келяпти. Осмон бағрини ҳам зулмат қоплаган. Лекин зим-зиё ва ғам босган бағрини енгиллатадиган ёмғир ёғмаяпти-да. Гүё менинг қалбим сингари. Кўзларим ачишган. Қовоқларим оғирлик қиляпти. Бўғзимга аччиқ нимадир тиқилган. Шу қадар аччиқки, қалбимни остин-устун қиляпти. Ўзимни тог чўққисида ёлгиз қолгандек ҳис қиляпман. На олдинга ва на орқага йўл бор.*

Хавонинг совуқлиги, осмоннинг кулранг туси қаҳрамон ҳаракат қилаётган шароит бўлиши билан бир қаторда, дард, қайғу тимсоли даражасига кўтарила олган. В.Сомоний табиат тасвирини қаҳрамон руҳи, психологиясига мос равишда чиза олади, уларни уйғунлаштириб юборади.

“Хикояни серсув қиладиган нарсалардан бири кўрсатиш ўрнига сўзлаб беришдир”, – деган эди Абдулла Қодирий.<sup>116</sup> “Ёмғир остида” хикоясида эса, аксинча. Адиба воқеанинг мазмунини бизга тушунириб ўтирумайди, миридан-сиригача гапириб бермайди. Балки ҳассос ва нозик нигоҳ билан кечган манзарани кўз олдимиизда қайта яратади. Бундан билиб оламизки, баҳтли оиласда мусибат рўй берган, ёш аёл, икки боланинг онаси саратон касалига чалинган. Буни фақат ўзи билади. Таҳхис аниқ чиққан куни ўз уйига ҳам боролмайди. Кўчаларни кезиб юради. Хикояда ҳарактерлараро ҳаётний принциплар даражасидаги кураш йўқ. Унда инсон тақдири, унинг рухиятидаги ўзгариш, психологик жараёнлар ифодаси биринчи ўринда туради. Воқеалар чигал ва кўп қатламли эмас. Алоҳида ҳолат ва эпизодлар қаҳрамон кайфияти билан уйғунлашиб кетади.

<sup>115</sup> ترا من چشم در راهم. ص 99

<sup>116</sup> Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. –Т., 1969. 201-6.

پیاده رو ھا پر از عابر و رهگذر است. مرد' زن' پیر' جوان... مغازه ھا بازند. لامپهای رنگارنگشان می چرخند و هر لحظه به رنگی در می آیند. بیو بیو و باقالی با بیو باران در هم پیچیده و فضای را پر کرده است. صدای خنده بچه ها می آید. بچه ها... آخ امیرم... نیگارم!<sup>117</sup>

*Йұлаклар пиёдалар билан тұла. Эркак, аёл, қары, ёш... Дүкөнлар очиқ. Ранг-бараң чироқлари айланыб, ҳар лаңза бошқа рангга ўзгариб турибди. Қайнатылған лавлаги ва ловия иси ёмғир ҳиди билан аралашиб ҳавони тұлдирған. Болалар кулгуси әшиетілляпти. Болалар... Ох Амирим... Нигорим!*

Бу лавҳадан қаҳрамон күнглида кечәётган түйғулар, дилини кемирған мұммоловар, ҳаётда содир бұлаётган катта жараённинг бир бұлаги, зарраси сифатида тасвирланади.

Хикоянинг сюжетини бош қаҳрамоннинг күкрапа бези саратонига чалиниши билан боғлиқ ҳодисалар ва уларнинг қаҳрамон рухиятига таъсири тасвири ташкил қиласы. Ҳаёт унга ھеч қачон ёришмас зимиston бўлиб кўринади. Адиба ҳозирги куннинг энг долзарб саналган мұаммоларидан бири аёллар күкрапа саратони касаллигининг инсон – Аёл рухиятига нечоғлик салбий таъсирини қаҳрамоннинг түйғулар манзарасини яратиш орқали ёритиб беради.

“Ёмғир остида” ҳикояси орқали адиба оддий эрон аёлининг маънавиятини ҳам кўрсатишига уринади. Унинг фарзандларига, эрга ва ўзаро бир-бирларига муносабати орқали маънавий маданияти нечоғлик юксаклиги кўрсатиб берилған. Фикримиз исботи тарикасида аёлнинг шууридан кечәётган ўй-хаёллар, онг оқими тасвирини келтиришимиз мумкин. Унинг ёду фикри болаларида:

طفلکیها حالا حنما ایس، تاده اند کنار پنجره و مدام به خیابان سرک می کشنـد.  
امیر بھانہ امرا می گیرد و نگار همانطور که موہای لخت و سیاه برادرش را نوازش می کند آرامش می کند. و مسعود...<sup>118</sup>

*Бечора болалар ҳозир дераза ёнида туриб дам-бадам күчага қараб қўйишаётган бўлишиса керак, албатта. Амир мени сўраб инжиклик қиласаётгандир, Нигор эса укасининг майин ва қоп-қора сочларини силаб уни эркалатаетгандир, тинчлантираётганدир. Ва Масъуд...*

Ушбу хикояда нафакат аёл, балки баъзи чизгилар, ишоралар орқали шарқда оила бошлиғи дея эъзозланадиган эркак, ота об-

<sup>117</sup> وجیهه علی اکبری سامانی. تورا من چشم در راهم ص 100

<sup>118</sup> وجیهه علی اکبری سامانی. تورا من چشم در راهم ص 100

разига ҳам урғу берилади. Ҳикояда оила бошлиғи (Масъуд) образи бевосита эмас, балки билвосита тасвир орқали гавдалантирилади. Ҳикоя давомида у атиги икки маротаба аёли томонидан тилга олинади. Бироқ, мана шу “тилга олиниш” орқали Масъудга хос бўлган: оила олдидаги бурч ва масъулият, қатъият, оғирбосиқлик, сабрлилик каби хислатлар намоён бўлади. Ҳикоядаги ҳар бир деталь ва кичик чизги қаҳрамон шахсиятидаги у ёки бу кирраларни ёритиб юборади:

حالا حتما مسعود ҳем из ср қар брگште. یوشیدе др ӣарани һанд қрمنгى қе роз тولدеш خриде ам. Ҳасте ’گрснен’ یخ زده. из ғибим մابش брде. سابقه نداست نگفته’ بچه ҳара тнها ٻڱڙام و جای بروم. حتما لز نگار پرسیده: پس کو مامان؟ و نگار جوابش داده: رفت خريد.

حتما ابروهای پریشت و خوش حالت مسعود به حالت تعجب’ دو ټوس کشیده روی پیشانی اش انداخته.  
خرید!

حق دارد باور نکند. تا به حال پار خريد ҳемه خرت و پرتهای خانه به عهده او بوده<sup>119</sup>.

### Таржимаси:

Масъуд ҳам ҳозир ишдан қайтган бўлса керак, албатта. Эгнида мен тугилган кунига совга қилган оч сариқ рангли узун плаш. Чарчаган, қорни очган, совуқ қотган. Йўқлигимни кўриб ҳайрон бўлгандир. Болаларни ёлгиз қолдириб бирор жойга бормаганман. Нигордан “Ойинг қани?” деб сўраган, албатта.. Нигор ҳам “Харидга кетди”, деган.

Албатта унинг қалин ва чироили қошлари чимирилиб ажабланган ҳолатга келган.

– Харидга?

Ишонмасликка ҳаққи бор. Шу пайтгача рўзгорнинг ҳамма майда-чуйдаларининг хариди унинг зиммасида бўлган.

Ушбу парчада ҳам аёл онгида эри билан боғлиқ кечётган лавҳалар орқали, воқеаларда бевосита иштирок этмаса-да, оила бошлигининг характеристига хос чизгилар ифодаланди.

Ҳикоя ҳажман кичик, лекин унга киритилган воқеанинг бошлиниши қаҳрамоннинг асарга киритилмаган аввалги ҳаётидан, унинг тугаши қаҳрамоннинг асарга киритилмаган кейинги ҳаётидан дарак

<sup>119</sup> ترا من چشم در راهم. ص100

бера олади. Ҳикоя гүё ҳаётнинг ёркин бир бўлагини кўчириб, шундоккина кўз ўнгимизда бадиий гавдалантириб берган.

Ҳикоя сюжетида илгари сурилган асосий фоя инсоннинг ҳаёт кийинчиликлари олдида чекинмаслиги, доимо умид билан яшаш кераклигидир.

Ушбу ғояни очиб беришда қўшимча сюжет чизиги: автомобиль билан боғлиқ баҳтсиз ҳодиса воқеаси киритилади. Кўчаларни кезиб юрган аёлнинг кўзи беихтиёр рўпарасида турган ёш эркак ва аёлга тушади. Улар баҳтли, бепарво, хушчакчак, кулиб боришар эди. Аёл уларга ҳаваси келади, яна ҳаёллар оламига гарк бўлади. Шу пайт машина эркак билан кетаётган аёлни уриб кетади. Эркак додлаб қолади. Бу баҳтсиз ҳодиса бир томондан қаҳрамон аёлни саросимага солса, иккинчи томондан унинг кўзларини очади, қаҳрамон руҳиятида катта ўзгариш содир бўлишига сабаб бўлади. Қанчалик тушкунликка тушганини, хали умид борлигини англаб етади. Адиба бу ўринда муваффақиятли ҳаётний эпизод танлай билган. Маълумки, ҳикояда жанр талабидан келиб чиқсан ҳолда роман ё повестда бўлганидек ҳаётнинг кенг кўлами, характерлар тараққиёти кўрсатиб берилмайди. Лекин мазкур ҳикояда характер ривожи кузатилади. Ҳикоя бошида ҳаётдан умидини узган, касаллиги туфайли тушкунликка тушган аёлда яшашга бўлган ишонч, кураш туйғуси пайдо бўлади.

Ҳикоя охирида ниҳоят ёмғир ёғади, ҳавони тозалайди, ювади, поклайди. Ёмғир образи тозалаш, поклаш, тинчлантириш образидир. Шу билан бирга ёмғир умид образи ҳамдир. Қаҳрамон аёл кўнглида яшаш учун янги умид пайдо бўлади.

“Асар киммати ким ёзганлиги билан эмас, нима ёзганлиги ва қандай ёзганлиги, бизга қандай янгилик, қандай гоя бериши билан, қалбимиз ва шууrimизда қандай эзгу ниятлар уйгота олиши билан, замон ва замондошимиз киёфасини қай даражада кўрсата билиши билан белгиланади. Бир-икки эмас, миллионлаб китобхоннинг юрагида туғилиб ётган дардини ўз вақтида топиб, сезиб, унга яшаш учун ёрдам бериши билан белгиланади.”<sup>120</sup> Шу нуқтаи назардан “Ёмғир остида” ҳикояси ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига жавобан ёзилган дея оламиз. Чунки ҳар бир ҳикоянинг кучи давр нафаси ва қаҳрамон тақдири

<sup>120</sup> Адабий турлар ва жанрлар. I том. – Т., 1991. – С. 76.

билан ўлчанади. Ҳикоя тугал гоя билан якунланган. Кўрсатилган қисқагина сюжетдан инсон ўзига керакли хулоса чиқариб олади.

Муаллиф замондош қаҳрамон қиёфасини гавдалантиришда туйғулар реализми аспектидан унумли фойдаланган. Ёзувчи аёл рухиятини яхши тасвирилаб берган.

Ҳикоя кескин таъсир кучига эга. Қаҳрамон характери ўқувчига янги куч, янги гайрат баҳш эта олади, унинг иккиланиб юрган фикрини шамолдай тўзғитиб юбориб, бир фикрга ундей оладиган таъсирчан ва эмоционалдир. Ҳикоядаги: *خدا از رگ گردن به تو نزدیکتر است*. “Худо сенга уйқу артерияси томирингдан ҳам яқинроқдир...” ёки қўйидаги:

تا او نخواهد يك برگ هم از درخت نمی افتد حتی اگر سهمگینترین توفان  
هابوزد...

“Унинг ихтиёрисиз, ҳамто кучли тӯфон бўлса-да, дараҳтдан бир бағр ҳам тушмайди” каби жумлалар исломий ақидалар сифатида матнга киради. Ҳикояда муаллиф позицияси ҳам сезилиб туради. Ёзувчи факат ҳаётий воқеа қандай бўлса шундайлигича кўрсатиб берганда эди, қаҳрамон тақдирининг фақатгина гувоҳи, кузатувчиси бўлиб коларди. Муаллиф позициясининг энг аҳамиятли жойи шундаки, тасвириланаётган воқеани ёзувчи кўзи билан кўра олишга, унинг тафаккури билан фикрлай олишга ундаиди.

Истеъоддли адабалардан 1972 йилда туғилган Маниже Жонкули 90-йилларда ижодий фаолият билан шугулланишини бошлигани. 1996 йилда умум эрон ҳикоялар танловида биринчи ва 1997 йилда иккинчи ўринларга эга бўлган Маниже ҳам В. Сомоний каби ўз ҳикояларида асосан аёллар образига мурожаат этади. Унинг “Бегона”<sup>121</sup> ҳикояси шаҳид кетган ўғлини хотирлаб марака қилаётган бир бева, ёлғиз яшайдиган аёл ҳақида. Она ўн саккиз йил олдин фарзандини урушда йўқотган, лекин ҳаётининг бир парчаси – ўғли хотирасига содик қолган. Ҳар йили муштипар она ўғлини йўқотган кунни хотирлаб, аёлларни чақириб, отин аёлга Куръон, айниқса “Анъам” сурасининг нихоясини ўқитади. Бу гал ҳам у ўттиз аёлга мўлжаллаб ҳозирлик кўради. Турли таомлар ва шириналклар тайёрлайди. Лекин унинг шаҳид кетган, ўлган кунини хотирлаб уюштирган маросимга ҳеч ким

<sup>121</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. – С. 54.

келмайди. Отин аёл боласининг бетоблигини айтади. Қўшни аёллар ясан-тусан қилиб янги кўчиб келган ён қўшниникидаги тўйга кетган. Мусика, кулги садоларини эшишиб, кўчага қараган она қўшни ҳовлида хурсандчилик, зиёфатга тараффуд катталигиги кўради. Она улардан хафа бўлмайди. Она ўзи Куръон ўқиб гўё бу тўй уйланмай ўлган ўғлининг тўйи деб тасаввур қиласди. Одамлар бир болани эслаб йиги қилгандан кўра зиёфатни, хурсандчиликни афзал кўрадилар. Бу инсон табиатига хос. Фақат она қалби фарзандини унутмайди. Ҳикояда шахид кетган фарзанд хотираси муқаддас, бироқ бу хотира фақатгина она қалбida мангу яшаши каби гоя ҳикояда етакчилик қиласди.

1964 йилда Техронда таваллуд топган адига Самира Аслонпур 1985 йилдан бошлаб бадий асарлар яратишга кўл урди, 90-йиллар ёзувчининг ижоди гуллаб яшнаган давр ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб ҳам ўз мухлисларига эга бўлиб, китобхонларни яратаетган асарлари билан хушнуд этиб келаётган Самира Аслонпур ўн еттидан ортиқ китоблар муаллифи. Турли йилларда энг яхши аёл ёзувчи сифатида тан олинган. Унинг “**آفتاب و سایه**” (“Куёш ва соя”)<sup>122</sup> ҳикояси бир бой хонадон хизматчиси, оддий аёл билан содир бўлган ўғрилик ҳақида. Ҳикоя биринчи шахс номидан баён қилинади. Аёл уйига иккита автобус алмасиб боради. Ҳикоя Эрон шаҳарлари ҳаётидан бир лавҳа бўлиб, шу шаҳар тартиб-коидалари, одамлараро муносабат билан таништиради. Жазирама иссик, бекатларда одамларнинг автобус кутиши, автобус етишмаслиги, борлари ҳам одамлар билан тўлиб тошганлиги, исломий давлатларда ҳам ўғриликлар содир бўлиб туриши, бунга нисбатан одамларнинг лоқайд эмасликлари каби эпизодлар бор. Бекатда одамлар навбат билан транспортга чиқишлиари, автобусларнинг икки қисмга – эркаклар ва аёллар учун мўлжалланган қисмларга ажратилганлиги миллий ҳаёт лавҳалари билан таништиради. Бир амаллаб автобусга чиқиб олган қаҳрамон аёллар учун мўлжалланган томонга ўтиради. Бу ерда хотин-халажлар ўзларини турлича тутадилар, уларнинг орасида безбет, беҳаё шахслар бор. Иккинчиbekatda автобус кутаётган аёлни мотоциклда учиб келган ўғри қўлидаги сумкасини юлиб қочади. Аёл пулига бир ачинса, уйининг калитларига янаем ачинади. Қаҳрамон аёлга кутилмаганда ёрдам келади: Нотаниш машина мотоциклни қувиб етиб, сумка

<sup>122</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. –С. 138.

эгасига қайтарилади. Аёл миннатдорчилик билдиради, одамлар эса ўғриларни ура кетишади. Аёл уларни уришни бас қилишларини илтимос килганда ёнидаги дугонаси Насрин унинг устидан кулади. Шунда қаҳрамон аёл Имом Сажжод ҳакида бир ибратли ҳикояни сўзлаб беради. Ҳикоя ичидаги ҳикоя услубида ёзилган мазкур асар ғояси раҳм-шафқатга чакиради, ҳатто душманга ҳам раҳм қилишга тарғиб этади. Муаллиф ислом ва имомлар тарихини яхши билади, шия имомлари ҳаётини ибрат қилиб кўрсатган. Ҳикоя ниҳоясида реалистик воқеаларга дидактик тус берилган.

1962 йилда Техронда туғилган, 80-йилларда ижод эта бошланган яна бир адига Захро Завориён бўлиб, унинг **“منوعت محب”** (“Мухаббатни ман этиш”)<sup>123</sup> ҳикояси аёл вафоси, садоқати ҳақидаги чиройли севги ҳикоясидир. Реалистик услубда ёзилган бу ҳикоя кундалик ҳаётдан бир воқеа. Воқеа суд залидан ёш оиласнинг ажралишидан бошланади. Дастреб бахтли оила бошига мусибат тушади: Ёш эр Фуад ногирон бўлиб қолади. Лекин севики хотини Афсонага эрининг ногиронлигини кўтаради, унга меҳр бериб қарайди. Бироқ ногирон эр билан ёш умрини хазон қилишини истмаган Афсонанинг ота-онаси бу ҳолнинг давом этишига қарши. Улар кизларини Фуад билан ажрашишга мажбур қилишади. Суд уларни ажратади. Афсонанинг кўнгли, гарчи улар энди эр-хотин бўлмасалар-да, Фуадда қолади. Ота-она зўравонлиги кизларини бахтсиз ҳаёт кечиришга мажбуrlайди.

3. Завориённинг **“او سلوی بود”** (“У самовий эди”<sup>124</sup>) асарида ҳам аёл образига мурожаат қилинган. Ҳикоя диалог асосида курилган бўлиб, фожиали муҳаббат ҳакида. Ҳикоя мистик рухга эга. Бир зиёли киши ҳаётдан тўйиб, бутунлай дунёвий ҳаётдан воз кечади, ўзини Худога бағишлиб, тарки дунё қилиб денгиз бўйидаги кулбада яшайди. Аммо бир куни соҳибжамол қизни учратиб, уни севиб қолади. Аввалига бу самовий муҳаббат деб ўйлайди ва қизга ўзича Мария деб исм кўяди. Аммо бу соф инсоний муҳаббат эди. Қиз ҳам унга кўнгил кўяди. Йигит эса самовий ва инсоний ишқ ўртасида ўртанади, вужуди азобланади. Кунларнинг бирида денгизда кучли тўфон туриб, қизни сувга улоқтиради, лекин йигит ёрдамга келолмайди, чунки қизнинг кийимлари ечилиб кетган эди. Денгиз қизни

<sup>123</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. –С.149.

<sup>124</sup> Там же. –С.156.

олиб кетади, йигит эса надомат чекиб, девонага ўхшаб қолади. Уни күшни аёл Мастона оз бўлса-да, бу ҳолатдан чиқаришга уринади. Мастонанинг эри Мақсуд ҳам денгизда ҳалок бўлган. Мария ўлганидан кейин унинг рухи Мастонада қайта яшай бошлайди. Шунинг учун Мариянинг кўп хислатлари унга ўтган. Бироқ йигит уни рад этади. Шунда Мастона “Мария сени ҳақиқий дунёда кўришни умид қилади”, – дейди. Йигит ўйланаб қолади. Бу ҳикоя ўзи учун ёлғон хаёлий дунё яратиб, ҳақиқий баҳтини бой берган инсон ҳақидадир. Йигит ўзининг хаёлий муҳаббати учун ҳақиқий муҳаббатидан маҳрум бўлади, ҳатто севгилисини қутқармайди. Ёзувчи лоқайдликка, тарки дунё қилишга қарши чиқади. Адабанинг биринчи ҳикояси каби бу ҳикояда ҳам хотима ўқувчига ҳавола қилинган. Балки ёзувчи хаёллар оламидан ерга тушишга, одамлар ҳаёти билан яшашга, оила қуришга, фарзанд кўришга даъват қилади.

Ўз асарларида аёллар образини яратиш нафақат аёл ёзувчилар, балки замонавий адиллар қаламига ҳам мансубдир. Шундай ёзувчилардан бири 1955 йилда Рай шахрида тугилган ёзувчи, танқидчи, адабиётшунос Бокир Ражабали ижтиомий муаммоларга багишлиган ҳикоялар талайгина. Ана шундай ҳикоялардан бири “فرض” (“Қарз”)<sup>125</sup> ҳикоясидир. Ҳикоя сюжети оиласвий можароларни бошидан ўтказган қиз – Суғронинг хотиралирига асосланган. Суғронинг акаси Козим пул топишга муккасидан кетган, фирибгар, унинг учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Ота-онаси ўлганидан кейин синглисига зулм ўтказади. Лекин сингил ўзини дадил тутиб, тушкунликка тушмайди. Суғро акасининг раҳмдил, юмшоқ табиат аёл Меҳрига уйланганидан кейин енгил тортади. Меҳри Суғрони турмушга беради. Суғро эри Али билан камбағалликда бўлса-да, тинч-тотув яшайди. Бир куни синглисникига меҳмонга келган Козим ва Али ўртасида уриш аланга олиб, улар юзқўрмас бўлиб кетишади. Алига ер беришади, бу ерни олишга уларга бир оз пул етмайди ва Суғро акасидан қарз сўрашга мажбур бўлади. Қарз бериб туриш ўрнига Козим синглисидаги бор пулни ҳам ўз эҳтиёжларига ишлатмоқчи бўлади. “Қарз” ҳикоси ижтиомий тафовут ва инсонийлик туйғуларини синаш, қариндошлик ришталари узилиши каби жамиятда рўй берадиган ходисалар ҳакида.

<sup>125</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том II. – С.107.

Б. Ражабалининг “حرف آخر” (“Охирги сўз”)<sup>126</sup> хикояси ҳам ижтимоий муаммоларга, оилавий муносабатлар, ўрта катлам ҳаёти (врач, ўқитувчи, илмий ходим), жамиятда ўз ўрнини топиш каби муаммоларни кўтарилиши. Бу хикояда ҳам аёл образи биринчи ўрининга кўйилади. Қаҳрамонлар эр – Мажид ва хотин – Митра оиласада гўё ўрин алмашиб қолишиган. Яъни Митра врач, ишлайди, лекин ишини яхши кўрмайди. Мажид эса уйда ўтириб, кичкина кизи Баҳорга қарайди. Умидлари пучга чиққан хотин сержаҳл бўлиб қолган, арзимаган сабабдан аразлаб онасиникига кетиб қолаверади. Эри эса ҳар гал уни қайтариб олиб келаверади. Бошқа бу йўсундага яшаш мумкин эмаслигини тушунган Мажид ўзгаришга, турмушини ўзгартиришга йўл кидиради. Ҳикоядан маълум бўладики, эрон оиласига ҳам аёл эмансиپацияси муаммоси кириб келган, лекин у исломий жамият шароитларига тўғри келмайди.

Юкорида келтирилган аёллар ижодидан намуналар бизга эрон ҳаётидан турли манзаралар, яшаш тарзи, оилавий муносабатлар тўғрисида озми-кўпми хабар беради. Аммо замонавий эрон адабиётида аёл кўнглини тўла англашда, қалби тубига этиб бориб, унинг барча сир-асрорларини кашф этишда таникли адаби Розия Тужжорга тенг келадигани топилмайди. Шунинг учун унинг ижодига кўпроқ тўхталишни лозим кўрдик.

Розия Тужжор ҳозирги замон эрон адабиётининг энг йирик намояндаларидан биридир. Розия Тужжор 1947 йилда Техрон шахрида дунёга келган. Унинг болалик даври Техрон шаҳрининг маҳаллаларидан бирида ўтди. Ўрта мактабни тамомлагач, университетнинг психология факультетида таҳсил олди. 1985 йилдан бошлаб ёзувчилик фаолияти билан шуғуллана бошлади. Асосан, хикоя жанрида қалам тебратиб келаётган адабанинг бир неча хикоялар тўплами дунё юзини кўрган. “زَنْ شِيشَهُ اَيْ” (“Шиша аёл”), “سَفَرْ بِهِ رِيشَهُ هَا” (“Наргислар”), “هَنْتَ بَنْدَ” (“Етти тугун”), “كُوچِه آقاقِيَا” (“Ватанг саёҳат”), “سَنْگْ صِبُورْ” (“Сабр тоши”), “شَعْلَهُ وَ شَبْ” (“Акама кўчаси”), “أَرَامْ شَبْ بَخِيرْ” (“Хайрли тун”), “شُعْلَهُ وَ شَبْ” (“Шуъла ва тун”) каби хикоялари эса рус, урду, ўзбек ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган<sup>127</sup>.

<sup>126</sup> Там же. –С.117.

<sup>127</sup> [http://www.sarshar.org/archives/critics/post\\_836.html](http://www.sarshar.org/archives/critics/post_836.html)

Розия Тужжор ўзига хос бир услубда ёзадики, унинг асарлари фалсафий мушоҳадалар билан бойлиги, тил ва услуб гўзаллиги ҳамда ижтимоий муаммоларнинг ўртага қўйилиши жиҳатидан бошқа ёзувчиларниң асарларидан акралиб туради. Р.Тужжор ҳикоялари қаҳрамонларининг аксарияти аёллардир. Масалан, дом-дараксиз йўқолган ўғлининг урушдан қайтишини ҳануз кутаётган она, ўз ёрини урушдан қайтишидан умидини узмаган келин, эрининг лоқайдлигидан изтироб чекаётган аёл ва шу кабилар. Бу унинг оиласвий, ижтимоий-иктисодий, ахлокий муаммолар билан тўқнаш келган аёллар дардларидан огоҳлигини билдиради. Унинг асарлари қаҳрамонлари бўлмиш аёллар ўзида мавжуд шароитлардан қочиш ёки қутулишга уринмайдилар. У қаҳрамонлар мураккаб шароитга ўралиб қолган, тақдир, замона, муҳит улар ҳаётига таъсир киласди ва ҳаётида из қолдиради. Адиба кулранг рангдаги, машаққатларга тўла дунёни кўради, уни тасвирлайди ва асарини тушкун рухда якунлайди. Бу унинг ижодига хос бўлган яна бир хусусиятлардан биридир.

Унинг ижодида эрон шоир ва ёзувчиларидан Жалол Оле-Аҳмадга хос зийраклик, Аҳмад Шомлуга хос оҳангли, мусиқали наср услуби, Мехди Ахавонга хос маъюслик ва тушкунлик, Фўруғ Фарруҳзодга хос “Эрон аёлининг сукутдаги ҳолатини, аёл сукутининг портлашини”<sup>128</sup> ифодалаш каби хусусиятларни кўрамиз. “Адабанинг ҳикоялари юқоридаги таникли ёзувчи ва шоирлар ҳамда Ф.Достоевский асарларидан таъсиранган ҳолда майдонга келган.”<sup>129</sup>

Розия Тужжорнинг 2002 йил “بیام زن” (“Аёл ахбороти”) журналида (121-сон, 86-б.) чоп этилган Райҳона Мавлавий билан бўлган сұхбатда: “Аёлларнинг нафис рухияти ва ижод ўртасидаги алоқага қандай таъриф берса бўлади”, – деган саволга адiba: “Аёл рухияти ҳис-туйғулар ва ранжу аламларнинг кураш майдонидир. Биллур қанча сайқалланса шунчалик товланганидек, аёл қалби ҳам қанча тарашланса уни ифодалаб бериш шунча ёрқинлашади. Аёл рухияти ва ижодини гулдўзликка қиёсласа бўлади. Гулдўз сабр ва ҳафсала билан турли-туман рангларни олдига териб қўяди ва кўллари билан гўзаллик яратা бошлайди. Ёзувчилик ҳам шундай,

<sup>128</sup> Муҳаммадризо Рузбех. Ҳозирги замон Эрон адабиёти. 57-б.

<sup>129</sup> روزنامه ایران، شماره ۳۶۳۰ (http://www.magiran.com/nrview.asp?ID=1398510) ( ۱۷ فروردین ۱۴۰۰)

күзгө күрингес нафис бир ипга сүзлар кетма-кетлигини жамланганда аёл рухий олами ярала боради”,<sup>130</sup> – деб жавоб беради.

Асарларыда танланган сюжетлар адига шахсияти билан қанчалик алоқадорлиги ҳақидаги саволга у шундай жавоб берган эди: “Менимча чамбарчас боғлиқ. Ҳатто асарларымдаги қаҳрамонлар эркаклар бўлса-да. Аёллар ва эркакларда бирдек содир бўлиши мумкин бўлган мавзуларни кўтараман. Инсониятга хос ишқ ва ранж каби. Мен ишқ ва ранж туйгулари қоришмасидан бўлган бир аёлман. Шу жиҳатдан фикрларимнинг ҳар бир бекатида аёллар. Барча айтганларим ва ёзганларимга қарамай, ҳали айтмаган ва ёзмаганларим унданда ортиқ.” Адабанинг фикрича “барча жойларда, барча даврлардаги аёлларга хос муштарак туйғу ишқ ва муҳаббат туйғусидир, аёлнинг бутун дунёни остинустун қилиб юборадиган муҳаббати. Аёллар муҳаббат учун ўзларини фидо қиласидилар, муҳаббат учун кечирадилар, меҳр берадилар”,<sup>131</sup> – деб хисоблайди Розия Тужжор.

Розия Тужжор бутун дунё аёлларига ўзлигини топишларини, ўзларини ҳурмат қилишларини, ўз ички оламини эшита билишларини, аёллик шаънини қадрлай билмоқликлари кераклигини таъкидлайди.

Унинг қаламига мансуб “هم سبب هم ستاره” (“Ҳам олма, ҳам юлдуз”)<sup>132</sup> тўплами йигирма иккита ҳикоядан иборат. Шулардан ўн еттитасида аёллар образи марказий ўринни эгаллади ва факат бешта ҳикоядагина эркаклар бош қаҳрамон сифатида гавдалангандар, бирок уларда ҳам олдинги ҳикояларда бўлгани каби аёл персонажларнинг фаол иштироки сезилиб туради. Аёллар бевосита ёки билвосита эркаклар тақдирига дахлдордирлар.

Адига ҳикоялари реалистик ва модернистик услубда ёзилган. Реалистик услубда яратилган ҳикоялари ижтимоий масалаларга, оиласвий можароларга бағишлиланган. Шундай ҳикояларидан бири “گل ریزان” (“Тўкилаётган гул”)<sup>133</sup> ҳикояси бўлиб, у сюжетга эга, реалистик воқеалар, типик образларга бой ижтимоий ҳикоя. Бир

<sup>130</sup> [www.hawzah.net/fa/Magazine/View/3992/.../24456](http://www.hawzah.net/fa/Magazine/View/3992/.../24456)

<sup>131</sup> [www.hawzah.net/fa/Magazine/View/3992/.../24456](http://www.hawzah.net/fa/Magazine/View/3992/.../24456)

<sup>132</sup> راصيه تجار. هم سبب هم ستاره. تهران 1386/2007

<sup>133</sup> همان کتاب. ص 37

кatta оиланинг аҳволи ота ўлимидан кейин ёмоналашади. Эски уйнинг том ва деворлари кулаб туша бошлайди. Бева қолган Азизахонимнинг ўғли Мұхсин гиёхвандга айланиб, уйидаги бор нарсаны сотади. Бўйи етиб қолган синглиси Маржона сепсиз қолади. Азизахонимнинг қайнонаси бу уйдан сира кетгиси йўқ. Унинг қанчадан-қанча ширин хотиралари шу уй билан боғлик. Охири уй вайрон бўла бошлаб, сотиладиган бўлганидан кейин жон беради. Азизахонимнинг қайноғаси одамларнинг танг аҳволидан фойдаланиб бойлик орттиришни касб қилган Мустафо оға вазиятни кўлга олиб Азизахонимни иккинчи хотинликка никохига олмоқчи, жияни Маржонани эса қари бой савдогар Абс Ражабга беришни мўлжаллайди, уйни сотади. Ўғли Мұхсин кўчада қолиб кетади. Ҳикояда Азизахонимнинг уйларида ижарада турадиган зиёли талаба йигит Яхҳе севгилиси Маржонани кутқармоқчи бўлади, лекин қўлидан ҳеч нарса келмайди. У сотиладиган уйни тарқ этиб кетади. Бир катта оила аъзолари қисқа вакт ичидан сўлиган гул япроқларидек ҳар томонга тарқалиб кетади. “Тўкилаётган гул” деб ҳикояга образли ном берган адiba асарида мафкурабозликка, ижтимоий масалага гоявий ургу бермасдан жамиятда учрайдиган бир оиланинг танг аҳволи, мاشақватлар олдида ночорлиги, гиёхванд фожеаси, кизларни зўрлаб турмушга бериш одати каби ижтимоий-ахлоқий масалаларни қўтарган. Бундай вазиятлар ҳамма оиласида бўлиш эҳтимоли бор, лекин ҳодисалар айнан эрон оиласида бўлганлиги миллий колорит орқали кузатилади.

Ҳикояда уй интерьеrlари яхши кўрсатилган. Халқ хаётига яқин образлар, одатлар, гиёхванд ўғилга нисбатан қарғишларнинг **خدا ذليلت گردي**. خدا ته زمين گرمت بزنه که اين طور گوشت تتمو میریزی) – қнے که بیچاره ام – “Мени зор йиглатган сендей ўғилни Худо урсин. Жигар-багримни пора қилган сендей болани Худо каро ернинг қаърига тиқсан!”) ишлатилиши, бу ёзувчининг халқ ҳаёти, тилини яхши билишидан далолат беради. Адiba ҳикояда ташхис **غمى گنگ شانه به شانه اش داد و** او پېچید – از خم کوچه با او پېچید – “Гунг бир ғам унинг елкасига елкасини қўйди ва у билан бирга кўчанинг бурилишидан гойиб бўлди”; **بعد که ... ابرها آه کشیدند** ... – “Булутлар “ox” чекканларидан сўнг; **اتاق در تاريکى بود** – “Хона қоронгуликка гарқ бўлган эди”. Булардан ташқари адiba ўзига хос образлардан ҳам фойдаланган: **خرده های**

– شиشه و خورده های اشک مادر را با هم جارو کشید – “Шиша синиклари билан бирга онасининг кўз ёшларини супуриб олди”.

Бу хикояда ёзувчи анъанавий мазлума шарқ аёли образини гавдалантирган, яъни Азизахоним овсинига кундош бўлишга, хали ёшгина гулдай қизини қари савдогарга узатишга қаршилик кўрсата олмайди, Маржона ҳам ўз севгисига эришиш учун заррача бўлса-да ҳаракат қилмайди. Улар тақдирга тан бердилар ва бундан тасвир этиш ҳаёт ҳакиқатидир.

Аммо адига анъанавий шарқ аёллари образлари билан бир қаторда замонавий, ўз мустақил фикрига эга Эрон аёли образларини ҳам яратган.

P.Тужжорнинг “سفر به ریشه ها” (“Ватанга сафар”)<sup>134</sup> хикояси уйидан узоқ юртларга ўқишига кетган Эроний қиз ҳақида. Етти йилдан кейин у ватанига қайтиб келади, келганида эса кўп нарса ўзгарган – ота-она ҳовлиси ҳувиллаб қолган, уйлари эскириб, бузилиб, нураб кетмоқда, ёшлиқ дўсти Мажид оғир касалга чалинган, фаол, истеъододли дугонаси оиласига ўралашиб қолган, бошқа танишлари ўзгариб кетган. Дугонаси билан бўлган учрашувни ёзувчи шундай тавсиф этади:

در که باز میشود زنی را میبینم که از آن دوست زاییده شده. نگاه همان است. اما چشمها را آرایشی از شب مانده درشت تر کرده است. مه آلوگی پوسترا پوشش تندرنگ مکدر کرده. در سیاهی موها جارجا رشته هایی به رنگ خوش گندم به چشم می خورد. آن اندام بلند به چاقی کشیده شده است.<sup>135</sup>

“Эшик очилиши билан, дўстнинг танасида тугилган бир аёлни кўраман. Қарашлари ўша-ўша. Аммо кечадан қолган бўёқ излари кўзларини каттароқ қилиб қўйган. Куюқ бир губор терисининг хирагигини кучайтирган. Кора сочлари орасидан бугдой бошоги рангидаги чизиклар кўзга ташланади. Ўша баланд қомат семизликка уланиб кетган.”

Ёзувчи учун аёллик баҳти фақат турмуш куриб, фарзанд кўришдан иборат эмас.

Қаҳрамон қиз бу хорғин жойларни, тўкилаётган ота уйини ташлаб кетиши мумкин, чунки хорижда уни бошқа – фаровон ва тинч ҳаёт, турмуш қурмоқчи бўлган йигит кутмоқда. У ватанига сафар

<sup>134</sup> راضیه تجار. هم سیب هم ستاره. تهران 2007/1386 ص 107

<sup>135</sup> راضیه تجار. هم سیب، هم ستاره . ص 110

қилиб яна хорижга қайтиш ниятида келган эди. Лекин қиз уйида қолади, диёрини бошқа тарк этмайди. У бу ерда қолиши керак. Үйини, ҳовлисини, дўстларини жонлантириши керак. Ҳикоя ниҳоясида қиз хориждан китобларини юборишини сўрайди. Қахрамоннинг бу ҳаракатида ўзига хос рамз бор, демак у ўқишини давом эттириб ҳалқига, қишлоқ аҳолисига фойда келтирмоқчи.

Р.Тужжорнинг “**غروب کدامن سтарه**” (“Яна бир юлдузнинг ботиши”)<sup>136</sup> реалистик ҳикояси яна оиласирий ришталар, ахлоқий муносабатлар масаласини кўтариади. Ҳикоя кўп йиллар бирга умргузаронлик қилган Ҳамдам кампирнинг чоли вафотидан кейин ҳаёт маъносиз бўлиб қолгани ҳақидадир, чунки ёлғиз қизи ўз оиласи билан овора ва бемехр чиққан. Онасидан деярли хабар олмайди, онда-сонда келиб-кетади. Кампир ўз уйида фақат хотиралар билан яшайди. Бир куни қизи келиб, уй ҳужжатларини беҳаёларча тортиб олиб, онасининг үйини сотмоқчи эканлигини, онасини ўзи билан олиб кетишини эмас, бирорвниги ижарага қўйишини айтади. Кампир ҳеч нарса дея олмайди. Фақат чоли доим ўтирадиган жойга ўтириб, нариги дунёга отланади. Ҳикояда адива ношуд бола, кексалиқда ёлгизликка дучор бўлиш масалаларини кўтараар экан, бундай оиласнинг акси, юксак муносабатлар асосида курилган оиласлар борлигини ҳам кузатади.

Адабанинг “**قاب انتظار**” (“Соғинч қобиги”)<sup>137</sup> ҳикояси ҳам реалистик йўналишдаги ҳикоя. Ҳикоя 1980–1989 йилларда бўлиб ўтган Эрон–Ирок урушида ўлган аскарнинг хотини кундалиги шаклида, иккинчи шахсга, яъни ёш келиннинг эрига мурожааги шаклида ёзилган. Унда ҳам эронликлар ҳаёти аниқ, равшан ифодаланган. Наврӯз байрамини кутиш, бу байрамда тайёрланадиган таомлар, урф-одатлар, расм-руссумлар, кийимлар, келиннинг қайнонага амроуз ба اصرار موهای پنهانی مادرت را حنا (پنهانی مادرت را گرفتم) – بستم و ناخن پاهليش را گرفتم – “Бугун қўярда-қўймай онангнинг оқарган сочларини ҳиноладим ва оёқларининг тирноқларини олиб қўйдим”, Ҳофиз девони бўйича фол очиш ва бошқа эронликларга хос хусусиятлар содда, равон тилда баён этилган. Шу жиҳатлари билан ҳикоя жуда кизикарли. Мазкур ҳикояда адива рангларга кўп аҳамият

<sup>136</sup> Ҳман қитаб. Сн 138

<sup>137</sup> راضیه تجار. Ҳм سیب Ҳм سтарه. تهران 2007/1386 ص 131

зардی ман را بىد – آش مى دادым و سرخى اش را مى گرفتيم “Сариқ нарсаларимизни оловга ташлардик ва қизил нарсаларимизни олиб күйрдик” жумласидан билиб олишимиз мумкин. Бундан ташқари, адига чиройли үхшатишлардан ҳам фойдаланган: ھنوز خاک باغچە زير پوشى از برف – است. “Богчанинг тупрого ҳали ҳам қор күрпаси остида”, – “Хайи ке مسافر қоچк خانه مان بودند نان خرد مى كريي. Уйимизнинг кичик мусофирлари бўлган қушларга нон ушатиб берардик”. Келин эрининг ўлганлиги тўғрисида маълумотнома олган бўлса-да, унга эри ҳаётдек, гўё узок сафарга кетгандек туюлади. Ҳикоя мухаббат, садоқат ва вафони тараннум этади.

Мана шундай мавзудаги ҳикоялардан яна бири “ھفت بند” (“Етти банд”)<sup>138</sup> ҳикоясидир. Мазкур ҳикоя ҳам бош қаҳрамоннинг иккинчи шахсга, яъни аёлнинг севган кишисига мурожаати шаклида ёзилган. Ҳикоя урушга қарши ёзилган бўлиб, бу ҳикояда уруш тасвирлари ёки унинг оқибатлари эмас, ёш аёлнинг фотографист эрини уруш майдонларидан кутиши, изтироблари жуда чиройли услубда баён этилган. Ҳикояни ўқир эканмиз, унда қонли уруш манзараларини эмас, балки бу урушнинг аёл тақдирида қолдирган изини кузатамиз. Ҳар бир банд эрининг бир сафарини англатади. Эри ҳар бир сафардан ўнлаб, юзлаб суратлар: шимолга, жанубга, шарқقا, ғарбга...қилинган сафарларнинг суратлари, хотиралари билан қайтади. Ҳар бир сафардан кейин ҳассага бир белги қўйишга одатланган. Бу белгилар – сафар – бандлар, уларни кузатиш мобайнида силжишларни сезиш мумкин: эзгулик манзараларидан хавф манзаралари томон силжишлар. Биринчи сафар – биринчи банд: магрут Элбурс тоғлари, минглаб дарахтларни ўзида жам этган ўрмон, шимолнинг яшилиги, баракати суратлари. Иккинчи сафар – иккинчи банд: машақат ва азоб, чарчаган ва чанқаган ҳолда чўлга қилинган сафар суратлари. Учинчи банд: жануб қирғокларига, денгизларга сафар суратлари. Тўртинчи банд: зиёрат сафари, зиёратчиларнинг илтижо билан чўзилган қўллри суратлари. Бешинчи ва олтинчи банд: қашшоқлик манзаралари, хавф берувчи, маъносиз кўзлар, қотиб колган, куйган суратлар. Еттинчи банд: бу эрининг сўнгги сафари

<sup>138</sup> ھمان کتاب، ص 213

бўлиб, уруш манзараларини суратга олишга кетади, лекин бу сафардан қайтмайди. Аёл ёмон туш кўради ва почтачидан шумхабар олади. Адиба аёл изтиробларини, дарду аламларини табиат билан боғлик ҳолда тасвиirlар экан, жуда ноёб, чиройли шоирона ўхшатишлардан фойдаланган:

Таксттан مثل يк سيو مист مист زир نور بهار لمиде.<sup>139</sup>

“Узумзор бир кўза каби маст ҳолда баҳор қўёшининг нурлари остида ялпайиб ўтириб олган.”

من حس ميکنم که زير نگاهى که سرد است و سنگين مثل يك تکه سرب

خم ميشوم.<sup>140</sup>

“Мен ўзимни совуқ ва огир нигоҳ остида худди қўргошиндай эгилиб кетаётгандек ҳис қиласман.”

Сирисиреки бе Нале Микванд и овлин Старе Лрзан и Шаваф аз Аби Блнд Мижкд.<sup>141</sup>

“Кора чигиртка нола қиласми, осмонда титрок ва шаффоф биринчи юлдуз томчилайди.”

صدای ترا می شنوم. مثل صدای باد در تیز ار لخت است و غمگین.<sup>142</sup>

“Овозингни эшиштаман. Худди ялангоч қамишзорда ҳувиллаган шамолнинг овози каби гамгин бир овоз.”

Таксттан مист است. تاريки شانе ھايشرابوشانده.<sup>143</sup>

“Узумзор маст. Қоронгулик унинг елкасини ётган.”

رشته های سفید سیاهی هارا هاشور میرند. چه زود سیاه موهایت رنگ باختند و سپیدرا صدا دارند!<sup>144</sup>

“Оқ ишлар қора сочларинг аро ингичка чизиқ чизадилар. Қанчалар тез қора сочларинг ўз рангини йўқотиб, оқ рангин чақирдилар!”

من به خنده ات دل میبننم هرچند که در همه وجودم برگریزان است.<sup>145</sup>

“Мен сенинг кулгингга кўнглил болглайман. Гарчи бутун вужудимнинг япроқлари хазон бўлиб тўклилаётган бўлса-да.”

برای شکار يك دم؟ به شکار مرگ میروی و یا به شکار باد آنهایی که به

شکار مرگ رفته اند تا از دره گل سرخ خوشبو ترین گلهارا بچинند!<sup>146</sup>

<sup>139</sup> راضيه تجار. هم سيب هم ستاره. تهران 1386/2007 ص 215

<sup>140</sup> همان کتاب. ص 216

<sup>141</sup> همان کتاب. ص 216

<sup>142</sup> راضيه تجار. هم سيب هم ستاره. تهران 1386/2007 ص 217

<sup>143</sup> همان کتاب. ص 217

<sup>144</sup> همان کتاب. ص 218

<sup>145</sup> همان کتاب. ص 218

*“Бир лаңзалик тасвирни овлаш учун? Үлімни овлашга борсанми ёки қызил гул водийсідан энг хүшбүй гулларни териш учун үлімни овлашга борғанларнинг ёдени овлашгами?”*

Гувохи бұлғанимиздек, адиба ҳаёттинг аччиқ-чучугини яхши билиб, ҳаёт манзарапаридан турли лавҳаларни китобхонга етка-зид бермоқда. Юқоридаги ҳикояда қаҳрамонлар аёл зри ҳалок бүлган бүлса-да, унга садоқатли қолиб, эрининг ёди билан яша-ётганини кузатган бүлсак, бошқа бир туркум ҳикояларыда эр-хотин бирга умргузаронлик қила туриб бир-бирига ёт бўлиб қолишгани, ўлмасдан туриб хиёнат қылганлиги тўғрисида аччиқ, лекин жонли ҳаётий лавҳаларни кўрамиз.

Р.Тужожорнинг “*Зн شیشه ای*” (“Шиша аёл”)<sup>147</sup> ҳикояси таъсирли, хазин ҳикоя. Аёл тақдири, оғир касалга чалинган аёлнинг ҳолати тасвирланган. Аёл қалби нафис ишланган шиша гулдонга қиёсланган. Бу аёл яшашни, севилишни истарди. Ўзи эрини севар, ундан ҳам шуни кутарди. Аёл эридан унга кўпроқ эътибор қилишини ўтиниб сўрайди:

بайд دوستم بداری... همان طور که من... برای ماندم. به شعله ای محتاجم.  
آنچه می کشاندم مرگ است. جاذبه عشق باید باشد تا دفعش کنم. گودال عمیقی  
است. من نمیخواهم بروم. نمی خواهم <sup>148</sup>.

*“Мени севишинг керак...Худди мен сени севгандек... Яшаи учун шуълага зорман. Мени үлім ўзига тортаяпти. Уни даф қишлии учун ишқ жозибаси бўлиши керак. Чуқур жарлик. Унга боришини хоҳламайман. Хоҳламайман.”*

Ёзувчи ҳикояда аёлнинг ғамгин ҳолатини ифодалашда шеърий мисралардан фойдаланган ва бу усули билан ўзида наср матни ва уни кучайтириш учун муайян шеър келтириш каби қадимги адабий услубга амал қиласиди:

چه ماتمی است غمگین بودن و نگرییدن!  
چه ماتمی است که چون شاخه خزان دیده  
در آفتاب و سرمای خویش لرزیدن!<sup>149</sup>

*“Не мотамки, ғамгин бўлиб, ийгламасанг!*

*Не мотамки, ҳазон кўрган шоҳ каби*

<sup>146</sup> همان کتاب. ص 220

<sup>147</sup> همان کتاب. ص 95

<sup>148</sup> راضیه تجار. هم سیب هم ستاره. تهران 2007/1386 ص 101

<sup>149</sup> همان کتاب. ص 105

*Офтобда ҳам ўзингни совуғингдан қалтирасанг!"*

Аёл яна яشاши мумкин эди. Бироқ эрининг лоқайдлиги, унинг хиёнати ҳаёт учун курашолмай, ҳалок бўлишига – шиша каби парча-парча бўлиб кетишига сабаб бўлади.

“Ҳам олма, ҳам юлдуз”<sup>150</sup> ҳикояси бир-бирларидан совуган, бефарзанд эр-хотин ҳакида. Ҳикоя услуби шоирона, қисқа, лўнда жумлалар, сўз санъатлари билан безатилган. Эр доим ўз қоронгихонасида расм чиқариш билан овора. Қалбан ёлғиз қолган аёлнинг ҳис-туйғулари жуда нозик, жозибали ифодаланган. Бутун ҳикоя давомида “ухлаётган гўзал аёл”га ўхшатилган тоғ образи жуда кўп тақрорланади. Унинг назарида бу ухлаётган гўзал аёл жуда мағрур ва баҳтли, қаҳрамоннинг ташвишлари унга ёт.

زیبای خفته رو به آسمان خوابیده و سیب خورشید بالای دهانش بود<sup>151</sup>.

“Ухлаётган гўзал осмонга қараб ухлаб ётар ва оғзида қуёш олмаси турарди”.

کوه همچون زنی بود به پشت خوابیده با صورتی رو به آسمان پاهای کشیده و دهانی باز<sup>152</sup>.

“Тоғ худди чалқанча тушиб, оғзини очиб, осмонга юзланиб ётган оёқлари узун аёлга ўхшарди”.

خورشید سیب سرخی بود و صورت زیبای خفته زیر تور تاریکی نلپیدا بود<sup>153</sup>.

“Куёш қизил олма эди, ухлаётган гўзалнинг юзи эса қоронгулик тўри остида кўринмай кетганди”.

او آنجа дравз қшибеде بود رو به آسمان در پس توری از سیاهی<sup>154</sup>.

“У ўша ерда – қоронгулик тўрининг нариги томонида осмонга қараб чўзишиб ётарди”.

نتها زن سنگی بود که آن دور ها دراز қшибده بود<sup>155</sup>.

“Фақатгина ўша узоқларда чўзишиб ётган тош аёл бор эди.”

Ғарифлик, ёлғизлик сезган аёл ўша токқа интилади:

<sup>150</sup> راضیه تجار. Ҳам سیب Ҳم ستاره. تهران 2007/1386 . ص 138

<sup>151</sup> همان کتاب. ص 142

<sup>152</sup> همان کتاب. ص 141

<sup>153</sup> راضیه تجار. Ҳам سیب Ҳм ستاره. تهران 2007/1386 . ص 142

<sup>154</sup> همان کتاب. ص 143

<sup>155</sup> همان کتاب. ص 144

پайд بے آنجا مى رفت. به آنجا تا مثل او به پشت دراز بکشد و به آسمانى كه  
هم سىب، داشت و هم ستاره نگاه كند<sup>156</sup>

“У ерга бориши, У каби чалқанча тушиб ётганича, ҳам олма,  
ҳам юлдуз бұлған осмонга қараши керак эди.”

Лоқайдлик, малоллик билан сугорилган ҳаётдан кетиб, ўша төг чўққисига чиқиши ва мағрур тош аёлга айланниш қаҳрамоннинг армона нига айланади. Адабанинг аксарият ҳикоялари каби “Ҳам олма, ҳам юлдуз” ҳикоясида ҳам аёлнинг хис-туйғулари биринчи ўринга кўтарилган бўлиб, унда мавхум бир хазинлик ҳукм суради.

Мана шундай ажид махзунлик кайфиятни уйғотадиган яна бир ҳикоя “Зерме бағ” (“Богнинг хиргойиси”)<sup>157</sup> ҳикоясидир. Бу ҳикояда кишлоқ ҳаётидан бир лавҳа, қишлоқ қизининг аччик тақдири тасвирланган. Қаҳрамон оддий кишлоқ қизи Набот, отонаси негадир унга нисбатан ноҳақлик қилиб, сингилларини узатиб юборишган, уни эса уй ишларини қилиш учун олиб қолишиб, мактабда ўқитишимаган, вактида турмушга беришмаган. Ота оғир касалдан вафот этади, уларнинг боғи эса сўлиб қолади. Сўлаётган боғ ёш умри ўтиб, ҳануз онаси олдида қолиб кетаётган хаста қизга қиёсланади. Ҳикояда ёзувчи образлар ясашда ноёб ўхшатишларни топиб қўллади:

پدرش شده بود مثل نی. رزد و تو خالی. حرف که میزد انگار از هفت بند  
وجودش نای و نوا به گوش می رسید<sup>158</sup>.

“Дадаси сариқ ва ичи бүш найга ўхшаб қолганди. Гапирганида худди аъзойи баданидан куй чалиниб қулоқча эшиштилгандай бўларди.”

бе آسمان نگاه كرد كه تирه و تار شده بود و باران كه تند میبارید و باع كه  
دست هایشرا رو به بالا گرفته بود و زمزمه می کرد<sup>159</sup>.

“(Набот) Қоп-қоронгу осмонга қаради, ёмғир тезлашар ва  
боғ қўлларини осмонга кўтариб, пичирлар эди.”

Қўлларини кўтариб пичирлаётган қуриган боғ образида адаби ташхис санъатини қўллаган. Набот ўз тақдирини яратишга, ўз хоҳишистакларини амалга оширишга куч ва жасорат топа олмаган,

<sup>156</sup> Ҳман қитаб. ص 145

<sup>157</sup> راضیه تجار. Ҳм سىب Ҳм ستاره. ص 243

<sup>158</sup> Ҳман қитаб. ص 246

<sup>159</sup> Ҳман қитаб. ص 247

ўз эрки ўзида бўлмаган бир қиз қиёфасида гавдаланади. Бу ҳикояда ёзувчи “Тўкилган гуллар” ҳикояси қаҳрамони Маржона ва Азизахоним каби анъанавий мазлума шарқ аёли образини яратган.

“آن صدای روش” (“Ўша ёниқ овоз”)<sup>160</sup> ҳикоясида қандайдир ишоралар, тушлар, туш башоратлари, рамзлар, сирли овозлар кўлланганлиги билан реалистик ҳикоялардан ажralиб туради. Бу ҳикоя ташвишли, хавотирли кайфият яратади. Мазкур ҳикояда ҳам адига рангларга кўп аҳамият берган, ранглар билан ўйнаган:

– صد ها ستاره سرخ و زرد و آبی – юзлаб қизил, сариқ ва мовий юлдузлар

– کوه سفید و خامستری – оқ ва қулранг тоғ;

– کلیدی طلایی – олтинранг қалитча;

– پرهاي مسي رمگ – мисрангли қанотлар;

– برگها سرخ بودند و زرد و نارنجی – барглар қизил эдилар, сариқ ва тўқ сариқ;

– آسمان سربی – қўрғошинранг (қорамтири) осмон;

– باع نه سرخ و نه زرد و نه نارنجی – на қизил, на сариқ ва на тўқ сариқ бўлган bog.

Шу билан бирга ҳикояда эрининг эътиборига муҳтоҷ аёлнинг холати, ҳис-туйгулари, эрининг бефарқлигидан бўлган изтироблари жонли диалоглар ва тасвирлар билан ифодаланган.

“نگهداری لاله در بد سخت است” (“Шамолда лолани асраш қиийин”)<sup>161</sup> ҳикояси романтик ҳикоядир. Ҳикоя бош қаҳрамон Нозанин исмли аёлнинг ўз-ўзига мурожаатидан иборат бўлиб, монолог сифатида ёзилган. Мазкур ҳикоя қаҳрамоннинг ёлғизлиги, баҳтсизлиги, машаққатлари ҳақида. Адига деярли барча ҳикояларида кўлладиган шоирона услубни мазкур ҳикояда ҳам кўллаб, жуда жозибали лавҳалар яратган:

آن روز‌ها یک خوبه پر از گلهای بنفشے بیچایچ و معطر. امروز سکوت  
ر شته های باریک باران آسمانرا به زمین دوخته است.  
“У кунлар мұаттар бинағаша гулларига тұла құтидир.  
Бугун еса соя солиб турған суқунат.”

“Емғирнинг ингичка ишлари осмон билан ерни бир-бираига тикиб қўйган.”

<sup>160</sup> راضیه تجار. هم سبب هم ستاره. تهران 2007/ 1386 ص 147

<sup>161</sup> همان کتاب . ص 155

— و تو مغроқ ҳөвши.

— تنهайи. Хستе аз барى کە در دل دارى با شب همراھ مىشوى.

“Елгизсан. Қалбиндаги юкни күтаришдан хаста ҳолда тунга өргашасан.”

Ҳикояда мажозий маңноли жумлалар ҳам бор:

— گل کە قىشكىش ھمسايىه گىردىن مى كشد.  
бۇйин чўзади,” яъни қиз бола балоғатта етганда қўшни йигит мўралайди.

Романтик манзарапарга бой:

چрагاهайи شب سر راھت گل میدهند و بعد پرپر. آخرин شبىردا در حال پرواز برای خواب اند.

ср囿ى بلند از يورش باد مى شىكند. باجه تلفن قناره مرده اى است کە هم زرد است و هم سرد. شماره گير در گردىشى دوار ناله مىكىند.

“Тун чироқлари йўлингда гуллайди ва кейин парвоз қиласан. Охирги тункезарлар уйқу учун учмоқдалар. Баланд сарв дараҳти шамолнинг ҳужсумидан синиб тушди. Телефон будкаси ҳам сарик ва ҳам совуқ ўлган канарейкадир. Рақамтергич диски нола қиласади.”

Яна сарик ранг салбий оҳангга эга.

Ёмғир доим қахрамоннинг йўлдоши ва муайян маҳзун кайфият бағишлайди:

баран ھمچنان مى آيد و تورا و انتظارترا تنهايى و غربت را مى شويد و  
بخار مى كند. — “Ёмғир ёғади ва сени, интизорлигинги, ёлгизли-  
гинги, гарibiliгинги ювади ва буглантиради.”

Ҳикояда Нозаниннинг турмуш тафсилотлари, ҳар бир бажарган уй юмушлари кўрсатилган. Нозаниннинг монологи орқали унинг болалигидан то ўрта ёшли давригача бўлган муддат кўз ўнгимизда гавдаланади. Мазкур ҳикояда ҳам адива аёл қалб кечинмаларига катта аҳамият берган. Ҳикоя олдинги ҳикоялар каби маҳзунлик ҳукмрон, жуда кўп жойлари мавхум, мажозларга бой.

Юқоридаги икки — “Ўша ёниқ овоз” ва “Шамолда лолани асраш қийин” ҳикоялари романтик эстетика ва бадиийлик билан йўғрилган лирик ҳикоялардир.

Адебанинг “عروج” (“Парвоз”)<sup>162</sup> ҳикояси эса соф севги, ишқ ҳикояси. Ҳикоя шоирона услубда ёзилган. Қахрамон – шаҳарлик қиз, у отаси билан қишлоқка келишни яхши кўради. Йигит эса

<sup>162</sup> راضيه تجار. ھم سبب ھم ستاره. ص25

қишлоқ мualлимининг ўғли. У ишбилармон, нуфузли, тадбиркор инсон. Улар турмуш қурадилар. Шоирона тўй тасвири асарга яна-да жозиба бахш этади:

Кнтар дрхт учқ айстаде ам. ба пирраهن сفيد. ھزار тке ми шом и бе ھم ми  
піондем. جمعیت شانه به شانه ھم با دستمالهای سرخ و زرد و آبی پر می کشند به هوا.  
صدای طبل و دهل است و شاد باش قرانیها بوي اسپند و کندر سوختن ھیمه ھا جرقه  
ھای سرخ و جاری شدن خطبه ای مهریان که روحمنرا به ھم پیوند میزند<sup>163</sup>.

“Ишқ дараҳтининг ёнида туриман: оқ либосда. Минг бўлакка  
бўлинib кетаман ва яна бирлашаман. Одамлар елкама-елка бўлиб,  
қизил, сариқ ва мовий дастрўмларини ҳавода елтийдилар. Ногора,  
қўшногора ва яқинларнинг табрик овозлари, тутаётган исириқ ва  
ёнаётган ўтиларнинг ҳидлари, қизил учқунлар ҳамда руҳимизни  
бир-бирига пайванд этадиган меҳрибон хутба овози”.

Уларнинг бирга ўтказган дамлари гўёки парвоз қилишга  
қиёсланади. Қаҳрамон аёлнинг севган кишисини соғинчи, унга  
бўлган чексиз мухаббати фақат ички изтироблар орқали ифода-  
ланган. Бироқ ҳикояда кўп нарса мавҳум: Севган киши нима учун  
узоқ муддатга кетди? Қаерга кетди? Нима учун ёғоч оёқда қайтиб  
келди? Бу саволларга жавобни ўқувчининг ўзи жавоб топиши  
керак. Адиба ижодий фаолиятини бошлаган давр, асарнинг маз-  
мунидан келиб чиқиб аёлнинг севган кишиси бир неча йиллар  
давом этган Эрон-Ирок урушига кетганини ва у жангларда бир  
оёғидан ажралганини билиш мумкин.

Ҳикоя иккинчи шахсга (аёлнинг севган кишисига, яъни  
эрига) мурожаат қилиб ёзилган. Қаҳрамон аёл шахсияти табиат  
билан бирлашиб кетади. Қишлоқ манзаралари, дарё, узумзорлар,  
боғлар, кун ва тун ҳам аёлнинг изтиробларига шерикдек гўё.  
Асада қисқа, ифодали бадиий жумлалардан фойдаланган. Р.Туж-  
жорнинг “Парвоз” ҳикоясидаги шоирона услубни насрий шеърга  
қиёслаш мумкин.

Адиба ҳикояларининг аксариятида ҳаёт қийинчиликлари, ма-  
шаққатлари тасвирланган бўлса-да, бошка ҳикояларидан фарқли  
равишда ўқувчидаги хурсандчилик уйғотадиган “старе راز آن” (“Ўша юлдузнинг сири”)<sup>164</sup> номли севги ҳикояси ҳам бор. Бўйи

<sup>163</sup> راضیه تجار. ھم سبب ھم ستاره. تهران 2007/1386 ص 31

<sup>164</sup> همان کتاب. ص 67

етган қиз ногирон онаси билан яшайди. Онанинг бутун танаси ишламайди, у доимо қизининг қаровига мухтож. Ҳикоянинг тили, услуби шоирона, достонларни эслатади:

дер розгъар ҳурр и ғлаб и нишкър ҷовані шибеҳа ке бе آسمан նگاه миқрдем  
ѓозні буд ба шаххайи аз ғибҳайи срҳ ке арабе ай аз абрра бе душ мі кшид ба  
коҳи аз ستаре ҳаи тбадар. Даёх мі ғифт:  
— Ағор یкі аз аин ستаре ҳа бе ғлоб дхтрї фро ғашинд ған ра сршар аз  
رازі мі қнд...<sup>165</sup>

“Хушбўй ҳид, гулоб ва шакарқамишларга тўла ёшлик чоғла-  
римда, осмонга қараганимда, устига бир улом чўдек ёниб турган  
қизил юлдузлар ортилган булат аравани елкаси билан тортуб  
кетаётган қизгиши тунлардан бино бўлган шохлари бор бугуни  
курадим. Энага айтарди:

— Агар мана шу юлдузлардан бирортаси бирор қизнинг  
қалбига қўнса, уни сирларга тўлдиради...”

Мана шу юлдузлардан бири каҳрамон қизнинг қалбига қўна-  
ди. Қиз тасодифан ўз севгисини учратади. Ёзувчи оддий реалис-  
тик жумлалар ичига шоирона жумлаларни киргизади ва ўзига хос  
услуб яратади:

бе آسمан ке նگاه мі қнм ған ѓозн را می بینم و ارابه ای را که باری از  
ستاره دارد... یکی از ستاره ها از روی ارابه به پایین می لغزد و وسط زمین و  
هو معلق می ماند... ستاره ای که در وسط آسمان معلق است می خلند و در ғلبم  
می نشیند.<sup>166</sup>

“Осмонга қарайман. Ўша бугуни ҳамда юлдуз ортиб кетаёт-  
ган ўша аравани қўраман... Юлдузлардан бири аравадан пастга  
тушиб кетади ва осмон билан ер ўртасида муаллақ қолади...  
Осмонда муаллақ турган юлдуз гилдираб келиб, қалбимга қўнади.”

Йигит қизнинг қўлини сўрайди. Аммо қиз йигитнинг такли-  
фини рад этади, чунки у онасига қараши керак. Қизисиз она кич-  
кинагина ишни ҳам, бирон бир ҳаракат ҳам қила олмайди. Касал  
онани деб ўз баҳтидан воз кечади. Чиройли, аммо ҳазин бу ҳикоя  
садоқат, вафо, масъулият ва ушалмаган баҳт тўғрисида. Балки  
орзулар ушалар, чунки ҳикояда хотима йўқ, у китобхонга ҳавола

<sup>165</sup> راضيه تجار. هم سبب هم ستاره. ص 69

<sup>166</sup> همان كتاب. ص 71

қилинган. Китобхонни ҳикояга ижодий ёндашишга маҳкум қилади. Инсон эса эзгуликка ишонади.

Розия Тужжор реалистик, лирик, романтик ҳикоялар билан бир қаторда сюрреалистик манзаралар билан ажralиб турадиган модернистик йўналишдаги ҳамда жуда қисқа ҳикоялар жанри муаллифи ҳамdir. Бироқ бундай ҳикоялар таҳлилини кейинги бобларда кўриб чиқамиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XX асрнинг охирги чорагида ҳикоянавислик ривождан тўхтамади, балки ўзига хос тараққиёт йўлида эканлиги кузатилади. Бу ҳолат бир томондан айрим ёзувчилар ижодида анъаналар ва қадриятларга хос қайтиш бўлса, иккинчи томондан замонавий ҳикоялар яратишларида намоён бўлди. XX асрнинг 80–90 йилларида замонавий адилар томонидан реалистик ҳикоялар турли тус олди ва усуллар кўлланди. Шу даврда ижод қилган ёзувчилар авлоди кенг кўламда ранг-баранг мавзуларга кўл урди.

Замонавий технологияларнинг юксак ривожи, оммавий ахборот воситаларининг кенг тарқалган даврида Эронда фақат исломий қадриятларга асосланган ёпиқ жамият қуришга қаратилган интилишлар зое кетди, эрон ҳалқи ташқи оламдан бутунлай узилиб қолмади. Адабиёт соҳасида ҳам жаҳон адабий майдонларида рўй бераётган жараёнлар тамойиллари тўла равишда бўлмаса-да, секин-аста адиларга етиб борди. Бунга муҳожир адилар билан ўрнатилган ришталар ҳам ёрдам берди. Давлат ичидаги адилар қадимги шакл ва анъаналарга замонавий талабларга жавоб бера оладиган янгиша мазмун баҳш этиб, мазкур адабий анъаналардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Инқилобдан кейин китобхонлик, назарияда шакл, тил, тафаккур устунлигига кўпроқ аҳамият берила бошланади.

Ислом инқилоби галабасидан кейин бир гурух етук ҳикоянавис адилар ватанини тарқ этдилар. Бошқа моҳир ёзувчилар гурухи адабий саҳнани тарқ этмасдан, инқилобни қабул қилдилар ва янги авлод адилари билан инқилоб, уруш янги воқелик билан боғлиқ асарлар яратишга кўл урдилар. Шоҳ ҳукуматининг ағдарилиши, шоҳ режимиининг қабоҷатлари, сиёсий маҳбуслар аҳволи ҳикояларнинг асосий мазмунини ташкил қилди. Шоҳ тузуми давридаги ижтимоий ҳаётнинг танқиди, у қайси шаклда бўлмасин – хоҳ мустамлака, хоҳ маҳаллий ҳукмдорлар ва феодаллар томо-

нидан амалға оширилган бўлмасин, умуман ижтимоий адолатсизликка қаратилган танқидга айланди.

Мана шундай ўзига хос асарлари билан кенг жамоатчилик ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлган адиллар авлоди етишиб чиқди. Улар орасида аёллар ижоди алоҳида эътиборга молик. Адиллар ижодида аёл олами, аёл тақдир, аёл образи турли рангларда жилваланди. Хусусан, Розия Тужжор тасвир учун танлаган образлар ва ранглар ёрқин ва ўзига хослиги билан ажралиб турди.

XXI аср арафаси ва бошларига келиб эрон ҳикоянавислиги янги бадиий-эстетик хусусиятлар касб этиб, мазманий-шаклий ўзгаришларга учради.

### **III БОБ. XXI АСР АРАФАСИ ВА БОШИДА ЗАМОНАВИЙ ЭРОН ҲИКОЯЧИЛИГИННИГ ТАМОЙИЛЛАРИ**

#### **3.1. Эрон ҳикоячилигига янги бадиий-эстетик хусусиятлар ва мазманий-шаклий ўзгаришлар**

Жаҳон адабиёти намояндалари, жумладан эрон адилари олдида ҳам ўз ақидаларига нисбатан иккиланиш, субъективликкіннің кучайиши, ҳаёттің тажрибаларни ёзиш XXI аср арафалари ва бошига келиб адабиёттің яққол намоён бўлиб турувчи жиҳатларидан бири бўлиб қолди. Ёзувчи замона мушкулотларини баён қилмай, ҳар томонидан сўз айтишга даъвогарлик қилмади ва асосан ўзини ёзиш санъати қаршисида жавобгар деб билди. Ўз яхлитлигини йўқотган дунёда ёзувчи идроки ҳам ҳар томондан бузилиши, ўзгариши хавфи остида қолди. Бу давр ижтимоий безовталиги, хавотири шу даражада чукур ва кенг бўлдик, шеърият бундай масалаларни баён этиш кудратини бой берди. Ҳаёт шунчалик чигаллашиб кетдик, уни ҳамма томонлама акс эттиришнинг энг бой адабий тарзи наср бўлиб қолаверди. Ёзувчининг назари ҳам ҳақиқатни кашф қилиш учун имкониятлардан бирига қаратилган. Жамиятнинг сиёсий ва маданий шароити натижаси ҳамда ёзувчиларнинг ёзишнинг янги шакллари, услублари билан чукурроқ танишишнинг натижасида бой адабий меросга эга бўлган форс адабиёти, айниқса ҳикоянавислиги янги бадиий-эстетик хусусиятлар касб эта бошлади, ҳикоянависликка янгича шакллар кириб келди. Маълумки, ҳикоянинг жанр хусусиятларини белгилайдиган асосий жиҳатлар – қисқалик, аниқ ва лўнда фикр, туйгуларни муҳтасар ифодалаш, содда ва равон тилда баён этиши.

Бу давр адабий ютуқларини тадқиқ этиш учун авваламбор шу давргача ижод этган энг пешқадам адилар ҳамда ўрта авлод адиларининг асарларига мурожаат қиласиз ва шунда янги авлод вакилларининг интилишларини кўриб чиқамиз. Катта авлод ёзувчиларидан Содик Ҳидоят, Бўзўрг Алавий, Гуломхусайн Соэдий, Содик Чубакларнинг асарлари неча йиллардан бери янгитдан чоп этилмаяпти ёки хориждаги тўпламларда чоп этилмоқда. Бу ҳол катта авлод ёзувчиларининг ижодига қизиқиш анча сўнганидан далолат беради. Инқилобдан кейинги илк йилларда ёзувчилар кун масалаларига бағишлиланган ва рўзномалар учун мақолалар, пуб-

лицистик асарлар ёзишга берилиб кетдилар ва бадий асарлар яратишга фурSAT топмадилар. Эрон-ИрОқ уруши мавзулари ҳам юқорида күриб чиққанимиздек уруш атрофида айланди.

Эрон-ИрОқ урушидан кейинги йилларда ижтимоий ва маънавий вазиятнинг ўзгариши билан адабиёт назариясида шакл, тил, бадиият устунлигига кўпроқ ахамият берила бошланди. Ирфоний ва асотирий тафаккур, ишқ ва хотира, муҳожирлик бу давр (урушдан кейинги давр) адабиётининг энг асосий сухбатларини ташкил этди. Асотирий тафаккурнинг пайдо бўлишини байзи адабиётшунослар Лотин Америкаси адибларининг асарлари таржималари орқали магик реализм билан танишиш билан боғлашади. (Г.Маркеснинг Баҳман Фарзонэ томонидан килинган “صد سال تنهای” – “Ёлғизликнинг юз йили” асари) Бу асар қатор адибларни афсонавий афсунга таяниб асарлар яратишга туртки бўлди. Шаҳрнуш Порсипур “طوبیا و معنای” (“Тубо ва тун сири”, 1988 й.), Такий Мударрисий “آمهای غلیب” (“Раз-хай одамлар”, 1989 й.), Резо Бароҳанийларнинг “سرزمین من” (“Она юртим сирлари”) асарлари мана шундай асарлар қаторига киради. Бу асарлар қаҳрамонлари хаётларини эгаллаган изтироб ва дилхираликлар аро замон ва макон тушунчаларининг йўқолиши, борлиқда гайритабиий, вахимали хис-туйғулар билан яшайдилар. Маниру Равонипур “أهل عرق” (“Фарқ ахли”, 1989 й.) асарида жануб соҳилида яшовчилар эътиқодларини магик реализм услублари орқали яратади ва Г.Маркес асарларига ўхшаб, унда реал воқеликда ажабтовур, гайриодатий нарсалар уйғунлашиб, кундалик хаётда одатидек намоён бўлади.

Хушанг Гулширий эса миллий адабиёт сарчашмаларига қайтиш йўли ва уларни жаҳон ютуқлари билан пайванд килиш орқали ўзига хос йўналиш бошлаб берди. (“Эшикли ойналар”, 1992 й.) романи ва “دست روشن” (“Даст тарийик”, 1995 й.) тўпламларини унинг шундай асарлари қаторига кўшиш мумкин.

Жавон Мажобий ҳам “از دل به کاغذ” (“Қалбдан қоғозга”, 1990 й.), “مومیابی” (“Мумиёланган”, 1993 й.) кўхна эрон киссалари шаклидан фойдаланиб бугунги кун инсонининг ўтмиш билан алоқалари тасвирини яратишга эришди. Жаъфар Мударрис Содикийнинг асарларида кўхна афсоналар хусусиятига эга бўлган янгича роман яратишга интилиш кузатилади. Муҳаммад Муҳаммад Али “باورهای خیس یک مرده” (“Мурданинг нам эътиқоди”, 1997 й.) романида бугун-

ги кун мазмунини туш ва хаёллар билан қориштириб эрон ада-биётида янги бадий тузилиш замонавий жаҳон насрчилиги услу-бидан фойдаланган. Аббос Маъруфий (1957 йилда туғилган) ўзи-нинг “**سمفونی مریگان**” (“Ўликлар симфонияси”, 1989 й.) ва Али Мўв-заний “**نوشدارو**” (“Малҳам”, 1991 й.) асарларида ишқий романтизмга руҳий эҳтиёжга чора сифатида фойдаланади.

Бу даврга келиб эрон бадий адабиёти ва илмий тафаккури жамиятда шахснинг бегоналашиб кетиши, урбанизация ва экологик кризиснинг вайрон қилувчи оқибатлари каби муаммоларни тасвири-лашга уринди. Шу билан реал ҳаётдаги зиддиятлар ҳақидаги тасав-вурлар янада чукурлашди, кенгайди. Бу нарса адабий жараёнларда нафақат роман, балки ҳикоя жанрига ҳам таъсир кўрсатиб, модер-низм доирасидаги турфа мактаб ва оқимлар кириб келишига, шакл-ланиши ва ривожланишига сабаб бўлди. Реализмнинг замонавий форс насрода, хусусан ҳикоячилигида устунлигини эътироф этган ҳолда, нореалистик йўналишларнинг ҳам айрим ижодкорлар томо-нидан кенг қўлланиб келаётганини таъкидлаш жоиз.

Мазмуний жиҳатдан ижодий эркинлик тасвирланадиган ҳоди-саларни асотирлаштиришда яққол намоён бўлди. Албатта, ўтган асрнинг 70-йилларида Симин Донешварнинг айрим ҳикояларида бундай хусусиятни кузатишимиз мумкин. Хусусан, унинг “**سوره**” (“Сура”)<sup>167</sup> ҳикояси айнан модернистик унсурлар ишлатилган асар ҳисобланади. Бу ҳикоя мифлар (афсоналар) асосида яратилган бў-либ, дengizchi капитан Абдул ўзи ҳақида афсона яратади. Бунда Абдулнинг реал ҳаётидаги воқеалар афсоналар, сув парисига бўл-ган ишқ, будда ҳақидаги ривоятлар билан аралашиб кетади. Маш-хур капитан Абдул олам кезган, хатолар қилган, охири ёлғиз ўзи қашшоқ ахволга тушиб қолган. Унинг жондан азиз кемаси чўкиб кетган. Зинданда у зиёли инсон билан танишади, у Абдулнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборади. Абдул рухан поклана-ди ва ҳаётини янгитдан бошлашга аҳд килади. Ҳикоя магик реа-лизм услубида ёзилган дастлабки эрон ҳикояларидан бўлиб, унда онг оқими, колаж, фрагментарлик бор. Ҳикояда воқеа-ҳодисалар бир-бири билан мантиқсиз бирикади, баъзан бир воқеадан иккинчи воқеага тўсатдан, ҳеч қандай тайёргарликсиз ўтилади. Ҳикояда хотиралар ҳозирги кун билан алмашиб кетади.

<sup>167</sup> مجموعه داستانهای کوتاه از نویسنده‌گان ایران. تاشکند 2008 ص83

Бирок, XXI асрга келиб асотирлаштирилган ҳикояларда фольклор ва афсоналарнинг элементларини ўзида янада чуқурроқ сингдириш ҳолатлари кузатилади. Замонавий эрон адаби А. Халилийнинг “سفر به شهر سليمان” (“Сулаймон шаҳрига сафар”)<sup>168</sup> ҳикояси ҳақиқий ва фантастик омилларни уйғунлаштирган, асотирлар мағкурасига таянган, шу билан бирга болаликнинг романтик оламига бағишланган асадарид.

“Сулаймон шаҳрига сафар” ҳикоясининг бош қаҳрамони 12 ёшли етим қизалоқ. Ҳикояда бош қаҳрамоннинг номи берилмайди – у фақат “қизалоқ” деб юритилади. Бу ҳикояда қизалоқнинг ранго-ранг, беғубор дунёқараши ва уни қуршаб турган олам ўтрасидаги тафовут очиб берилган. Ҳикояни ўқир эканмиз қизалоқнинг сирли-сехрли руҳий олами, унинг қалб гўзалиги, ҳаётдаги нурли жиҳатларни кўра билиши, орзуларидан воз кечмаслиги ўқувчидаги хайрат ва ҳавас уйғотади. Шу билан бирга адаб ўқувчи дикқатини ҳаётнинг салбий жиҳатларини, адолатсизлик ва шафқатсизликларини курсатувчи, фош этувчи ҳолатларга қаратади. Нурли туйгулар, ҳаётга ишонч, муҳаббат кайфиятлари билан бирга ҳаётда ёвузлик, шафқатсизлик каби ҳолатлар жуда кўп. Фақат Эронда ёки шарқда эмас жаҳонда, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида ҳам азалдан кўп ҳолларда поклик, нафосат билан дагаллик ёнма-ён яшашга мажбур.

Қизалоқ нафосат, поклик, беғуборлик рамзи. У ҳали кичкина бўлишига қарамай моҳир гилам тўқувчи. Лекин бошлиги Ҳешматхонга тобе, муте, замона шафқатсизликлари туфайли ўз мустақиллиги, эркидан маҳрум. Ҳеч кими бўлмаган бу қизалоқ Ҳешматхоннинг ертўлада жойлашган совук ва нам гилам тўқиши устахонасида ишлайди:

دلش نمیخواست آنجا زندگی کند. دلش نمیخواست که آنجا کار کند. اما  
محبوب بود. حشمت خان خرچش را می داد. غذا یشرا می داد. جای خواب و  
استراحتش را میداد. و او که توی این دنیای بزرگ با این همه نقش رنگارنگ  
کس و کاری نداشت که خودشرا برایشان لوس کند و نه خواهر و برادری که با  
آنها همباری شود. محبوب بود همانجا بسوزد و بسازد.<sup>169</sup>

<sup>168</sup> فریدون عموزاده خلیلی. سفر چشمہ کوچک. ص131

<sup>169</sup> سفر چشمہ کوچک. فریدون عموزاده خلیلی. تهران. ص133

*“Унинг бу ерда яшашга, бу ерда ишилашга қўнгли йўқ эди. Аммо мажбур эди. Ҳешматхон унинг яшаш ҳаражатларини тўлар, яъни унга овқат, ухлаб дам олиши учун жой бериб қўйганди. Ранго-ранг нақшларга тўла бу кенг дунёда қизчанинг њеч кими йўқ эди. Унинг ота-онаси йўқ эдике, уларга суйкалиб эркаланса, опа-синглиси ёки ака-укаси йўқ эдике, улар билан бирга ўйнаса. Қизча мана шу ертўлада умрини ўтказишга мажбур эди.”<sup>170</sup>*

Ҳикояда қизалоқ ички дунёси, дарди, ҳис-туйгулари, кўнгил кечинмаларига катта эътибор қаратилади. Қизчанинг энг катта орзуси Ҳазрат Сулаймоннинг гиламига ўхшаган учар гилам тўқиса-ю, юлдузларга етиб борса, у ердан Сулаймон шахри томон йўлга тушса ва ўша ерда кушлар ва ҳайвонлар билан шод хуррамликда умрини ўтказса. Асотирлаштирилган асарларга хос-хусусият – инсоннинг ҳиссиётлари ижтимоий ҳолат сифатида тўлиқ ёритилиши бу ҳикояда ҳам ўз аксини топган. У ўз орзуларини Ҳалима хола билан сухбат қурганда айтади. Холадан эса “Кизгина бу хомхаёлларни бошингдан чиқариб ташлагин” деган жавоб олади. Ҳалима хола образи қизчанинг хаёлот дунёсини реал ҳаётга қаратишга ҳаракат қиласди.

Топталган болалик, топталган инсоний туйгулар олдида ҳам қизалоқ қалбидаги орзу-умид сақланиб қолади. Гарчи реал ҳаёт унинг қарашларини рад этаётган бўлса-да, барибир, у ўз билганидан қолмайди, аҳдидан қайтмайди. Адид қизчанинг ички дунёсини очишида романтик ва асотирий мотивлардан фойдаланган: учар гиламча, оппоқ булатлар орасида сузиб юриш, ёруғ юлдузларни териш, тўкиган гиламларидаги ҳайвонлар билан сухбатлашиш кабилар.

У орзусини амалга оширишнинг йўлини топади. Ҳалима холадан дунёдаги барча қушларнинг суратини топиб келишни илтимос қиласди. Унингча ўша қушларнинг нақши солинган гиламча уни Сулаймон шахрига учирив кетади. Шунинг учун ҳам зах ертўладан ташқарига чиқмаган қизча учун бу шаҳар олий бир мақсад бўлиб қолади. У қушларнинг нақшини гиламга sola бошлади. Ёзувчи ранглар тасвирини жуда чиройли тарзда ифодалаган:

*“Яшил, тўқ яшил ва тўқ кўк рангдаги иплар билан қизилиштоннинг ва қалдиргочларнинг, кумушранг ва оқ иплар билан турналарнинг, тўқ малия ва оч сариқ рангдаги иплар билан тўргайнинг, мушк рангидаги иплар билан саъваларнинг, яшил ва*

<sup>170</sup> Булокчанинг сафари. Ҳикоялар. 95-б.

*сариқ рангдаги иллар билан даракчи қүшнинг, ям-яшил рангдаги иллар билан тұтиқушнинг, турлы рангдаги: яшил, сариқ, мовий, оқ ва мармарранг иллар билан товуснинг, барча құшларнинг рангдаги иллар билан семурғнинг нақшини солди.*”<sup>171</sup>

Қызалоқ тиним билмай, әртау кеч ишлайди, құллари қабарыб, күзлари ачишиб, охири күрмай қолади. Шунда ҳам ишини тұхтатмайди. Гарчи у күр-ожиз бўлиб қолган бўлса ҳам, қалб қўзи очик, гўзалликни ҳис кила олади. Энди у ип рангларини қўли билан ҳис қилиб тўкийди. Не-не қийинчилик, танасида иситма, зирқираган оғриқлар билан гиламчани охирига етказади. Бу дунёнинг давлати, роҳат-фарогати, ўз нафсини деб иймон-эътиқоддан юз ўтирган Ҳешматхон эса қизча тўқиган гиламни катта пулга бадавлат харидорга сотмоқчи бўлади. Қизча қаршилик килишга ҳаракат қилганда, уни девор остига ёзилган бўйрага отиб юборади.

Ҳикояни ўқиши давомида ўқувчи қизалоққа меҳр қўяди, унинг келажаги, тақдири билан қизиқади. Аммо афсуски қизалоқнинг тақдири фожеавий якун топади. Бу дунёда ҳеч кими ва ҳеч вақоси бўлмаган қизчанинг сўнгти дақиқаларида устига кўрпа ёпиш, совуқ қотган танини иситиш имкони ҳам бўлмади. Адид “Ўлди” ёки “вафот этди” деган жумлаларни қўлламайди, аммо ўқувчи қизалоқнинг бу оламни тарқ этганини ҳис қиласди.

قالبچه پرنده ها آرام آرام از بالای کارگاه قالبیافی حشمت خان گشت. از بالای همه بامهای آبدی گشت. به بالای خانه ننه حلیمه رسید... کم کم به ابرها رسید ند. دخترک فکر کرد از پنجه ابرها برای خود ش بالش سفیدی درست خواهد کرد و به ستاره ها که رسیدند چهار ستاره پر نور آسمانرا خواهد چد و آنها را بر چهار گوشه قالبچه اش خواهد آویخت. این ستاره ها می توانند چراگهای قالبچهاش باشند...

“Күшларнинг гиламчаси аста-секин Ҳешматхоннинг устахонаси устидан, қишлоқнинг барча томлари устидан учуб ўтди ва Ҳалима холанинг ўйи устига етди....Бора-бора булутларга етдиilar. Кизча ўйладики, момиқ булутлардан ўзига оптоқ ёстиқ ясайди, юлдузларга етиб борганда эса осмондаги нурли юлдузлардан тўрттасини териб олади ва уларни гиламчасининг тўрт томонига осиб қўяди. Бу юлдузлар гиламчасининг чироқлари бўла оладилар...”<sup>173</sup>

<sup>171</sup> Булокчанинг сафари. Ҳикоялар. 99-б.

<sup>172</sup> سفر چشمہ کوچک. فریدون عمزاده خلیلی. تهران ص 147

<sup>173</sup> Булокчанинг сафари. Ҳикоялар. 105-с

Хаётда бўлмайдиган шу гаройиб воқеа асар қаҳрамони фо-жеавий қисмати, умуман асар учун ажойиб ечим вазифасини ўта-ган. Бу қизалоқнинг устахонада бирга ишлайдиган ягона дўсти Ҳалима холага меҳри нақадар улуғ! Унинг тўкиган учар гилам-часи Ҳалима холанинг томи устига етганида уни ҳам чақиргиси, ўзи билан бирга Сулаймон шаҳрига олиб кетгиси келади. Адиб виртуал дунё – қизча онгидаги яратилган хаёлий, орзудаги реалликни ифодалаб бера олган. Ҳақиқатдан ҳам реал воқеа қизалоқнинг орзуси гўё амалга ошгандек якун топади. Бу албаттага, уни умри сўнишидан олдин ярим жон талвасасида фикридан ўтган хаёллар ва манзаралар. Аммо улар нотабиий бўлса-да, жуда реалистик холатда ҳақиқий воқеликка кириб келади ва табиий мантикий ривожланади. Бир томондан ҳикоя якуни ўқувчида ачиниш, аф-сусланиш, оғрикли муносабат уйғотади, иккинчи томондан кай-фиятини кўтаради. Чунки, айнан мана шу лавҳа гўё бутун ҳикоя бағридаги зулматни ёритиб тургандай бўлади, кўнгилларда эзгу-ликка, гўзалликка, меҳр-мухаббатга ишонч туйғусини ҳаракатга солади. Қизалоқ ўзи орзу қилган гўзалликни яратиб кетди. Ўқув-чи кўз ўнгидаги гўзал манзара колдирди. Халқ достонларида қанот-ли отлар, девлар, аждарлар семурғлар образи яратилган. А.Хали-лий ҳам “Сулаймон шаҳрига сафар” ҳикоясида хаёл дунёси гўзал-ликларини ниҳоятда жонли, рангли тасвирлайди.

“Одам – оламнинг маркази. Одамни билмоқ – оламни анг-ламоқ. Жуда кўп асарларда олам инсон табиати, фитратини ёри-тиб берувчи асосий восита ҳисобланади.”<sup>174</sup> Ушбу ҳикояда ҳам қизча образига эътибор қаратсақ, унинг оддий образ эмас, исён-кор қалб, катта истеъдод эгаси, ҳақиқий ижодкор эканлигининг гувоҳи бўламиз. Агар у ўқиб билим олганида, тўқис ҳаётда кун кечирганида, ундан ҳаётда ўз ўрнини топган, машҳур гиламлар бўйича мутахассис этишиб чиққан бўларди балки. Унинг ҳаёли эркин, юксакларга интилган. А.Халилий “Сулаймон шаҳрига сафар” ҳикоясида инсоннинг олий туйғулари ва реал ҳаёт ўртасидаги тафовутни бадиий усулда тасвирлай олган. Адиб қизчанинг афсонавий Сулаймон шаҳрига учеб кетиши, гиламга расми солинган күшларнинг одам тилида сўзлашлари, учар гиламча реалликда ғалати нарсаларнинг акс эттирилиши,

<sup>174</sup> А.Расулов. Бадиийлик безавол янгилик. – Т., 2007. 23-б.

асотирлаштирилган ҳикоя яратишда ўз маҳоратини намоён қила олди.

XXI аср арафаларида ижодий фаолиятни бошлаган Хусрав Бобохонийнинг “سۇپارىسى” (“Сув париси”)<sup>175</sup> ҳикояси ҳам чиройли афсона асосида яратилган. Азалдан денгиз бүйида яшовчи халқлар денгиз билан боғлиқ афсоналар тұқишиган. Х.Бобохонийнинг мазкур ҳикояси ҳам Форс күрфази афсоналари билан боғлиқ булиб, унинг қаҳрамони денгиз қизи – сув париси ва унинг тақдирі ҳақыда. Ҳикояда магик реализим үнсурлари бор, яғни реал вокелик билан фантастика үнсурлари қоришиб кеттеган. Ҳикоя сюжетини баш қаҳрамон Алининг сув парисига қўйган муҳаббати фожеали якуни ташкил қиласиди. Уч дўст денгизга туташган дарёга чўмилгани келишади. Улардан Али узокқа сузуб кетади ва каттиқ изтиробда қайтиб келади, чунки у билан ажойиб воқеа рўй берган эди: у сув париси билан учрашиб, у билан гаплашган эди. Сув париси денгиздан дарёга келиб қолганлиги учун, дарёning ифлос сувларида касал бўлиб қолган. Али уни турули дорилар билан даволайди. Тузалган сув париси денгизга қайтмоқчи бўлади ва Алига денгиз тубида учрайдиган чиганоқчалардан чиройли тақинчоқ ҳадя этади. Эртаси куни уч дўст пари билан хайрлашгани дарёга боргандарида фожеа рўй беради. Сув париси балиқчилар тўрига тушгани маълум бўлади. Типирчилаб қочмоқчи бўлган сув парисини балиқчилар уриб ўлдирадилар. Али ўзини тутолмай балиқчилар томон отилади ва ураётганларга у сув париси эканини айтади. Балиқчилар эса Алини сувга итариб юборишади. Кейинрок балиқчиларнинг бошлиғи йигитга шафқат қилиб нима учун оддий балиқни сув париси деяётгани сабабини сўрайди ва уни койииди. Ҳақиқатдан ҳам у одам ҳажмича келадиган катта тунец балиғи эди. Агар оддий катта балиқ Алига сув париси бўлиб кўринган бўлса, қўлларида қолган чиройли тақинчоқ қаердан келиб қолди? Ўкувчи мана шу саволга жавоб тополмайди. Ҳикояда сирли жумбоқ пайдо бўлади. Асотирлаштирилган ҳикояларнинг муҳим хусусиятларидан бири фантастик элементларнинг чуқур маънога эга бўлмаслиги, улар ҳеч қачон тушунтирилмаслиги, мавжуд шахслар сирли элементларни қабул қилиши ҳисобга олинса, ҳикояда адид мифологик үнсурлардан кенг фойдала-

<sup>175</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. – СПб., 2010. – С.115.

нилганининг гувохи бўламиз. Ҳикоя сўз санъатларига бой, унда турли истиоралар, метафоралар, ўхшатишлар кўп учрайди. Табиат, дengиз тавсифи, портретлар яратиш маҳорат билан бажарилган. Бу ҳикояда чиройли ва маҳзун афсона намоён бўлиши билан бирга ҳозирги замонда экологиянинг бузилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби замонанинг оғриқли муаммолари кўтарилган.

Ижодий эркинлик нафақат ғоявий-мазмуний, балки шаклий изланишларда ҳам ўз ифодасини топди. Форс адабиётида ҳикоянинг “дастан қотаҳ”<sup>176</sup> атамаси билан номланадиган жуда қисқа шакли оммалашди. Адабиётшунос олим Муҳаммадризо Рузбек “дастанк”<sup>177</sup>ни ҳикоянинг бир шакли сифатида қараб, унга қуидагича таъриф берган:

“Достонак” ҳикоядан кичикроқ (1000–1500 сўздан иборат) асар бўлиб, кўпинча Антон Чеховнинг ҳикоялари каби ҳикоя хусусиятларидан кам баҳраманд бўлади”<sup>177</sup>.

Ҳикоячада кенг сюжет бўлмайди. У ҳодисалар ва вазиятларни тасвирлайдиган ҳикоядан фарқли равишда фақат вазият ва ахвол ҳақида хабар беради. Ҳикояча кўп ҳолларда ягона вазият ва ёки ягона шахсда марказлашган ва унинг хусусиятларини таҳлил этади.

Бу шаклнинг чиройли намуналари замонавий ёзувчи, серқира-ра ижодкор Розия Тужжор қаламига мансубдир.

Унинг “طلوع” (“Қуёшнинг чиқиши”)<sup>178</sup> ҳикояси жуда қисқа ҳикоялар туркумига киради. “Қуёшнинг чиқиши” ҳикояси лирик, шоирона тилда ёзилиб, унда ҳаётий лавҳа акс этган. Ҳикояда онанинг сўнгги дақиқалари куёш ботишига киёсланган:

مدر گت : آفتاب زردی است. خوش هم مثل آفتاب نم غروب رنگ رویی نداشت. حلت برگ پلیززدہ ای را داشت که آفتابی مرده را در دل نگه داشته است<sup>179</sup>.

“Онам деди: Қуёш ҳам ботай деб қолибди.

Ўзи ҳам ботии арафасида турган қуёшдай ранги рўйи ўчган эди. Қалбida ўлган қуёшни сақлаб қолган куз япроқларига ўхшаб кетарди.”

Бу ҳикояда ҳам биз эрон урф-одатлари билан танишамиз. Масалан, онанинг ўз қизига “она қизим”, “онажон” каби сўзлар

<sup>176</sup> جمال میر صادقی، ادبیات داستانی، قصہ، رمان، داستان қوتاھ، رمان، تهران، 1376 ص 274

<sup>177</sup> مуhammadrizo Ruzbeh. Ҳозирги замон Эрон адабиёти. –T., 2012. 178-6.

<sup>178</sup> راضیه تجار، هم سیب هم ستاره ص 167

<sup>179</sup> همان کتاب، ص 167

билин мурожаат қилиши, оғир касал бўлишига қарамай ибодатини канда қилмагани, ўз аҳволини яхши билганидан қизидан розиризолик сўрашлари, буларнинг бари барча мусулмон шарқ қишиларига хос хусусиятлар чиройли тасвиirlар билан жуда қисқалўнда ифодалаган.

“تصویر های شکسته” (“Синган тасвиirlар”)<sup>180</sup> ҳикояси ҳам жуда қисқа ҳикоялар туркумiga киради. Ҳикояда ҳаёт манзаралари синган ойнанинг бир парчасида ўз аксини топади. Синган ойна парчасини атрофни кўра оладиган қилиб велосипедига ўрнатиб олган ўн икки ёшли боланинг кўчалар бўйлаб қилган сайри тасвиirlанган. Тасвиirlар факат эзгуликни кўрсатадилар:

تصویرهایی به سرعت و پیاپی از جلو چشمانش می گریزند: مردی با گاری طوافی بر از میوه های تابستانی... پدریز رگی که با نوہ اش فوتیال بازی میکند. زن و مرد جوانی که کالسکه کودکی را با لبخند جلو می رانند. پیرزنی که کنار در حیاطی نشسته و بافتی می باشد. چند بچه که در حال لی کردن هستند و فارغ از خواب ظهر...<sup>181</sup>

“Тасвиirlар тезлик билан кетма-кет кўз олдидан ўтадилар: аравасида ёз меваларини ортиб олган киши, ...невараси билан футбол ўйнаётган бобо, чақалоқ ортилган аравачани юзлари кулиб суриб кетаётган ёш эркак ва аёл, ҳовли эшиги олдида ўтириб тўқиши қилаётган аёл, туш пайтида ухламасдан бир оёқда сакраб ўйнаётган бир нечта бола...”

XXI аср бошларида ёзилган мазкур ҳикоя охирида бола тинчосойишта ҳаёт билан бирга ҳарбийларни кўради. Бутун халқ ва ҳарбийлар инқилоб томонида эканликлари ҳикоя мазмунидан билиниб туради. Р.Тужжор ислом инқилоби ғалабасидан кейинги илк даврларни чиройли манзаралар билан кўрсатиб берган.

Бу ёзувчилардан ташқари адига Зўйо Пирздонинг “Бир аёлнинг ҳаёти”, “مسایه ها” (“Кўшнилар”) каби ҳикоялари ҳам жуда қисқа ҳикоялар ҳисобланади. Унинг ижоди билан кейинги бобларда танишамиз. Шундай қилиб, XXI аср арафаси ва бошларида ҳикоячиликда мазмунан асотирлаштирилган ва шаклан кичик ҳикоя турлари оммалашди.

<sup>180</sup> راضیه تجار. هم «بیب هم ستاره ص189

<sup>181</sup> همان کتاب . ص193

### **3.2. Ҳозирги замон эрон ҳикоянавислигига модернистик тамойиллар**

Ижодда субъективикнинг олдинги ўринга чиқарилиши, мантиқий билишдан интуитив билишнинг юқори қўйилиши, инсон ички оламида кечувчи ҳис-туйғуларга ўзгача эътибор берилishi замонавий адаб ва адабалар Розия Тужжор, Важихе Сомоний, Фируз Занузи Жалолий каби адаблар ижодий йўсунинга ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

Реализмнинг замонавий форс насрода, хусусан ҳикоячилигига устунлигини эътироф этган ҳолда, юқоридаги бъзви ҳикоялардан нореалистик йўналишларнинг ҳам айрим ижодкорлар томонидан кенг қўлланиб келаётганини гувоҳи бўлдик. Реалистик ҳикоялар билан бир қаторда сюрреалистик манзаралар билан ажralиб турадиган модернистик йўналишдаги ҳикоялар муаллифи, ҳозирги замон эрон адабиётининг йирик намояндларидан бири Розия Тужжордир. У ҳам реалист, ҳам модернист ёзувчидир. Юқорида унинг реалистик услубдаги айрим ҳикояларини таҳлилга тортган эдик. Модернист ёзувчи сифатида у кўпроқ қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари ва ботиний ҳолатларини тасвирлайди. Бу бўлимда Р.Тужжорнинг модернистик услубдаги ҳикоялари билан танишамиз. Р.Тужжорнинг ёзувчилик маҳорати ва услуби ҳақида гапирганда, асарларида шоирона услуб турларидан фойдаланишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки унинг асарларини ўзига хос шакллардан ва намуналардан бири деб ҳисобланадиган жиҳати ҳам шунда. Ушбу тилнинг омихталиги ва шеър билан қоришган шоирона услуб ўкувчини ўзига жалб қиласди. У асарларида бу жилваланган унсурларни, услуби ва насрини ўкувчи илғаб олиш доирасида ифода этади.

Адабанинг модернистик йўналишдаги ҳикоялари воқеаларга бой эмас, балки ушбу ҳикоялар инсоннинг ички дунёсига қилинган сафарнинг баёнидан иборатdir.

“Ҳам олма, ҳам юлдуз” тўпламидан жой олган “Ризш зреда”<sup>182</sup> (“Сариқларнинг тўкилиши, яшилларнинг ўсиши”) (”Роиш сиз ҳа”<sup>182</sup>) ҳикояси беморларни даволайдиган доктор аёл ҳақида. Бирорларни даволашга ўргангандай аёл ўзи ёмон касалга чалингланлигини

<sup>182</sup> راضیه تجار. هم سبب هم ستاره ص 7

билиб қолади ва аввалига рухий тушкунликка учрайди. Ҳикоя сюрреалистик услубда ёзилган. Қаҳрамон ҳолати аниқ таҳлиллар ўрнига жонли сезимлар орқали кўрсатилади. Ички изтироблари билан ташки совуққонлиги бир-бирига зид. Доктор аёл алаҳсирайди, унга ҳамма нарса сариқ бўлиб кўринади: Сариқ ранг касаллик рамзи, сариқ гуллар, сариқ барглар. Ўз кўзларида касалнинг қиёфасини кўради, жисмидан жой олган касаллик билан гаплашади, касалликка мурожаат қиласди:

Хиال ми қини қе ҳастى қе аин طور آмده اى و در من جا گرفته اى؟ من  
ми توامن همان طور که آن هارا با دادن چند فرص شفا می دهم. خودم را هم.  
خیال میکنی қе ҳاستی اینطور آمده اى و سر راهم نشسته اى؟ ازدستت  
خلاص خواهی دید. خواهی دید. خلاص. خلاص.<sup>183</sup>.

“Борман деб ўйлајсанми? Ўзингни шундайича келиб мендан жой олган деб биляјсанми? Мен уларни бир неча таблетка бериб даволаганим каби, ўзимни ҳам даволай оламан.

“Борман деб ўйлајсанми? Ўзим шундайича келиб, сенинг ўйлингга қўнганман демоқчимисан? Сендан халос бўламан, ҳали кўрасан. Халос бўламан. Халос.”

Ҳикояда психологик ҳолатларга қўп эътибор берилган. Қаҳрамон аёл ўзини доим бир тушда юргандек, ярим уйкуда, ярим-жон аҳволда сезади. Кейин эса сариқ гулларни юлиб ташлайди, нимаики сариқ бўлса ҳаммасини кўздан йўқотади. Сариқ нарсалар ўрнини ям-яшил ўт-ўланлар эгаллай бошлайди. Дарёга тушади, ёмғир остида қолади, анча тинчланиб, қалбида яна умид учкунлари пайдо бўлади. Қаҳрамоннинг деразадан дарёга тушиши, сувнинг юзида юриб кетиши, яна деразадан қайтиб иш кабинетига қайтиши аслида унинг руҳиятида содир бўлаётган жараёнлар. Яъни адива тахайюл эркинлигига йўл бериб, файриоддий, фантастик элементларни қўллаган. Аҳамиятли томони шундаки, ҳикоя анъанавий сюжетга эга эмас. Доктор аёлнинг дераза орқали хонадан чиқиб дарёга тушиб, яна иш жойига қайтишидан бошқа ҳаракат йўқ. Фақат қаҳрамоннинг ички фикрлари, онг оқими, ўзи билан ва касаллиги билан курашиши, фикрлари ва ассоциациялари (тасаввурлари) бир-бири билан бетартиб алмашиниб туради. Қишлоқ врачининг беморларни қабул қилишини кутиб туриш-

<sup>183</sup> همان کتاب، ص 13

лари, уларнинг сони 250 дан ортиб кетган. Адиба навбат кутиб турган беморларни тасвирилашда жуда кўп ўхшатишлар, кўчма маънолар, истиора санъатидан фойдаланган. Масалан: “Қизарган қовоқлар, катта қоринлар ва ёрилган баданлар ҳўнграб йиглашарди.”<sup>184</sup> Шифокор аёл беморларни тузатади, ўзи ҳам яшаш учун, ҳаёт учун курашади.

Р.Тужжорнинг “رہلیي” (“Нажот”)<sup>185</sup> ҳикояси модернизмнинг барча унсурлари бўлган ажойиб ҳикоя. “Нажот” ҳам худди “Сариқларнинг тўқилиши, яшилларнинг ўсиши” ҳикояси каби сюрреалистик образлар, сюрреалистик манзараларга бой ҳикоя. Ундаги образлар структураси баён тарзи, тил хусусиятлари, адабий асарнинг барча сатҳида шаклий ўзига хосликни юзага келтирган. Асарда “мен”нинг онг оқими учинчи шахс баёни билан алмашади. Қаҳрамон ровий – биринчи шахсада, учинчи шахс эса қаҳрамоннинг болалик, ёшлик чоғларидағи ҳолати. Унда объектив воқелик тасвири ўрнига ижодкор тасаввуридаги бадиий модел яратилган. Бу ўринда воқеликни акс эттириш эмас, ижодкор ўз-ўзини ифодалаши устувор аҳамият касб этган. Масалан: – نارنجستان آش گرفته است. “Апельсинзорларга ўт тушиган”. Аслида апельсинзорлар иссиқдан қовжираб қолган. Лекин адиба бу ҳолатни ўзининг тасаввуррида кечган ҳолатини ўзига хос тарзда баён этади. Ҳикояда – ایستند و با مادر حوض شیون می کنند چеккасида ўтириб, ишлаб чиқадилар, ёки бўлмаса занжирланган руҳият образлари кўп такрорланган: دوتا دانه های زنجیر را ساعتی پیش به. – پای روھش زده است. “Занжирлардан иккитасини бир соат олдин руҳияти оёқларига солган эди”. Мана шундай истиорали образлардан яна бири: – درخت نارنج شکوفه های پارچه ای می دهد “Апельсин дараҳти матолардан гул очди”, – صدای تلغ سکونت، “сукунатнинг аччиқ овози” ва бошка образлар бор. “Нажот” ҳикоясида ҳам адабанинг бошқа ҳикоялари каби қаҳрамон аёлнинг руҳий ҳолати тасвирига катта аҳамият берилган.

Р.Тужжорнинг “آرام. شب به خیر” (“Хайрли тун”)<sup>186</sup> ҳикояси магик реализм услубида ёзилган ҳикоя. Бу ҳикоя совуган муҳаб-

<sup>184</sup> راضیه تجار. هم سبب هم ستاره ص12

<sup>185</sup> همان کتاب. ص15

<sup>186</sup> راضیه تجار. هم سبب هم ستاره ص261

бат, бегоналашган эр-хотин, лоқайд эр, эрининг заррача меҳрига муҳтоҷ аёл ҳақида. Эрининг лоқайдлигидан озор чеккан аёл унинг эътиборини жалб қилиш учун кўп ҳаракат қиласди. Эри эса телевизордан кўзини узмайди, соябон ушлаган аёл расмини чизади. Эрининг эътиборини ўзига қаратолмаган аёл ниҳоят соябонни олиб ўзини деразадан ташқарига ташлайди. Шамол уни ўзи билан олиб кетади. Бу эпизод Г.Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” асари қаҳрамонининг ҳаёт азобларидан безиб чойшабга чиқиб осмонга учеб кетганини эслатади.

“هفت قم رنج تا باخ نارنج و ترنج”<sup>187</sup> (“Апельсинзоргача етти қадам ранж”) хикояси мажозий, сюрреалистик унсурларга бой. Асрлар давомидаги аёлнинг қисмати ҳақидаги ҳикоя. Аёл доимо эркак билан боғлиқ, у билан бирга, яхши онларда ҳам, ёмон кунларда ҳам. Эркак ҳам зулм ўтказувчи, ҳам халоскор. Бу иккиси – аёл ва эркак ўртасида доим ришта бор. Бу ҳикоя оддий сюжетли бир воқеани баён этувчи ҳикоя эмас, балки фалсафий-ахлоқий маъноларга мулоҳазаларга тўла ҳикоя ҳисобланади. Бу ҳикоя қаҳрамони аёл ва унинг эри. Етти қадам – аёл яшаган даврларнинг етти босқичи: олдин ибтидоий, кейин кўчманчи сахровий, кейинроқ феодал ва ҳоказо. Қаҳрамон аёл бир нечта даврларда яшайди. Ёзувчи барча ҳикояларида бўлгани каби мазкур ҳикоясида ҳам ўзига хос образлар топадики, биз ҳеч қайси адибларда бундай образларни учратмаймиз. Ҳар бир ранж аёлнинг яшаган даврини англашади. Ҳикояда етти ранжни бир-бирига улаб турувчи бир жумланинг бир неча бор такрорланганини кузатамиз:

جاده بود و درخت بید و مرد که نیلپک می زد و شکسته های گلدان در جلو  
پایش. صدای نی بند بند تن زن را از هم جدا می کرد.

“Йўл эди, тол дараҳти ва сибизга ҷалаётган эркак ҳамда оёғи остида гулдон синиқлари. Сибизганинг овози унинг (аёлнинг) танасини бўлак-бўлак қилиб ташларди.”

Аёл мана шу йўл бўйлаб, сибизга товушини тинглаб юаркан хотираларга берилади. Биринчи ранж унинг ибтидоий жамоа тузуми давридаги гордаги ҳаёти билан боғлиқ. Иккинчи ранжда ўтовдаги кўчманчилар ҳаёти ва шу ҳаётдаги аёлнинг ўрни, учинчи ранжда қамалга олинган ўрта асрлар шаҳри, унда асир олинган аёл тақдери, тўртинчи ранж кўп хотинли оиласидаги тўртинчи

<sup>187</sup> Ҳман қитаб. ص38

хотин тақдири, бешинчи ранж боласи эри томонидан тортиб олинган аёл тақдири, олтинчи ранж оғир меҳнатдан томирлари чиқиб кетган аёл, еттинчи ранжда ҳозирги кунда аёлнинг тақдири, ўрни, қисмати тасвирланган. Мана шу даврларда яшаб ўтган аёлнинг ҳар бир лаҳзаси эркак билан боғлиқ. У ҳамиша заиф, ҳимояга ва эътиборга муҳтоҷ инсон сифатида гавдаланади. Ҳикояда сюрреалистик лавҳаларга катта ўрин ажратилган:

انبوه کار‌ها و چرخش مار‌ها و صدای لای دایه که دور می‌شود و دور.

“Тиқилиб ётган ишлар, илонларнинг айланиси ва тобора узоқлашиб кетаётган энаганинг алласи.”

Дријаст ке ми табд. Терк міхорд и бе ھем ми Айд. Дрү گашуде мішшод аз блурхай Аб. и امواجي سبز اورا میبرد تا دور. زن غوطه می خورد. ھeme تنهایي است و ھeme وحشت. ھeme جا آب است و صدای چرخی که می چرخد و می چرخد. هفت کفش و هفت عصای آهنین. هفت دشت پر از سوزن و هفت دشت پر از نمک. دروازه بسته و دروازه باز... راه... آه که چقدر دراز! سگی که کاه می خورد و اسبی که استخوان.

“Бурагаётган денгиздир. Иккига ажралади ва яна бирлашади. Сув билурларидан бир эшик очилади ва мовий тұлқинлар уни узоқ-узоқларга олиб кетади. Аёл гарқ бұлади. Ёлғизлик ва дағшатдан бошқа ҳеч нараса іүқ. Ҳаммаёқ сув. Ҳамда айланаётган ва яна айланаётган гүлдірілакнинг овози. Етти ковуш, етти темир ҳасса, игнага тұла етти даشت ва тұзға тұла етти даشت. Бир дарвоза ётиқ ва бир дарвоза очиқ... Йұл... Ох, бунчалар узун! Сомон кавшаётган им ва сүяқ чайнаётган от.”

Буларнинг барчаси – аёлнинг турли даврларда яшаб чиқиши қаҳрамоннинг тасаввурида содир бұлади. Тұғрироги хотира каби бир-бир аёлнинг хаёлидан ўтади. Ҳикояда ғайриоддий элементлар көнг ўрин тутади, улар реалистик деталлар билан ғалати тарзда бирикади ва гүё олий реализмни, яъни аслидагиданда ҳақиқиyyрек реализмни яратишга хизмат қиласи.

“”پرواز از ارتفاع متروک“ (“Ташландик баландлықдан парвоз этиш”)<sup>188</sup> ҳикояси (ҳикоя номланишининг ўзи рамзли) ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган, рухий тушкунликка учраган одам ҳақида. Ҳикояда бир-бири билан боғланмаган икки чизик мавжуд: биринчи – ишхонаси осмонўпар бинонинг 11-қаватида жойлашган

<sup>188</sup> راضیه تجار. ھم سیب ھم ستارہ ص227

бир масъул раҳбар Мақсуд. Қаҳрамон Мақсуд шаҳарда, катта лавозимда ишласа ҳам, шунга қарамай ишидан норози, руҳий инқиrozга учраган, туғилган жойини, болалилигини, ёшлигини қўмсаб яшайди, унинг учун осмонўпар бинонинг ўн биринчи қаватида жойлашган идораси ташландиқ баландликдан иборат. Вакти-вакти билан оғисга хотини Шаҳризода телефон қилиб турари ва уларнинг жонли диалогидан эр-хотиннинг бир-бири билан мутлақо бегоналиги, ҳатто ёлғиз қизлари ҳам уларни бирлаштира олмаслиги аён бўлади.

Ҳикояда жонли диалогалар кўп:

– Ҳеноз ҳем Нми ҳуваҳи блнд шои и аз ҳараб шдеб биайи?

– گғетм ке ҷлсле дарм.

– Ҳтма меманӣ амшеб ра ҳем фрамош крдэ аи?

– Хир. Фрамош нокрдэ ам. Ама Улаҷе аи ҳем ба шркти др ҳн дарм.

– Лайд ҳнга биштэр ҳуаш ми گазрд.

– Жан миқтм ке бр аи то ҳоюл др аорм.

– Ментшара срм нгзар! Длбахтне аш ҳеңти!

“ – Ҳалиям ўрнингдан туриб, бизнинг олдимизга келгинг келмаяптими?

– Мажслисим бор, деб айтдим-ку.

– Бугунги меҳмондорчлиқ ҳам ёдингдан кўтарилган бўлса керак?

– Йўқ. Ёдимдан кўтарилгани йўқ. Лекин унда қатнашишига ҳушим ҳам йўқ.

– Демак, шихонада вақтинг хуаш ўтаркан-да.

– Сен учун тул топаман деб жоним ҳалак.

– Миннат қўйма! Сен ўзинг тулни жонингдан ортиқ қўрасан!”

Мақсуд ва унинг рафиқаси Шаҳризода ўргасида бўлиб ўтган бу диалогдан қаҳрамоннинг қанчалар ўз оиласидан узоклашиб кетаётгани, қачонлардир рафиқасига бўлган меҳр-мухаббатининг сўнаётгани кўрсатиб берилган.

Мақсуднинг ёшлиқ йиллари ҳикоянинг иккинчи линиясини ташкил қиласди. Ташқи кўринишдан бу хотираларнинг оғисдаги ҳаёти билан умуман алоқаси йўқ. Болалик хотиралари боғлар, қорли қишида хўл ботинкаларда музда сирпанчик училлар ва бошқа ҳодисалар билан боғлик.

Хикоя давомида ёзувчи ўз анъаналарига содик равишда қи-  
зиқ-қизиқ образлар, бетакрор ва ноёб ўхшатишилар келтиради:  
Асманхараш巴拉 и мғурур аст. Пәнгі Аст Сиях и Жеһіде бе сөй мад и او  
Тұмеме ай др деган Аң.

“Осмонұпар бино ой томонга сақраган қора йүлбарсса, ой  
еса унинг оғзидаги емакка ўхшайды.”

Судай мышы бе баң зден پроверене ай др скот ми манд.

“Котибанинг овози суқунатда қанот қоққан капалакнинг  
овозига ўхшайды.”

Одамлар намойишга чиққан, күчаларни түлдириб ўтишлари  
дарёнинг оқишига ўхшатилиши бу оддий ўхшатиши, аммо ушбу  
дарёнинг тұлқинлари бурама юбка этакларига қиёсланиши – бу  
оригинал ўхшатиши:

Може жон پлісінде ғаризданған фарзанда и нәзік бе ھем баң мишонд и быт.

“Тұлқинлар қат-қат бурма юбканинг этаклари каби бир-  
бирига яқын масофадан очишиб-ёпиладылар.”

Хикоя хотимасида Мақсұд ўзини 11-қаватдан пастга ташлайди. Аммо пастда катта намойишлар, истиқол... озодлик... қичқи-  
риқлар.

Бу шахс халқдан ҳам узок бүлгани намоён бүлади. Яъни ҳаёт-  
да ўз ўрнини тополмаган инсон фожеаси, ўз еридан, қишлоғидан,  
мухитидан ажралған инсон фожеаси тасвирланған.

Розия Тужжор қаҳрамонлари доимо ҳаётда ўз ўрнини излайдылар  
ва күпинча жамиятда ўрнини тополмайдылар. Бошқа хи-  
кояларидан фарқлы ўлароқ бу хикоя қаҳрамони эркак киши.

Хикоя услуги билан ҳам эътиборга молик. Икки чизиқлиликтан  
ташқары фрагментарлик ҳам бор, яъни бир қисм иккінчи қисм  
билан мантикан болғанмайды. Хикояда кинокадрларга ўхшаган ўз  
сюжетига эга кичкина лавҳалар ҳам бор. Масалан эр-хотиннинг  
машинада ироқциклар бомбардимони остида қолғани ёки боланинг  
хавфли йиқишлиши ва оғерини синдириши ва ҳоказолар.

Розия Тужжорнинг айрим хикояларини бир маротаба ўқиб  
чиқиши етарли эмас. Биринчи маротаба ўқиғанды күнгилда муайян  
туйғулар уйғонади. Яна бир бор ўқишига эхтиёж пайдо бүлади.  
Қайта-қайта ўқиши мобайнода эса янада чукурроқ маңнолари, ҳи-  
коянинг пинхоний, махфий томонлари, тагмаңнолари кашф қили-  
нади гүё.

Р.Тужкор билан замондош, 80-йиллардан ўз ижодий фаолиятни бошлаган Фируз Занузи Жалолий инқилобдан кейинги давр эрон адабиётининг энг истеъодди ёзувчиларидан бири ҳисобланади. Унинг “ساعت لعنتی” (“Лаънати соат”)<sup>189</sup> асари модернистик ҳикоя бўлиб, мистика, психоанализ, онг оқими каби элементларни ўзида мужассамлаштирган. Мистик ҳикоя, файритабии, сирли олам. Номаълум касал билан оғриган зиёли киши Сокит қадимги буюмлар сотиладиган дўконга киради, унинг ғалати хўжайини билан учрашади. Дўкон эгаси уни Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романи қаҳрамони Раскольниковга ўхшатади. Касал киши докторни излаб кетади. Қаҳрамоннинг танасида ҳар куни соат тўртда кучли оғриқ эгаллайди ва бу ҳол уч йилдан бери давом этиб келаётган эди. Докторнинг олдига йўлда кетаётиб телефон будкасида бир ғалати кишини учратади. У телефонда докторга қўнғироқ килиши керак, бироқ будкадаги одам бунга йўл қўймайди. Сокит у билан қўпол муомалада бўлади ва охири нотаниш одам унга тарсаки туширади. Йиқилиб тушган Сокит ўрнидан турганида ғалати одам кўздан гойиб бўлган эди. Бу вақт соат тўрт бўлганида беморнинг танасида оғриқ турмайди. Сокит гойиб бўлган кишини қидира бошлайди. Қадимий буюмлар – дўкон эгаси – Раскольников – жиноят ва жазо – номаълум киши – оғрикнинг тўхташи ўртасида қандайдир сирли алоқа бор. Балки, бир пайтлар жиноят содир қилган одам покланиш йўлига тушди ва кечирилди. Ҳикояда Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” асарига хос қарама-қарши ахлоқий тушунчалар орқали ёндашилиши рус адабиётшунослигига рецепция<sup>190</sup> деб аталади.

Важиҳе Али Акбари Сомоний жамиятнинг ижтимоий муаммоларига бағишланган ҳикоялар билан бир қаторда умумбашарий, фалсафий-диний муаммоларга бағишланган ҳикоялар муаллифи ҳамдир. Умуман олганда, ҳар бир ҳикояда адива иймон-эътиқод ва поклик каби анъанавий диний фалсафа таъсирида ёндошган. Хусусан “ترا من چشم در راهم” (“Кўзларим йўлингда”) тўпламидан жой олган “ایستگاه آخر” (“Охирги bekat”)<sup>191</sup> ҳикоясида айниқса, ушбу йўсиндаги фалсафий қарашларининг кучайиши

<sup>189</sup> فیروز زنوزی جلالی. ساعت لعنتی. تهران. م. 2007 ص 51

<sup>190</sup> Белокурова С.П. Словарь литературоведческих терминов. – СПб. 2006

<sup>191</sup> ترا من چشم در راهم. وجیهه علی اکبری سامانی. تهران ص 891387

кўзга ташланади. Ҳикояда адабанинг эътибори умумбашарий, умумфалсафий муаммоларга қаратилган ҳолда, воқелик ўзига хос ноанъанавий услубда тасвирланган.

В.Сомоний мазкур ҳикояда реал воқеага ўзининг инсон умри, хаёт ўткинчилиги, ўлим каби қарашларини кўчма маъно ва мистик-фантастик унсурлар киритиш орқали ифода этган. “Сунгги бекат” ҳикоясида воқелик, борлик ўз аслиятини йўқотмайди, лекин шу билан бир вақтда, уларнинг мазмуни файритабиий тус олади.

Важиҳе Сомоний хаёт моҳияти ва ўлим мавзусидаги “Охирги бекат” ҳикоясида инсон ҳаётининг якуни, қачон ва қай ҳолатда келиши номаълум бўлган – ўлим ҳаклигини ёритишга ҳаракат қилган. Дарҳақиқат, ҳар қандай умрнинг ниҳояси ўлим билан якун топади. Ёзувчи бу масалани ёритишда бошқа ёзувчилардан тубдан фарқ қилган ҳолда, ўзига хос сюжет, образ ва услуб оркали акс эттирган.

“Охирги бекат” ҳикоясининг бош қаҳрамони исми келтирилмаган, фақатгина муаллиф нутқи орқали унинг катта ташкилотнинг обрў-эътиборли раҳбари эканлиги маълум бўлади. У ўз кабинетида, ўз креслосида оёқларини столга қўйиб, сигарет чекиб ўтирган ҳолати билан бошланади. У гўё мана шу хонада ҳукм сураётган жимжитликка ҳукмрон. Бошқа ходимлар ўз хоналарида ишлари билан машғул:

سکوت سنگینی بر همه جا حاکم بود و او مثل همیشه به تمام این لحظات خوش  
و بی دغدغه حکومت میکرد. هرچه بود مدیر عامل با اسم و رسمی بود.<sup>192</sup>

“Ҳамма жойга оғир сукунат чўмган ва у ҳар доимгидек мана шу ёқимли ва ташвишсиз лаҳзаларга ҳукмронлик қиласарди. Нима бўлгандаям обрў-эътиборли бир раҳбар эди.”<sup>193</sup>

Мана шу жимжитлик ҳукм сураётган хонага жон олувчи фаришта Азроилнинг кириб келиши ҳикоянинг асосий моҳиятини очишга ёрдам беради. Бу ҳолат реал воқеаларга сирлилик баҳш этади. Раҳбар хонасини ўтирас экан ногаҳон хонасига унинг ижозатисиз бегона бир кимсанинг кирганини ҳис этади. Ким раҳбарнинг рухсатисиз хонага киришга журъат этдийкин?

و ھشت زده به آنچه مقابل چشمانش نقش پسته بود چشم دوخت. مردی با قامت کشیده و بلند سینه ستبر و فراخ چهره ای عجیب و غریب و چشمانی که به

<sup>192</sup> ھمان کتاب. ص 89

<sup>193</sup> Барча таржималар муаллифга тегишли.

طرز دلهره آورى بە او خىرە مائىدە بود پىشت مىز كارش اىستادە بود و حتى براي يك لحظە چشم از او يې نمى داشت<sup>194</sup>

*“Бошини күтариб даҳшат билан рўпарасида турган кишига тикилди. Баланд бўйли, кенг кўкракли, ажойибу гаройиб чехрали, кўркув соладиган кўзлари билан унга тикилиб турган киши столининг нариги томонида туради ва бир лаҳзага бўлса-да, ундан кўзини узмасди.”*

Бу бегона киши Азроил эди. Қаҳрамон ҳар қанча қудратли бўлмасин, ўлим фариштасининг қаршисида уни ожизлик ҳисси чулғаб олади.

Абу Ҳомид Фаззолийнинг “Иҳъоу улумид-дин” (“Дин илмларини жонлантириш”) асарининг “Ўлим фариштаси билан учрашув онларидаги ҳасрат” бўлимида Куръон, ҳадис ва солих салафларнинг сўзлари асосида келтирилган ривоятларда айтилишича, ўлим фариштаси Оллоҳнинг ибодатидаги банданинг жонини олишда чиройли тусда кўринар ва аксинча, фожир кишиларнинг жонини олишда эса жуда кўрқинчли суратда намоён бўлар экан<sup>195</sup>. Бизнингча, В.Сомоний ўлим фариштасини қиёфасини тасвирлашда мана шу ривоятларга таянган, чунки қаҳрамон Азроилнинг ҳайбат ва салобатидан ўзида ниҳоят даражада кўркув туюди. Қаҳрамон ва ўлим фариштаси ўртасида сұхбат бошланади. “Охирги бекат” ҳикоясида диалог ҳикоя ғоясини очиб беришнинг асосий унсури ҳисобланади. Ёзувчи бош қаҳрамон ва унинг ягона сұхбатдоши Азроилнинг ўртасида бўлиб ўтган диалог орқали, бош қаҳрамоннинг ички кечинмаларини чукур акс эттирган. Қаҳрамонимиз бу кутилмаган ташрифдан асабийлашган ва жуда кўрқкан. Ёзувчи унинг бундай ҳолатга тушишини турли “бўшашди”, “жуда кўркиб кетди”, “музлаб кетди”, “типроқ турди”, “кўркув зўридан тили айланмай қолди”, “ўт бўлиб ёнарди” каби иборалар орқали тасвирлаб берган.

Инсон ҳаёти давомида бу дунёда абадий қолмаслигини яхши билади, ўлим ҳақлигига ишонч ҳосил қилиб боради. Бироқ ўлим қачон ва қандай вазиятда келишини ҳеч қачон аниқ била олмайди. В.Сомоний муаллиф нутки ёрдамида бош қаҳрамоннинг ўлимдан хабари бор, лекин унга ҳали тайёр эмаслигини баён этади:

مرگ! باید می مرد! حالا! مگر میشد! نه... امکان نداشت. اصلاً وقت مردن نبود. حد اقل حالا نبود. حالا که تازه بعد از عمری دویند و کلاه بر سر این و آن

<sup>194</sup> وجيهه على اکبری سامانی. ترا من چشم در راهم. تهران 1387 (2008) ص90

<sup>195</sup> Каранг: Абу Ҳомид Фаззолий. Ўлимни эслаш китоби. –Т., 2004. 46-59-6.

گذاشتн и биچаре ҳара срекисе крдн бе өл и өнчеп и шехртى رسиде бод ҳтى فкер мрдн һм брайш үк шохى бод. Шохى тлхи ке ҳтى бе ән фкер һм нимикрд. Н... Ҳала նмі тوانст бмірд. Үнү няйист мі мрд вбайд әин райк طори бе үзр аүел ҳалы мі крд<sup>196</sup>.

“Үлім! Үлиши керак! Нафотки бу мумкин бұлса! Йүк.. Илојжи үйк. Умуман үлімнинг вақти эмас. Ҳеч бұлмаганды ҳозирча. Ҳозир шунча югурб елишлар, одамларни алдашлар ва бечора нотавонларни пулларини тортиб олғандан кейин, эндигина мол-давлат, мансабу мартабага етдім деганды үлім ҳақида үйлашнинг ўзи унинг учун бир ҳазылдек ғап әди. У ҳақида үйлаб ҳам күришини истамаган бир ҳазыл... Ҳозир үліб кетолмасди. Яңын үлиши керак эмас ва буни қандай қилиб бұлса-да, Азроилга тушунтириши керак.”

Муаллиф нутқи орқали пул топиш, мол-дунё орттириш эвзига қанча-қанча гуноҳ ишлар қылғани, ёлғон сүзлагани, қанча дилларни вайрон қылғанини каби эпизодлар билан бош қаҳрамон ҳаётига чизгилар беради. Қаҳрамоннинг характеристи аста-секин очилиб боради. Бош қаҳрамон мол-дунёни чексиз яхши күради, унга эришиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди.

Унинг ҳаёти давомида фирибгар, ёлғончи, ҳамма нарсаны пулга чақадиган инсон бүлғанлыги аён бўлади.

Ҳикоянинг реал қисми бу умри давомида күплаб номакбул, гуноҳ ишлар қылған инсоннинг ҳаётини тасвирлашдан иборат. Ҳикоя, асосан, қаҳрамон ва Азроил сухбати орқали умри тугаётган инсоннинг манфур ишлари, үлім лаҳзасидаги инсоннинг ички кечинмаларини очиб беришга қаратилган.

Ҳикоя бош қаҳрамонининг буйруққа бўйсунмасдан, уни кечикиришга ҳаракат қилиши, унга бир муддат беришини сўрашини В.Сомоний бўрттиришлар, сифатлашлар орқали акс эттирган. Адиба бу тасвиirlар орқали ҳикоя қаҳрамонини ўзи билмаган ҳолда жуда аянчли ахволга тушиб қолғанини очиб берган. Жумладан, қаҳрамоннинг кўзларидан шашқатор ёш оқизиб “фақат бироз фурсат... фурсат сўрайман... ёлвораман” ёки “лоақал бир неча дақиқа бер... васиятимни ёзib олай... қанча қилолмаган ишларим бор эди” дейя Азроилдан муддат сўраши, Азроилнинг эса “Худодан олган ишилаб умринг мобайнида нима иши қила олмадингки,

<sup>196</sup> وجیهه علی اکبری سامانی. ترا من چشم در راهم. تهران 1387 (2008) ص 91

энди мана шу бир неча дақыла ичида қымоқчисан?”, “Шу пайтгача Азроол кимнидир олдига келса унга фурсат берганини эшигтанмисан?” деган жавоби ўлимга чора йўклигини кўрсатиб бермокчи бўлган. Бу анъанавий ислом фалсафаси бўлиши билан бирга, унда диний экзистенциализмга хос хусусиятлар ҳам бор. Чунки диний экзистенциалистлар (Г.Марсель, М.Бубер, М.де Унамуно) инсонни аввало Тангри билан кўринмас алоқадаги диний шахс сифатида кўрганлар ва инсониятни маънавий инкиrozдан сақлаб қолиш учун динга қайтаришга, унга эътиқод қилишга чақирганлар.

В.Сомоний ҳикояга хотира мотивини ҳам киритган. Бош қаҳрамоннинг ўлими олдидан қариялар уйига олиб бориб ташлаган онаси ва ўзига унаштирилган, лекин уйланишни хоҳламаган холосининг қизини эслали ҳикоя сюжетини янада таъсирчан чиқишида, қаҳрамоннинг ички оламини очишда ва албатта ҳикоя гоясини янада тушунарли бўлишида асосий восита ҳисбланади. Ҳикояда пейзаж тасвири – совук куз шамолининг оҳисталик билан хонага ярим очик деразадан эсиб кириши қаҳрамон умрининг сўнгги ҳолатига уйғунлаштириб юборилган.

عزراءيل قدمى به جلو برداشت... بازهم جلوتير آمد. جلوو جلوتير... حالا  
سايەه قامت كشيده و بلندش روی صورت وحشیزده و هر اسان او که در  
بحر خیالات دور و درازش غرق شده بود افتاده بود. خم شد و چشم در چمش  
دوخت. مرد به خود آمد و قبل از آنکه کوچکترین حرکتی بکند و حرفی به زبان  
بیاورد دیگر چیزی نفهمید!<sup>197</sup>

“Азроол олдинга бир қадам ташлади... Янада яқинроқ келди, яқин ва яна яқин... Энди Азроолнинг баланд қоматининг сояси узундан-узоқ хаёллар дунёсига гарқ бўлган, даҳшатдан кўрқиб кетган раҳбар юзига тушган эди. Эгилиб кўзларига тикиди. Киши ўзига келди ва бир кичкина ҳаракат қилишига, бирор сўз айтишига ҳам улгурмай қолди. Бошқа ҳеч нарсани тушунмади!”

Ҳикоя қаҳрамони шу тариқа бу дунёдан кўз юмади. Ҳикоя ечими қаҳрамоннинг Азроилга бўйсуниши, тақдирга тан бериши билан якунланади. Шу йўсинда, адаба қаҳрамоннинг тириклик чоғининг сўнгги лаҳзаларини, унинг қай тарзда ўлим топишини тасвирлаб беради.

В.Сомоний мазкур ҳикояда нафақат ўлим мавзусини баён этган, балки шу билан бирга ҳаётдаги баъзи бир инсонларнинг

<sup>197</sup> وجیهه علی اکبری سامانی. ترا من چشم در راهم، تهران 1387 (2008) ص 96

моддий бойлика мөхр беришларини киноя билан ифодалаган, яъни инсоннинг бу дунёга ва ундаги бойликларга ҳаддан зиёд мөхр қўймаслик, моддийликдан маънавиятни устун қўйиш ғоялари илгари сурилади.

Шуниси эътиборлики, ҳикоянинг номланиши “Охирги бекат” бўлса-да, бутун ҳикоя мобайнида “бекат” образи умуман тилга олинмайди. Бизнингча, В.Сомоний инсон ҳаётининг сўнгги манзилини акс эттиришда “бекат” образидан рамз сифатида фойдаланган. Инсон умрини узун бир йўлга, инсонни эса йўловчига қиёслаш мумкин. Йўловчи шу йўлни босиб ўтар экан, йўлнинг қайси бекатида ўлим топишини билмайди. Бу йўлнинг боши бўлгани каби, албатта, охири ҳам бор. Йўловчининг охирги бекати – бу инсон ҳаётининг якуни, яъни ўлим. В.Сомоний бекат образи орқали ўлимга, инсон умрининг ниҳоясига ишора қиласади.

В.Сомоний инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти, у дунёга, ўлимга муносабати каби мураккаб диний-фалсафий муаммоларни англашга багишланган ҳикояси ёзувчи дунёқараши ва бадиий маҳорати юксаклигидан далолат беради. Ҳикоянинг таҳлили шуни кўрсатадики, унда магик реализм унсурлари аниқ кўзга ташланади. Адиба ўз қарашларини реал воқеаларга ғайритабиий образ киритиб магик реализмга хос унсурлар орқали ифода этган.

Жаҳон адабиётда кенг тарқалган магик реализм йўналишининг замонавий араб адабиётida миллий хусусиятларини ўрганиш борасида шарқшунос Д.З.Мухиддинова ўзининг “Жўрж Салим ҳикояларида бадиий тафаккур эволюцияси” номли номзодлик диссертациясида тадқиқотлар олиб борган<sup>198</sup>. Жўрж Салимдан анча кейинроқ адабиёт майдонига кириб келган адиба В.Сомоний ижодида эса сурялиқ ёзувчи ижоди билан ҳамоҳанглик сезилади. Бунда, бизнингча, адабий алоқа, ўзаро таъсир ва бадиий таржима адабиётининг ўрни бекиёсdir.

Аҳмад Ғуломийнинг “سایه های ترس” (“Кўркув шарпалари”)<sup>199</sup> ҳикояси постмодернизм – матн ичida матн услубида ёзилган бўлиб, ҳикоя Эрон–Ирок урушига багишланган бўлса-да, унда жанглар, қаҳрамониклар эмас, балки уруш оқибатлари

<sup>198</sup> Каранг: Мухиддинова Д.З. Жўрж Салим ҳикояларида бадиий тафаккур эволюцияси. – Т., 2008. 80–150-б.

<sup>199</sup> Современная иранская проза. Том I. – С.129.

тасвирланган. Ҳикояда иккита матн бор. Асарда адебининг ҳамма аскарларнинг ўлгани, фақат кўнгиллилар қўшинидан битта ёш аскар омон қолгани ҳақидаги тасвир билан бошланади. Биринчи матнда ҳикоя қаҳрамони – ёзувчи, у юқоридаги кўнгилли ёш аскар ҳақида ёзади. Аскар оғир ярадор, лекин қандай қилиб бўлмасин ўлганларнинг рўйхатини ўзиникиларга етказиши керак. Унинг кўз олдида душман аскарлари катта ўра қазиб, мурдаларни ўрага улоқтириб юборишади. Иккинчи матнда эса аскарнинг хатти-ҳаракатлари мустақил, ёзувчидан холи ҳолатда фаолият кўрсатади. Ҳикояда яшашга интилиш, ҳаёт учун кураш тасвирланган. Ҳикоядаги икки матн турли шрифтда берилиб, бир-бири билан фақат қаҳрамон орқали боғланади. Аммо ҳар бир матн ўз чизигида ҳаракатланади. Биринчи матн қаҳрамони ёзувчи-адиб, аскар ҳақида ёзяпти. У ёзганлари ҳаётий чиқсин учун таниш докторга саволлар билан мурожаат қилиб туради. Доктор бир неча фойдали маслаҳатлар беради. Ёзувчи ўзини худди ўша аскар ўрнида тасаввур қилиб, шу вазиятда қандай қилиб тирик қолиши ҳақида ўйлади, лекин йўл тополмайди. Ёзувчи ўзини судралиб бораётган аскардек тасаввур қилас экан, қалами ҳам тўхтамасдан аскарнинг оғир аҳволини, унинг ҳар бир силжишини тасвирлаб боради. Яъни бу матнда ижод жараёни, уни қийинчиликлари, тўғри образ топиш ва уни шакллантириш ҳаракатлари тасвирланган.

Иккинчи матн бевосита аскарнинг ўзи билан боғлиқ. Унинг денгизгача қандай маşaққатлар билан етиб бориши тасвири берилади. Энди аскар ёзувчи ҳикояни ёзмаётган вақтда ҳам ўзи ҳаракатланаверади. Нейлон ҳалтачага ўз исми ёзилан тумор ва ўлганларнинг рўйхатини солиб, уни сувга улоқтиради. Ҳалтачани нафаси билан сузиб кетишга кўмаклашади ва денгиз сохилида хушсиз ётиб қолади.

Ҳикоя сўнгига доктор ва ёзувчининг сухбатидан аскарнинг ҳалок бўлгани сезилади. Ҳаёт ҳақиқати шундай хотимани талаб қиласди, чунки аскар жуда кўп қон йўқотган эди. Доктор худди ўзи даволаётган бемор ўлгандек чукур изтироб чекади. Лекин ҳеч нарса қила олмайди.

Ахмад Гуломий нима учун ҳодисаларни кўрсатишда бу ижодий методни танлади ва унинг кўринишлари нималардан иборат? Мъалумки, тушлар, онг оқими, совқе табиий (интуитив) билиш

орқали вокеликни акс эттириш – янги ёзиш технологияси усулларидандир. Ёзувчи фрагментлар тарзида узук-юлуқ ҳикоя, интертекстуал ўйинни тақдим этди. Масалан, ҳикояда докторнинг туши, ярадор аскар миясида онг оқими жараёнининг ўтиши, ҳикоянинг тузилиши ва бошқа томонлари реалистик ҳикояга модернистик шаклий унсур кирганидан далолат беради. Ҳикояда мағкуративий ёки юксак ватанпарварлик ҳисси устуворлик қиласи, лекин ёзувчи уруш оқибатлари, унинг аччик ҳақиқатини кўрсатиб берган. Ҳикояда баландпарвозлик руҳи йўқ. Акс ҳолда ёлғиз ўзи типик қолган аскар жангдан ғолибона чиқиб, қаҳрамонга айланган бўларди. Лекин бундай бўлмади, у ўлди...

Шу каби шаклий ва мазмуний ўзгаришлар муҳожирликдаги форс адабиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

### **3.3. Муҳожирликдаги форс ҳикоянавислигига миллий ва умуминсоний қадриятлар**

Эронда муҳожирлик адабиёти тарихи сиёсий сабабларга кўра ватанидан сургун қилинган Мирзо Ҳабиб Исфаҳоний, Мирзо Огоҳон Кермоний каби илк маърифатпарвар адилар, тижорат мақсадида ўз ватанларидан йироқда яшаган Зайналобидин Мароғайӣ, Тбилиси муҳитида яшаган ва янги адабиёт ҳамда ижтимоий тасаввурлар билан танишиш имконига эга бўлган бошқа мамлакат фуқаролари бўлмиш Эроний адилар Абдураҳим Толибов Табризий ва Мирзо Фатҳали Охундзодаларга бориб тақалади. Шу сабаб форс адабиётида янги жанр ҳисобланмиш илк романлар мусофириликда, бегона юртларда пайдо бўлди: З.Мароғайнинг “سیاحت نامه ابراهیم بیک” (“Иброҳимбекнинг саёҳатномаси”) (1895 йил) Қохира ва Истанбулда, А.Толибовнинг “مسالک المحسنین” (“Яхши кишиларнинг ахлоқ қоидалари”, 1905) Қохирада чоп этилди. Ижтимоий масалаларга ёзувчиларнинг танқидий қарашлари сабаб илк форсий романларнинг Эронда чоп этилиши мумкин эмасди. Кейинроқ эса маршрута инқилоби тифизлиги, кескинлиги пасайиши билан адилар тарихий ё ҳаётий муаммоларга багишлиланган асарларини ўз ватанларида чоп қилишга муваффақ бўлдилар.

Пахлавийларнинг ҳокимият тепасига келганларидан кейин эса мамлакат ташқарисидаги Эронликлар доираси Тбилиси, Истанбул, Қохира, Калькутта каби Осиё шаҳарларидан секин-аста Европа шаҳарларига кенгая бошлади. Берлин “کاره” (“Кове”, 1916 й.) журналининг нашр килиниш давридан бошлаб зиёли эронлик мухожирлар қатламининг бирикүв марказларидан бири бўлиб қолган эди. Ҳусайн Козимзода “ایرانشهر” (“Ироншаҳр”, 1922 й.) журналини чоп эттиришдан ташқари, кичкина китоб савдосини йўлга қўйган эди ва Содик Ҳидоят, Забиҳ Бехруз каби адилларнинг асарларини нашр этарди. Мушфиқ Козимиининг “کران مخروف” (“Қўрқинчли Техрон”) асари (1921 й.) ва Мухаммадали Жамолзодаларнинг “یکی بود یکی نبود” (“Бор экан-да, йўқ экан”) (1922 й.) тўпламлари ҳам айнан Берлинда – мухожирликда нашр қилинди. Ризошоҳ давридаги адабиётга қўйилган қаттиқ цензура, Бўзўрг Алавийнинг хибсга олиниши Содик Ҳидоятнинг Ҳиндистонга кетишга (1936 й.) мажбур қилди.

1941–1943 йилларда Эронда ҳар қандай китобни чоп эттириш имкони бор эди, бироқ 1949 йилда ҳарбий диктатура ўрнатилгандан кейин маданий ва сиёсий фаолларнинг бир гурухи мамлакатдан ташқарига қочишга мажбур бўлдилар. Бу даврларда адабий фаолият жуда ҳам кўзга кўринарли даражада бўлмади, улар асосан таржима ёки сиёсий асарлар ёзиш билан машғул бўлдилар. Бу ҳолат 1961 йилларда ҳам давом этди. 1966 йилдан бошлаб Муҳаммад Осемий Берлинда “کاره” журнали нашрининг янги даврини очиб берди ва мамлакат ичida ман килинган Бўзўрг Алавийнинг янги-янги асарларини чоп этди. Замонавий эрон адабиётининг ёрқин вакили Б.Алавий мухожирликда яшаб, дарбадарлик ва сургундаги ҳаёт ҳақида ёзгани учун мухожирлик адабиёти асосчиларидан хисобланади. Мухожирликда яшाइтган эронликлар ҳаёти ва аклий фаолияти ҳақида мамлакат ичкарисида туриб асарлар ёзган, “اندیشه و هنر” (“Фикр ва санъат”) журналида чоп этилган мақолаларида бу ҳақда муҳокама қилган (1962–1974) адаб – Шамим Баҳордир.

Булардан ташқари, Жамолзода Европада яшаб, ижод қилди. Кейинчалик эса Тақи Мударрисий, Содик Чубак, Иброҳим Гулистан ва шу каби бошқа атоқли адиллар ўз ҳоҳишлиярига биноан мухожирликни танладилар.

Юкорида тилга олинган кўплаб адиблар – Жамолзода, Ҳидоят, Алавий, Чубаклар айнан муҳожирликда вафот этдилар.

Эронлик адибларниг бир гуруҳи ўз асарларини чет тилларида ёзардилар. Улардан аксарияти ўз асарларини француз тилида ёзгандар. Шундай адиблардан бири Истанбулда туғилиб, Европада таҳсил олган Амина Покравон бўлиб, унинг Қожорлар ҳакида бир неча тарихий романлари машҳур. Хусусан, унинг 1969 йил Жаҳонгир Афкорий томонидан форс тилига таржима қилинган “Оғо Муҳаммадхон Қожор” асари шундай асарлар жумласидандир. Француз тилида ижод қилган адиблардан яна бири Фаридун Ҳувайдо бўлиб, Шарқ ва Farb маданиятларини солишириб ёзилган роман ва хикоялари Мустафо Фарзона томонидан 1966 йилда форс тилига таржима қилинди. Сирус Ризвонийнинг “امریکا زده ها” (“Америка-парастлар”) романи ҳам 1979 йилда Ризо Саид Ҳусайнин томонидан француз тилидан форс тилига таржима қилинди.

Фарудун Исфандиёрий эса инглиз тилида асар ёзган илк зроний адибdir<sup>200</sup>. Фаридун Фарсоий, Масъуд Фарзод каби адиблар ҳам матбуотда мунтазам чоп этиб келинган ўз асарлари билан 70-йиллар адабий ҳаётида муҳожирлик адабиётининг ёрқин вакиллари ҳисобланганлар.

70-йилларда, ислом инқилоби ғалабасидан кейин минглаб зронликлар ўз юртларини тарқ этиб хорижга чиқиб кетдилар. Фаридун Тўнўкебўнийнинг фикрича “улар ўз мамлакатларини тарқ этар эканлар ўзлари билан бирга қалб жароҳатлари ва муаммоларини ҳам олиб кетадилар. Уларга эса яна ҳам оғирроқ мусибат – муҳожирлик тақдирни кўшилади.”<sup>201</sup>

Ислом инқилобидан кейин, 80-йиллар ва ундан кейинги даврда ўз асарларини муҳожирликда, инглиз тилида яратадиган адиблар сони янада ортиб борди. Шушо Гопи, Такий Мударрисий, Ахтар Нарроқий, Дунэ Руфъат, Манучехр Парвин, Баҳман Шуълеру, Мажид Аминий каби адиблар шундай адиблар жумласидандир. Шу йилларда ижод этган адиблар орасида немис, голланд тилларида асарлар яратган ёзувчиларни ҳам кўришимиз мумкин.

<sup>200</sup> حورا پلوري در دلشنخه فرانسیکا (السیکت دلسته) در فریان زمین، ترجمه پیمان متین، امیر کبیر، ۱۳۸۲، ص ۱۲۶.  
<sup>201</sup> Кляшторина В.Б. Иран 60–80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – С.122.

Мұхожирлиқда замонавий Эрон адабиётининг ажралмас бир қисми вужудға келди. Бу адилар чет мамлакатларга күчіб кетишін мажбур бўлган ёки ўз хоҳиш-истаклари билан мұхожирлиқда яшашни танлаган эдилар, бирок ҳар иккала гурухнинг илдизлари ҳам Эрон ҳаётидан, маданиятидан озиқланиб турарди.

Мұхожирлик адабиётининг асосий жараёни 1996 йилларга келиб янада ўсди, Эрон мұхожирлари бутун дунё бўйлаб тарқалди, кенгайди. Улар маҳсус нашриёт марказлари туздилар, кўплаб китоб ва журналлар нашр эттира бошладилар.

Секин-аста улар орасидан мұхожирлиқда туғилган авлод – ёш адилар етишиб чиқа бошлади ва улар ўзларининг илк асарларини бегона юртларда яратдилар. “Ўтган йигирма йил мобайнида экстерриториал адабиёт шу даражада равнақ топдики, ҳар йили мұхожир эронликлар томонидан 250 дан ортиқ ҳикоялар тўпламлари мамлакатдан ташқаридаги нашриётларда мустақил тарзда чоп этилади.”<sup>202</sup> Эрон замонавий адабиёти тарихини ўрганишда бу турдаги асарларни четлаб ўтиб бўлмайди, чунки улар замонавий эрон адабиётининг салмоқли қысмини ташкил этиб келмоқда.

Аммо дунёning турли бурчакларида яратилган турли-туман асарлар 90-йиллар ўрталаригача камдан-кам ҳолларда мамлакатга кириб келди. Шу сабаб бундай ёзувчиларнинг адабий фаолияти ҳақида маълумотлар жуда кам эди.

Мұхожирлик адабиётини мавзу жиҳатидан шохлари кенгайиб кетган дарахтга ўхшатиш мумкин. Бу дарахтнинг бир шохи сиёсий мавзуларни кўпроқ ёритиб, бадиият томонларига камроқ аҳамият берса, ишқий мазмундаги асарлар эса бу дарахт шохларидан бошқасини ташкил қиласи. Яна бир шохи ўз даъволари учун фактларга асос топиш, фош қилиш мақсадида ёзади.

“Бирок мұхожирлик адабиётининг энг мұхим, асосий шохи мұхожирлар шахсиятининг қарама-қаршилиги, ўтмиш билан узилиб, ўзга мамлакатда янгитдан ҳаёт бошлаш учун уларнинг ички курашини тасвирлашга қаратилган соҳаси ҳисобланади. Мұхожирлик адабиётининг айнан мана шу соҳаси эрон матбуотида ҳам нашр имконига эга бўлди.”<sup>203</sup>

<sup>202</sup> اسدالله سیفی، «چلپ و نشر ایرانیان در خارج از کشور». «نگاه نو، ش ۳۳، زمستان ۱۳۷۸، ص ۲۶

<sup>203</sup> حسن میر عابدینی. صد سال داتان تویسی ایران. جلد سوم. تهران ۲۰۰۴ ص ۱۴۰۳

Ғарб ва бошқа минтақаларда эронлик қалам аҳлиниң мавжудлиги шу жойларда энг янги форс насли ва шеърияти билан танишириш ҳаракатини бошлади. Эронлик муҳожирлар саъй-ҳаракатлари билан эронлик санъат аҳли ва адилларнинг асарларини намойиш этиш учун муҳит вужудга келди. Америка ва Европа маданий марказлари, ўкув юргарининг эътибори эрон маданиятига қаратилди. Форсча асарларни чоп этиш равнақ топди.

Шундай килиб, бугунги кунда муҳожирлик адабиёти замонавий эрон адабиётининг ажралмас бир қисмидир. Замонавий муҳожирлик адабиётининг энг кўзга кўринган вакиллари Гули Тараққий, Шаҳрнуш Порсипур, Маҳшид Амиршоҳий, Маҳрнуш Мазореий, Ризо Донешвар, Аббос Маъруфий, Маҳмуд Масъудий, Сосон Қаҳрамон, Ризо Қосемий, Зўйо Пирзод ва бошқа адилар.

Ҳозирги кунга келиб 50дан ортиқ аёл ёзувчилар муҳожирликда асарлар яратиб келмоқдалар. Улар асосан ҳикоя, қисса ва роман жанрларида қалам тебратадилар ва ўз асарларини Америка ва Европада нашр қилдирадилар. Мазкур аёл ёзувчиларнинг аксарияти асосан Америка, Франция, Германия, Швеция, Канада, Англия ва Голландияда истиқомат қиласидилар. Хорижда ижод этиб келаётганлар орасида 1979 йил инқилобидан олдин ўз адабий фаолиятини бошлаган адилар, муҳожирликда ёзувчиликни бошлаган адилар ва мезбон мамлакат тилида асарлар яратиётган адилар ҳам бор. Гули Тараққий, Маҳшид Амиршоҳий, Мехри Ялфоний, Фахима Фарсойи, Шаҳрнуш Порсипур 60–70-йилларда ижод этишни бошлаган адилар жумласидандир. Жина Нехой, Фирузе Думо, Озар Нафисий, Маҳшуз Масоэд, Шушо Гопилар эса инглиз тилида, Маржон Сотропий, Сўур Касмоий, Амина Покравон, Шаҳодат Жавон, Ниҳол Тажаддўлар француз тилида, Фахима Фарсойи немис тилида, Фотима Бехруз, Маржон Бахтиёрийлар швед тилида асарлар ёзадиган адилардандир. Муҳожирликда яшаётган адилар орасида форс тилида ижод этадиган ёзувчилардан эса Шаҳрнуш Мазореий, Шўкуҳ Мирзодеги, Судоба Ашрафий, Пурон Меҳдизоде, Меги Сулаймонлар (Америкада), Маҳшид Амиршоҳий, Гули Тараққий, Афсонэ Хокпур, Шаҳло Шафиқ (Францияда), Фахима Фарсойи, Ноҳид Нурсрат, Шаҳноз Эъломий, Сусан Афшор, Сухайло Ирфониён, Афсонэ Ўмидвор, Зўйо Пирзод (Германияда), Нозли Товусиён (Швецияда), Мехри

Ялфоний (Канадада), Кудси Қозинур (Голландияда), Заҳро Шодмон, Ситорә Саҳроий (Англияда)ларни санаб ўтиш мумкин.

Муҳожирлиқда яшаб, ижод қилаётган эрон замонавий ёзувчиларидан бири Зўйо Пирзод 1952 йил Ободон шаҳрида дунёга келган. Ўша ерда ўрта мактабни тамомлаган. Кейинчалик Техронга келиб, ёзувчилик соҳасига киришишдан олдин Льюис Кэрроллинг (“Алиса ажойиботлар мамлакатида”) асарини ҳамда (“آلیس در سرزمین عجایب” – “Алиса ажойиботлар мамлакатида”) номли хокку (япон шеъриятидаги анъанавий қатъий шеърий шакл)лар тўпламини форс тилига таржима килган. Зўйо Пирзод ҳозирги кунда Германияда истиқомат қиласди. Унинг барча асарлари немис ва француз тилларига таржима қилинган.

Зўйо Пирзод асосан қисқа ҳикоя жанрини ижод қиласди. 1991, 1997, 1998 йилларда (“барча асрлар сингари”), “مئل همه عصرها” (“Барча асрлар сингари”), “یک روز مانده به عید” (“Нордон хурмонинг таъми”), “طعم گس خرمalo” (“Пок байрамга бир кун қолди”) каби учта ҳикоялар тўпламларини нашрдан чиқарди. Бу тўпламлардан жой олган ҳикояларда чуқур фалсафий мазмун, лиризм, психологизм ва ўзига хос драматизм, биринчи навбатда, шарқ ва гарб, хусусан, Европа прозасининг энг яхши анъаналарини ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш натижасидир. Адиба ўз ҳикояларида воқеликни қисқа, ихчам ва лўнда услубда акс эттириб, ҳаётнинг оддий ҳодисаларидан теран маъно туйғанлигининг гувоҳи бўламиз. Шакл ва мазмуннинг бундай уйғунликда берилиши китобхонлар томонидан жуда илиқ кутиб олинди. Дарҳақиқат, унинг аксарият ҳикояларининг ҳажми бир ёки нари борса икки бетдангина иборат. Мана шундай қисқа ҳикояда сўзларни тежаш, материални мантикий жойлаштириш, ҳар бир эпизодни умумий максадга, ҳар бир детални бутун асарга хизмат қилдириш, сюжет равшанлиги, мавзу аниқлигига эришиш каби масалаларда маҳорат қозонди. Унинг ҳикоялари ҳозирги кунда Эронда чоп этилаётган ҳикоялардан ажралиб туради. Кейинроқ эса адабанинг юқоридаги ҳикоялар тўпламларини ўзида жамлаган битта “سەكتاب” (“Уч китоб”) номи остида қайтадан нашрдан чиқди. Унинг биринчи романи “چراڭغا را من خاموش” (“Чирокларни мен ўчираман”) 2001 йилда, кейинги романи “مۇكىم” (“Чирокларни мен ўчираман”) 2004 йилда нашрдан чиқди.

Адибанинг “Нордон хурмонинг таъми” тўплами 1997 йилда “Насрий адабиётнинг йигирма йиллиги” (بیست سال ادبیات داستانی) мукофотининг совриндори бўлган. Адиба ижодида ҳам реализм, ҳам модернизм тамойиллари кўзга ташланади. XX аср реализмидаги бадиий шартлилилк (рамзий образлар, ривоятлар, фантастика элементлари ва ш.к.<sup>204</sup>)нинг турли куринишлари ҳам кенг кўлланнила бошлаганини эътиборга олган ҳолда, унинг ҳикояларида айнан шу метод устуворлик қилган ҳикоялари ҳам анчагина. (“Ҳам – “Леке”, “Мекс” – “Дог”, “Кўшнилар”, “Пашша”, “Ф. Хоним баҳтли аёл”, “Ф. Ҳоним баҳтли аёл”, “Олча данаклари”, “Оқ бинафшалар” каби ҳикоялари шулар жумласига киради.) Бошқа бир туркум ҳикояларида эса модернизмга хос умумий хусусиятларни ҳам кўришимиз мумкин. (“Рандкӣ дархоҳ ағай ғ.” – “Жаноб Ф.нинг орзу қилган ҳаёти”, “Дар лиюан дисте”, “Дастали фенжон”).

Унинг ҳикоялари қаҳрамонлари кундалик ҳаётда ўз келишмовчиликлари, дарду аламлари билан яшовчи эрон аёли ёки кишиси. Ҳикояларда ёзувчи қаҳрамонларнинг бевосита маънавий дунёсига, ахлоқий қиёфасига мурожаат қиласди, уларнинг ўзаро муносабатларини, шахсий турмушини, қалб интилишларини жозабали тасвирлайди. Зўйо Пирзод психолог ёзувчи сифатида ўз ҳикояларида қаҳрамонларнинг қалб диалектикасини очишга, руҳий товланишларини кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Ёзувчи ҳикояларининг китобхонларни ўзига оҳанрабодек тортиб, мафтун этиб, уларнинг кўнгилларида бекиёс завқ уйғотадиган энг етакчи фазилатлардан бири асрларнинг аксариятида китобхон кундалик ҳаёт билан яшаётган, ўзлигини кўради, ёзувчи мана шу кундалик, бир маромдаги ҳаётни янгича талқин, тиниқ ва лирик оҳангда тасвирлаб беради. Ҳикоялардаги образлар ҳар жабҳада, кундалик ҳаётда биз билан неча марта учрашиб турадиган реал кишиларнинг ҳақиқий қиёфасидир. Унинг ҳикоялари муваффакиятини таъмин этган муҳим омиллардан бири ҳикояларда тасвир этилган бугунги давр, ҳозирги кун, айниқса, форс ҳалқининг миллий психологияси, турмуш тарзини атрофлича ўрганганлиги, чуқур билишидир. Бу хусусият Зўйо Пирзод ҳикояларининг

<sup>204</sup> Адабиётшунослик луғати. Д.Қурунов, З.Мамажонов, М.Шералиева. –Т., 2010. 246-б.

бутун мундарижасида, адебанинг даврга хос характерли манзара ва лавҳаларни топа олишида яққол кўзга ташланади.

Ҳар бир янги бадиий асарнинг қиммати ҳаётнинг турли жиҳатларини кай тарзда қашф этганлиги билан белгиланади. Қисқа ҳикояда ҳаётни кенг қамраб олиши, воқеаларни жозибали манзараларда чизиб бериши жиҳатидан адебанинг “**بِكَ زنگى**”<sup>205</sup> (“Бир аёлнинг ҳаёти”)<sup>205</sup> ҳикояси ўзигача яратилган бошқа ҳикоялардан ажралиб туради. Ҳикоя қари аёлнинг гуллаган дарахтга қараб туриши билан бошланади. Бу кекса аёл ҳаёти давомида неча мартараб мана шу дарахтнинг гуллашини кузатган. Ҳозир эса унинг кўнглини неча мартараб шод этган дарахтнинг навбатдаги гуллаши унга ҳеч қандай шодлик баҳш этмайди. Вакт ўтиб бормоқда. Аёлнинг эса тобора мадори кетиб бормоқда. Ҳар бир инсон кексайган чоғида ўтмиш ҳаётига назар ташлагани сингари аёл ҳам шу дарахт билан боғлиқ ўтказган дамларини бир-бир кўз олдига келтиради. Аёлнинг ҳаёти, унинг шу дарахт гулларини илк бор кўрганидан бошлаб, ўзи ва оиласининг ўтган умри-ю, ҳозирги ҳолатигача бўлган дамларни эслаб, хотирасида бутун бир давр гавдаланади. Аёлнинг энг эзгу хотиралари шу дарахт гуллари билан боғлиқ. Шуни ҳам тъкидлаш жоизки, ҳикояда дарахт гуллари ва аёлнинг ўтмиши билан шунчаки биргаликда берилмаган, албатта. Дарахт гуллари ҳикояда мустақил рамзий образ сифатида гавдаланади. Аёл характеридаги кўпгина қирралар дарахтнинг гуллаши билан уйғун ҳолда очила боради. Дарахт гуллари аёлнинг илк бора янги келинлигига, кейин она бўлганида, сўнг эса фарзандининг баҳтини кўргандаги ҳолатида, ниҳоят кексайганидаги ҳис-туйгуларини сезади, юрак сирларини гўё тушунади. Аёл ҳаётининг энг баҳтли ва қайгули дамларида шу дарахт гуллари унга шерик бўлган. Адиба мазкур ҳикоянинг ҳар бир воқеасида инсон умрининг бир даврини тасвирлаб беради. Шу қисқа сатрларда бутун бир ҳаёт гавдаланади. Ўтган умр гўё сархисоб килинади. Аниқ сюжеттага эга бўлмаган мазкур қисқа ҳикояда умрбод гуллаётган дарахт – ўтаётган умр рамзи. Одам умрининг гуллаётган, янги ниҳол чиқарган дарахт билан қиёсланиши жаҳон адеблари (Пушкин, Толстой ва бошқалар) асарларида ва афсона, мифлар, эртакларда ҳам кўп учрайди.

Хулоса қилиб айтганда, “Бир аёлнинг ҳәёти” ҳикоясида аёл ва дарахт гуллари орқали қаҳрамоннинг ички ва ташқи қиёфасидаги ўтмиш ва келажак, ўтган умр ва янги давр тушунчаларининг уйғунлашуви, умрнинг оқар сувдек тез оқиб кетиши, ҳәёт эса давом этавериши намоён этилган. Бу ҳикоя маънавий тус олган, ўзида маънавий бир максадни мужассамлаштирган.

Мана шундай ҳажман қисқа “**همسایه ھا**” (“Кўшнилар”)<sup>206</sup> ҳикоясини ҳам мулоҳаза, мушоҳада уйготувчи, сюжетсиз ҳикоялар жумласига киритиш мумкин. Икки аёлнинг оиласи ҳәёти бир маромда давом этади. Балки бу баҳтдир: эрталаб туриб нонушта тайёрлаш, болаларни мактабга кузатиш, кутиб олиш, тушлик тайёрлаш ва ҳоказо. Ёзувчи қаҳрамоннинг ички кечинмаларига тўхтамайди, айтмокчи бўлганларини ҳатти-харакатлар орқали кўрсатиб беради. “**مئل بھار**” (“Мисли баҳор”) ҳикоясида эса анъанавий рух онадан қизга, қизидан набирага ўтиши тасвирланган.

Зўйо Пирозднинг “**زنکی دخواه آقای ف**” (“Жаноб Ф.нинг орзу килган ҳәёти”)<sup>207</sup> ҳикояси нафақага чиқиб, ўзини ҳеч кимга керак эмаслигини ҳис килган одам ҳақида бўлиб, бошқа ҳикоялари сингари унинг ҳам услуби лўнда, калта жумлаларга бой. Ҳа, у нафақага чикишни, ишга шошилмаслигини, хоҳлаган иши билан машғул бўлишни орзу киларди, аммо у ўйлаганидек бўлмади. Тўғри, у аввалига ўзига эрмак топди. Ҳовлисидаги боғчасини чиройли қилди, гуллар, дарахтлар экди. Уйини қайтадан жихозлади, лекин фикру ҳаёли доим ишхонасида бўлди. Оиласи – хотини ва икки қизи олдин уни қўллаб-қувватладилар, кейин эса ҳамма ўз иши билан овора бўлиб кетди: хотини сотиш учун кийимлар тўқийди, қизлари эрта ишга кетиб кеч келадилар. Нафақага чиқкан жаноб Ф. ўзи билан ўзи ёлгиз қолди. Ўзини қўярга жой тополмай бир куни ишхонасига йўл олди. У ерда эса ҳамма иш билан овора, қогоздан бош кўтармайди. Ҳикояда қаҳрамон ўз кабинети эшигини тақиилатиб киради, ичкарида эса унинг ўрнида ўзи – жаноб Ф.нинг ўтирганини кўради. Ҳикояда сирлилик бор. Ўтирган жаноб Ф. ташқаридан кириб келган жаноб Ф. билан қуруқ саломлашади ва яна қоғозларига гарк бўлади. Бу ёзувчининг ўзига хос услуби бўлиб, қаҳрамон жаноб Ф. ўзининг бир неча йиллар олдинги, яъни ҳеч ким ва ҳеч нарса билан иши йўқ бўлган ҳолатини кўради.

<sup>206</sup> زویا پیروز اد. سه کتاب. تهران 2006. ص 6

<sup>207</sup> زویا پیروز اد. سه کتاب. تهران 2006. ص 40

Бу ҳикоядаги ёзувчи қаҳрамон ички кечинмаларига тұхталмайды, ҳатти-харакат орқали айтмоқчы бұлғанларини күрсатиб беради.

Хулоса қилиб шуны айтиш мүмкінки, мұхожирликда яшаёт-ган Зўйо Пирзод ҳикояларидә эрон миллий колорити жуда кам сезилади. Миллий колорит, миллий менталитет элементлари деярли йўқ. Уларда тасвирланган ҳодисалар дунёning ҳар кандай мамлакатида бўлиши мүмкин. Нафақага чиқкан қаҳрамон ахволи барча инсонларга хос. Адиба қўллаган образларда ҳам миллий-ликдан кўра умуминсонийликни кўпроқ кузатамиз.

Мұхожирликдаги форс адабиётини, хусусан аёллар ижодини танитишда адиба Маҳрнуш Мазореийнинг ҳиссаси катта. У 1951 йилда Техронда дунёга келган. Техрон университетида таълим олган Маҳрнуш ўқишини давом эттириш учун 1979 йилда Америка Кўшма Штатларига йўл олди. Ҳозирги кунда Лос-Анжелес штатида истиқомат қиласи. 1989 йилда Лос-Анжелес штатида дўстлари билан ҳамкорликда “فروغ” (“Еруғлик”) адабий журналини таъсис этди ва бу журнал аёл адабалар фаолиятига ихтисослашган бўлиб, унинг фаолияти 1999 йилгача давом этди. Маҳрнуш Мазореий таржимонлик ҳамда ижодий фаолиятни бирга олиб боради. Бугунги кунга қадар унинг бир неча ҳикоялар тўплами дунё юзини кўрган. Улар – “بریده های نور” (“Нур кесиклари”, 1994 йил), “من و کلارا” (“Мен ва Клара”, 1998 йил), “خاکستری” (“Кулранг”, 2002 йил) тўпламларидир.

Маҳрнуш Мазореий аёллар ва болалар хуқуқини химоя қилиш ҳаракатининг фаолларидан, Лос-Анжелес штатида 1992 йилдан бошлаб шу бугунгача ўз фаолиятини давом эттириб келаётган “دفتر های شنبه” (“Шанба дафтарлари”) адабий гурухининг асосчиларидан бири ҳисобланади.

2008 йил Швециядаги “باران” (“Ёмғир”) нашриётида адибаннинг янги “X” (“Нотаниш хоним”) ҳикоялар тўплами нашрдан чиқди. Шу билан бир қаторда М. Мазореий танланган ҳикоялар тўпламини 2003 йилда “غریب‌های در اتاق من” (“Хонамдаги бегона”) номи остида Эронда чоп эттирди. Адиба АҚШда яшаса-да, асарларини факатгина форс тилида ёзди.

Адиба хориждаги форс тилида ижод этаётган ёзувчи билан Эронда ижод этаётган ёзувчи орасидаги фарқ нимада, деган саволга мұхожирликдаги ҳикояларда икки маданиятнинг таъсири

сезилиб туришини айтади. Унинг аксар ҳикоялари қаҳрамонлари, хусусан, “**كلا را و من**” (“Клара ва мен”) тўплами қаҳрамонлари турли маданият, турли миллатлар вакиллари дирлар ва бу ҳикоялар баёнчиси эроний аёллар бўлиб, ўз хатти-ҳаракатларини мана шундай одамлар билан баҳам кўрадилар. “Шахсан мен, Эрон ичкарисида ижод этаётган ёзувчилар асарларида бундай ҳолатлар учрайди деб ўйламайман, – деб айтади М. Мазореий сұхбатлардан бирида. У яна шуни ҳам алоҳида таъкидлайдики, мамлакат ичкарисида ижод этаётган адаб мавжуд цензура ва чекловлар боис, жинсий мавзуу, сиёsat ва шу каби мавзуларга қўл урмайди.”<sup>208</sup>

Мазореийнинг ижодига нисбатан бундай чекловлар бўлмаган бўлса-да, адабий зарурат бўлмаганиниги сабабли шу билан бир қаторда ўзи учун айрим чекловлар яратганиниги боис ўз асарларида юқоридаги каби мавзуларни кўтартмайди. Унинг бундай йўл тутишига яна бир сабаб 28 йил умрини ўз ватанида ўтказган ва унинг шахсияти Эронда, шу мамлакат маданияти таъсирида шаклланганлигидадир. Адабанинг кўпгина асарлари Эрон матбуотида ҳам чоп этилиб туради. Бироқ бу ҳикояларнинг айрим қисмлари қисқартирилиб ёки ўзгартиртилиб чоп этилиши адабани ранжитади. Ҳатто “**غربيه اي در اتاق من**” (“Хонамдаги бегона”) тўпламининг номи “**غربيه...**” (“Бегона...”) тарзида чоп этилган ҳолат ҳам бўлган. Баъзи (“Нур” “بریده های نور”), (“Сильвия” “سیلویا”), (“Икки киши” “بخشش”), (“Софға” “Совға”) ҳикояларининг Эронда чоп этилишини (уларда ёзувчининг эркин фикрлари ифодаланганлиги учун) умид ҳам қилмайди.

Адабанинг фикрича ижодда эркинлик тушунчаси шакл ва мазмун танлашдаги эркинлик демақдир. Ўзи истаган шаклда ва ўзи истаган мавзуни ёритмасдан, ўрнатилган шаклларда ижод этиш эса ижодий эркинлик тушунчасининг бутунлай аксиdir. Нима учун инглиз тилида ёзмайсиз, – деган саволга адiba: “Менинг асарларим аввал зеҳнимда пайдо бўлади ва уларнинг қаҳрамонлари ҳам зеҳнимда сўзлай бошлайди, форсча фикрлаганимдан

<sup>208</sup> Ёзувчининг журналист билан бўлган сұхбати “Сўхан” журналидан <http://bookfriend.blogfa.com/post-2413.aspx> сайтидан олинди.

кейин форс тилида ёзаман, қачонки инглиз тилида фикрлай бошласам, балки, бир кун келиб инглиз тилида ҳам ёзарман,<sup>209</sup> – дейди кулиб. Адиба ҳис-туйгуларга берилувчан эмаслигини айтади ва “Мантикий фикрлаб, булутларда эмас, ерда юрганим боис буларнинг бари ҳикояларимнинг тили, сюжети ва тузилишига таъсир этади”, – дейди.

Адиба баъзи ёзувчилар каби ўз ҳикояларида шаклбозликка берилмайди. Тил ва шаклни асар ёзишнинг бош мақсади эмас, балки ҳаётнинг турли ҳодисаларни ифодалаш учун хизмат қилиши керак деб ҳисоблайди. Унинг асаллари қаҳрамонлари эркин ва озод, лекин шу билан бирга ёлғиз ва ғамгин инсонлардир. Бироқ улар шундай бўлсалар-да, ўзлигини топишга, атрофини ўраб турган дунёни англашга уринган шахслар сифатида гавдаланадилар.

Адабанинг аксар ҳикоялари машҳур кинофильмлар номлари билан бир хил. Шундай ҳикоялардан бири “سنگام” (“Сангам”) деб номланади. Ёзувчи кичиклигида хинд фильмларини севиб кўрган, ҳозирда ҳам хинд мусиқаси ва рақсини жуда яхши кўради. “Сангам” фильмини эса бир неча бор кўрган. Номдош ҳикоя ёзишга эса унинг америка корхоналаридан бирида ишлайдиган бева хинд аёли билан танишуви сабаб бўлган. У аёл эрининг вафотига кўп йил бўлган бўлса-да, унинг суратларини олиб юриши, мудом эри, унинг муҳаббати ҳақида сўзлаши адабани шундай ҳикоя ёзишга ундаган. Маълумки, Сангам Хиндистондаги учдарё учрашиб сал нарига бориб яна бир-биридан ажralадиган географик жой номидир. Ҳикояда яширин, сирли маъно бор.

Махрнуш Мазореийнинг “Х” (“Нотаниш хоним”) тўпламидан адабанинг еттита ҳикояси жой олган. Улар – “یک فیلم خوب” (“جاده‌ی پشت باع پرنتال”, “Апельсин боғи روزی که برادرم”, “شیمولگا سافار”, “سفر شمال”), “آیا می‌شود تمام لکه‌های کثیف را پاک”, “به دنیا آمد؟” (“Укам туғилган кун”), “خامما دوغلارни تозаласа بولادими?” (“Хамма доғларни тозаласа бўладими?”), “خادام” (“Нотаниш хоним”), “...” (“Нушинни ...лаҳзаларда мужассам эта оласизми?”).

Бу ҳикояларнинг барчасида ҳаётий лавҳалар ифодаланган, улар турли мавзуларда, эр-хотиннинг можаролари, майший ҳаёт-

<sup>209</sup> <http://bookfriend.blogfa.com/post-2413.aspx>

даги муаммолар бўлиб, бу ҳикояларда миллийлик асло қўринмайди. Фақатгина “Шамолнинг сафари” ҳикояси адабанинг болалик хотиралари, ислом инқилобидан олдинги давр, оиласининг шахсий автомобилида Шероздан Мозандаронга қилган сафари ҳақидадир. Бу ҳикояда миллий колоритни қўришимиз мумкин.

Адиба мамлакат ичидаги ижод этаётган адаблар, муҳожирликдаги адаблар асалари билан яқиндан таниш. Хусусан аёл ёзувчилар ижодига кўпроқ эътибор қаратиб, уларни ўқиши баробарида, ҳам ўкувчи китобхон нуқтаи назари билан, ҳам ёзувчи нуқтаи назари билан баҳо беради, улардан нимадир ўрганади. Америка ёзувчилари ижоди билан ҳам жуда яхши таниш.

“Хонамдаги бегона” тўплами 2003 йилда Эронда “Хушанг Гулширий фестивали”да “Муҳожирликдаги энг яхши форсий ҳикоялар тўплами” унвонига сазовор бўлди. Мазореийнинг кўплаб ҳикоялари инглиз, немис, голланд тилларига таржима қилинган бўлиб, баъзи ҳикоялари Америка ва Канадада антологияларга киритилган.

Лос-Анжелесда яшаб, ижод этаётган Малиҳе Тирегўл хонимнинг *مقدمة اي بر ادبیات تبعید* (“Сургунлик адабиёти муқаддимаси”) китоби 1978–1996 йиллар оралиғида нафақат Америкада, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида яшаб, ижод этаётган Эрон ёзувчилари фаолияти ҳақида баён қилади. Ўша даврдаги шароитлардан келиб чиқиб, имкон қадар муҳожирлик адабиётини қамраб олишга ҳаракат қилиб яратилган бу китоб муҳожирлик адабиёти ҳақидаги тасаввурларни бойитиш учун яхши бошланма хисобланади. Лос-Анжелес штатида Мазореийдан ташқари Ёшор Аҳад, Хусрав Давомий, Фарибо Сиддиқим, Бижан Бижорий, Муртазо Мирофтибий каби адаблар ҳам ижодий фаолият билан шугулланадилар. Бу санаб ўтилган адаблар “Шанба дафтарлари” адабий гуруҳи аъзолариidlар. Улар ҳар ойнинг биринчи шанбасида гуруҳ аъзоларидан бирининг уйларида йиғилиб, ўз асалари билан бир-бирларини таниширадилар. Албатта улар орасида шоирлар, танқидчилар ва тадқиқотчилар ҳам бор.

Муҳожирлик адабиётининг яна бир ёрқин намояндаси Маҳшид Амиршоҳий 1939 йил 9 апрелда Кермоншоҳда дунёга келган. Отаси олий рутбали қозилардан, юстиция ходими эди. Онаси ўз даврининг машҳур сиёсий фаол аёлларидан бири эди. Ҳар иккалалари аждодлари Қазвинга бориб тақалади. Унинг отаси ўз

даврининг арбоблари билан яқиндан таниш эди ва улар билан борди-келди қиласди. Онаси оилавий алоқалар ва сиёсий қаражалири сабабли “Тұда” партиясининг асосчиларидан ҳисобланган Абдусамад Комбахш, Ахтар Комбахш, Нуриддин Киёнурый, Марям Фируз, Эхсон Табарийлар билан яқиндан таниш эди.

Илк таълимими Фирузкухи ва Нурбахш мактабларида олди. Кейинроқ Англияга бориб физика соҳасида таҳсилини давом эттириди. У Лондон университетининг энг намунали талабаларидан бири эди.

Эронга қайтганидан кейин аввал (1960 йилларда) физика ва математикадан дарс берди. Бүш вақтларида адабий асарлар таржимаси билан шуғулланарди. Жеймс Тарбер асарининг таржимасини “Франклун” нашриётiga чоп эттириш учун олиб борганида уни ҳамкорликда ишлашга таклиф килишди ва шу ташкилотда адабий ва илмий китобларни тузувчи лавозимида ишлай бошлади. Кейинроқ шу нашриётда Нуриддин Заррин, Пируз Калонтарий каби ҳамкор рассомлар ёрдамида болалар китобларини нашр эттириш дастурини тузди. Махшид Амиршохий бу борада ўзи ҳам кўплаб болалар ва ўсмиirlар учун бир неча асарларни таржимасини амалга оширди. Унинг бу таржималари икки йил кетма-кет болалар асарлари иттифоқи томонидан (бу нодавлат ташкилот Охий ва Мирҳодий хонимлар ташаббуси билан 1962 йилда ўз фаолиятини бошлаган) энг яхши таржималар сифатида танлаб олинди. Гарчи ҳикоялар ёзишни ўсмиirlигидан бошлаган бўлса-да, ўз асарларини нашр қилишни “Франклун” нашриётида ишлаб юрган йилларида бошлади. Адабанинг ўзи ёзувчиликни бошлагани ҳақида шундай дейди: “Илк ҳикоялар тўпламидан жой олган ҳикоялар **کوچه بن بست**” – “Боши берк кўча”) 15-17 ёшларим оралигига ёзилган”.

Машҳид Амиршохий “**کوچه بن بست**” (“Боши берк кўча”) ҳикоялар тўпламида 8–9 ёшли қаҳрамон боланинг ўзига тўқ, лекин мустаҳкам бўлмаган оиласда ўтказған дамлари хотиралари ҳақидадир. У ўзининг қўшилари, мактабнинг биринчи куни, бир оғир беморнинг бошидан кечирганларини болаларча самимият билан сўзлаб беради. Унинг дунёси бир-бири билан алоқаси бўлмаган, ёлғиз қўшилар яшайдиган тор кўчадан иборат. Амиршохий “Боши берк кўча” асарида кўпинча сентиментализмга берилади.

بعد از “سار بى بى خاتم” (“Биби хонимнинг чуғурчиғи” (1968), صیفه اول شخص مفرد “روز آخر” (“Охирги кундан кейин” (1968), ва “Елғиз кишининг биринчи сиғаси” (1976) тўпламларига кирган асарларида аёлларга хос сезигрлик, кисқа сұхбатлар ва равон баён, алоҳидалик сингдирилган. Адаб қўпинча битта мазмуннинг ўзини турли ҳикояларида такрорлайди. Бироқ унинг ҳикояларининг асосий мазмуни болалар ҳаёти, уларнинг нозик ҳиссиётлари билан боғлик.

Адиба Маҳшид Амиршоҳий адабиёт майдонида катта шуҳрат козонган Содик Чубак, Иброҳим Гулистан, Жалол Оле-Аҳмад, Бўзург Алавий, Расул Парвизий ва бошқа кўплаб адилар ижоди гуллаган, Баҳром Содиқий, Ғуломхусайн Соэдий, Аҳмад Маҳмуд, Исмоил Фасиҳ, Али Муҳаммад Афғоний каби бир қанча адилар эндиғина ёзувчилик оламига кириб келаётган бир даврда ўз ижодий фаолиятини бошлади. Хушант Гулширий, Маҳмуд Давлатободий, Нодир Иброҳимиylар эса адига билан бир вактда ижод оламига кириб келишган.

1966 – 1970 йиллар оралиғида адабанинг бешта ҳикоялар тўплами дунё юзини кўрди: “کوچة بنبست” (“Боши берк кўча”), بعد از روز آخر (“Биби хонимнинг чуғурчиғи”), صیفه اول شخص مفرد (“Елғиз кишининг биринчи сиғаси”), منتخب داستان‌ها (“Танланган асарлар”) тўпламлари.

Адабанинг ҳикоялари ҳакида танқидчилар услубнинг ўзгачалиги, фикрларнинг латофат ва назокат билан баён қилиниши, тасвирларнинг кисқа-лўнда, мухтасарлиги, таъсирчанлик, қаламининг жонлилиги, ёзувчи баёнининг соддалиги, образларининг муваффакияти ва улардаги юморнинг қўлланилишини алоҳида эътироф этдилар. Хусусан, танқидчи Жалол Ситорий “Маҳшид Амиршоҳий шубҳасиз, энг яхши ҳикоянавислардан ҳисобланади... Маҳшидинг ҳикоялари қаҳрамонлари ўзларича “ҳақ”лар. Ҳикоялар қаҳрамонларининг ҳақчилигидан биз уларни яхши кўриб қолмасак-да, борича қабул қилишимизга сабаб бўлади. Мен ҳикоянависликда бундан-да каттароқ ютуқ бўлмаса керак деб ўйлайман”, – деган эди<sup>210</sup>.

Парвиз Нақибий эса “ایندگان” (“Келажак”) рўзномасидаги мақолосида “Машҳид хоним Амиршоҳийнинг ҳикояларида сами-

<sup>210</sup> Журналист Марям Ирфон билан ёзувчи Маҳшид Амиршоҳий сұхбати [fa.wikipedia.org/wiki/](http://fa.wikipedia.org/wiki/) сайтидан олинди.

мият, юмор, аёлларга хос зийраклик, ғуур үфуриб туради. Адиба болаликнинг рангин кунларини шарҳлашда ўзига хос маҳоратга эгаки, гўё, қалбан ҳануз болаларнинг бегубор тасаввурлари унинг ўзида мужассамдек.”<sup>211</sup>

Маҳшид Амиршоҳий ислом инқилоби жараёнларида очиқчасига исломчиларга қарши позицияда бўлди. Инқилоб ғалабасидан кўп ўтмай эса муҳожирликини танлаб, Францияда яшай бошлади. Адабий фаолият билан бир пайтда сиёсий фаолият билан ҳам шугуллана бошлади.

Маҳшид Амиршоҳийнинг муҳожирликдаги сиёсий фаолияти динни сиёсатдан ажратишга қаратилди. У муҳожирликда яшаётган даври мобайнода дунёning турли бурчакларида қатор семинарлар, маъruzalар, достонхонлик мажлислиарини ўtkazdi. Гарвард университетида, Франция сенатида, Испанияда бўлиб ўтган жаҳон ёзувчилари конгрессида сўзлаган маъruzalari шулар жумласидандир. Унинг бир қанча сиёсий ва адабий мақолалари ҳам турли журналларда чоп этилган.

Маҳшид Амиршоҳийнинг асарларига хос бўлган жиҳатлардан бири унинг юморга бойлигидир. У эронлик аёл ёзувчилар ўртасида юморни қўллашда алоҳида овозга эга. “داستانهای سوری” (“Сурининг киссалари”) ўсмири кизалоқ тилидан хикоя қилинган юмористик хикоялар мажмуасидир. Амиршоҳийнинг юмористик мақолаларида ҳам форс журналистикаси отаси Али Акбар Деххудонинг “چوند و پرند” (“Дунёдаги бор нарсалар”) асарига тақлид сезилади. Ҳатто бу турдаги мақолаларини “دختر دخو” (“Дехӯв, яъни Деххудонинг қизи”) тахаллуси остида ёзади. Адиба ёшлигиданок юморга катта қизиқиш билан қараганини, бошқа адилларнинг юмористик асарларини ўкиш, ҳеч шубҳасиз, адебанинг ўз услубини топишида муҳим бўлганини айтади. “Мен тушунадиган ҳар қайси тилдаги юмор қалбимни кувончга тўлдиради, англо-саксон халқлари юморига нисбатан эса фавқулодда ихлосим баланд. Жеймс Тарбер асарларини жуда қадрлайман. Унинг бир қанча асарларини таржима килганиман. Шахсан ўзим юморсиз яшай олмайман. Ҳатто дунёнинг энг катта ва ғамгин трагедияларида ҳам юморнинг заррачаларини кў-

<sup>211</sup> [fa.wikipedia.org/wiki/](http://fa.wikipedia.org/wiki/) сайти маълумотлари.

риш мумкин деб биламан. Юмор ёрдамида қайтадан жонлантириш жуда кийин муаммоларни қоғозга туширдим.”<sup>212</sup>

Машхид Амиршохийнинг деярли барча асарлари миллий колорит, юмор кулгусига йўғрилган ва болаликнинг ширин дамларидан ҳикоя қиласи.

Ана шундай ҳикоялардан бири унинг “Аддэ” асари. Ҳикоя миллий колоритга бой. Муносабатлар, лажжалар, кийимлар, миллий байрамлар, маросимлар – ҳаммаси эроний муҳитдан далолат беради. Ҳикоя ичидаги ҳикоя услубида ёзилган бу асар кичкина одам Аддэнинг ҳаёти ҳақидадир. У бой хонадон хизматчиши. Аддэ образи жонли чиккан. Ёзувчи қаҳрамон устидан бир оз кулади, бироқ уни яхши кўради. Чунки Аддэ ғуурурли, оққўнгил, меҳнаткаш, пок инсон. Ёзувчининг юмори ҳам юмшоқ.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, муҳожирлик форс адабиёти замонавий эрон адабиётининг ажralmas қисми бўлиб, муҳожирликда ижод этаётган адиллар ҳам миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниб, ҳам ўзлари яшаб турган мамлакат адабиётидан таъсиранланган ҳолда форс ҳикоясининг гўзал намуналарини яратиб келмоқдалар.

XX аср сўнгги чорагида ва XXI аср эрон ҳикоянавислигининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири болалар мавзусининг ривожида ўз аксини топди.

---

<sup>212</sup> Журналист Марям Ирфон билан ёзувчи Махшид Амиршохий сухбати fa.wikipedia.org/wiki/ сайтидан олинди.

## **IV БОБ. ЭРОН ҲИКОЯН ВИСЛИГИДА БОЛАЛАР МАВЗУСИ**

### **4.1. Болалар мавзусидаги адабиёттинг ривожланиш босқичлари**

Болалар адабиёти – болалар ва ўсмирлар учун яратилган бадиий, илмий, илмий-оммабол ва публицистик асарлар мажмуи. Буларнинг асосий қисмини бадиий асарлар ташкил этади. Жаҳон халқлари, шу жумладан Эрон халқи болалар адабиёти толишишмоқ, ўйин қўшиқлари, ривоят, афсона, эртак, матал, масал ва достон сингари аксарият қисми болаларга мўлжаллаб яратилган ва аслида болаларга мўлжалланмаган бўлса-да, кейинчалик болалар адабиётига ўтиб колган асарларга ажратиш мумкин. Болалар адабиёти ёш авлоднинг маънавий камолоти манфаатларига хизмат қиласди.

Китобхон ёшини ҳисобга олиш болалар адабиётининг энг асосий хусусиятларидандир. Масалан, мактабгача ёшдаги болаларда бу эзгулик ва ёвузлик кучларининг содда кўринишдаги зиддиятларига асосланган бўлса, ўсмирлар адабиётида мураккаб ҳаётдаги мураккаб кишиларнинг руҳиятини очишга асоланган. Болалар адабиётининг яна бир хусусияти унинг ҳаракатга бойлигидир. Бундан болалар адабиётида сюжетга бўлган талаб ҳам келиб чиқади. У воқеаларнинг тезкор, қизиқарли, фантазияга, юморга бой равишда ечилишини талаб қиласди.

Форс ёзма адабиётида “панднома”, “насиҳатнома”, “ахлоқ китоблари” каби номлар билан тасниф этиладиган асарлар болалар адабиётининг дастлабки намуналари ҳисобланади. Масалан Кайковуснинг *موعظتنامه کیکاووس* (“Қобуснома”), Шайх Саъдийнинг *بهرستان* “بوستان” (“Гулистон”) ва *گلستان* (“Бўустон”), Жомийнинг (“Баҳористон”) асарлари шулар жумласидандир. Бу асрлар форс болалар адабиётининг мумтоз намуналари бўлиб, панд-насиҳат руҳидаги ривоят ва ҳикоятлари билан асрлар мобайнида ёш авлодни яхши инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келган.

Болалар адабиётининг шаклланиши деярли барча халқларда, асосан, маърифатпарварлик ҳаракати билан чамбарчас боғлик. Қадимий насрый ва назмий асарлар, болаларга хитоб тарзида ёзилган турли ахлоқий китоблар борлигига қарамай, форс болалар адабиётининг барқарорлашуви ҳам XIX аср 2-ярми – XX аср бошларидаги маърифатпарварлик даврига бориб тақалади. Шу

Йўлда кўплаб ишларни амалга оширган машхур маърифатпарвар ёзувчи Абдураҳим Толибовдир. Унинг XX асрнинг биринчи чорагида форс адабиётида болалар учун махсус ёзилган маърифий, дидактик характерга эга “كتاب احمد” (“Аҳмаднинг китоби”) номли асари бу йўлдаги изланишлари натижасидир.

Эронда болалар адабиётининг ривожланиш босқичлари ҳақида Д.Юнусова ўзининг “Самад Беҳрангий ижодида болалар мавзуси. Оламни романтик англаш хусусиятлари”<sup>213</sup> номли магистрлик диссертациясида батафсил тўхталиб ўтган. Магистрлик диссертациясининг биринчи боби “Эронда болалар адабиётининг ривожланиш тарихи” деб номланиб, Д.Юнусова XX асрнинг 70-йилларигача бўлган давр болалар адабиёти намуналари ва болалар тилидан ҳикоя килинган кўплаб асарларни, хусусан, болалар ёзувчиси Самад Беҳрангий ижоди намуналарини таҳлилга тортган.

Шу ўтган давр ичida кўплаб замонавий шоир, ёзувчилар кўхна эрон эртак ва достонларидан (ислом дини кириб келишидан олдин ва исломдан кейинги давр асарлари, Авесто, қадимги Эрон, Пахлавий достонларидан, “Шоҳнома”, “Қобуснома”, “Сиёсатнома”, “Синдбаднома”, “Калила ва Димна”, Саъдийнинг “Гулистон”, Румийнинг маснавийлари, Аттор, Низомий ва Жомийнинг асарларини) иқтибослар келтириб, турли-туман асарлар яратиб болалар адабиёти ривожига катта хисса кўшдилар. Ислом дини кириб келишидан олдинги давр матнларидан болаларга мослаштириб қайта ишланган асарлар категорига Арслон Пурёнинг “تیرانداز ارش” (“Ораш ўқотар”), Баҳром Байзоййнинг “ارش” (“Ораш”), М.Кашқулийнинг “اسنه باران” (“Ораш”), Мехрдод Баҳорнинг “جمشید شاه” (“Шоҳ Жамшид”) асарлари; Ислом дини кириб келганидан кейинги давр болаларга мослаштириб қайта ишланган асарлар категорига эса Озод Техроний ва Куруш Мехребонларнинг “Шоҳнома”си, Мехди Ozар Яздийнинг “Сиёсатнома”, “Калила ва Димна”, “Мусибатнома”, “Маснавийэ маънавий” асарларини, Муртазо Кермонийнинг “Гулистон” ҳикоятларининг қайта ишланган варианtlарини мисол килиб келтириш мумкин<sup>214</sup>.

XX аср 50–60-йилларда форс болалар адабиёти янада ривожланди. Болалар ёзувчиларининг сафи Жамол Мирсадикӣ, Тон-

<sup>213</sup> Каранг: Юнусова Д. Самад Беҳрангий ижодида болалар мавзуси. Олами романтик англаш хусусиятлари. – Т., 2008.

<sup>214</sup> محمد حقوقی، مروی بر تاریخ ادب و ادبیات امروز ایران. تهران. 1377 (1998)ص36

кобоний, Симин Донешвар, Қаріб, Парвізий, Бобо Мұқаддам, Жалол Оле-Ахмад ва Иброҳим Гулистон ва бошқа қalamкашлар ҳисобига кенгайди. Уларнинг аксарияти катталар адабиёти вакиллари бўлишига қарамай болаларга атаб асарлар яратдилар. Улар ўз ҳикояларининг аксариятида қаламга олган воқеалар болалар нигоҳида мушоҳада этилади. 50–60-йиллар болалар адабиётида психологиязмнинг кучайиши, ёш қаҳрамон талқинида уни ёш бола тарзида эмас, балки ҳаётга тобора жадал кириб келаётган, ўз қарашларига эга бўлган шахс сифатида тасвирлашга интилиш кучайди. Улар ижодида ўша давр форс адабиётида кент тарқалган тумтароқли иборалардан фойдаланмаса-да, ажойиб лирик тасвирларга бой ҳикоялар яратдилар.

Шундай қилиб, болалар адабиёти форс адабиётининг ажралмас бир қисми бўлиб, унинг тарихи қадимий насрый ва назмий асарлар, турли ахлоқий китоблар – панднома, насиҳатномаларга бориб тақалади. Эронда соф болалар адабиёти намуналари эса маърифатпарварлик даврига келиб вужудга кела бошлиди. XX аср биринчи ярмида болалар адабиёти шеър (Ираж Мирзо, Нимо Юшиж, Аббос Яманий Шариф), эртак (Фазлуллоҳ Субҳий Мухтадо, Абулқосим Жаннатий Атоий, Кухий Кермоний, Муҳаммад Бокир Ҳушёр, Рассом Аржангий), матал (Содик Ҳидоят “شنگول و منگول” («Шангул билан Мангул»), “أقاموش” («Жаноб сичқон») каби маталлар тўпламини қайта ишлаб ёзди), таржима асарлар (“Муҳаммад Қозий Сент Экзюперининг машҳур “Кичик шахзода” асарини, Маҳмуд Эътемодзода Ромен Роланнинг “Жан Кристоф”, Содик Чубак “Алиса ажойиботлар мамлакатида” асарини ва Иброҳим Гулистон эса Марк Твенning “Том Сойер ва Гекелбери Финнинг саргузашлари” асарларини, шунингдек, дунёга машҳур Ҳанс Кристиан Андерсен ижодидан намуналарни форс тилига моҳирлик билан ўгиришиди”<sup>215</sup>) ва ҳикоялар (Жамол Мирсадикӣ, Тӯнӯкебӯний, Симин Донешвар, Қаріб, Парвізий, Бобо Мұқаддам, Жалол Оле-Аҳмад, Иброҳим Гулистон) шаклида бўлиб, кейинги давр болалар адабиёти учун замин тайёрлади.

<sup>215</sup> محمد حقوقی، مروری بر تاریخ ادب و ادبیات امروز ایران. تهران. 1377 (1998) ص 34-33

## 4.2. Болалар мавзусидаги ҳикояларнинг тарихи ва образлари

Маълумки, болалар адабиёти, болалар мавзусидаги ҳикояларнинг бир қанча ўзига хос ҳусусиятлар мавжуд бўлиб, улар даставвал тарбиявийлик ва маърифийликда акс этади. Эронда болалар мавзусидаги асарлар яратишда ўз дунёқаралини ва ҳаётий маслагига, ўзига хос овозга эга бўлган, ҳозирги замон эрон ҳикоянавислигининг таникли вакилларидан бири маҳоратли адаб Фаридун Амузода Халилийдир. Биз унинг ижодини болалар адабиётининг юксак намунаси сифатида таҳлилга тортамиз. Унинг адабий фаолияти XX асрнинг 80-йилларида бошланган.

Фаридун Амузода Халилий – 1959 йили Эроннинг Семонон вилоятида дунёга келган. 1979 йили Техрон университетининг математика ва компьютер технологиялари факультетига ўқишга кирган. 1980 йилдан бошлаб бадиий адабиёт билан шуғуллана бошлаган. “**فریاد کوہستان**” (“Тоғ фарёди”, 1981) номли ҳикоялар тўплами унга шуҳрат келтирди. Бундан ташқари “**میرزم**” (“Ўтин”), “**سنه ماه تعطیلی**” (“Имтиҳон кунлари”), “**روزهای امتحان**” (“Уч ой каникул”), “**آن شب که بی مهمن ما بود**” (Бувим бизникида меҳмон бўлган кечা”), “**دو چرخه آفاجان**”, “**سفر**” (“Дадамнинг велосипеди”), “**سفر به شهر سلیمان**”, “**چشمہ کوچک**” (“Булоқчанинг сафари”), “**سفر به شهر سلیمان**”, “**دو خرمائی نارس**” (“Икки дона пишмаган хурмо”), “**آن سوی صنوبرها**” (“Қарагайзорлардан нарида”) каби қатор ҳикоялар муаллифи. 2008 йилда адабий ва маданий соҳалардаги хизматлари учун ЭИР Маданият вазирлиги томонидан “Биринчи даражали санъат ордени” билан мукофотланди. Шунингдек, “**Інқиlobdan кейинги йигирма йилнинг энг яхши йигирмата ёзувчилари**”дан бири, “**Олтин лавҳа**” мукофоти совриндори. Бундан ташқари, у “Ўтин” ҳикоялар тўплами учун Юнесек (Бирлашган миллатлар ташкилотининг болалар жамғармаси) ташкилотининг маҳсус совринига сазовор бўлди.

Ижодкор ўз асарларида оламни ва одамни, табиат ва инсонни тасвирлаш жараёнида янги-янги ифода усусларини яратади, чукӯр мулоҳазага чорловчи турли фалсафий қарашларни илгари суради. Кенг китобхонлар ва адабий танқидчилар эътирофига сазовор бўлган А.Халилийга катта шуҳрат келтирган **سفر چشمہ**“

**کوجى** (“Булокчанинг сафари”)<sup>216</sup> түпламидан болалар ва ўсмирлар мавзусидаги ҳамда болалар ва ўсмирларга мўлжалланган ҳикоялар жой олган. Тўпламдан ўрин олган “Булокчанинг сафари” ҳикояси ҳам ўсмир китобхонларга мўлжалланган бўлиб, унда эзгуликка қаратилган ғоя ва қарашлар турли бадиий образлар, рамзлар орқали ифодаланиши билан ажратиб туради. Болалар адабиётига хос эртаксимон жозибали усулда ёзувчи атроф-муҳит, табиатни сақлаш, экология тозалиги, яхшилик ва ёмонлик тушунчалари билан таништиради.

Ҳайвонлару паррандалар образи, табиат ҳодисалари орқали жамиятдаги, инсонлар ўртасидаги муносабатларни тасвирлашга тобора кўпроқ эътибор қаратилгани ҳам бу давр ҳикоячилигининг муҳим хусусиятидир.

Унинг кўплаб ҳикояларида ислом оламининг адабий, фалсафий меросининг таъсири, эртак анъанаси, миллий колорит сезилиб туради. Таҳлилга тортмокчи бўлганимиз “Булокчанинг сафари” ҳикоясида ҳаёт мазмуни, инсон ва тақдир, иймон-эътиқод ва поклик каби диний-фалсафий мавзулар камраб олинган. Бу ҳикояда ёзувчи ўзининг маънавий изланишларининг рамзий ечимини излайди. “Булокчанинг сафари” ҳикоясидаги реаллик, борлиқ ўз аслиятини йўқотмайди, лекин шу билан бир вактда, уларни яратиш воситалари рамзийлик ва эртаксимон тусга киради. А.Халилий ҳикояда инсонни булоқчага, инсон ҳаётини эса сафарга қиёслайди.

“Булокчанинг сафари” ҳикояси Худо қора ер қаъридан булоқчани яратганлиги тасвири билан бошланади. Кичкина булоқча тоғлар бағридан чиқиб келади ва ўзини тошлар орасига олади. Булоқча неча-неча йиллардан бери бошқа жойни билмайди. Эндиликда булоқчанинг суви айниб, унинг атрофини балчик қоплаб олган. Муаллиф булоқчанинг “ўзини тошлар орасига олиши, ўша ернинг ўзида гойиб бўлиши” ибораси билан ҳаракатсизлик, олдинга интилмаслик, бефарқлик каби иллатларни ва бунинг натижасида келиб чиқадиган ҳолат “сувнинг айниши, атрофини балчик қоплаб олиши”ни кичик бир жамиятга қиёслайди. Ҳақиқатан ҳам инсон олдинга интилмас экан, ўзи яшайдиган жойдан бошқа жойни билмай яшар экан унинг келажаги йўқ ва у жаҳолатга маҳкум. Атрофини бокиманда, бефарқ инсонлар гурухи ўраб

<sup>216</sup> قریدون عموزاده خلیلی. سفر چشنه کوچک. تهران. 2008.

оладики, улар ҳаракатсиз инсонни яна ҳам күпроқ үз таъсирига тортади. Муаллифнинг бу ҳолатни “балчикда ўрмалаб юрган чувалчанглар булоқчанинг баданини илма-тешик қилиб ташлашган эди” жумлалари орқали ифодалаши ўқувчини ўйлантириб қўяди, мuloҳазага чорлайди. Булоқчанинг бу ҳолатидан рози бўлмаган Худо оқ булут шаклидаги фариштани юборади ва булоқчани сафарга чиқишга ундейди:

چشمہ کوچک هنوز از خواب بیدار نشده بود که صدای ناله ای شنید.  
چشمهاش را باز کرد.

ابر سفید زیبایی را نید که گریه میکرد و باران باری می بارد. چشمہ کوچک هیچ وقت ندیده بود که ابرهای سفید گریه کنند. چشمہ پرسید: ابر سفید چرا گریه میکنی؟ ابر سفید گفت: من از راه دوری آمده ام. از کوهها و بیابانها گذشته ام. آمده ام تا به چشمء کوچک بگویم که خدا از او راضی نیست. آمده ام تا به چشمء کوچک بگویم که دریا پریشان است. چشمہ پرسید: چرا؟ ابر سفید گفت: خدا چشمء کوچکرا آفریده است تا با سفرش به دریا زندگیرا در همه جا جاری کند. با اب خنکش:

کویرهای سوزان را خنک کند.  
آهوهای تشنه را سیراب کند.

گیاهانرا سبز نگه دارد و آب شیرین را به پرندگان دریا بر ساند<sup>217</sup>

“Булоқча ҳали уйқудан уйғонмасдан туриб, қандайдир бир нолани эшилди. Кўзларини очди. Йиглаётган ва ёмғирларини ёғдираётган чироили Оқ Булутни кўрди. Булоқча бирор марта ҳам Оқ Булутнинг йиглашини кўрмаган эди.

— Эй Оқ Булут, нега йиглаяпсан? — деб сўради Булоқча.

Оқ Булут тилга кирди:

— Мен узоқ иўлдан келдим. Булоқчага Худо ундан рози эмаслигини айтиши учун тоглар ва чўллардан ўтиб келдим. Мен Булоқчага Денгизнинг кўнгли гаш ва безовта эканлигини билдириши учун келдим.

— Нега? — деб сўради Булоқча.

Оқ булут деди:

<sup>217</sup> (Колган барча فریدون عموزاده خلیلی. سفر چشمہ کوچک. تهران. 2008 ص 13) (Фридун Умурзаде Хильї. سفر چشمہ کوچک. 2008)

— *Худо Булоқчани Денгизга сафар қилиши ва шу орқали ҳамма жойда ҳаётни яшинатиши учун яратган. Худо Булоқчани ўзининг муздек суви билан*

*Жазирاما чўлларга салқинлик багишлаш;*

*Ташна оҳуларнинг чанқогини қондириши;*

*Ўт-ўланларни ям-яшил ҳолда сақлаш*

*Ҳамда Денгиз қушларига ичимлик суви етказиб бериш учун яратган.* <sup>”<sup>218</sup></sup>

Ёзувчи характер яратар экан, турли бадиий услублардан фойдаланади. А. Халилий бу ерда чиройли лирик, шоирона услубдан фойдаланган. Ҳикояда олам алмашинувига ҳам ишора бор, дengизлардан булатлар ҳосил бўлади, улар булоқлар яратади, бутун мавжудотни Худо яратганиллигига доимо ургу берилади. Оқ булат олий-жаноблик рамзи. Оқ булатнинг хитобидан кейин булоқча ўйга чўмади. Узоқ ўйланишдан кейин ниҳоят сафарга чиқишига қарор килади. А.Халилий сафар мохиятини очиш давомида ҳикоя сюжетига бир қатор рамзий образларни, кутилмаган воқеаларни киритган. Оламда яхшилик билан ёвузлик ҳамиша ёнма-ён келади. Булоқча атрофидаги балчиқларда ин кўйган чувалчанглар, кўлмак сувлар, шўр босған ер, қуюн булоқчанинг сафари давомида унга тўсқинлик қилалигидан, уни алдамокчи, ҷалғитмоқчи бўладиган рамзий образлардир. Улар ёвузлик тимсолидир. Ёзувчи ҳамма образларни жонлантириб “ташхис” санъатидан фойдаланган.

Балчиқ чувалчанглари унинг йўлини тўсмоқчи бўладилар:  
акл چشمे راه بیفتد آبشرا هم با خود ش میرد. حیوانهای دیگر آش را می نوشند به جانش دعا می کنند. کویر آبشرا مینوشد و بر بستر ش گل و سبزه می رویاند. و دریا آبشرا در آغوش میگیرد و برایش آواز محبت را زمزمه میکنند.  
نه. نباید بگذاریم چشمے عزیز شود. نباید بگذاریم همگان چشم به راه چشمے بدورزند. نباید بگذاریم که هر جا که زندگی هست آوازه چشمے هم جاری شود. کرمها گفتند: چشمے که برود لجنها خشک، خواهد شد. آب چشمے زلال جواهد شد و ما که فقط می توانیم در لجهای اطراف چشمے زندگی کنیم آن وقت چه خواهیم کرد؟ بلاخره کرمها گفتند: پس هیچ وقت نباید بگذاریم چشمے به فکر دریا بیفتد. هیچوقت نباید بگذاریم که چشمے به دریا برسد.

“Агар Булоқча йўлга тушадиган бўлса, сувини ҳам ўзи билан олиб кетади. Бошқа ҳайвонлар унинг сувидан ичиб, уни дуо қила-

<sup>218</sup> Булоқчанинг сафари. Ҳикоялар. – Т., 2010. 7-б.

*дилар. Җүл унинг сувидан ичиб, ўз бағридан ўт-ўланларни ўстиради. Денгиз унинг сувларини ўз бағрига олиб, унга муҳаббат күшигини айтиб беради.*

*Йўқ-йўқ, биз Булоқчанинг эъзозланишига йўл қўймаслигимиз керак. Барчанинг Булоқнинг сувига кўз тикишларига йўл қўймаслигимиз керак. Ҳаёт мавжуд бўлган барча жойда Булоқнинг шуҳрати овоза бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.*

— Агар булоқ Денгиз томон йўл олса, балчиқлар қурийди, Булоқчанинг суви тиниқлашади. Унақада фақатгина Булоқ атрофидаги балчиқларда яшай оладиган бизларнинг аҳволимиз не кечади? — дедилар чувалчанглар.

*Улар ўйлай-ўйлай, ахийри шундай қарорга келдилар:*

*Демак, биз ҳеч қачон Булоқнинг Денгиз томон йўл олиши фикрига тушишига йўл қўймаслигимиз керак. Ҳеч қачон Булоқнинг Денгизга етиб боришига йўл қўймаслигимиз керак.* <sup>219</sup>

Ҳикояда А.Халилий булоқча ва бошқа қаҳрамонларга юклатилган вазифани уларнинг фикрлари, гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари орқали очиб беради. Ўсмир болаларга бундай ёндашув қулайлик беради. Ҳикоядаги балчик чувалчанглари образи орқали адаб жамиятдаги ҳар қандай янгиликка эътиroz билдирадиган, бошқаларнинг ютуғини қўра олмайдиган, фақат ўзинигина ўйладиган бир гуруҳ инсонлар тоифаси тимсолини яратган. Булоқча тимсолида эса ҳаёт қийинчилкларидан қўрқмайдиган, курашувчан, иродали инсонлар образи акс эттирилган.

Ҳикояда бош қаҳрамон — Булоқчанинг воқеликка бўлган муносабати, ички кечинмалари, ҳис-туйғулари муаллиф нутқи орқали баён этилган бўлса, ҳикоянинг бош гояси ва мақсади қаҳрамонлар нутқи орқали очила боради. Муаллиф Булоқчанинг сухбатдошлари образини яратар экан, уларнинг ҳар бирига маълум бир вазифани, маълум бир моҳиятни юклайди ва натижада ажойиб образлар мажмуасини ташкил қиласди. Оқ булат, шамол, чўл, гуллар, майсалар, момо ер, қушлар, охулар Булоқчага хайриҳоҳ қаҳрамонлар. Улар Булоқчанинг Денгизга етиб бориши учун қўлларидан келганча ҳаракат қиласдилар, ўз хиссаларини қўшадилар. Бу образлар ҳаётда дўстига ҳар қандай шароитда ёрдам қўлини чўзувчи, меҳрибон ва софдил кишилар тимсолидир. Ҳикояда

<sup>219</sup> Булоқчанинг сафари. Ҳикоялар. 8-б.

рамзлардан ташқари чүпон йигит образи ҳам бор. У ижобий образ. У күлмак сувлар асирилгига тушиб қолган Булоқчага үзи англамаган ҳолда мақсадини эслатиб қўяди, Булоқчанинг асирилкдан қочишининг бош сабабчиси хисобланади. Ниҳоят, ҳикояда булоқча олдида учраган қийинчиликларга қарамай ӯзининг ёруғ келажаги, орзуларига интилиши кўтаринки кайфиятда қолишидан далолат беради:

يىكىفعە دە انبوھ ئاب دریا غرق شد...

اما چشمە كوچك حالا دىيگر كوچك نبود. به اندازه يك دریا بىزىگ بود.  
چشمە كوچك رە شدە بود.  
ابر سفید به دریا نگاه كرد. بعد به راه دریا كە چشمە پشت سر گذاشته بود  
خېرە شد.

چشمە كوچك پشت سر خود را آباد و سبز و خرم كرده بود. در راه چشمە زندگى جريان داشت.  
علفهای معطر و تازه و گلهای رنگارنگ روپىدە بود. در راه چشمە آهوها و گوزنها و پرنده ها جست و خيز مېكىرند و آب چشمە را مى نوشىدند.  
در راه دورى گله بىزىگ گوسفندان چرا مېكىرد و چوپان با شادى نى مى نواخت.

باد صدای گلها آهوها و نى چوپانرا مى آورد.

“Бирданига Денгизнинг улкан сувида гарқ бўлди....

Аммо Булоқча энди Булоқча эмасди. У катта бир Денгизга айланган эди.

Оқ Булут Денгизга қаради. Сўнгра Булоқча босиб ўтган йўлга тикилди.

Булоқча ӯзининг босиб ўтган йўлини обод ва ям-яшил қилган эди. Булоқча босиб ўтган йўлда ҳаёт изга тушган эди.

Бу йўлда турли-туман ўт-ўланлар, рангбаранг гул-чечаклар ўсган эди. Булоқча босиб ўтган йўлда охулар, кийиклар ва қушлар сакраб-сакраб юришар, булоқнинг сувларидан ичишарди.

Узоқда йирик қўйлар подаси ўтлаб юрар, чўпон шодон най чаларди.

Шамол гуллар, охулар ва чўпон найининг овозини олиб келарди.<sup>220</sup>

<sup>220</sup> Булоқчанинг сафари. Ҳикоялар. 29-6.

Ҳикоядан келтирилган бу мисолдан қўришимиз мумкинки, адаб мусиқий оҳанг яратган ва достонларга хос шоирона услубдан фойдаланган.

Ҳикоя болалар ва ўсмирлар аудиториясига қарата ёзилган бўлса-да, катталарга ҳам сабоқ бўладиган жиҳатлари бор. А.Халилий мазкур ҳикояда нима учун айнан булоқчани рамз сифатида танланган? Мъалумки, булоқ, умуман, сув софлик, тиниқлик, поклик рамзи. Бу ҳикояда эса Булоқча – иродали, софдил инсон рамзини ифодалаб келмоқда. Булоқчани тўхтатиб ёки кўмиб қўйиб бўлмайди, агар кўмиб ташласа, бошқа бир жойдан йўлини топиб оқишида давом этаверади. Шу оқиши давомида неча-неча жойлардан окиб ўтади, қанча-қанча йўл босади, қанча тўсиқларга учрамасин, барибир оқаверади. Курашувчан ва иродаси мустаҳкам инсон ҳам худди шундай. Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт йўли, манзили, бажарадиган вазифалари мавжуд, у ўзига берилган мана шу йўлни босиб ўтиши лозим. Шу боис, Булоқчанинг сафаридан А.Халилий инсон тақдирни, ҳаёт йўлини акс эттиришда рамз сифатида фойдаланган.

Таъкидлаш жоизки, бу тариқа рамзлардан, сафар, йўл мотивидан фойдаланиш Эрон адабиёти учун янгилик эмас. Умуман сафар ва йўл мотивидан Шарқ адабиётида турли мақсадларда фойдаланилган. Масалан, шу каби сафар мотивидан фойдаланиб яратилган энг машҳур асарлардан бири Ф.Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”, А.Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарларини олсак, уларда күшларнинг сафари орқали комиллик йўлини тутган инсоннинг бу йўлдаги мashaқатлари ўз ифодасини топган. Жаҳон адабиётида ҳам бунга кўп мисоллар топиш мумкин. Суриялик ёзувчи Жўрж Салимнинг “Поезд”, “Саҳро йўлида” каби ҳикояларида ҳам сафар ва йўл мотивларидан фойдаланилган<sup>221</sup>.

А.Халилий “Булоқчанинг сафари” ҳикояси кўп жиҳатдан 50–60-йиллар болалар ёзувчиси Самад Беҳрангийнинг (1939–1968) “ماھي سیاھ کوچولو” (“Кичкина кора балиқча”)<sup>222</sup> ҳикояси билан ҳамоҳанг. Шунинг учун биз А.Халилийнинг мазкур ҳикояси С.Беҳрангийнинг “Кичкина кора балиқча” асари таъсирида ёзил-

<sup>221</sup> Мухиддинова Д.З. Жўрж Салим ҳикояларида бадиий тафаккур эволюцияси. – Т., 2007. 81-б.

<sup>222</sup> صمد بہرنگ. قصہ‌های بہرنگ، متن کامل، تهران: میلاد، ۱۳۸۴

ган дейишимиз мумкин. Самад Беҳрангийнинг кичкина балиқчаси 50-йиллардаги Эрон халқининг миллий озодлик ҳаракатининг фаол намояндаси рамзиdir. Маълумки, миллий озодлик ҳаракати Эрон ҳукумати томонидан бостирилди. Эндинга мақсадимга етдим деб турган қора балиқчанинг баликхўр қушнинг ўлжасига айланиши ва шу билан унинг саргузаштларининг тугаши ҳам миллий озодлик ҳаракатининг қаттиқ зарбага учраб, тўхтатилишининг рамзий ифодасидир. Бу ҳақида В.Б. Кляшторина ўзининг “Самад Беҳрангийнинг “Кичкина қора балиқча” ҳикояси ва унда ижтимоий янги, фаол шахс тимсоли” мақоласида ҳам келтириб ўтган<sup>223</sup>. Ижодда ўзидан олдин ижод қилганларнинг асарларига мурожаат қилиш ёки улардин таъсирланиб асар яратиш тез-тез кузатиладиган ҳодиса, лекин ҳар бир ёзувчи унга ўз дунёқарашидан келиб чиқсан ҳолда ёндашади. С.Беҳрангийдан фарқли равишда А.Халилий ўз ҳикоясида Булокча барча қаршиликларга қарамасдан ўз йўлида давом этади ва Денгизга етиб келади. Демак, А.Халилийда воеа ечими умидбахш тамойилга эга.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, адабнинг “Булоқчанинг сафари” ҳикоясида ёзувчининг дунёқараши ва фалсафий мулоҳазалари аниқ кўрсатиб берилган.

Шу билан бирга ҳикояда замоннинг долзарб муаммоларидан бўлмиш экология масаласи ҳам кўтариленган. Табиатни асрар, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш каби ғоялар ҳам илгари сурилган. Бу каби долзарб масалаларни адабиётда акс этиши жаҳон адабиётида, жумладан ўзбек адабиётида ҳам кўп учрайдиган ҳодиса бўлиб, адабиётшунослар Ш.Дониёрова<sup>224</sup> ва Г.Тавалдиевалар<sup>225</sup> ҳам ўз номзодлик диссертацияларида Шукур Холмирзаев ижодида табиат ва инсон муносабатлари, экология, табиат ҳақида қайгуриш мавзусида яратилган ҳикояларни таҳлилга тортганлар.

Амузода Халилийнинг болалар ва ўсмиrlар учун ёзган ҳикоялари орасида бошқа минтақа аҳли, бошқа инсонлар тақдирни масала-сига бағишланган ҳикоялари ҳам бор. Унинг айнан шу масалага

<sup>223</sup> Карап: В.Б. Кляшторина. Иран 60–80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – С. 144.

<sup>224</sup> Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги. –Т., 2000. 59–69-б.

<sup>225</sup> Тавалдиева Г.Н. Шукур Холмирзаев ҳикояларида воеликни бадиий идрорк этиш принциплари. –Т., 2001. 31–58-б.

багишилаб ёзилган ҳикояларидан бири “لۇرى سۇرىرە” (“Қарағай-зорлардан нарида”)<sup>226</sup> деб номланади. Бадийлик билан бир қаторда маърифийлик ва тарбияййлик ғоялари етакчи ўрин тутган мазкур ҳикоя сюжети учун эскимослар ҳаёти асос қилиб олинган. Нима учун адид айнан эскимослар ҳаёти ҳакида ёзди? Бизнингча, Амузода Халилий об-хавоси совук, оғир иқлимда яшовчи, иродаси мустахкам, оғир табиатли одамлар ҳакида асарлар ёзган америка ёзувчиси Жек Лондон ижодидан таъсирланиб бу ҳикояни яраттган.

Бизга маълумки, эскимослар Аляска, Шимолий Канада, Гренландия ва Россия Федерацияси (Магадан вилояти)да яшовчи, асосий машғулотлари овчилик ва балиқ овлаш бўлган халқлар гурухи. Диндорлари анимизм ва шомонийликни сақлаб қолганлар. Эскимослар табиат оғушида яшовчи яхши руҳлар ва даҳшатли маҳлуклар кўринишида пайдо бўладиган ёвуз руҳлар мавжудлигига ишонишади. Ҳар бир эскимослар кишлоғида яшовчи коҳин (шаман) эса руҳлар дунёсини одамлар билан боғлаб турадиган воситачи ҳисобланади. Улар асосан балиқ гўшти, ўтлар ва сув ўтлари билан озиқланадилар.

Ҳикоя эскимослар одатига кўра жуда қариб қолган одамни кишлоқдан олисда жойлашган ўлим кулбасига олиб бориб қўйиш ҳакидаги суҳбат билан бошланади. Эскимослар ақидасига кўра жуда қариб қолган кекса кишиларнинг баданида шайтон ин қуриб олади ва у кулбалар атрофида изгий бошлайди. Бу нарса эса кишлоқ эскимосларининг бошларига бало ва кулфат ёғила бошлашига сабаб бўлади.

Ҳикояда тасвирланган воқеаларда меҳр-муҳаббат мотиви етакчи мавқе эгаллайди. Бобосига бўлган чексиз меҳри сабаб урф-одатларга қарши чиқа олган ёш авлод – эскимос қизча Том образи ҳикоя сюжетини яна ҳам таъсирчан чиқишида, қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини очишида асосий восита бўлиб хизмат қиласди. Бобосининг ортидан ўлим кулбасини топиб борган Томнинг хаёлидан фақат бир нарса ўтади:

“Том бобоси айтиб берган ривоятлар ичida ўлим кулбасини одат тусига киргизган биринчи коҳинни исмини эслашга уринди. Лекин миясида фақат жасур овчи Ona Куданнинг исми чарх

<sup>226</sup> فریدون عموزاده خلیلی، سفر چشمه کوچک، تهران، 2008 ص 229

*урар, ўша лаънати одатни чиқарган биринчи қоҳинни ислим ҳечам эсига келмасди*”<sup>227</sup>.

“Инсоннинг табиий мұхитта бўлган муносабати, табиатнинг инсон ҳаётида ўйнаган бекиёс роли каби бокий муаммолар кўп-лаб ёзувчилар томонидан турли аспектларда бадиий таҳлил этиб келинган. Пейзажнинг ёзувчи ёхуд персонаж томонидан асар тў-қимасига турли шаклларда сингдирилиши тасодифий бўлмасдан, ғоянинг образли ифодасини таъминлашга йўналтирилган ёзувчи маҳоратини, бадиий имкониятларини намойиш этади. Натижада унинг қаҳрамон ҳолати (вазияти, кечинмалари, ҳиссиёти)ни ку-чайтирувчи, далилловчи роли ортади.”<sup>228</sup> Пейзажнинг асар ғояси-ни, ёзувчи ниятларини юзага чиқаришдаги аҳамияти катта бўлиб, унга юкланаган аксарият вазифани бошқа йўллар билан ифода-лашни, тасвирилашни тасаввур қилиш қийин. “Қарагайзорлардан нарида” ҳикоясидаги лавҳаларда адаб қаҳрамонлар кайфиятини кўрсатиши пейзажга юклайди. Гўё улар қалбларида кечаётган мураккаб кечинмалар ифодасига оддий сўзлар ожизлик қилган-дек бўлиб кўринади. Муаллиф табиат манзаралари тасвирини асар ғоясига, ижодий ниятига хизмат эттиришнинг янги-янги йўлларини кашф этади. Бу тасвир ким томонидан: муаллиф ёки қаҳрамон номидан, воқеа аввалида ё якуннида бериладими – ҳам-маси муаллиф ниятлари, мақсадлари, миллий рух ва бошқа кўп-гина нарсалар билан боғланиб кетади. Набиранинг ҳолати табиат ҳолати тасвири орқали аникланади. Шу тарзда пейзаж воқеалар тасвирига табиий равишда сингиб кетади. Муаллиф чол ва наби-ранинг руҳан якин эканликларини табиат манзаралари тасвири орқали рӯёбга чиқаради. Ҳикоя қаҳрамонларининг ички дунёси, руҳий ҳолатини очиб беришда ёзувчи пейзаждан унумли фойда-ланади. Ёзувчи бош қаҳрамон билан боғлиқ воқеаларда табиат манзарасининг батафсил тасвирини қаҳрамон руҳияти билан боғ-лаб, гўзал бадиий чизгиларда беради, таъсирини тасвирилади. Адабиётда йил фаслларидан инсон руҳиятини очишда фойдала-ниш янгилик эмас. Масалан баҳор висол, яшариш, янгиланиш; қиши кексалик ёки бегуборлик; куз айрилик, маҳзунлик, руҳий тушкунлик; ёз тўкин-сочинлик комиллик, каби маъноларни ва

<sup>227</sup> Булоқчанинг сафари. Ҳикоялар. 189-б.

<sup>228</sup> М. Султонова. Пейзаж санъати. –Т., 1983., 85-б.

улар билан бөглиқ инсон рухиятини ифодалайди. А. Халилий ҳикоя вөкөалари бўлиб ўтадиган макон тасвирида ҳам киш фаслиниг ўзига хос гўзаллигига эътибор қаратар экан, қорга бурканган табиат манзаралари оркали қаҳрамон ўй-кечинмаларини, кайфиятини ифодалаган. Инсоний туйгулар ва табиат манзаралари ўзаро уйғунлик касб этади:

*“Кечаси билан қор ёғиб чиқди. Аммо тонг отиши билан ҳудди мўъжиза юз бўлганидек қор ёғишидан тўхтаб, қутб қуёши яна ўзининг оч яшил тусдаги нурини сочганича бош қўтарди-да, оптоқ ва шаффоғ кенг даштга сеҳрли яшил ва ферузавий ранг берди.*

*Галати бир овоз қизни уйқудан уйғотиб юборди-да, кулбанинг ташқарисига етаклади. Энди қуёшнинг ўша сеҳрли нурларидан асар ҳам қолмаган, энди даштни фақатгина қутб тонгининг қизгиш-сариқ ранги ёритиб турарди. Кулбада ҳеч ким йўқ эди. Саросимага тушиб кулбадан ташқарига отилди”*<sup>229</sup>.

Юкоридаги лавҳадан Кутбда тонгнинг нақадар чиройли отиши, аммо бобосининг кетишидан умидсизликка тушган киз учун бу гўзал тонгнинг ҳеч қандай қиймати йўклиги англашилади.

Инсоннинг рухий оламини, фикр-ўйларини кўрсатишга картилган асарларда пейзаж тасвирига жиддий маъно ва мазмун юкланиши табиийдир. А. Халилий пейзажни қаҳрамонлар қалби оша ўтказишга катта эътибор беради. Пейзаж билан қаҳрамон ўргасидаги муносабатлар янада узвий тус олади. Ўзида маълум тушунчаларни ифодаловчи табиат ҳолатлари, предметлари тасвиридан фойдаланиш ёзувчининг миллат рухини, қаҳрамон тафаккурининг ўзига хослигини таъкидлашига кўмаклашади. Шу ўринда адид нима учун хикоянинг номланишини “Қарагайзорлардан нарида” деб номлади, деган ҳакли савол туғилади. Қарагай рамзи турли миллатларда турлича талкин килинади. Масалан, японлар ва хитойларларда карагай ҳатто совук киш кунларида ҳам ўз нина япроқларини йўқотмагани учун абадийлик, узок умр, ҳаётин куч рамзи бўлса, Шаркий Осиёда қарагайни хар қанча узок йил умр кўрса ҳам ўз кўрку тароватини йўқотмай, ям-яшил бўлиб тургани сабабли “ҳаёт дарахти” дейдилар. Адид айнан мана шу рамзларни муштарак томонини бирлаштириб, бош қаҳрамон Бобонинг тақдирига ишора сифатида хикояни “Қарагайзорлардан нарида” деб номлаган. А. Халилий умри тугаб бора-

<sup>229</sup> Булоқчанинг сафари. Ҳикоялар. 171-б.

ётган Бобо образи орқали кексайиб, кучдан қолган бўлишига кара-май, ақидаларига содик қолган, ўз ишининг устаси, моҳир овчи, асл эскимос тимсолини яратган.

Ҳикояда адаб чолнинг ўлим кулбасига кетиш олдидан кечган руҳий кечинмалари, ўй-фикрлари орқали унинг самимий кўнглини акс эттирган. У бир кун келиб ҳамма ўша ўлим кулбасига боришини билади, ўлим ҳақлигини тан олади, лекин унинг қачон бўлишини ҳеч қачон аниқ била олмайди. Мана шу кун келганини эса ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган набирасидан эшитади. Ҳикоя давомида бош қаҳрамон хаёлга, хотирага кўп берилади. Ўз хис-туйгуларини, теран кечинмаларини монолог шаклида баён этади. Китобхон қаҳрамоннинг нутқини тингларкан, у ҳам образга қўшилиб, хаёл оғушига чўмади ва қалбида чолга ҳамдардлик хисси пайдо бўлади. Бобо набираси ўлим кулбаси ҳақида тушунча бераркан хотиralарга берилади:

“— Бундан роппа-роса эллик-олтмиши йиллар олдин эди. Шундай кечалардан бирида кекса отамнинг кулбасидаги оловни ўчирдим ва бирга йўлга тушибик... Ярим кунча йўл юрганимиздан кейин отам юра олмай қолди. Уни елкамга опичиб олдим. Кутуб юлдузи ботгунча боришимиз керак бўлган ўша жойга етиб бордик.”<sup>230</sup>

Набираси Томга ўз отасини қачонлардир “ӯша жой” дегани – ўлим кулбасига олиб бориб қўйгани ҳақидаги воқеани сўзлаб берган кекса Бобонинг бу гаплари ҳикоя ичида ҳикоя услубида ёзилган.

Баён услуби бой ва ўзига хос бўлган “Қарағайзорлардан нарида” ҳикоясида ўхшатишлардан ҳам кенг фойдаланилган. Ҳикояда “Кундуз ўғлининг жигарранг айиқ каби бошини қуий солиб олганича тез-тез қадам ташлаб кетаётгани, бобонинг яралangan кекса бугу каби оқсоқланганча қишлоқдан узоқлашиши, онасининг худди қишики уйқуга кетган жониворлардек қотиб ухлашини, Томнинг қутуб тулкилари каби ерни искаши, бир им каби бобосига эргашиб ичкарига кириши, қора булатлар жисплашиб катта қора айиқ шаклига кириши” каби ўхшатишлардан кенг фойдаланилган. Бу мисолларда ҳайвонлар билан боғлик ўхшатишларнинг зиёдлиги эскимослар яшайдиган муҳитдан келиб чиқкан деб хисобласа бўлади. Ҳақиқатан ҳам, эскимослар табиат болалари, ундан асло узилмайдилар. Бу ўхшатишлар эскимосларнинг фикрлаш тарзини

<sup>230</sup> Булокчанинг сафари. Ҳикоялар. 170-б.

тасаввур килишга кўмаклашади. Ҳикояда қаҳрамон руҳий ҳолати табиат билан қиёслаштириб берилган ўринлар ҳам мавжуд:

“Баҳор қуёши чиқиши билан эриб кетадиган дарё музларининг овозидай синик,” – деб ўйлади Том. Бироқ бобоси: “Кекса тюлень белига эскимос овчисининг гурзиси урилгандан кейин унинг суюклари синишидан чиқсан овоз каби синик.”<sup>231</sup>

Ҳикояда эскимосларгагина хос характер, мағрурлик, урф-одат ва маросимлар, миллий ақидалари жуда ҳаққоний тасвирангган. Чолнинг қўлларини осмонга қўтариб, кафтини қутб юлдузига қаратиб, ушбу ёруг йўлчи юлдузга эҳтиром бажо келтириши, овдан олдин овчиларнинг дуосини ўқиши, овни ҳамиша муқаддас ва ҳурматга сазовор ҳисоблаши уларнинг эътиқодини намоён этса, буғунинг қуриган тезагини танчага ташлаб ёкиши, муздан ясалган қулбалар, эскимослар ҳаётининг икир-чикирлари, таомномаси (музлаган балиқ, балиқ шўрва), ёқадиган мойчироқлари, қаҳрамонларнинг қопқўргага кириб ухлашлари, буғу терисидан тикилган сафархалталар, тюлень терисидан тикилган бошмоқлар кийиб юришлари бир томондан ўқувчини шимолнинг оғир ва машақкатли табиати билан таништиrsa, иккинчи томондан эскимослар яшаши тарзи билан таништиради. Мазкур ҳикояга бош қаҳрамон бобо ва набирадан ташқари Томнинг ота-онаси, укаси, уларнинг қўшниси Кундуз ўғли сингари образлар ҳам киритилган. Ёзувчи вактни турли хил йўллар билан белгилаб боради. Вакт табиий ҳолатлар билан bogлиқликда аниқланади : “Қуёш пастга қараб шўнгигач, кечаси, эрталаб, қуёши чиқсандан сўнг” каби.

“Инсоннинг руҳий дунёси ўзаро сухбатларда, тортишувларда диалог ва монологлар воситасида очилади. Ҳар бир даврнинг ёзувчи ва шоирлари ўз асарларини ўқимишли ва жўшқин қилиш учун қаҳрамонларининг руҳиятини мунозараларда, баҳсларда, ўзаро тортишувли сухбатларда очиб кўрсатади. Бу вазифаларни бажаришда ёзувчи фақат тил маҳоратига сужнади. Чунки адабиётнинг вазифаси инсон қалбининг, дилининг сирли, яширин нуқталарини ёритишдан иборат бўлса, бадий тил – ёзувчи маҳоратининг узвий бўлағидир. Тил орқали ёзувчи асар қаҳрамонларининг мураккаб, ўзига

<sup>231</sup> Булоқчанинг сафари. Ҳикоялар. 188-б.

хос характерли хусусиятларини ҳамда шароит ва мухитнинг инсон руҳиятига таъсирини таҳлили қилади.”<sup>232</sup>

“Қарағайзорлардан нарида” ҳикоясида ҳам персонажлар нутки, айникса, монологлар ва диалоглар ҳикоя ғоясини очиб беришнинг асосий унсури ҳисобланади.

Ов, унинг эскимослар ҳаётида тутган ўрни ҳақида чолнинг набираси билан килган диалогига диккат қилинг:

“ – Биласанми, Том, ов, нима бўлганда ҳам, ҳақиқий эскимос учун ҳамиша муқаддас ва ҳурматга сазовор бир нарса ҳисобланади. Доимо унинг ҳурматини сақламоқ лозим. Эскимосларнинг ҳайвонлари биз одамларнинг опа-сингиллари ва ака-укалари дирлар. Худди шу сабабли ҳам ўлганларидан кейин ўз руҳлари билан бизнинг кулбаларимизни қўриқлайдилар. Ҳеч қачон ҳеч бир овла-надиган ҳайвонга азоб бермагин, Том. Буни ёдингда сақлаб қол...

– Бобо, қанийди, бугун сен ҳам мен билан бирга овга боролсайдинг!

– Ҳа, қизим, қанийди, мен ҳам боролсайдим! Қанийди, ҳеч бўлмаганда, оқсоқлана-оқсоқлана бўлса-да, сенинг из-изингдан эргашиб юролсайдим.

– Ҳечқиси йўқ, бобо. Фам чекмагин. Ўзим сен истаган ҳайвонни овлаб олиб келаман.

– Ҳа, Том, боргин. Агар бугун қуруқ қўл билан қайтсанг ҳам, тушкунликка тушмагин, Том. Отам доимо айтарди: “Ҳеч бир ҳайвон ўзини қорни оч бўлмаган овчининг тузогига илинтириб қўймайди”. Бу гап – тўғри гап...Тушундингми Том!”<sup>233</sup>

Диалог ўрнини аста-секин монолог эгаллади. Чол ўзи билан ўзи гапираётгандек туюлади. Мазкур диалогда қаҳрамон дилидаги изтироб, дард тилига кўчади. Ёзувчи инсон ҳатти-ҳаракатларини, руҳиятидаги фикр-кечинмаларни чукур очиб беради. Мунозараларда муаллиф нутки етакчи роль ўйнайди. Адид қаҳрамонларнинг у ёки бу ҳолатларини юз мимикаларини сўзга мослаб, воқеаларни шароитга боғлаб туради.

Ҳикоя қаҳрамонларининг руҳий ҳолатларини портретлари билан уйғунлаштириб беришда ҳам А. Халилийнинг ҳикоянавислик маҳоратини кўриш мумкин: Ҳайратга тўла нигоҳлар; ўпкаси тўлиб, лаблари кўкариб кетган; дунёнинг барча қайгулари катта

<sup>232</sup> Г. Имомова. Руҳий изтироблар. – Т.: “Ёзувчи”, 1992, 4-б.

<sup>233</sup> Булокчанинг сафари. Ҳикоялар. 193-б.

*бир музга айланиб унинг томогига тиқилгандек.* Муаллиф монологларда рухиятта мос сўзларни излаб, танлаб ишлатади. Қахрамоннинг рухий ҳолати қай даражада эканлигига қараб ички монологлар типлари ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Булар:

1. Монолог-хотира.
2. Монолог-муҳокама.
3. Монолог-мулоҳаза<sup>234</sup>.

“Қарағайзорлардан нарида” ҳикояси қахрамонлари тилида монологнинг хотира ва мулоҳаза типлари устунлик қиласи. Бобо ўз монологларида хотираларга (ўзининг биринчи бор овга борганини, бугулар подаси ортидан қувганини, дengiz узра сузид юрган муз парчалари устидан сакраб-сакраб юргани, узун йўлни шимол шамолидан ҳам тезроқ босиб ўтгани каби хотиралар) кўпроқ берилса, қизалоқ Томга монолог-мулоҳаза хос:

“Ҳеч бўлмаса, қуёш ботиши билан инидан чиқса керак, – деб ўлади – Агар шунда ҳам чиқмаса, балким қоронгу тушганида чиқарп. Ўша пайтгача қола оламан. Совуқ ҳали ҳам баданимни караҳт қилгани йўқ. Ҳали яна икки кечаю икки кундуз мана шу жойда бу қуён инини кузатиб ўтира оламан. Мен чидай оламан, сени билмадимов, қуён!”<sup>235</sup>

Яна айтиш мумкинки, А. Халилий “Қарағайзорлардан нарида” ҳикоясида эскимослар турмуш тарзини тасвирилаш орқали эскимослар тилининг “калит”ини топа олган. Бу калит – қахрамонларнинг ички монологидир. Ёзувчи шу калит билан ҳар бир қахрамоннинг ичига кириб боради. Шунинг учун бўлса керак адаб яратган монологларда муаллифнинг овози эшитилиб туради:

“Шубҳасиз, менинг иссиқ-совуғимдан хабар олиш учун, ё қариб қолган мендай чолга бир энага кераклигини айтиш учун келган... Кимдир унга овқат тайёрлаб берини кераклигини эслатмоқчи бўлган. Аммо ўзим овлаган ўлжсани еганимдагина ҳаётдан лаззат оламан. Бир қизча овлаган ҳайвоннинг гўшти менга овланган ҳайвон гўштининг мазасини бермайди. Бундай гўшт менинг этимга ва қонимга сингмайди ҳам. Бундай ҳолда кимдир менинг устимдан кулаётгандай туюлади... Аммо мен болалар, бунинг устига, кичкина бир қиз бола биз қарияларнинг устимиздан кулишига йўл қўёлмайман... Эскимос болалари ҳатто кексалар қишлоқдан узоқ кетганларида ва

<sup>234</sup> Г. И момова. Рухий изтироблар. –Т.: “Ёзувчи”, 1992. 16-б.

<sup>235</sup> Булокчанинг сафари. Ҳикоялар. 195-б.

*ёлгизликтә бу дунёдан күз юмаёттганларыда ҳам кексаларни ҳурмат қилишини ўрганишлари керак...<sup>236</sup>*

Мазкур ички монологдаги тил жуда тиник, ҳаёт ҳақиқатини аниқ қилиб күрсатади. Чолнинг ички кечинмаларига муаллиф ҳам ҳамоҳанг бўлиб сўзлашаёттандек гўё. А. Халилий чолнинг руҳий киёфасини ўзига хос тил билан сўзлата олгани ва унинг ҳолатини нутки орқали типиклаштиргани учун ҳам образ ишонарли чиқкан. Ҳақиқатан ҳам, ички нутқ қаҳрамон руҳиятининг ойнасиdir. Китобхон ана шу ойна орқали чолнинг “қалб диалектика”сини кўради, дардини хис қиласди.

Юқоридаги мисолларда чол билан набира монологларини ўzlари яширин, ҳеч кимга сездирмай ичдан гапиришяяпти. Муаллиф нутки эса уларга қўшилиб кетяпти, қаҳрамонларнинг руҳиятини бўрттиряпти.

Хуллас, А.Халилий болалар ва ўсмиirlарга Эрондан ташқарида, олис шимолда яшайдиган халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, одатлари, диний эътиқодларини юксак маҳорат билан тасвирлаб бера олган.

“Қарағайзорлардан нарида” ҳикоясининг ечими чол ва набиранинг ўз қишлоқларига қайтиши билан якунланади. Асрлар мобайнида сақланиб келаётган анъанааларга, одатларга нисбатан ёш авлоднинг қаршилиги самарасиз кетмайди. Томнинг отаси, яъни Бобонинг ўғли чолни уйига қайтариб олиб келади. Умуман, А.Халилийнинг кўп ҳикояларида қайгули воқеалар умидбахш, оптимистик якун топади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки форс адабиётида эски-мослар ҳаётидан ҳикоя қилган биринчи ёзувчи А. Халилий бўлиб, унгача ижод этган ёзувчилар ижодида бу мавзу учрамайди. Мавзуси жиҳатидан жуда қизиқ бўлган, болалар ва ўсмиirlар учун ёзилган мазкур ҳикояда ёзувчи Эрон болаларидан узок ўлкалардаги воқеликни инсонпарварлик нуқтаи назаридан тасвирлаган. Ёзувчининг бу ҳикояси ижодининг серқирралигидан далолат беради.

Амузода Халилийнинг “Булоқчанинг сафари” тўпламидан яна бир тарбиявий-маърифий хусусиятга эга, юмористик **حقه های سینمایی باپایم** (“Дадамнинг кинога тушиб учун ишлатган ҳийлалари” ёки “Дадамнинг кирдикорлари”)<sup>237</sup> ҳикоя жой олган. Уму-

<sup>236</sup> Булоқчанинг сафари. Ҳикоялар. 260-б.

237 فریدون عموزاده خلیلی. سفر چشمہ کرچک. تهران. 2008 ص 293

ман олганда, форс адабиётида сатира ва юморнинг илдизлари жуда қадим даврларга бориб тақалади<sup>238</sup>. Бу ҳикояда юмористик кулги ўксак даражада ифодаланганлигининг гувоҳи бўламиз.

“Дадамнинг кирдикорлари” ҳикояси тўрт қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисм бош қаҳрамон – содда отанинг кулгили хатти-харакатларидан келиб чиқиб қўйидагича номланган: “**небал баъжатнам**”, “**гор крнн پول** аст” (“Дадажоним пул излайди”), “**брми баъжатнам шишн**” (“Дадажоним ойна кесувчи бўлмоқчи”), “**шуд** баъжатнам дуҷрҳе краиб” (“Дадажоним велосипедни ижарага беради”) ва “**мі дед** бўлчехе рах حل” (“Куракча – сўнгти чора”). Бу тўрт қисм мустакил ҳикоялар тарзида тартибланган бўлса-да, мантиқан бир-бирини тўлдириб келади. Вокеалар бола тилидан ҳикоя қилинади. Ҳикоя жуда киска экспозиция ва риторик мурожаатдан бошланган ҳамда ўқувчини ҳикоя воеалари кечадиган жой, иштирокчилари билан таништиради, уни сюжет воеаларини идрок этишга тайёрлайди. Ундан кейин эса боланинг дадасига берган таърифи келади:

баъжан мен изän қлкхай рузгар аст. мен ҳтм дарм аин баъжан ке мен  
мийенасм ағр би қар нибод и պول тои даст و بالش داشت ҳтма يك داشه‌مند درست  
و حسابي موئند و ҳтма يك جيز به دربخورى اختراع می کرد. اما ماماچاتن بر  
عکس فکر می کند баъجینم آدم بی دست و پایی است که به هیچ دردی نمی خورد.  
به جز خرابکاری و حرام کردن پول حرص دادن او. به خاطر همین هم هست که  
هرچهار چشمی بش چاره баъجینم را زیر نظر دارد<sup>239</sup>.

“Дадажоним замонамизнинг машҳур найрангбозларидан ҳисобланади. Мен аминманки, мен билган шу дадажоним ишисиз бўлмаганида эди, қўлиям, чўнтағиям, ёстиғиям тўла пул бўлган бўларди. Албатта, тўла-тўқис бир олим бўлган ёки албатта, керакли бирор нарса ихтиро қилган бўларди. Аммо ойижоним, аксинча, дадажонимнинг ҳеч бир ишга ярамайдиган, бузгунчилик ва пул сарфлашдан бошқа нарсани билмайдиган бекорчи деб билади. Шу сабабли ҳам доимо дадажонимга кўз-кулоқ бўлиб юради”<sup>240</sup>.

Амузода Халилий инсон табиатидаги дангасалик, ишёқмаслик сингари иллатларни ҳажв остига олади. Ёзувчи ҳикояда оила

<sup>238</sup> Бу ҳакида қаранг: О.Турдиева. “Эрон адабиётида сатира ва юморнинг шаклланиши илдизлари”. СамДЧТИ, Хорижий филология, 4 (49) 2013 йил, 48–51-б.

<sup>239</sup> فریدون عموزاده خلیلی. سفر چشمءه کوچک.ص 297

<sup>240</sup> Булокчанинг сафари. Ҳикоялар. 209-б.

бошлиғи ҳисобланған отанинг дангаса, айёрлигини ёш болакай нигохи орқали фош қилади. “Юморист ҳаёт ҳодисаларини акс эттирап экан, танқидчи сатирикка нисбатан кенг имкониятларга зга. Юмор тасвирланаётган ҳодисанинг реал күринишини ўзида күпроқ сақлайди, ҳодиса ва унинг турли хусусиятларини ҳар томонлама тасвирлайди. Чунки сатира ижобий ҳодисаларни ўзининг объекти қилиб ололмайди. Юмор эса ҳам ижобий, ҳам салбий вөкеа-ҳодисаларни күлгили қилиб тасвирлаш имкониятiga зга.”<sup>241</sup> Худди шу имкониятдан А.Халилий “Дадамнинг кирди-корлари” ҳикоясида унумли фойдаланади. Салбий ҳолатлар, бу – отанинг ҳеч бир меҳнат қилмай, пешона терини тўкмай осон пул топиш йўлини қидириши бўлса, ижобий вөкеа – у барибир ота – шахар клубига келган кинога ўглини ҳам ўзи билан бирга олиб бормоқчи, кино нима эканлиги билан ўглини таништирмоқчилигига кўринади. У ўғли билан гўёки ўртоқ, болаликни тарк этмаган, улгаймаган инсон. Ота кинонинг ашаддий ишқибози. Ўзи тузган режаларининг аксариятини кўрган киноларидан ўрганиб олган. Ҳикоя давомида отанинг барча ҳаракатлари мана шу ўзи ишқибоз бўлган кинога тушиш учун пул қидириб топишига йўналтирилган. Ота бу мақсадини амалга оширишда ўглининг ақчадонидаги пулларни ишлатишдан ҳам тоймайди:

- خوب. بدو برو قلکت را بیاور تا مامان جانت بو نبرده!

دویدم توی اناق و قلکم را یوشکی از توی گنجه برداشتمن و پاورچین پاورچین  
آمدم توی کوچه. باباجانم تا قلکم را توی دستم دید گل از گلش شکفت. قلک را از  
دستم قلپید و در جا زد به تخته منگ جلو در. قلک بیچاره هزار تکه شد و سکه ها  
ریخت روی کف کوچه. من و بابایم نشستیم به جمع کردن سکه ها. بباباجانم همین  
جور که سکه هارا جمع می کرد بلند آنها را می شرد.<sup>242</sup>

“– Ойинг ҳид билмасидан олдин, чотиб бориб ақчадонингни  
олиб кел!

Уига югуриб кирдим, сопол ақчадонимни девор шкафи ичидан олдим-да, билдирилмасдан юриб кўчага чиқдим. Кўлимда ақчадонни кўриб, дадажонимнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. Ақчадонни кўлимдан ола солиб, эшикнинг тош остонасига зарб билан урди. Бечора ақчадон парча-парча бўлиб кетди ва ундаги танга пуллар

<sup>241</sup> Ахмедова Ш. Юмор жилолари. –Т., 1998. 11-б.

<sup>242</sup> فریدون عموزاده خلیلی. سفر چشمە کوچک. ص 300

күчага сочили. Мен ва дадам тангаларни теришига тушдик. Дадажоним тангаларни тераркан, баланд овозда уларни санаради”<sup>243</sup>.

Муаллиф энди она тасвирига ўтади:

бе доазаде ке رسید در خانه باز شد و هیکل مامان جانم با ملاقه ای که توى

دستش داشت جلو ما ظاهر شد:

– نفهمیدم خشم! چشم مرا دور دیدی سر بچه را می مالی. رد کن بیا بد

هر چه جمع کرده ای. پایا جانم بدون آنکه جیکش در بیا بد سکه هارا ریخت کن  
دست مامانم<sup>244</sup>.

“Тангалар ўн иккига етганида уй эшиги очилиб, құлида чүмич күттарған ойижонимнинг гавдаси бизнинг олдимизда пайдо бўлдида:

– Тушунмадим, Ҳешмат? – деди. – Менинг кўзимни шамгалият қилиб боланинг бошини айлантирмоқчи бўлдингми? Терган тангаларинг ҳаммасини буёққа бер!

Дадажоним миқ этмасдан тангаларни ойижонимнинг кафтига тўқди”<sup>245</sup>.

Бу ҳолат Мулла Насриддиннинг хотини томонидан ҳадеб таънаю дашном остида қолиш эпизодини эслатади.

Ҳикояда қаҳрамонимизнинг режаларини амалга оширувчи воситалар сифатида – ойна, велосипед, куракча каби нарсалар кири-тилган. Отанинг “калласига ажойиб режа”лар тез-тез келиб туради. Бу режалар чиндан ҳам ажойиб: Ертўлада чанг босиб ётган ойналарни пуллаш учун ўғли билан кўчама-кўча юриб ойна сотиш режасини олайлик. Бу ерда режага кўра ўғил ойна синдиради ва қочиб қолади, кўп ўтмай шу хонадон олдидা “ойна сотувчи” пайдо бўлади. Машхур Чарли Чаплиннинг сўзсиз киносида шундай эпизодлар бор. Лекин бу режалар иш бермайди. Ўғил участка полициясининг уйи ойнасини синдириб, ўрнига ота янги ойналарни бериб кетади. Лекин ота чекинадиганлардан эмас. У барибир ўз ваъдасида туриб, ўғлига кино нима эканлигини кўрсатмоқчи:

گفتم: حالا چе کار کنیم؟ یعنی قید سینما را بزنیم؟

گفت: قید سینما؟ بیا بنشین روی دوچرخه. باید برویم نبال يك حقه بى

درد سرت<sup>246</sup>.

<sup>243</sup> Булокчанинг сафари. Ҳикоялар. 211-б.

<sup>244</sup> فریدон عموزاده خلیلی. سفر چشممه کوچک. ص 301.

<sup>245</sup> Булокчанинг сафари. Ҳикоялар. 211-б.

– “Энди нима қиласиз, дадажон? Кино кўришнинг баҳридан ўтамизми?”

– Кино кўришнинг баҳридан? Кел, велосипедга чиқ. Осонроқ бўлган бошқа бирор ҳийла ўйлаб топишимиз керак...”

Энди ота велосипедга қизиқувчи болаларга ўз велосипедини ижарага бериб, пул топиш режасини тузади. Велосипедни бўлса, бир йигитча “учиб келиш” учун ижарага олиб, ўғирлаб кетади. Отанинг режаларини амалга ошириш йўлидаги ҳаракатлари пучга чиқавериши ўқувчидаги кулги уйғотади. Ҳикоядаги воқеаларни ёзувчи латифанамо ҳазил-мутойибалар асосида тасвирлайди. Осон пул топиш илинжида кулгили ҳолатларга тушиши ҳақиқатан ҳам латифанома тарзда баён этилади.

Жиддий ҳикояларда маълум чекинишлар, қаҳрамоннинг психологияк ҳолатларини кузатиш, унинг хаёлларига эрк бериш (масалан, ёзувчининг “Қарагайзорлардан нарида” ҳикояси – О.Т.) мумкин. Ҳажвий ҳикояларда эса бу ҳолат янада сиқиқлашган бўлиб кўпроқ кечинмаларни баён қилишдан кўра қаҳрамонни ҳаракатда кўрсатиш ва шу ҳаракат натижасида ўқувчи кўз ўнгидаги унинг характер хусусиятларини очиш муҳим аҳамиятга эга. Ёзувчи ҳикоя қаҳрамоннинг ўз мақсадига эришиш йўлида турли найранглар ишлатиб кўришини худди ҳаётдагидай ишонарли тасвирлашга эришади. Вазият ҳаёттий заминга эга бўлгани сабабли бу муболагалар ўқувчига эриш туюлмайди, аксинча, персонажларнинг ҳолатидан китобхон хузур қилиб кулади. Ҳажвия отанинг кинотеатр ҳовлисига қўшни ҳовли орқали кириб келиши ва ўғлига айтган ваъдаси устидан чиқиши билан тугайди:

ندىپ سر. اين هم سینما! حالا به حوش و استعداد بایگنیت ایمان آوردى<sup>247</sup>

“– Кўрдингми ўглим! Мана буни кино дейдилар! Энди дадажонингнинг ақлу ҳушига тан бердингми?”

Ёзувчининг ҳажвий холосаси кучли кулгуни келтириб чиқарди. Бу ўринда адид сюжетни усталик билан ўқувчи кўз ўнгидаги кўрсата олиши, ҳажвий портретларга аниқ чизгилар бериш, қаҳрамоннинг қиликлари, ҳаракатлари, нутқи орқали китобхонда кулги уйғотади.

فریدون عوزاده خلیلی . سفر چشمء کوچک.ص307<sup>246</sup>

فریدون عوزاده خلیلی . سفر چشمء کوچک.ص323<sup>247</sup>

“Бадий асарда характер индивидуал хусусиятлари билан яққол гавдалантирилган, тұла ва аниқ тасвирланған киши образидір. Маҳорат билан яратылған характер үзининг характерати, фаолияти ва гап-сүзләри билан чинакам ҳаёттій шахс сифатыда гавдаланади. Характер яратыш ва уни ҳақиқиеттің ҳаёттій бадий тип даражасига күтариш ҳар қандай ёзувчига насиб бўлавермайди. Бу – ёзувчининг таланти билан бевосита боғлиқ фазилатлар – ҳаётни чукур ўрганиш, турмуш ҳақиқатини бидий ҳақиқатга айлантириш маҳорати билан юзага келадиган жуда муҳим ҳодисадир.”<sup>248</sup>

А.Халилий ҳикоясида ўта содда, ишнинг кўзини билмайдиган киши типини яратышда умумлаштириш муҳим роль ўйнаган. “Дадамнинг кирдикорлари”ни ўқир эканмиз, унда тасвирланған ота образи шу даражада кенг ва мукаммал, шу даражада тўлақонли чикқанки, ҳаётда учраши мумкин бўлган “ишбилармон”ларни йигиб, бу ҳикояда тасвирланған “ишбилармон ота”дан ажralиб турадиган бирон-бир киррасини топиш мушкул ишдек кўринади. бајажам тои зирзмин бод. چشم مامان جانمرا دور دیده بود رفته بود سروق خرت و پرتها و ترق و تورق می خواست از فرست استفاده کند و تا مامان جانم از بازار نیامده آن اختراع معروفی را که همیشه به خاطر مامانجانم عقب افتاده بود تمام کند.<sup>249</sup>

“Дадажоним ертўлада эди. Ойижонимнинг кўзини шамгалат қилиб, үзининг лаш-лушларини титкилар, то ойижоним бозордан қайтиб келгунича фурсатдан фойдаланиб, амалга ошиши ҳар доим ойижоним туфайли орқага сурилиб келаётган машҳур ихтиросини тугаллаб қўйишга уринарди.”

Бу самимий юмор ҳаёттій чикқан. А.Халилий халқ юморини бутун рангларип оҳангларини бошқалардан кўра нозик хис қиласидиган ва уни ўзлаштириб, одамлар чехрасига табассум югурадиган даражада маҳорат билан ишлатади, енгил, қувноқ қайфият ҳосил қиласиди. Маълумки, кулиш осон, кулдириш қийин. Аммо А.Халилий үзининг “Дадамнинг кирдикорлари” ҳикоясида бу ишнинг уддасидан чикқан.

Юмористик тасвирлашда А.Халилий салбий ҳодисаларга ўткир баҳо бермайди, лекин шундай бўлса-да унинг гоявий-тарбиявий аҳамияти каттадир. Юмор асосида муаллифнинг воқелик-

<sup>248</sup> Тошканов С. Сатира санъати. – Т., 1984. 31-6.

<sup>249</sup> فریدون عموزاده خلیلی . سفر چشمء کوچک. ص 317

ка нисбатан кулгили ва ижобий муносабати ётади. Шу кулги тұғри таъсир этса, асар персонажи тұғри хulosы чиқарып, шу иллатдан қутулиши мүмкін. Демак, юмор үз вазифасини бажаради, яхшиликка хизмат қылади.

Характернинг мукаммал томони яна шундаки, ёзувчи бош қаҳрамон характерини шундайлигича қолдиради. Ҳаёт давом эта- ёттан экан үз қарашларидан, танлаган йүлидан қайтмайдиган шахслар ҳам учраб туриши мүмкін, деган фикр билан хulosалайди. Албатта, ёзувчининг қаҳрамони ўзининг мақсадига эришди, үгли кинога кириб, кинонинг нима эканлиги билан танишиди. Бирок қандай йўл билан бунга эришди? Ўқувчи “ишбилармон” отанинг хатти-харакатларини мириқиб кузатса ҳам, унинг устидан кулади ва ғайрати беҳуда кетганидан афсусланади. Ўғилнинг отага ўхшаб хаёлпараст, жиддий бир ишга кўл уролмайдиган инсон бўлиб чиқмаслигини хоҳлади. Ота улғайган бўлса ҳам ёш бола, кинолардан таъсирланиб, үз ҳаётини Чарли Чаплин қаҳрамонлари ёки Монте Кристога ўхшаб курмоқчи бўлади ва хаёллар оламида парвоз қылади. Аёли учун у ҳам яна бир қўшимча бола. Дадажонга ўхшаш хаёлпараст одамлар ҳақиқатда учраб туради. Улар билан ҳаёт ҳам қизиқ, аммо бундай инсонлар ҳаёт ривожини таъминлашдан бутунлай узокдирлар. Шунинг учун бу ҳикоядан ибратли хulosы чиқарса бўлади. А.Халилий бу ҳикояда оддий бир эрон оиласининг турмуш тарзини, руҳини, кайфиятини жонли, ширали тилда, ҳаёттий тасвирилаган. Ҳикоядаги халқчиллик хусусиятларидан яна бири ёзувчининг жонли халқ тили бойликларидан усталик билан фойдалана билганлигидадир. ناتمان می افند شہر هر ت که نیست – شاҳар бедار- پیچوگیمیز ёғ uestida; تو روغن – از حلقومش می کشم بیرون – “kekirdagini suguriib ola- man” سر بچه شیره – “Kўzimni shamgalat қилдинг”; میمالی – بزن قىش – “қандингни ur”<sup>250</sup> каби халқ орасида кенг тарқалган иборалар, фольклорга хос кулгили тасвиirlар, комик вазиятлар реалистик тавсиялар

<sup>250</sup> Мазкур иборалар “Булокчанинг сафари” тұпламининг форс тилидан Ш.Олимов томонидан килинган таржимасидан олинган бўлиб, шу ибораларнинг ўзбекча эквивалентидир. Таржимон ўқувчи асарни яхши тушуниши учун форсча ибораларнинг сўзма-сўз таржимасини эмас, уларнинг ўзбекча эквивалентини жуда ўринли топиб тақдим этган.

билан бирлашиб, бир бутунликни ташкил қиласи. Бу асардаги кулгининг халқчиллигини таъминловчи омилдир.

Юқорида қайд қилганимиздек, тўрт қисмдан иборат ота-ўғил саргузаштари ҳақидаги ушбу ҳикоя жанри эрон халқ оғзаки ижоди ҳамда ёзма адабиётининг энг машҳур ва севимли жанри бўлмиш латифа жанрига жуда яқиндир. Латифа – бу ибратли қисқагина ҳикоя бўлиб, унда турмушнинг энг ёрқин ва ҳаққоний манзараси, жамиятнинг турли қатламларининг ҳаёти акс этади, халқнинг ахлоқий куч-кудратининг ифодаси сифатида намоён бўлади. Эрон латифаларининг энг севимли қаҳрамони – Мулла Насриддин. У ҳақидаги латифалар хушчакчақ ва қувноқ, юмор манбаи эса вазиятнинг кулгилилиги ё Мулланинг зукколиги ва топқирлиги ёинки кутилмаган сўз ўйини ҳисобланади. Насриддиннинг адабий қаҳрамон сифатидаги асосий хусусияти шундан иборатки у ҳар қандай вазиятдан ғолиб бўлиб чиқиб кетади. Бу галаба шартли бўлиб, у алданиши, уни ўғри уриши, дўпосланиши, ҳақоратланиши мумкин, у доим хотинининг зулмидан қийналади, оғайнилари унинг устидан қулиб юришади. Шундай бўлсада, бундай конфликтда Насриддин устун келади, у сўз билан ғалаба қозонади. А.Халилий ҳикоясининг ҳар бир қисмida ҳам кулгили воқеа эпизоди мавжуд бўлиб, у ҳажвий рух билан йўғрилган. Ҳикоя қаҳрамони ота эса Мулла Насриддинга хос хусусиятларга эга. Аммо унинг ўғли ёш бола бўлишига қарамай топқир ва закийлигига шоҳид бўламиз. Ушбу ҳикоячаларни латифалар билан бирлаштириб турувчи омиллардан яна бири уларнинг ихчамлиги, сюжетнинг ҳаёттий эпизодлар асосида қурилиши каби хислатларда ҳам намоён бўлади. А.Халилий ўз ҳикоясида латифа жанрига хос хусусиятларни кўллар экан, уни замонавийлаштириб, мазмунан бойитиб, бугунги ҳаёт билан боғлаб берган: катта бўлмаган марказда кино кўрсатилиши, велосипедни ижарага бериш ўйли билан пул ишлаш ва ҳ.к.

“Юмор инсонийликнинг зарур белгиларидан бири бўлиб, ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам катта роль ўйнайди. Инсоннинг маънавий эҳтиёжларидан бири бўлган кулги санъат ва адабиётда муҳим эстетик вазифани бажаради. Шунинг учун инсон ҳаётини бадиий акс эттирадиган кулгининг, айниқса, юморнинг ўзига хос хусусиятларини, ёзувчиларнинг бу борадаги маҳоратини ўрганиш муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверади. Юмор табиатнинг

энг кимматли тұхфасидир. Күлгі бошига ғам-ташвиш тушган инсоннинг донишманд ҳакимидир. Шунинг учун ҳам бадий асарларда юмордан ўринли фойдаланиш ёзувчига шұхат келтиради.”<sup>251</sup>

А.Халилий болалар ва ўсмирлар учун юмористик ҳикоя яратышда ушбу жанрнинг имкониятларидан усталик билан фойдаланды ҳамда бадий жиҳатдан мұкаммал юмор намунасини ярата олди. Адіб халқ маданий меросидан етиб келган латифа жанрини замонавий шароитда янада ривожлантириды ва унинг бархаётлигини исботлади.

Ижод жараёни, энг аввало, характер яратышдан иборат. Ёзувчилар, бу жараёнда турли бадий услуга ва тасвир воситаларидан унумли фойдаланадилар. Портрет, муаллиф характеристикаси, бадий психологизм, пейзаж кабилар анъанавий характер яратыш воситалари сирасында киради. Амузода Халилийнинг характер, образ яратыш маҳорати ҳақида сүз борганды шуни таъкидлаш жоизки, ёзувчи ўз ҳикояларыда образ яратыш жараёнида оламдаги зид тушунчалар (пастлик ва баландлик, совуқ ва иссик)дан фойдаланиш ҳамда қаршилантириш (тазод) орқали қаҳрамонлар рухияти, тақдирини бадий ифодалашга эриши.

Болалар учун ёзилған адебияттың ушбу ҳикояларыда қаҳрамонларнинг ҳаёлот дүнёсида ҳаракатлар марказида “баландлик” ва “пастлик” тушунчаларини қарама-қарши қўйиш устувор туради. А.Халилий тасвирлари ўзига хосдир. Кўп ҳолларда адебияттаги ҳаёлот дүнёси йўналиши “пастлик”дан “баландлик” томон ҳаракатланади. Гўё унинг барча ҳаракатлари пастлиқдағи ёпиқ, ҳаракатсиз, турғун бир ҳолатдан баландликдаги поклик ва беғуборлик томон интилишга йўналтирилган. Бу ҳолат, одатда, парвоз ҳаракати орқали берилади. Бу икки йўналишни (баландлик ва пастлик) қарама-қарши қўйиш асосида ҳикоялар сюжети шаклланади ва бу қарама-қаршилик бошқа янги қарама-қаршиликларни вужудга келтиради. Албатта, баландлик очиқ макон, мусбат ҳарактерга эга. Ҳикоялар қаҳрамонлари ҳаёлида баландлик Худо, фаришталар, софлик тушунчалари билан пайвандланиб кетади ва аксинча, пастлик эса дард, азоб, қоронғулик тушунчалари билан боғланади. “Булоқчанинг сафари”, “Сулаймон шаҳрига сафар” ҳикояларыда мана шу тушунчалар қарама-қаршилиги яққол намо-

<sup>251</sup> Аҳмедова Ш. Юмор жилолари. – Т., 1998. 6-б.

ён бўлади. Мисол учун “Булоқчанинг сафари” ҳикоясида ногаҳон “баланд”дан келган оппок булат, тоғлар оша, дарёлар оша булоқчага тепадан, Худодан хабар келтиради. Булоқча жой олган пастлик, яъни ёпик ва ҳаракатсиз макон “бадбўй, чирик ва сассик хид”, “ифлослик”, “кора ранг”, “локайдлик”, “ёлгизлик” тушунчаларини билдиради. Булоқчанинг нигоҳи пастдан тепага Оқ булат шаклидаги фариштага қаратилган. Оқ булатнинг гапларидан ўйланиб қолган Булоқча ўз сафарини бошлайди. Бу ҳаракат булоқчанинг дарё томон қилган ҳаракати шаклида намоён бўлса-да, аслида турғун ҳолатда яшаган, балчиклар билан қопланган кичкина бир Булоқчанинг юксакка бўлган интилишини англаради. Болаларга бу интилишни тушуниш қийин кечмайди.

Бундай ҳолатни асотирлаштирилган “Сулаймон шаҳрига сафар” ҳикоясида ҳам кузатишмиз мумкин. Ҳикоя ибтидосида нам тортган, қуёш нури тушмайдиган, совуқ, эскилик уфуриб турган ертўла тасвириланади. Бу ҳикояда ҳам пастлик салбий ҳолатда намоён бўлади. Ҳикоя қаҳрамони қизчанинг нигоҳи эса тирқишдан қўриниб турган осмондаги ёруғ юлдузга тушади. Мазкур ҳикояда ҳам нигоҳ пастдан тепага қаратилмокда. Қаҳрамоннинг нияти ҳам мана шу пастдан тепага – осмонга учар гиламча тўқиб учиш ва ҳазрат Сулаймон шаҳрига сафар қилиш. Ҳикоя интиҳоси эса осмонда яқунланиди, яъни қизча ўзи тўқиган гиламчада осмонга кўтарилади.

А.Халилий ҳикояларида қарама-қарши қўйиладиган яна бир тушунча – “совуқ” ва “иссик” тушунчаларидир. “Совуқ” ҳам салбий ҳарактерга эга, бу тушунча “ўлим”, “коронгилик”, “киш”, “кор” тушунчалари билан боғланиб кетади. Улар нафақат табиат ҳодисасини билдиради, балки бадиийлик касб этади. Бу унсур ҳикояда турли шаклларда келади. Баъзи ўринларда “увиллаб ҳуштак чалаётган” ҳайвонга айланса, бошқа бир ўринда “курашиш керак бўлган душман”га айланади, ҳатто “совуқ” баъзи ўринларда “ўлим” тушунчаси билан чамбарчас боғланиб кетади. Масалан, “Қарағайзорлардан нарида” ҳикоясида бош қаҳрамон умрининг охирги кунларини ўтказиши керак бўлган кулба совуқ, коронги ва бўм-бўш бўлади. Ёки “Мусофир” ҳикоясида ҳам совуқ ўлимга олиб борувчи йўл, ўлимга сабаб бўлувчи восита шаклида намоён бўлади. “Иссиклик” тушунчаси эса аксинча паноҳ, хавфсиз жой маъноларини касб этади. “Мусофир”да чугурчуқ полапони учун энг хавфсиз жой онасининг иссиқ қанотлари ости, “Қарағайзорлардан нарида” ҳи-

коясида эса қаҳрамон невараси ва ўз жонини совукдан саклаб қолиш учун пўстинини ёқиб исиниш даражасига боради.

Амузода Халилий ҳикояларининг ёш қаҳрамонлари ювош ва вазмин, беозордирлар. Уришқоқлик ва жангариликдан йироқ. Улар ўзларидаги бор кучни ўз мақсадларига эришишга сарфлайдилар ва бу йўлда асло жанжал ва куч ишлатиш даражасига бормайдилар. Унинг қаҳрамонларини ижобий ва салбийга ажратиб бўлмайди. Баъзи ҳикояларда, албатта, салбий қаҳрамонлар акс этади (“Булоқчанинг сафари”да балчиқ чувалчанглари, кўлмак сув, гармсел; “Сулаймон шаҳрига сафар”да Ҳешматхон). Аммо аксарият ҳикояларда салбий қаҳрамон вазифасини ижтимоий-сиёсий муҳит, мавжуд урф-одатлар бажаради (“Икки дона пишмаган хурмо”, “Бувим бизникида меҳмон бўлган кеча”, “Гувоҳномасизлар”, “Қарағайзорлардан нарида”). Қаҳрамонларнинг сулҳталаб ва ювошлиги эса деярли барча ҳикояларда акс этиб туради. Масалан “Булоқчанинг сафари”да булоқча ўз мақсадига эришиш учун душмани бўлмиш балчиқ чувалчанглари билан маълум муддат яшашга кодир, ҳатто уларни тарқ этаётганда ҳам улар билан курашиш, олишишга бормайди. Бундан ташқари А.Халилий ҳикоялари қаҳрамонлари мақсадга эришиш йўлида сабрли ҳамдирлар, шошилмайдилар, секин-аста, аммо ишонч билан олға борадилар. Масалан, “Гувоҳномасизлар” қаҳрамонлари Хайруллоҳ ва Абдуллоҳ мактабга бориш учун гувоҳнома олиш йўлида идорама-идора юришдан чарчамайдилар, улар ҳеч қайси бир идора маъмури билан жанжаллашмайди, ёқалашмайди. “Қарағайзорлардан нарида” ҳикояси қаҳрамони Том эса керак бўлса шимолий қутбнинг аччиқ совуғида икки кунлаб куён овлаш учун унинг инини пойлай олади. А.Халилийнинг қаҳрамонлари жангариликни эмас, тинчлик тарафдорларидир.

А.Халилий ҳикоялари қаҳрамонларининг яна бир ҳусусияти шундан иборатки, агар уларда бирор савол пайдо бўлса ёки бирор вазиятга дуч келсалар савол бермайдилар ва сукут билан муаммони ҳал қиласидилар. Масалан “Мусофир”да чинор дараҳти ўтиничидан бир қишини ўтказишини сўраганда ўтинчи индамайди ва жавоб ўрнига йўлга тушади ва шу юриши орқали чинорга жавоб беради. Чунки у ночорликдан дараҳт кесгани келган бўлса-да, аслида меҳрибон ва юмшоқ одам. У чинорга, унда ин қурган чу-

ғурчукларга ачинади. Бундай ҳикоялар болаларни инсонпарварликка, яхши хислатлар – олийжаноблик, эзгуликка ўргатади.

А.Халилий билан бир пайтда ижодий фаолиятини бошлаган адиллардан яна бири Мұхсин Парвіз ҳам болалар ва ўсмирлар учун мұлжалланган ҳикоялар муаллифидір. Аммо унинг ҳикоялари эртаксимон ёки афсоналаштирилған эмас, балки ҳаётій асарлар бўлиб, ўсмирлар дунёсини очиб беришга ҳаракат қиласи. Унинг («*گۈھ تەھىيە*») “Тоғ чүққиси”<sup>252</sup> ҳикоясида уч ўспириң болалар тоғ чүққисига чиқишига отланадилар. Катта машаққатлар билан энди чүққига етдик деганда кеч тушиб қолади, бунинг устига улар жуда чарчашибган. Шунинг учун улар орқага қайтишга қарор қиласидилар. Ҳикоя сюжети фақат тоққа чиқиш ва орқага қайтишдан иборат. Лекин шу сюжет орқали болаларнинг характерлари очиб борилади. Ҳикоя баёнчиси Асгар – қайсар, ўзбошимча, айтганидан қайтмайдиган, дўсти Иймон – ҳақиқий пешқадам, йўлбошли, масъулиятни ҳис қилувчи, сабрли, Ҳоди эса – жаҳлдор ва мижговрок ўспириң. Ҳар хил феъл-атворга эга бўлса-да, улар жасур, олдига қўйган мақсадига интилучан болалар. Улар биринчи уринишдан тоғ чүққисига ета олишмайди, лекин ўз ниятларидан қайтишмайди. Улар янаги сафар ҳаракат қилиб, тоғ чүққисини албатта забт этишиб қатъий қарор қилишади. Китобхонда айнан шундай бўлишибига ишонч ҳосил бўлади. Тоғ чүққисига чиқиш бу рамзий образ, яъни олдига қўйилған мақсадга эришишнинг рамзи. Болалар дастлаб бунинг уддасидан чика олмадилар, бироқ умид қолди. Ҳикоя шижаотга, дўстликка, садоқатга, сабр-тоқат, иродали бўлишибига чақириши билан тарбиявий аҳамиятга эга. Қийин вазиятларда инсонийликни сақлашга ўргатади.

80–90-йиллар ёзувчиси, ҳозирги кунда ҳам ижод этиб келаётган ёзувчилардан бири Мустафо Хиромоннинг “رۆز نوڭاد” (“Түғилған кун”)<sup>253</sup>, “رۆز امتحان” (“Имтиҳон куни”)<sup>254</sup> ҳикоялари ҳам айнан болалар ва ўсмирлар ҳаётидан лавҳа. Биринчи ҳикояда қаҳрамонлари Амир ва Носирнинг мактаб ҳаёти, болалар психологияси яхши очиб берилған. Қаҳрамон Амир амакиваччасининг туғилған кунига бормоқчи. Амакиси бой хонадон эгалари, онаси

<sup>252</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. –С. 68.

<sup>253</sup> Там же, – С. 80.

<sup>254</sup> Там же, – С. 88.

Амирнинг боришини истамайди, лекин Амир отаси учун у ерга бормоқчи. Бироқ мактабда барча ўқувчиларнинг соchlарини бутунлай олдириб ташлаш талаб қилиниши Амир учун катта муаммо. Чунки ўтган йили туғилган кунга борганида ҳамма унинг устидан кулган эди. Энди у бир амаллаб туғилган кун ўтгунча, фақат бир кунгина мактабга бориб, ўқиб келиши керак. Аммо мактаб эшиги олдида директор туриб олиб ҳаммани бирма-бир назоратдан ўтказяпти. Амир ва дўсти Носир бир амаллаб директорнинг кўзини шамгалат қилиб, кўп ҳийла-найранг ишлатиб синф хонасига кириб олишади. Аммо дарслар тугамасдан олдин директор уни сезиб қолади ва жазоламоқчи бўлади. Бироқ Амирнинг севимли адабиёт ўқитувчиси жаноб Козимиy уни куткариб қолади ва у туғилган кунга сочли бўлиб боради.

Бундай воқеалар ҳар қандай мактабда бўлиши мумкин. Ҳикоя услугби соф, диалогларга бой, улар жонли, болаларга хос. Ҳикоядан Эрон мактабларидағи одатлар, муносабатларни билиб олиш мумкин.

“روز امتحان” – “Имтиҳон куни” ҳикоясида ҳам мактаб манзаралари жонли, қизиқарли тарзда ифодаланган. Ёзувчи услугбida юмор ҳам бор. Ораш ва Киёрушларнинг дўстлиги, бир-бирига содиклиги кўрсатилган. Шунингдек, бу икки ҳикояда ҳам мактаб қонун-қоидалари анча қаттиқ. (Мактабга фақатгина гувоҳнома билан кириш мумкинлиги, ўқитувчиларнинг низомга қатъий риоя қилиши ва шу каби бошқа тартиб-қоидаларни кузатамиз.) Ораш ўртоғи уйида унуби қолдирган гувоҳномасини олиб келгунича кўлидан келганча имтиҳон бошланишини кечикитиришга ҳаракат қиласи. Ҳатто ўзини хушдан кетган қилиб ҳам кўрсатади. Ҳикоя баъзи бир мактаб, идораларда рўй берадиган бюрократизмга қарши туради. Мазкур ҳикояда ҳам дўстлик улуғланади ва тарбиявий хусусиятга эга.

80-йилларда ижод майдонига кириб келган, эрон китобхонлари орасида катта шуҳрат қозонган, 100 дан ортиқ асарлар муаллифи Жаъфар Иброҳимий Наср ҳам аксарият ҳолларда болалар ва ўсмиirlар мавзусида ҳикоялар ёзади. Унинг “برج باران سنگی” (“Тошли ёмғир минораси”)<sup>255</sup> 6-сinf ўқувчининг тилидан ҳикоя қилинган. Болакайнинг туғма истеъдод эгаси бўлган, ҳеч қаерда ўқимасдан савод чиқарган амакиси бор. Амаки жуда мөхир ҳикоячи, китобсевар инсон. Болакай амакисидан жуда кўп

<sup>255</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. – С.96.

достонлар, ҳикоятлар, эртаклар тинглаб улғаймоқда. Шу амакининг бир чамадони бор. Амаки унда ўз китобларини сақлади ва ҳеч кимни унга яқин йулатмайди. Китобларни қайта-қайта ўқиганидан, уларни деярли ёддан билади. Бола хаёлан достонлар оламида яшайди, уларнинг қаҳрамонлари образларини расмларини яратади, ўзини достон қаҳрамонларидек тасаввур қилади. Ҳикояда камбағал бўлишига қарамай илму зиёга интилган, достонларга ҳаддан зиёд қизиқсан боланинг мактабдаги ҳаёти юмор билан ёзилган. Унда мактаб ёшидаги боланинг ҳаёти достонлар ва афсоналар билан қоришиб кетган. Ҳикоя ичида ҳикоя услубида ёзилган “Тошли ёмғир минораси” ҳикояси болаларни “Амир Арслон” номли қадимги форс достони билан таништиради. Ҳикоя енгил юмор билан якунланади.

Адибнинг “مرغ حیرت انگیز” (“Ажойиб қушча”)<sup>256</sup> ҳикояси қаҳрамони ҳам ёш болакай. У совуқ қиши куни ердан жуда чиройли, аммо жароҳатланган қушча топиб олади ва бувасига олиб келади. Бува ўз ёшлгини эслаб худди шунга ўхшаш қушча билан бўлган воқеани эслайди ва ҳаво исиб кетгач, қушчани қўйиб юбориш кераклигини таъкидлайди. Бола шундай қилади. Ёзувчи ҳикоя ичида ҳикоя услубидан фойдаланган, яъни бола билан содир бўлган воқеадан бува билан содир бўлган воқеага ўтиб кетилади ва яна биринчи ҳикояга қайтилади. Унда табиат тасвirlари, қиши манзаралари, оиласидаги катталар ва болалар ўртасидаги ҳурмат-иззат, яхши муносабат кўрсатилган. Ҳикоя тарбиявий-маърифий тарзда ёзилган.

80-йиллардан бошлаб ижод кила бошлаган, аксарият асарлари ёш авлодга мўлжалланган ёзувчилардан яна бири Аҳмад Араблудир. Болалар ва ўсмирлар мавзусида асарлар яратишда мұваффакиятга эришиб, замонавий форс адабиётида муносаб ўрин эгаллаб келаётган адаб маърифий характерга эга бўлган кўплаб ҳикоялар муаллифи ҳисобланади. Унинг “Христофор Колумб”<sup>257</sup> ва “مرکو پالا” (“Марко Поло”)<sup>258</sup> деб номланган ҳикоялари айнан мана шундай ҳикоялар жумласига киради. Уларда адаб кизикарли тарзда, ҳазиломуз оҳангда, юмор

<sup>256</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I. – С.110.

<sup>257</sup> Там же, – С. 4.

<sup>258</sup> Там же, – С. 9.

билан, аммо фактларга таяниб ёш авлодни Христофор Колумб-нинг Американи кашф этгани, машхур саёҳатчи Марко Полонинг саргузаштларини мароқли тарзда баён қилади. Фикримизча, бу хикояларни ўқиган болада Колумб ва Пололарнинг ҳаёти билан жиддий танишиш истаги уйғонади.

Шаҳром Шафиъий 80-йиллар ўрталаридан бошлаб бадиий ижод билан шугулланған бошлаган. Унинг асарлари ҳам ёш авлодга мўлжалланган бўлиб, адаб ўз асарлари учун сўнгги йигирма йилнинг энг яхши болалар ёзувчиси номига сазовор бўлган. Ҳикоялар тўпламлари эса ЭИРнинг ҳалқаро йил китоби совринларига сазовор бўлган. Унинг “سوسمار” (“Калтакесак”)<sup>259</sup> хикояси ҳажвий услубда ёзилган. Жонли диалогларга бой, болалар ва ўсмирлар ҳаётида учрайдиган турли қизик воқеалар, уларнинг қизикишлари тасвирланган. Мазкур хикояда мактаб ўқувчисининг икки бошли калтакесакни излаб турли кулгили вазиятларга тушиб қолиши мароқли тасвирланади. Ота-она боланинг қизикишларидан кулишса-да, буни тўғри қабул қилишади ва ман қилишмайди. Оиласдаги ота ва болалар ўртасидаги яхши муносабатлар тасвирланган.

Ш.Шафиъийнинг “Нега каллар бошқалардан баҳтлироқ?”<sup>260</sup> хикояси ҳам енгил юмор тариқасида ёзилган. Ҳикоя чекка вилоятда яшовчи бир оиласга пойтахт Техрондан 25 дан ортиқ меҳмонлар келиши режалаштирилаётгани сухбати билан бошланади. Лекин меҳмон кутиб олиш учун бу оиласда умуман шароит йўқ. Ҳикоя бола тилидан баён қилинган. Унда бола ота-онасини, ёз кечасини, уйларининг меҳмонхонасини юмор билан, жуда кулгили тарьифлади. Меҳмонлар келгунча уйни таъмирламокчи бўлишади. Ҳикоядаги уста Юсуф образи ҳалқ ичидан чиққан сўзга бой, тили чечан инсон. Ҳажвий ва кўнгилочар мазкур хикояни болалар ҳам, катталар ҳам мирикиб ўқишлиари мумкин. Ҳикоянинг бош гояси инсоний муносабатлар ҳар нарсадан устунлиги тўғрисида.

Мұхаммад Ризо Аслонийнинг Эрон-Ирок урушига багишланган ҳикоясидан ташқари оиласвий муносабатлар масаласига багишланган, болаларга мўлжалланган “وقى كە” “أواز مى خواند گنجىشك مثل بليل” (“Чумчук булбул каби

<sup>259</sup> Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том II. – С.14.

<sup>260</sup> Там же, – С.19.

сайраганда”)<sup>261</sup> ҳикояси бўлиб, унда оиласидаги тинчлик, хотиржамлик, оила аъзоларининг бир-бирига бўлган илик муносабатлари, ёши улуғларни хурматлаш каби масалалар ўз аксини топган бўлиб, тарбиявий аҳамият касб этади. Ҳикоя биринчи шахс номидан баён қилинади. Асарда бува набирасини баҳорнинг келиши, табиат уйғониши билан таниширади, бу фаслда ҳатто чумчук ҳам булбул каби сайраши мумкинлиги ҳакида сўзлаб беради.

Бугунги кунда болалар ва ўсмирларга мўлжалланган асарлари билан катта шуҳрат қозонган, самарали ижоди билан адабиёт-шунослар ва китобхонлар эътиборига тушган адабилар, форс ҳикоячилиги тараққиётига ўзининг муносаби хиссасини қўшиб келаётган, Эронда сўнгги йигирма йилнинг энг яхши болалар ва ўсмирлар ёзувчиларидан бири ҳисобланган ёзувчилардан яна бири Мухаммадризо Байрамийдир<sup>262</sup>.

Мухаммадризо Байрамий ижодида тоғлик эронликларга хос рух, миллий ва маҳаллий колорит, қишлоқ болаларининг оғир хаёти мавзуси етакчи ўрин тутади. Адабиётшунос А. Адамович эътироф этганидек: “Қўпгина ахлоқий ва маънавий муаммолар бугунги кунда қишлоқ прозасида ҳал қилинмоқда. Энг катта эстетик ютуқлар ҳам айнан шу прозада қўлга киритилмоқда. Мумтоз адабиёт доим амал қилган ҳакиқат ҳам қишлоқ прозасида тасдиқланади: ўз ҳалқи билан бирга бошдан кечиргандаргина адабиётнинг маънавий ва эстетик кучини чуқур ҳис қилишга ёрдам беради.”<sup>263</sup>

М.Байрамийнинг “Сахро кузи” тўпламида 8 та ҳикоя жой олган: “أواز گم شده” (“Сахро кузи”), “پاییز صحراء” (“Йўқолган овоз”), “کلاغهای عصر” (“Флейта”), “قنگ” (“Милитик”), “سپیدار بلند مدرسه ما” (“Кор”), “برف” (“Мактабимиз оқ тераги”), “فصل کوچ در ناهای” (“Турналарнинг кўчиш фасли”). Тўпламдан жой

<sup>261</sup> Там же, – С.38.

<sup>262</sup> Мухаммадризо Байрамий 1965 йилда Эроннинг Ардабил ўстони (Эрондаги маъмурий бирлик) Саблон тоги этагидаги қишлоқлардан бирида дунёга келган. Болалигидан Самад Беҳрангийнинг (эронлик машхур болалар ёзувчиси) асарларини севиб мutoала қилган. У Эронда сўнгги 20 йилнинг энг яхши болалар ва ўсмирлар ёзувчиси ҳисобланади.

<sup>263</sup> А.Адамович. “Война и деревня в современной литературе”. – Минск, 1982. – С.13.

олган барча ҳикояларда Эрон тоғ этакларида яшайдиган тоғли халқ ҳаёти жозибали лавхалар орқали тасвирланган. Байрамийнинг ҳикоялари мазмун жиҳатидан турли-тумандир. Унинг айрим ҳикоялари қаҳрамонлари содда кишлөк одамлари, тўпори мактаб ўкувчилари, ўсмирлар ва болалар. Масалан, “Йўқолган овоз”<sup>264</sup> ҳикояси маҳаллий халқда тарқалган ривоят асосида яратилган. Ҳикоя йўлбарс билан Мино исмли қизнинг ўртасидаги муҳаббат афсонасига асосланган, ҳазин, мунгли ҳикоя. Ўрмонда қизлар билан ўтин тергани борадиган қизга ваҳший йўлбарснинг ошиқ бўлиб қолиши, қизнинг ҳам бунга жавобан йўлбарсга меҳр бериши аслида бўлиши мумкин бўлмаган ҳодиса. Лекин адид бу муҳаббат афсонасини шундай ишонарли ва чиройли қилиб тасвирлаган.

М. Байрамийнинг “Флейта”<sup>265</sup> ҳикоясида флейтаси бўлишини жуда истаган, аммо бунга имкони бўлмаган бола ҳақида. Мазкур ҳикоя ахлоқий масалага бағишиланган. Ҳикояда талқин қилинган қаҳрамон бола образига ўхшаёт, унинг тақдирига ҳамоҳанг тафсилотлар адабиётда кўп учрайди. Масалан, ўзбек адабиётида Хайриддин Султоннинг “Олис “Артек” ҳақида хотиралар” ҳикояси қаҳрамони ҳам А.Байрамийнинг қаҳрамонига ўхшайди. У машхур “Артек” оромгоҳига боришини орзу қилиб яшайди. Ҳали ёш бола бўлишига қарамай, ҳар икки ҳикоя қаҳрамонлари вазиятта қараб иш кўрадилар. Ўзи орзу қилган флейтадан тараалган мунгли куйга маҳлиё бўлиб яшаш туйғуси, уни маромига етказиб чалиш орзуси болада отасизлик, йўқчилик, онасининг зўрга пул топиб оила тебратиши олдида армонга айланади. Буларни ўйлаганида флейта сотиб олиш ҳакидаги орзулари барбод бўлади. У янаги йил кўчманчи лўлилардан флейтани сотиб олиш орзуси билан яшайверади.

М.Байрамийнинг “Кор”<sup>266</sup> ҳикояси ҳам болалар ҳақида бўлиб, болалик даври, кишлөк ҳаётидан бир лавҳа. Ўз қишлоғида мактаб бўлмаган болалар қўшни катта қишлоқ мактабига қатнаб ўқийдилар. Қиши кунларининг бирида болалар йўлни қисқартириш учун текис йўлдан эмас, тоғли йўлдан кетишади. Кечкурун қайтаётгандарнида эса қор бўронига дуч келадилар. Ҳикояда беғубор болалик, болаларча тортишувлар, низолашишлар, жонли диалогларда акс этган бў-

<sup>264</sup> محمد رضا بایرامی. پاپیز صحراء. تهران 2008 ص 275

<sup>265</sup> همان کتاب. ص 291

<sup>266</sup> همان کتاب. ص 363

либ, бошғоя ҳар қандай оғир вазиятларда ҳам дұст учун ёрдам құлини құзиш, дүстликка садоқат күрсатылған иборат. Ҳикояда табиат, хусусан, тоғ манзараларига күп зәтибор берилген. Болалар бир-бирларини құллаб, ёрдамлашиб дүстлик намоён қиласылар.

“Мактабимизнинг оқ тераги”<sup>267</sup> ҳикояси эса мактаб үқувчилари ҳаётидан ҳикоя қиласы. Улар үқийдиган мактаб ҳовлисіда баланд оқ терек бўлиб, болаларнинг энғ севимли ўйин жойи унинг сояси бўлиб келган. Бироқ уни кесиб ташлаб ўрнига спорт майдончаси куришмоқчи. Болалар, айниқса, ҳикоячи-қаҳрамон буни истамайди ва аксарият синф болаларидан уни кесиб ташлашга қаршилик мазмунидаги ариза ва имзолар билан директорга мурожаат қиласы. Бу директорнинг газабини қўзғайди. Ҳикоя дараҳтнинг кесилиши ва катта юқ машинасига ортиб кетилиши билан тугайди. Бола ҳаётида бу биринчи алам туйғусини қўзгатувчи ҳаёт тажрибаси бўлади.

“Аср қаргалари”<sup>268</sup> ҳикояси бир гуруҳ болаларнинг тушдан кейин, аср пайтида қарға боласини тутиб олиб, уни қийнашлари, қаерданdir қаргалар тўдаси келиб болалар боши устида учеб-учиб, қийналган қарға боласини ўзлари билан парвоз сари олиб кетишлари тўғрисида.

Байрамийнинг бирор ҳикояси миллий колоритдан холи эмас. Тоғ этагида жойлашган қишлоқ манзаралари, қишлоқдаги кундалик меҳнат, мавсумий ишлар, тоғликларга хос бўлган соддалик, ўжарлик, мардлик, ростгўйлик, чапанилик каби хислатларни ўз асарлари гоясига сингдириб юборган. “Сахро кузи”, “Мактабимизнинг оқ тераги”, “Аср қаргалари”, “Флейта” ҳикояларида худди шу ҳолатларни, муҳитни, самимий инсонларни, уларнинг тақдир-ю ўзаро муносабатларини кузатиш мумкин.

Эронни, тоглик ҳалқининг кундалик турмуши ва характерини яхши билиши Байрамийга маҳаллий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини, қишлоқликларнинг миллий характерини очиб берувчи “Флейта”, “Сахро кузи”, “Қор”, “Милтик” ва бошқа шу каби ҳикоялар яратишида муҳим аҳамият касб этди.

М.Байрамий ҳикояларининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, ҳар бир ҳикоя биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинади ва уларни ўқир экансиз, гўё ҳикоя қилувчи қаҳрамон ёзув-

<sup>267</sup> محمد رضا بایرامی. پاییز صحراء تهران 2008 ص 381  
<sup>268</sup> همان کتاب. ص 317

чининг ўзидек тасаввур уйғотади. Адіб Асқад Мұхтор айтганидек: “Асар ёзувчидан униб чиқади; фарзандидай унда тугилади, улғаяди, камол топади; у фарзандини авайлайды, ҳимоя қиласы... Ёзувчи ўз шахси ва ўзгалар шахси билан бирикіб кетган – асар унинг субъекті”<sup>269</sup>.

Бизнингча, М.Байрамий ҳам ўзи түғилиб ўсган юрти – олис Ардабил, Саблон тоғи этагидаги ўз қишлоғи табиати, қишлоқ ҳаёти ва одамларини қаламга олган. Байрамий ҳаёти Эроннинг тоғли худудлари билан узвий боғлик. Айнан шу тоғ бағирларыда адіб ўз асарларига мос мавзуу ва сюжетларни қидириб топади. У ўз болалик хотираларини ёзған деб хисоблаймиз. Ҳатто, айрим ҳикоялар (“Аср қаргалари”, “Саҳро кузи”, “Флейта”) унинг автобиографик асарлари бўлиши ҳам мумкин. Чунки асосан тоғ ҳалқи ҳаёти, қишлоқ мавзусига кўп мурожаат этиши, айрим сиёсий-ижтимоий (инқиlob бўлиши, шоҳ тизимининг ағдарилиши) воқеалар айнан унинг болалик ва ўсмирилик даврларида содир бўлгани хисобга олинадиган бўлса, шундай хулоса чиқаришимизга сабаб бўлади.

Шу тарзда миллий ва маҳаллий колоритни ўз асарларида қўллаш дунё адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам кенг қўлланади. Адабиётшунос Ш.Р.Сопиева<sup>270</sup> “Хайриддин Султоннинг ҳикоянавислик маҳорати” номли тадқиқот ишида Мурод Мұхаммад Дўст, Эркин Аъзам ва Хайриддин Султонларнинг ижодларини киёсий таҳлил килиб, мазкур адаблар ҳикояларидаги миллий колорит масаласига алоҳида тўхталиб ўтган. Ш.Дониёрова<sup>271</sup> ҳам ўз тадқиқотининг бир бўлимини “Маҳаллий колорит ва қаҳрамонларнинг ўзига хослиги” деб номлаган.

Юқорида билдирилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки: болалар адабиёти Эрон адабиётининг узилмас қисми бўлиб, бу турдаги адабиётнинг ривожланиш босқичлари барқарор эмас. Болалар адабиётининг тарихи эса қадимий насрый ва назмий асарлар, болаларга хитоб тарзида ёзилган турли ахлоқий китоблар панднома, насиҳатномаларга бориб тақалади. Соғ болалар адабиёти намуналари маърифатпарварлик даврида вужудга кела

<sup>269</sup> Асқад Мұхтор. Уйқу кочганда... (Тундаликлар) // Тафаккур. – 1996. 1-сон. 33-б

<sup>270</sup> Сопиева Ш.Р. Хайриддин Султоннинг ҳикоянавислик маҳорати. –Т., 2006.

<sup>271</sup> Дониёрова Ш. Шукур Ҳолмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги, 39-59-б.

бошлаган. XX аср 20-йилларида Эрон болалар адабиётида кўпроқ маърифатпарварлик гоялари етакчилик қилса, 30–40-йилларда гида асосан анъанавий эртак, масал, матал, қиссалар ва афсоналарни болаларга мўлжаллаб қайта ёзиш, жаҳон адабиёти намуналари билан таржима орқали танишириш каби хусусиятлари кўпроқ кўзга ташланади. XX асрнинг 50–60-йилларида эса форс адабиётида болалар мавзусидаги ва болалар тилидан ҳикоя қилинган кўплаб асарлар ёзилди. XX аср охирги чораги насрчилигида болалар ва ўсмирлар адабиёти ниҳоятда ривожланиб кетди. Эрон болалар адабиёти тараққиётида 80-йиллар ўзгариш даври бўлди. Хусусан, бундай ривожланишда ҳикоянависликнинг ўрни улкан бўлди. Бир қатор болалар ва ўсмирлар мавзуси ва уларга мўлжаллаб ҳикоялар яратган ёзувчилар ўз асарлари билан ёш авлоднинг маънавий камолоти манфаатларига хизмат киладиган асарлар яратдилар. Ёзувчилар китобхон ёшини ҳисобга олган ҳолда, эзгулик ва ёвузлик кучларининг содда кўринишдаги зиддиятларига асосланган (“Булокчанинг сафари”), мураккаб ҳаётдаги мураккаб кишиларнинг рухиятини очишга асосланган (“Қарагайзорлардан нарида”, “Сулаймон шахрига сафар”, “Кор” ва бошқалар) воқеалари тезкор, қизиқарли, фантазияга, юморга, ҳаракатга бой ҳикоялар яратдилар. Болаларга бағишлиланган ҳикоялар биринчи шахс –“мен”-нинг тилидан баён қилиниш тамойили етакчилик қилди. Бу давр адибларининг болалар мавзусидаги ва болаларга мўлжаллаб ёзилган ҳикояларнинг ўзига хос муҳим жиҳатлари ҳамда мавзулар кўламини қуидаги жиҳатлар билан кўрсатишимиш мумкин:

1. Бола ва табиат мавзуси.
2. Оғир болалик мавзуси.
3. Дўстлик мавзуси.
4. Ўқиш, мактаб муаммолари мавзуси.
5. Қишлоқ болалари ва муҳит мавзуси.
6. Юмористик ҳикоялар ва бошқа мавзулар.

## ХУЛОСА

XX асрда эрон ҳикоянавислиги мураккаб йўлни босиб ўтди. Бу жараённинг илдизлари ўтган аср ибтиносида янги давр эрон адабиёти тамал тошини қўйган Мухаммад Али Жамолзода, Содик Ҳидоят, уларнинг анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилган Бўзўрг Алавий, Содик Чубак, Гуломхусайн Соэдий, Аҳмад Маҳмуд, Жамол Мирсадикий, Баҳром Содиқий, Ҳушанг Гулширий каби адиблар ижодига бориб тақалади.

Бугунги кун эрон насрчилиги майдонида қўплаб ёзувчилар қалам тебратиб, турли-туман услубларни қўллаб ўз ижодларини бошқалардан ажратиб туришга ҳаракат қилмоқдалар. Катта авлод вакиллари бўлмиш Исмоил Фасих, Аббос Маъруфий, Маҳмуд Давлатободий сингари йиллар мобайнида катта тажрибага эга бўлган бир қанча адиблар ўзларининг шоҳ асарларини яратмоқдалар. Баъзи ўз ижодий фаолиятларини инқилобдан кейин бошлаган адиблар ижоди ҳақида эса қатъий хulosаларга келиш фурсати этиб келганича йўқ. Зероки, улар ҳали ўз ижодий изланишларининг ярим йўлидадирлар ва ўзларининг адабий қиёфасини намоён этишга ҳали ултурганлари йўқ. Шундай бўлса-да, сўнгги йилларда самарали ижод этиб, адабий танқидчилар ва кенг китобхонлар эътиборига тушган, бизнинг таҳлилимизга тортилган баъзи адиблар номлари кўйидаги-ча: Фаридун Амузода Халилий, Важиҳе Али Акбари Сомоний, Мухаммадризо Байрамий, Розия Тужжор, Мухсин Парвиз, Мустафо Хиромон, Ҳусрав Бобохоний, Аҳмад Гуломий, Самира Аслонпур, Жаъфар Иброҳимий Наср, Зўйо Пирзод ва бошқалар.

Бугунги кун ижтимоий масалаларини янгича мазмунда ифодалаш ёзувчилар олдидаги вазифа бўлиб, улар олдига қўйилган бу вазифаларнинг уддасидан чиқиш учун тил ва бадиий санъат ютуқлари билан ёнма-ён қадам ташлаб келмоқдалар.

XIX аср охири – XX аср бошларида адабий жараёнлар ниҳоятда қизғин бўлиб, бу даврда адабий баҳс-мунозаралар эскилиқ ва янгилик ўртасидаги кураш ҳақида бўлди. Бу даврга келиб адабий танқидчилар ва назариётчилар ўз юртларида ҳали ҳам давом этиб келаётган мумтоз адабий асарлар анъаналарига танқидий ёндашиб, янги давр кишисининг фикру хаёлларини мумтоз шакллар билан баён этиб бўлмаслигини, энг яхши ва тўғри йўл янгича услугуб ва янги жанрда ижод қилиш эканлигини таъкидладилар.

Улар форс адабиёти ислохини янги адабий турлар, янги жанрларни күллашга боғлиқ деб билдилар ва бу соҳада самарали фаолият олиб бордилар.

Маърифатпарварлик даври адабиёти янги ҳикоя жанри форс адабиётига кириб келгунга қадар бўлган вақт оралигига мумтоз ҳамда шаклан ва мазмунан янги адабиёт ўргасида маълум маънода кўприк вазифасини ўтади. Маърифатпарварлик адабиёти халқ онгини ўсишига катта ёрдам берди. Бу адабиёт дикқат-эътиборини замоннинг муайян, аниқ муаммоларига – мамлакат қолоқлиги, ижтимоий муаммолар, халқ аҳволига қаратди. Бундан олдинги давр адабиётига хос бўлмаган тарзда ҳаётни бор камчиликлари билан тасвирлашнинг бундай усули форс маърифатчилиги адабиётини янги ҳодиса сифатида намоён этди. Эрон маърифатпарвар зиёллари ва маърифатчилик реализми асосчиларининг энг катта намояндалари Саид Жамолиддин Воиз Исфаҳоний, Зайналобидин Мароғай, Мирзо Малкумхон, Абдураҳим Толибов, Али Акбар Деххудо ва бошқалар эдилар. Маърифатчиларнинг эрон адабиёти равнақига кўшган энг катта ҳиссалари – асрлар мобайнида форс адабиётида ҳукм сурган таклидчилик ва шаклбозликини енгид ўтиб, тилнинг соддалиги ва оддийлигига эришишларида бўлди.

Замонавий форс адабиётида янги ҳикоя жанрининг қарор топишида бир томондан эрон ҳалқининг бой адабий мероси – минг йиллар мобайнида яратилган насрый жанрлар, ўрта асрлар адабиёти сюжетлари, образлари, иборалари муҳим омил бўлиб хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан Европа, Америка ва рус адабиётининг таъсири катта бўлди. XX асрнинг 20-йилларида форс адабиётига янги типдаги ҳикоя жанри кириб келди. Ҳикоя пайдо бўлганининг илк йилларида адиллар ва адабиётшунослар дикқатини тортмади. XX аср биринчи ярми форс реалистик ҳикоянавислигининг ўзига хос жиҳатлари сифатида унинг илк босқичларда маърифий хусусиятларга эга бўлганини кузатамиз. Ҳикоянавислик маърифатпарварлик реализми йўналишидан эса аста-секин танқидий реализм йўналишига ўтганлиги билан характерланади.

XX асрнинг биринчи ярмида М.Жамолзода, С.Хидоят, С.Чубак, Б.Алавий, Э.Табарий каби ёзувчилар ижод қилдилар. 50-йилларга келиб ҳикоя бадиий насрнинг энг етакчи шаклига айланганлигини ва воқеликнинг барча жиҳатлари – ҳаётни хилма-хил, турли-туман томонлари билан тасвир этишга қодир бўлганлиги билан характерланади.

Бу даврда кўп учрайдиган мавзулар: ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, эзилган эрон аёлининг дарди, оғир қисмати, эрон зиёлиларининг тақдири, деҳқончиликдаги оғир аҳвол, оддий хизматчиларнинг ҳаёти, ҳоким табақанинг зўравонлиги, уларнинг ёвуз мақсадга эришиш йўлидаги ёлғончилиги ва пораҳўрлиги каби масалалар бўлиб, ҳикоя қаҳрамонлари аввалгидек – оғир қисмат эгалари, ҳақ-хукуқсиз, қолоқ халқ вакиллари.

60–70-йилар Эронда ижтимоий сергакликнинг ошиши кузатилди. Шу билан бирга 60–70-йиллар мамлакат ҳаётида аҳоли миллий онгининг жуда тез суръатларда ўсиши билан ҳам характерланади. Бу ҳол ижтимоий фикр, маданият, айниқса, бадиий адабиётнинг ривожида яққол кўзга ташланди. Ўтмишдан қолган маданий меросни тиклаш, миллий манбалар, маънавий, диний қадриятларга бўлган қизиқиш янада кучайди. 70-йилларда ҳикоячилик жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган капитализмнинг зиддиятларини, гарблаштириш, гарб маданияти ва санъатига йўналтирилган оммавий маданиятнинг бир ёқламалигини ёритиб берди. Анъанавий ислом дини тасаввурлари билан мамлакат бошқарув шаклларининг тўқнашуви маънавий тартибсизликни келтириб чиқарди. Капитализмнинг ўзгарувчанлиги ислом дини билан мувофиқ келмас эди. Шу сабаб шоҳ ўзининг 60-йилларнинг бошларида ўтказган “оқ инқилоб”ида бир-бирини инкор қиласидиган ва қарама-қарши қонунларни умумлаштиришга бўлган ҳаракати муваффакиятсизликка учради. “Оқ инқилоб”нинг дастури юқоридан туриб Эрон жамиятини замонавий технологиялар дараҷасига ўтиш даврини юмшатиш, жамиятнинг барча қатламларини бир томондан тарихий мерос ва анъаналар умумийлиги гояси билан бирлаштириш, иккинчи томондан гарб таъсирида шаклланган “оммавий маданият” хусусиятларини бирлаштириб тарғиб-ташвиқ этишдан иборат эди. Бирок бу инқилоб дастури ўзига юклатилган вазифани бажара олмади ва жамиятда мавжуд қарама-қаршиликларни ошкор этиб инқилобий портлаш рўй берди.

Шундай мураккаб вазиятда, яъни ислом инқилоби етилиб келаётган даврда ижтимоий фикрнинг ривожига туртки сифатида адабиёт майдонига Жалол Оле-Аҳмаднинг **“Ғарбзинги”** (“Ғарбрастлик”) асари кириб келди ва эронликлар миллий онгининг ўсишида катта роль ўйнади. Оле-Аҳмад бор кучи билан Ғарбнинг Эронга руҳий-маънавий тажовузидан огоҳлантириди ва мустамла-

ка сиёсатини нафақат хўжалик борасида, балки маданият соҳасига зиён, ҳатто ҳалокат олиб келувчи таъсирини кўрсатиб берди.

Эрон ҳикоянавислигига янги мавзулар: шоҳ ҳукуматининг қулашига багишланган, инқилоб содир бўлиши, шоҳ давридаги ижтимоий ҳаётни кескин танқидга олиш, ватанпарварлик ва бошқа мавзулар ривожланди. Ватанпарварлик мавзуси икки йўналишда: а) Эрон–Ироқ уруши мавзуси, унда кўрсатилган қаҳрамонликлар, уруш тафсилотлари; б) уруш оқибатларининг эронликлар ҳаётига таъсири атрофида ривожланди; Эронда яшовчи кўчманчи ҳалқлар ҳаёти мавзуси кўп учрайдиган, янги мавзуларга айланди. Ўзидан олдинги давр эрон ҳикояларига хос бўлган ижтимоий сюжетли, фалсафий тагмаъноли, аёллар тақдир, оиласи муносабатлар, болалар ва ўсмирлар олами, севги ва эътиқод, майший чизгиларга бағишлиланган, хуллас умуминсоний қадриятлар, эронликларнинг бугунги кун ҳаёти ўзининг бутун хилма-хиллиги билан намоён бўлган мавзулар кўлами инқилобдан кейинги давр ҳикоянавислигига ҳам ўз аксини топди. Бироқ уларга исломий рух кириб борди ва улар ўзгача тус олди. Адабиёт майдонига “инқилоб даври ёзувчилари” номини олган янги адаблар (М.Саршор, М.Парвиз, М.Хиромон, Х.Бобохоний, А.Ғуломий, Р.Тужкор, М.Байрамий ва бошқалар) авлоди кириб келди.

Инқилобдан кейин адабиёт майдонига аёл ёзувчиларнинг янги авлоди кириб келди, аёл ижоди ва аёл образи янгича талқин этила бошлади. 80-йиллардан кейин ижод эта бошлаган аёл ёзувчилар доирасига Маниже Жонқули, Самира Аслонпур, Захро Завориён, Важиҳе Али Акбарий Сомоний, Розия Тужкор каби истеъоддли адабалар ислом инқилобидан олдин ижодий фаолиятларини бошлаган адабаларнинг анъаналарини давом эттириб, аёл ижодиётини янада бойитдилар. Уларнинг ҳикоялари учун кундалик ҳаётдаги оддий ҳодиса, оддий аёлнинг одатий ҳаёти мавзу бўлиб, қаҳрамоннинг қалбига чуқуррок кириш, кўнгил кечинмаларини теранроқ ифода этишни мақсад қилиб белгиладилар. Бу ҳолат исломий жамиятдаги аёлнинг мавқеи ҳақида шаклланган тасаввур ва тушунчаларга зид келса ҳам ҳақиқий адабий ҳодиса сифатида рўй берди.

Замонавий эрон адабиётида аёл кўнглини тўла англашда, қалби тубига этиб бориша, унинг барча сир-асрорларини кашф этишда таникли адаби Розия Тужкор ижоди алоҳида ажралиб

турди. Унинг ҳикояларида аёл образи борасида янгича талқин кузатилади, яъни унинг ҳикояларида аньнавий мазлума шарқ аёли эмас, балки зиёли, ўз овози ва эркига эга аёл образи тасвирланди. Р.Тужжор ҳикояларида шоирона услубни қўллайди. Унинг ҳикояларига хос хусусиятлардан бири маҳзунлик кайфиятининг устунлигидир. Р. Тужжорнинг ҳикоялари воқеаларга бой эмас, балки ушбу ҳикоялар инсоннинг, айниқса, аёлларнинг ички дунёсига қилинган сафарнинг баёнидан иборатдир.

XX асрнинг охирги чорагида ҳикоянавислик ривожи жадал суръатлар билан ўсади. Бу ҳолат ёзувчилар ижодида анъаналар ва қадриятларга хос тарзда ижод этиш, ҳикояларнинг нафакат сони, балки мавзу доираси ҳам кенгайгани, энг муҳими, бадиий-поэтик жиҳатдан такомиллашиб борганида намоён бўлди. XX асрнинг 80–90-йилларида замонавий адиллар томонидан реалистик метод билан бир қаторда модернистик методнинг кенг қўлланилиши кузатила бошланди.

XXI аср арафалари ва бошига келиб субъективликнинг кучайиши, ҳаётий тажрибаларни ёзиш замонавий Эрон адабиётининг яққол намоён бўлиб турувчи жиҳатларидан бири бўлиб қолди. Бу даврга келиб ҳикоянавислик ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгаришларга учради. Шакл жиҳатидан ҳикоянинг жуда қиска “дастанк” шакли оммалашди. Мазмунан эса, асотирлаштирилган ҳикоялар сони ортиб борди.

60-йиллардан бошлаб эрон адабиётига ўз таъсирини ўтказа бошлаган модернистик тамойиллар (Сартр, Камю, Роллан, рус адабиёти), 90-йиллар охiri ва XXI аср бошларига келиб сюрреалистик ҳамда магик реализм услубида ҳикоя яратиш технологияси кенг ишлатилди.

Форс адабиётининг ажралмас қисми ҳисобланган муҳожирлик адабиёти ҳам равнак топди. Баъзи бир муҳожирликдаги форс адабиёти намояндаларининг асарлари миллийликдан холи, маҳаллий колорит тасвири баён этилмаган бўлса, айримларининг ижодида аксинча, ватан согинчи, миллий колорит ўзининг бор жилолари билан уфуриб турди.

Бу давр янги ижтимоий-маданий воқелик даври бўлиб, миллий-маданий меросни, ахлокий ва диний қадриятларнинг тикла ниши болалар адабиёти намояндалари ижодига ҳам сезиларли таъсир қилди, ислом инқилобидан кейин асл исломий қадрият-

ларга асосланиш уларнинг асарларида етакчи ўрин эгаллай бошлиса, XXI аср арафасига келиб бу қадриятлар умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашиб кетди.

Инқилобдан кейинги давр насрчилигига болалар ва ўсмиirlар мавзусидаги ҳикоялар ниҳоятда ривожланиб кетди. Бир қатор болалар ва ўсмиirlарга мўлжаллаб ҳикоялар яратадиган ёзувчилар ўз асарлари билан ёш авлоднинг маънавий камолоти манфаатларига хизмат қиласиган асарлар яратдилар.

Хозирги замон эрон ҳикоялари қизиқарли воқеалар тасвиридан кўра, кўпроқ инсон руҳиятининг бадиий ифодасини кўрсатишга, объектив оламни ҳиссий тасвиirlар орқали ифодалашга йўналтирилганлиги билан характерланади. Ҳикояларда психологик ҳолат, ташқи муҳитда ўз дардини эслаш, қалб кечинмалари, руҳий товланишлар кўпроқ ифода этилмоқда. Ҳатто ҳикояларнинг номланиши ҳам қаҳрамон руҳий ҳолатини очишга хизмат қилмоқда. Бугунги кунга келиб шахс мураккаб характер, мураккаб ички дунё эгаси сифатида тасвирланмоқда. Бу тамойил ҳозирги замон эрон ҳикоянавислигининг ҳам бош йўналишига айланиб бормоқда. Ҳикояларда инсон ҳаёти ва тақдирни ўтмиш, бугун ва келажак муаммолари билан боғлиқликда тасвирланмоқда. Эрон ҳикоянавислиги ўзгариб, ривожланиб, сайқалланиб бормоқда.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## Манбалар

1. فریدون عموزاده خلیلی. سفرچشمہ کوچک. تهران 2008.
2. محمد رضا پایرامی. پاییز صحراء. تهران 2008.
3. وجیهه علی اکبری سامانی. تورا من چشم در راهم. (مجموعه داستان) تهران 2008.
4. راضیه تجار. هم سبب هم ستاره. تهران 2007/1386.
5. فیروز زنوزی جلالی. ساعت لعنتی. تهران. س 2007.
6. 2006 زویا پیرزاد. سه کتاب. تهران. 2006.
7. ها ی بہرنگ، متن کامل، تهران 2005.
8. Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том I, II. – СПб., 2010.
9. Содик Ҳидоят. Эрини йўқотган хотин. Ҳикоялар. –Т., 2006
10. (مجموعه داستانهای کوتاه از نویسندهای ایران. تاشکند 2008 ҳикояларидан намуналар. –Т., 2008)
11. سید محمد علی جمال زاده. یکی بود و یکی نبود. تهران. 1333 جاپ پنجم.
12. (محمد قاسمزاده. داستان نویسان معاصر ایران. تهران 2004) Мухаммад Қосимзода. Замонавий Эрон ёзувчилари. –Техрон., 2004)
13. Булукчанинг сафари. Ҳикоялар. Форс тилидан Шокиржон Олимов таржимаси. –Т., 2010.

## Ўзбек тилида

14. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. –Т., 2009.
15. Сотиболдиева С.Р. XX аср Эрон насри. –Т., 2006.; Эрон романнинг ўрганилиши // Сино, 2006, Ёз, 22-сон, 42–45-б.; Ислом инқилобидан кейин эрон романлари тематикаси ҳақида // ФДУ Хабарлар, 3/2008, 55–58-б.; Ислом инқилобига қадар Эронда тарихий романчилик // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Наманган–2009, 198–200-б.; Ислом инқилобидан кейин Эрондаги адабий жараёнлар // Эрон–Афғон филологиясининг долзарб муаммолари, –Т., 2009; Ислом инқилобига қадар эрон романчилиги тараққиётининг асосий хусусиятлари // “Шарқшунослик”, 2011й. 2-сон, 56–62-б.; Эрон романчилигига аёллар мавзуси // Шарқ машъали,

- 1/2009, 53-59-б.; Мұхажирлиқдаги әронлик ёзувчиларнинг ижодий фаолиятига доир // Илмий хабарнома. 3/2013, 63–66-б; Ёзувчи услубининг шаклланишида таржима адабиётининг ўрни масаласига оид бালы мұлоҳазалар. // Бадий таржима ва адабий алоқалар. Самарқанд—2014. 34–37-б.
16. *Гуломризо Муродий Савмаъсрои* “Эрон ҳикоянавислиги тарихига бир назар”//Сино, 2011 й. 41–42-сонлар. 65-б.
  17. *М.И момназаров.* X–XV асрлар. Форс мұмтоз шеърияты (Даврлаштириш муаммолари. Адабиёттинг мустақил маънавий моҳиятининг шаклланиши). –Т., 2013.
  18. *Муҳаммадризо Рўзбек.* Ҳозирги замон эрон шеърияти: “Янги шеър”нинг тарихий таҳлили. Сино, 2009 йил. Ёз,Куз,Қишлоғи, 34–35–36. 47-б.; Ҳозирги замон эрон адабиёти. –Т., 2012.
  19. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Т., 2005.
  20. *Д.Қурунов, З.Мамажонов, М.Шералиева.* Адабиётшунослик лугати. –Т., 2010.
  21. *Холмирзаев Ш.* Муаммолар муаммоси–одам// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1986йил, 26 дек.
  22. Адабий турлар ва жанрлар. I том. –Т., 1991.
  23. *Абдулла Қодирий.* Кичик асарлар. –Т., 1969.
  24. *A.Расулов.* Бадийлик безавол янгилик. –Т., 2007.
  25. *Абу Ҳомид Газзолий.* Ӯлимни эслаш китоби. –Т., 2004.
  26. *Д.З.Муҳиддинова.* Жўрж Салим ҳикояларида бадий тафаккур эволюцияси. –Т., 2008.
  27. *М. Султонова.* Пейзаж санъати. –Т., 1983.
  28. *Г. Имомова.* Рухий изтироблар. –Т.: “Ёзувчи”, 1992.
  29. *Ш.Аҳмедова.* Юмор жилолари. –Т., 1998.
  30. *С.Тошканов.* Сатира санъати. –Т.,1984.
  31. *Асқад Мұхтор.* Уйқу қочганды...(Тундаликлар) // Тафаккур.– 1996, 1-сон.
  32. *Ш.Р.Сопиева.* Хайриддин Султоннинг ҳикоянавислик маҳорати. –Т., 2006.
  33. *Ш. Дониёрова.* Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадий-услубий ўзига хослиги. –Т., 2000.
  34. *Г.Н.Тавалдиева* Шукур Холмирзаев ҳикояларида вокеликни бадий идрок этиш принциплари. –Т., 2001.

## Форс тилида

35. (*Мирзо Жалолиддин Ҳұмойи Исфаҳоний*. Эрон адабиёті тарихи. آقا میرزا جلال الدین همایی اصفهانی. تاریخ ادبیات ایران. تبریز. (1930) /1309
36. (*Саид Нафисий*. Эрон адабиётининг мухтасар тарихи. Форс سعید نقیسی. مختصری ادبیات ایران. سالنامه رسمی مملکتی پارس. 1311 -1332
37. (*Саид Нафисий*. Замонавий форс насрининг шоҳ асарлари. سعید نقیسی. شاهکارهای نثر فارسی معاصر. تهران. 1953.)/1332.
38. (*Мұхаммад Тақи Малик уш-шуаро Баҳор*. Стилистика. Форс بھار محمد تقی ملک (الشعراء). سبکشناسی. تاریخ تطور نثر فارسی. تهران. 1319/1339
39. (*Рашид Ёсемий*. Замонавий адабиёт. تهران، 1937.). رشید یاسمی. ادبیات معاصر. تهران 1316
40. (*Мұхаммад Ҳұқықий*. Эрон адабиёті тарихи ва замонавий адабиётіга бир назар. تهران 1998.) حقوقی محمد، مروری بر تاریخ ادب و ادبیات امروز ایران ، ۱، نشر. تهران 1377
41. (*Ҳасан Миробидиний*. Эрон насрчилигининг юз йили. 1-2- حسن میر عابدینی. صد سال داتان نویسی ایران. جلد اول و دوم با تجدید نظر کلی . تهران 1383
42. (*Жамол Мирсадиқий*. Насрий адабиёт. Қисса. Роман. Ҳикоя جمال میر صادقی. ادبیات داستانی. قصہ۔ رمان. داستان کوتاه، رمان. تهران. 1376
43. (*Доктор Ҳамид Абдуллоҳиён*. Замонавий наср солномаси. دکتر حمید عبد الالهیان. کارنامه نثر معاصر. تهران. 2000.) 2000
44. عوفی محمد. جوامع الحکایات و لوامع الروایات با محمد معین. تهران. 1336
45. نادرپور نادر. شعر انگور. تهران 1955
46. عقاید و افکار در باره صادق هدایت پس از مرگ. تهران 1953
47. احمد کسری. تاریخ مشروطه ایران. تهران. 1946
48. "اندوه بی پایان" فریدون تنکبانی. تهران.
49. صادق هدایت. پروین دختر ساسان به همراه اسفهان نصف جهان. تهران 1954
50. علی دشتی. آینده ادبیات ایران. اطلاعات ماهانه №5 c.3 1334/1955,
51. جلال ال احمد. غربیدگی. تهران 1962
52. اطلاعات. 11.09.1980

53. حورا یاوری در دانشنامه ایرانیکا(ادبیات داستانی در ایران زمین، ترجمه پیمان متین، امیر کبیر، ۱۳۸۲
54. اسدالله سیفی، «چاپ و نشر ایرانیان در خارج از کشور». «نگاه نو، ش ۳۳، ۱۳۷۸ زمستان

### Рус тилида

55. Литература Востока в новейшее время. Издательство Московского Университета, 1977.
56. Ходжимурадов О.Х. Поэтика современной персидской психологической прозы: 30-70-е годы XX века. –Душанбе, 2008.
57. Бертельс Е.Э. Очерки истории персидской литературы. –Л., 1928; его же. Предисловие к сб.: Рассказы персидских писателей. –М., 1955.
58. Чайкин К Краткий очерк новейшей персидской литературы. –М., 1928.
59. Розенфельд А.О художественной прозе в персидской литературы XX века//Вестник ЛГУ.–1949.-№5. её же Новелла – ведущий жанр современной персидской прозы // В ту ночь, когда шёл снег. –М., 1964; её же. «Новые люди» в современной персидской прозе// Уч. зап.; Ленингр. госун.-№374. Серия вост. наук. – Вып №17.
60. Комиссаров Д.С. Очерки современной персидской прозы. – М., 1960; его же: О некоторых особенностях развития основных жанров современной персидской литературы (доклады делигации СССР на XXV Международном конгрессе востоковедов). –М., 1960.; его же: Персидская литература. Краткий очерк. Издательство восточной литературы. –М., 1963. его же: Пути развития новой и новейшей персидской литературы. – М., 1982.
61. Комиссаров Д.С., Розенфельд А.З. Садек Хедаят, –М., 1958.
62. Шойтов А. Современный персидский юмор // Забавные рассказы. – М., 1958.
63. Короглы Х. Краткий обзор современной персидской прозы. – М., 1958.
64. Османова З. Предисл. к сб. «Плод несчастья» (Современная персидская новелла). – М., 1960.
65. История персидской и таджикской литературы. – М., 1970.
66. Левковская Р. Литература Востока в новейшее время. –М., 1977. Её же: За нарядным фасадом // Современная иранская новелла 60–70-е годы. –М., 1980.

67. *Левковская Р.Никитина В.* Литература Ирана. –Кн.: Литература Востока в новое время. –М., 1980.
68. *Ромасевич А.* “Восток”. Кн.2. М. – Пг., 1923.
69. *Шехоян Л.Г.* Становление жанра новеллы в современной персидской литературе (1920-1950гг.): Автореф.дис. канд. – М., 1967.
70. *Л.С.Гиунашвили.* Проблемы становления и развития реализма в современной персидской прозе. –Тб., 1985.
71. *Кляшторина В.Б.* Иран 60–80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – М., 1990.; её же: Предис. к сб. «Сквозь пелену тумана». – М., 1974.; её же: Литература // Современный Иран (справочник). –М., 1975.
72. *Дорри Д.Х.* Становление и развитие современной персидской художественной прозы Ирана, ее жанровые и стилистические особенности. –СПб., 2000. Его же: Старейшина иранских писателей (о творчестве С.М.Джамаль-заде) // Иран (сб. ст.). –М., 1971; его же: Сатира Садека Чубака // Народы Азии и Африки.-1975.-№5; его же: Хосроу Шахани – сатирик и юморист // Иран. Экономика. История. Историография. Литература (Сб. статей). –М., 1976; его же: Персидская сатирическая проза. – М., 1977; его же: Основные тенденции развития иранской реалистической прозы (вторая половина 60-х – 70-егоды) // Литература стран зарубежного Востоко 70-х годов. –М., 1982.; его же: Мохаммад Али Джамальзаде. –М., 1983; его же: Проза середины 60-х – 70-х годов. В книге: История персидской литературы XIX–XX веков. –М.: «Восточная литература» РАН, 1999. –С.417-420; его же: Персидская литература XX века. – М.: «Муравей», 2005.
73. *Хазраткулов Д.Э.* Художественная проза Голамхосейна Саэди. –М., 1977.
74. *Болдырев А.Н.* Зайнаддин Васифи. –Сталинабад, 1957.
75. *Ю.Н.Марр., К.И.Чайкин.* Письма о персидской литературе. – Тбилиси, 1976.
76. *Агаев С.Л.* Иран в прошлом и настоящем. – М., 1981.
77. Восток. Рубеж 80-х годов. Освободившиеся страны в современном мире. Главная редакция восточной литературы. – М., 1983.
78. *Белокурова С.П.* Словарь литературоведческих терминов. – СПб., 2006.

79. *A.Адамович*. Война и деревня в современной литературе. – Минск, 1982.

### **Бошқа хорижий тилларда**

80. *Brown E.G.* The press and poetry of Modern Persia. Cambridge, 1914; *Brown E.G.* A Literary History of Persia. Cambridge, 1951-1953. A Literary History of Persia: Four Volume Set (Classics of Persian Literature, 4) Hardcover – June 1, 1997.
81. *Michael Hillmann*. Women's Autobiographies in Contemporary Iran. Printed in the USA. 1990.
82. *Brockelmann C.* Makama.–“Enzyklopaedie des Islam”, t.III.
83. *Жомий Абдураҳмон*. Баҳористон. –Душанбе: “Ирфон”, 1966.

### **Интернет сайтларида**

84. naatashamoharramzadeh.persianblog.ir/...
85. fa.wikipedia.org/wiki/
86. [http://www.sarshar.org/archives/critics/post\\_836.html](http://www.sarshar.org/archives/critics/post_836.html)  
روزنامه ایران، ( )
87. <http://www.magiran.com/npview.asp?ID=1398510>  
شماره 3630 به تاریخ 86/2/16، صفحه 17 (فرهنگ و هنر)
88. [www.hawzah.net/fa/Magazine/View/3992/.../24456](http://www.hawzah.net/fa/Magazine/View/3992/.../24456)
89. <http://bookfriend.blogfa.com/post-2413.aspx>

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ФОРС АДАБИЁТИДА ҲИКОЯ ЖАНРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА ДАВРИЙ БОСҚИЧЛАРИ</b>	
1.1. Эронда янги ҳикоя жанрининг вужудга келиши ва шаклланиш омиллари .....	9
1.2. XX аср биринчи ярмида форс реалистик ҳикоячилигининг хусусиятлари .....	25
1.3. XX аср 50 – 70-йиллари эрон ҳикоянавислари ижодида жанр динамикаси .....	39
<b>II БОБ. XX АСР ОХИРГИ ЧОРАГИДА ҲИКОЯНавислик Ривожи</b>	
2.1. 80-йиллар янги эрон адабиётида бадий онг трансформацияси ва унинг асосий тамойиллари .....	55
2.2. Замонавий эрон ҳикоячилигига мавзулар кўлами ва уларнинг ғоявий-эстетик моҳияти .....	60
2.3. Ҳозирги замон эрон ҳикоячилигига аёл образи тасвири .....	79
<b>III БОБ. XXI АСР АРАФАСИ ВА БОШИДА ЗАМОНАВИЙ ЭРОН ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ</b>	
3.1. Эрон ҳикоячилигига янги бадий-эстетик хусусиятлар ва мазмуний-шаклий ўзгаришлар .....	107
3.2. Ҳозирги замон эрон ҳикоянавислигига модернистик тамойиллар .....	117
3.3. Муҳожирликдаги форс ҳикоянавислигига миллий ва умуминсоний қадриятлар .....	131

## **IV БОБ. ЭРОН ҲИКОЯНАВИСЛИГИДА БОЛАЛАР МАВЗУСИ**

<b>4.1. Болалар мавзусидаги адабиётнинг</b>	
ривожланиш босқичлари .....	148
<b>4.2. Болалар мавзусидаги ҳикояларнинг</b>	
ғоя ва образлари.....	151
<b>ХУЛОСА .....</b>	186

<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА</b>	
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	192

**Илмий-адабий нашр**

**Ойдин Турдиева**

**ХОЗИРГИ ЗАМОН ЭРОН ҲИКОЯЧИЛИГИ**

**МОНОГРАФИЯ**

“Sharq” нашриёт-матбаа  
Акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2015

Мухаррир: Вафо Файзуллоҳ  
Бадиӣ мухаррир: Феруза Башарова  
Техник мухаррир: Ръяно Бобохонова  
Мусахихлар: Ҳуррамова Ш, Аллаева С.

**Нашр лицензияси АI № 201, 28.08.2011 йил.**

Теришга берилди 01.12.2015. Босишга рұксат  
этілді 21.12.2015. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$  “PT Serif”  
гарнитураси. Оффсет босма. Шартли босма табоги 10,71.  
Нашриёт-хисоб табоги 10,34. Адади 100 нұсха  
Буюртма № 4092. Баҳоси шартнома асосида.

**“Sharq” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турун кӯчаси, 41.**